



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLYI VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM VAZIRINING
BUYRUG‘I

2021-yil 22 - oktabr

443 -son

Toshkent sh.

Oliy va o‘rta maxsus ta‘lim vazirligida
Komplayens nazorat tizimini joriy etish
va korrupsiyaga qarshi kurashishni
takomillashtirish to‘g‘risida

ISO 37001:2016 “Korrupsiyaga qarshi kurashish menejment tizimlari - foydalanish bo‘yicha xalqaro talablar va tavsiyalar” xalqaro standart talablari va tavsiyalarini inobatga olgan holda, Oliy va o‘rta maxsus ta‘lim vazirligi tizimida korrupsiyaga qarshi komplayens nazoratni joriy etish maqsadida

BUYURAMAN:

1. Quyidagilar:

“O‘zbekiston Respublikasi Oliy va o‘rta maxsus ta‘lim vazirligi tizimida maqsadli antikorrupsiyon tizimni joriy etish bo‘yicha chora-tadbirlar Yo‘l xaritasi” 1-ilovaga;

“O‘zbekiston Respublikasi Oliy va o‘rta maxsus ta‘lim vazirligi tizimida korrupsiyaga qarshi kurashish prinsiplari va talablariga rioya etilishini monitoring va nazorat qilish uslubiyoti” 2-ilovaga;

“O‘zbekiston Respublikasi Oliy va o‘rta maxsus ta‘lim vazirligi tizimi xodimlarining korrupsiya harakatlarini amalga oshirishi va o‘dod-axloq qoidalarini buzishiga nisbatan xizmat tekshiruvlarini o‘tkazish reglamenti” 3-ilovaga;

“Oliy va o‘rta maxsus ta‘lim vazirligida korrupsiyaga qarshi kurash sohasidagi muhim samaradorlik ko‘rsatkichlari” 4-ilovaga;

“O‘zbekiston Respublikasi Oliy va o‘rta maxsus ta‘lim vazirligi tizimi xodimlarini o‘dod-axloq va korrupsiyaga qarshi kurashish borasida o‘qitishni tashkil etish bo‘yicha uslubiy ko‘rsatmalar” 5-ilovaga;

“O‘zbekiston Respublikasi Oliy va o‘rta maxsus ta‘lim vazirligi tizimiga ishga qabul qilinayotgan nomzodlarni tekshirish bo‘yicha yo‘riqnoma” 6-ilovaga;

“O‘zbekiston Respublikasi Oliy va o‘rta maxsus ta‘lim vazirligi tizimida kontragentlarni tekshirish bo‘yicha yo‘riqnoma” 7-ilovaga;

“O‘zbekiston Respublikasi Oliy va o‘rta maxsus ta‘lim vazirligida korrupsiyaga qarshi kurash tizimining holati to‘g‘risidagi hisobotni shakllantirish va taqdim etish bo‘yicha nizom” 8-ilovaga;

“O‘zbekiston Respublikasi Oliy va o‘rta maxsus ta‘lim vazirligining Komplayens nazorat va korrupsiyaga qarshi kurashish bo‘limi to‘g‘risidagi nizom” 9-ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Belgilansinki, mazkur buyruq bilan tasdiqlangan hujjatlar:

Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi markaziy apparatining barcha boshqarma va bo'limlari, vazirlik huzuridagi tashkilotlar, kasbiy ta'limni rivojlantirish va muvofiqlashtirish hududiy boshqarmalari, vazirlik tizimidagi oliy va o'rta-maxsus, professional ta'lim muassasalari uchun majburiy hisoblanadi;

respublika hududida joylashgan xorijiy oliy ta'lim muassasalari va ularning filiallari, boshqa vazirlik va idoralar tasarrufidagi oliy va o'rta-maxsus, professional ta'lim muassasalari hamda nodavlat oliy ta'lim muassasalari uchun tavsiyaviy xarakterga ega.

3. Joriy yilning 26-27-oktabr kunlari BMTning Taraqqiyot dasturi hamda KPMG xalqaro auditorlik kompaniyasi mutaxassislari ishtirokida "O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligida korrupsiyaga qarshi kurashish va manfaatlar to'qnashuvini boshqarish" mavzusida seminar-trening o'tkazilsin.

Mazkur seminar-trening vazirlikda komplayens nazorat tizimini joriy etishga qaratilgan normativ-huquqiy hujjatlarning mazmun-mohiyatini tushuntirish maqsadida tashkil qilinganligi inobatga olinsin.

4. Seminar-trening:

26-oktabr kuni soat 15⁰⁰-18⁰⁰gacha Markaziy apparatning barcha xodimlari uchun vazirlikning katta majlislar zalida offlayn ko'rinishda;

27-oktabr kuni soat 15⁰⁰-18⁰⁰gacha vazirlik huzuridagi tashkilotlar rahbarlari, oliy ta'lim muassasalari rektorlari va filiallar direktorlari, Korrupsiyaga qarshi komplayens nazorat tizimini boshqarish bo'limi boshliqlari, Kasbiy ta'limni rivojlantirish va muvofiqlashtirish hududiy boshqarmalari rahbarlari hamda korrupsiyaga qarshi kurashish bo'yicha mas'ul shaxslar uchun Zoom platformasida onlayn o'tkazilsin.

5. Tashkiliy-kadrlar boshqarmasi (Q.Abduraximov) vazirlik markaziy apparatining barcha xodimlarini ushbu seminar-treningda ishtirok etishini ta'minlasin.

6. Ishlar boshqarmasi (M.Toshev)ga seminar-treningni o'tkazish bilan bog'liq tashkiliy masalalarni hal qilish vazifasi topshirilsin.

7. Vazirlik tizimidagi oliy ta'lim muassasalari (filiallari) rektor(direktor)lari, idoraviy mansub tashkilotlar hamda hududiy boshqarmalar boshliqlari mazkur buyruq bilan tasdiqlangan hujjatlar asosida o'z xususiyatlaridan kelib chiqqan holda ichki hujjatlarini ishlab chiqsin hamda ushbu hujjatlarning mazmun-mohiyati haqida rahbar-xodimlar, professor-o'qituvchilar hamda talaba-yoshlarga tushuntirish ishlarini tashkil etsin.

8. Vazirlikning 2021-yil 26-apreldagi "Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi markaziy apparatining bo'linmalari nizomlari va xodimlarning funksional vazifalarini tasdiqlash to'g'risida"gi 197-sonli buyrug'ining 22-ilovasi o'z kuchini yo'qotgan deb hisoblansin.

9. Mazkur buyruq ijrosi nazoratini o'z zimnamda qoldiraman.

Vazir



A. Toshkulov



Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлигининг
№ 443 - сон буйруғига
илова

10 2021 йил

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида мақсадли антикоррупцион тизимни жорий этиш бўйича Йўл харитаси

№ т/р	Тадбир	Бажариш муддатлари	Жорий этиш учун масъул ташкилотлар	Жорий этиш учун масъул ходимлар	Вазир ўринбосарининг 09.10.2020 йилдаги № 87-03-3800-сонли хати билан тасдиқланган режадаги тадбир рақами, (азер.мавжуд бўлса) / КРМГ ҳисоботидаги тавсия рақами 18.09.2020 йил
1. Ички ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш - КРМГ вазирлик билан ҳамкорликла					
1	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизими ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларининг янги таҳририни тайёрлаш ва жорий этиш.	2021 йил ноябрь (ишлаб чиқиш) 2021 йил декабрь (жорий этиш)	КРМГ (лойиҳани ишлаб чиқариш бўйича), Вазирлик (жорий этиш бўйича)	Қ.Абдурахимов, ОТМлар масъул ходимлари	1.3.3 / Е 1.2
2	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимда манфаатлар тўқнашувини олдини олиш қоидаларини жорий этиш.	2021 йил ноябрь (жорий этиш)	КРМГ (лойиҳани ишлаб чиқариш бўйича), Вазирлик (жорий этиш бўйича)	Ҳ.Абдурахмонов, ОТМлар масъул ходимлари	1.3.5 / Е 1.3
3	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимда харид қилиш фаолияти (Due diligence) доирасида ишгиросқилар/ контрагентларни текшириш бўйича Йўриқномани ишлаб чиқиш ва жорий этиш.	2021 йил октябрь (ишлаб чиқиш) 2021 йил декабрь (жорий этиш)	КРМГ (лойиҳани ишлаб чиқариш бўйича), Вазирлик (жорий этиш бўйича)	Ҳ.Абдурахмонов, ОТМлар масъул ходимлари	н/п / М 2.2
4	Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими тўғрисидаги Низомнинг янги таҳририни тайёрлаш.	2021 йил октябрь (ишлаб чиқиш) 2021 йил декабрь (жорий этиш)	КРМГ (лойиҳа ишлаб чиқиш бўйича), Вазирлик (жорий этиш бўйича)	Ҳ.Абдурахмонов	н/п / Е 4.1, Е 4.2, Е 6.5

5	Коррупцияга қарши курашиш тизими фаолияти самардорлигининг мақсадли кўрсаткичларини (КПЭ) ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.	2021 йил октябрь (ишлаб чиқиш) 2021 йил декабрь (жорий этиш)	КРМГ (лойиҳа ишлаб чиқиш бўйича), Вазирлик (жорий этиш бўйича)	Ҳ.Абдурахмонов, ОТМлар масъул ходимлари	н/п / Е 6.1
6	Олий ва ўрта махус таълим вазирлиги тизимида коррупциявий хавфларини баҳолашнинг Регламентини (Методикасини) амалга ошириш.	2021 йил декабрь (жорий этиш)	КРМГ (лойиҳа ишлаб чиқиш бўйича), Вазирлик (жорий этиш бўйича)	Ҳ.Абдурахмонов, ОТМлар масъул ходимлари	н/п / Е 3.1, Е 3.2
7	Олий ва ўрта махус таълим вазирлиги тизимида коррупцияга қарши кураш жараёнини мониторинг қилиб бориш тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.	2021 йил октябрь (ишлаб чиқиш) 2021 йил декабрь (жорий этиш)	КРМГ (лойиҳа ишлаб чиқиш бўйича), Вазирлик (жорий этиш бўйича)	Ҳ.Абдурахмонов, ОТМлар масъул ходимлари	1.3, 1.6, 1.4.4 / Е 6.2, Е 6.3
8	Олий ва ўрта махус таълим вазирлиги тизимида коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати тўғрисида ҳисобот бериш Регламентини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.	2021 йил октябрь (ишлаб чиқиш) 2021 йил декабрь (жорий этиш)	КРМГ (лойиҳа ишлаб чиқиш бўйича), Вазирлик (жорий этиш бўйича)	Ҳ.Абдурахмонов, ОТМлар масъул ходимлари	1.6 / Е 6.4
9	Вазирлик тизими ходимлари томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузишга қарши хизмат текширувларини ўтказиш бўйича Регламентни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.	2021 йил октябрь (ишлаб чиқиш) 2021 йил декабрь (жорий этиш)	КРМГ (лойиҳа ишлаб чиқиш бўйича), Вазирлик (жорий этиш бўйича)	Ҳ.Абдурахмонов, ОТМлар масъул ходимлари	н/п / Е 7.1, Е 7.2
10	Олий ва ўрта махус таълим вазирлиги тизимида ишлаш учун ариза берган номзодларни текшириш бўйича Йўриқномани ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.	2021 йил октябрь (ишлаб чиқиш) 2021 йил декабрь (жорий этиш)	КРМГ (лойиҳа ишлаб чиқиш бўйича), Вазирлик (жорий этиш бўйича)	Ҳ.Абдурахмонов, ОТМлар масъул ходимлари	1.3.9 / М 1.3
2. Ички ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тақомиллаштириш - Вазирлик					
113	Вазирлик тизимида кадрларни танлаш тўғрисидаги Низомни КРМГ тавсияларига мувофиқ тақомиллаштириш.	2021 йил октябрь	Вазирликнинг ташкилий кадрлар бошқармаси	Қ.Абдурахимов	н/п / М 1.1, М 1.2, М 1.4, М 1.7
12	Жараённинг шаффофлигини таъминлаш мақсадида ходимларнинг ойлик устамаларга эришиши бўйича баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш.	2021 йил октябрь	Вазирликнинг ташкилий кадрлар бошқармаси	Қ.Абдурахимов	н/п / М 1.6

13	Вазирлик тизимида харид қилиш фаолиятини амалга ошириш бўйича ички ҳужжатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.	2021 йил ноябрь	Вазирликнинг ишлар бошқармаси	М.Тошев	н/п / М 2.1
14	Вазирлик тасарруфидаги муассасаларда ўтказилган таълим ва молия-хўжалик фаолияти текширувларини ўтказиш бўйича Регламентни ишлаб чиқиш.	2021 йил ноябрь	Вазирлик	С.Тошматов	н/п / М 5.1
3. Ташкилий тадбирлар- КРМГ вазирлик билан ҳамкорликда					
15	"1006 - ишонч телефони" операторлари учун коррупция масалаларига оид кўнғироқларни қабул қилиш ва қайта ишлаш тартиби тўғрисидаги қисқа эслатмани ишлаб чиқиш ва тарқатиш.	2021 йил октябрь (ишлаб чиқиш) 2021 йил ноябрь (жорий этиш)	КРМГ (лойиҳа ишлаб чиқиш бўйича), Вазирлик (тарқатиш бўйича)	З.Турдиев	н/п / Е 5.17
16	Ходимлар ва аҳоли учун коррупцион характердаги хабарлар тўғрисида мавжуд алоқа каналларида эслатмалар ишлаб чиқиш ва тарқатиш.	2021 йил октябрь (ишлаб чиқиш) 2021 йил ноябрь (жорий этиш)	КРМГ (лойиҳа ишлаб чиқиш бўйича), Вазирлик (жойлаштириш бўйича)	С. Усманов	н/п / н/п
17	Олий ва ўрта махус таълим вазирлиги тизими ходимлари ўртасида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш қоидалари тўғрисидаги кўргазмали эслатмаларни ишлаб чиқиш ва тарқатиш.	2021 йил октябрь (ишлаб чиқиш) 2021 йил ноябрь (жорий этиш)	КРМГ (лойиҳа ишлаб чиқиш бўйича), Ташкилий кадрлар бошқармаси (Вазирликда тарқатиш бўйича),	Қ. Абдурахимов	н/п / Е 1.6
18	Томонлар билан шартнома тузишда, шунингдек ходимлар билан меҳнат шартномасини тузишда ишлаб чиқилган "Антикоррупцион (коррупцияга қарши) банд" матнини кўшиш.	2021 йил октябрь (ишлаб чиқиш) 2021 йил ноябрь (жорий этиш)	КРМГ (лойиҳа ишлаб чиқиш бўйича), Вазирлик (шартномаларни қабул қилиш ва киритиш бўйича)	Қ. Абдурахимов	1.4.1 / Е 5.13, М 2.3
19	Олий таълим, профессионал таълим тизимидаги ходимлар учун коррупцияга қарши кураш бўйича ўқув семинарлари ташкил этиш.	2021 йил ноябрь-декабрь	КРМГ (Низомга мувофиқ ўқув материалларини ишлаб чиқиш ва тренинглар ўтказиш бўйича), Вазирлик (ўқитишни ташкил этиш бўйича)	Қ. Абдурахимов	1.2, 1.4 / Е 5.3, Е 5.4

20	Вазирлик тизимида коррупцион хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш жараёнини тасдиқланган услубнингта мувофиқ ўтказиш.	2021 йил ноябрь-декабрь	КРМГ (таҳлил қилиш борасида келишилган 8 вазифалар қисмида), Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими (қолган функциялар ва вазирлик тизимидаги бошқа муассасаларга нисбатан)	Х.Абдурахмонов	н/п / Е 3.3
4. Ташқиний тадбирлар - Вазирлик					
21	Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлимини кадрлар билан тўлдириш ва бўлим ходимларини коррупцияга қарши кураш соҳасидаги малакасини ошириб бориш.	2021 йил ноябрь-декабрь	Вазирлик, Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими	Х.Абдурахмонов	н/п / Е 4.3
22	2021 йил учун 2-ярми учун Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими бўлими фаолиятини режалаштириш	2021 йил 31 июль	Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими	Х.Абдурахмонов	н/п / Е 4.4
23	- Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Низом; - Одоб-ахлоқ қоидаларини ўзбек ва инглиз тилларига таржима қилиш ва вазирликнинг расмий веб-сайтига жойлаштириш.	2021 йил ноябрь-декабрь	Вазирлик	С.Усманов	н/п / Е 1.7
24	Вазирлик тизимидаги расмий веб-сайтларда "Коррупцияга қарши кураш" менюсини яратиш ва уни мунтазам равишда маълумотлар билан тўлдириш, шу жумладан: - вазирликда; - вазирликнинг худудий бошқармаларида; - вазирлик тасарруфидаги марказларда; - олий таълим муассасалари ва академик лицейларда; - профессионал таълим муассасаларида (касб-хунар мактаблари, коллеж ва техникумлар).	2021 йил ноябрь-декабрь	Вазирлик, Худудий бошқармалар, марказлар, ОГМлар ва профессионал таълим муассасалари	А.Абдуллаев	н/п / Е 5.10
25	Вазирлик сайтыда / ОАВда коррупцияга қарши кураш бўйича ахборотларни ошқор қилиш бўйича медиа-режани ишлаб чиқиш.	2021 йил ноябрь-декабрь	Вазирлик Матбуот хизмати	С.Усманов	11 / Е 5.11

26	Айнан коррупцияга доир маълумотларни етказиш учун мўлжалланган телеграм-канал / ботини яратиш	2021 йил июнь	Вазирлик	Ҳ.Абдурахмонов	11 / Е 5.15
27	Мурожаатларни таснифлашда "Коррупцияга доир ҳуқуқбузарлик" тоифасини ажратиш.	2021 йил ноябрь-декабрь	Вазирлик	З.Турдиев	н/п / Е 5.18
28	Вазирлик ва унинг тизимида фаолият юритувчи ходимларга коррупцияга қарши кураш бўйича қабул қилинаётган ҳужжатларни таништириш ва тарқатиш, шу жумладан.: - вазирликда; - вазирликнинг ҳудудий бошқармаларида; - вазирлик тасарруфидаги марказларда; - олий таълим муассасалари ва академик лицейларда; - профессионал таълим муассасаларида (касб-хунара мактаблари, коллеж ва техникумлар).	2021 йил ноябрь-декабрь	Вазирлик	Ҳ.Абдурахмонов	1.4.2 / Е 5.8, Е 5.9
29	Коррупцияга қарши комплекс тизим ва назорат жараёнларини вазирлик ҳамда унинг ҳудудий бошқармаларида, тасарруфидаги марказларда, олий ва профессионал таълим муассасаларида, шу жумладан, ТДИУ учун КРМГ тавсияларини инобатга олган ҳолда жорий этиш.	2021 йил ноябрь-декабрь	Вазирлик	Ҳ.Абдурахмонов	1 / н/п
30	Коррупцияга қарши курашиш масалаларни бўйича мунтазам равишда ахборот бериш / ходимлар билан мулоқот қилишни назарда тутувчи йиллик чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш (вазирлик тизимидаги ходимларга коррупцияга қарши кураш ва ахлоқий талабларга риоя этишнинг муҳимлиги туғрисидаги рияз этишининг кўқори раҳбариятга киритилиши орқали).	2021 йил ноябрь-декабрь	Вазирлик	Ҳ.Абдурахмонов	н/п / Е 2.2
31	Вазирлик тизимидаги ходимларни коррупцияга қарши кураш бўйича ўқитиш режасини эгаллаб турган лавозимлар ва уларнинг бажарадиган функционал мажбуриятларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқиш.	2021 йил ноябрь-декабрь	Вазирлик	Ҳ.Абдурахмонов	н/п / Е 5.1

32	Олий таълим муассасаларининг ички аудиторларини вазириликнинг ички аудит ва молиявий назорат бўйсунини таъминлаш орқали мавжуд тизимни такомиллаштириш.	2021 йил ноябрь-декабрь	Вазирлик	С.Тошматов	1.5, 1.7, 4 / М 5.2, М 5.3
33	INTOSAI (ISSAI) ва COSO халқаро стандартларини жорий этиш орқали вазирилик тизимида ички аудит ва молиявий назорат методологиясини такомиллаштириш.	2021 йил ноябрь-декабрь	Вазирликнинг ички аудит ва молиявий назорати бошқармаси	С.Тошматов	н/п / М 5.4
34	Олий таълим муассасаларида талабалар ўқишини кўчириш тартибини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.	2022 йил февраль	Вазирлик	А.Холиков	н/п / М 8.3, М 8.4
35	Бакалавриат битирувчиларининг диплом лойиҳаси ёки битирув малакавий иш ва магистратура битирувчиларининг магистрлик диссертацияси ҳимояси ёхуд ихтисослик фанларидан яқуний давлат аттестация синовини онлайн тарзда овозли видеотрансляция қилиш чораларини кўриш	2022 йил май	Вазирлик, ОТМлар	А.Холиков	н/п / М 7.3
5. Автоматлаштириш - Вазирлик					
36	Вазирлик тизимидаги лавозимларга номзодлардан ҳужжатларни қабул қилиш жараёнини автоматлаштириш.	2022 йил январь	Вазирлик	Қ.Абдурахимов, А. Абдуллаев	н/п / М 1.5
37	Олий ва ўрта махсус таълим вазирилиги, унинг ҳудудий бўлиналари ва унга бўйсунувчи марказларда коррупцияга қарши кураш бўйича ўқитиш жараёнини автоматлаштириш.	2021 йил ноябрь	Вазирлик	Т.Шоймардонов	н/п / Е 5.6

6. Үқув жараёнини тақомиллаштириш (курс ишлари, тест сновлари ва имтихонларни қабул қилиш, дақлат яқуний аттестациясини тошириш) -
 Вазирлик

ДАК таркибига қўйиладиган талаблар бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2009 йил 5 июндаги 1963-сонли буйруғига ўзгартиришлар киритиш, яъни:

- ДАК таркибига ОТМ профессор-ўқитувчилари сонини 50% дан 40% гача камайтириш;
- Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, Васийлик кенгаши вакиллари ва ота-оналарнинг ДАК мажлисларида иштироки билан боғлиқ тавсиявий нормаларни мажбурий нормаларга алмаштириш;
- ДАК мажлисларида қузатувчи сифатида фуқаролик жамияти вакиллариининг мажбурий иштирокини таъминлаш. Йиғилиш баённомасида ДАК мажлисларида фуқаролик жамияти вакиллариининг иштирокини қайд этиб бориш;
- фуқаролик жамияти томонидан қузатувчи, ЯДАдан ўтувчи талаба, ДАК аъзолари ва мутахассис чиқарувчи кафедра ходимлари ўртасида манфаатлар тўқнашуви мавжуд эмаслиги тўғрисида оғзаки билдириш орқали манфаатлар тўқнашувини олдини олиш.


38

2022 йил май

Вазирлик

А.Холиков

н/п /
 М 7.2, 7.4



**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
tizимида коррупцияга қарши курашиш принциплари ва талабларига
риоя этилишини мониторинг ва назорат қилиш
УСЛУБИЯТИ**

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш принциплари ва талабларига риоя этилишини мониторинг ва назорат қилиш услубияти (кейинги ўринларда “услубият” деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида, унинг ҳудудий бошқармаларида, тасарруфидаги марказларда ҳамда олий ва профессионал таълим муассасаларида (кейинги ўринларда “вазирлик/вазирлик тасарруфидаги марказлар ва муассасалар” деб юритилади) коррупцияга қарши курашиш тизимининг самарадорлиги ва натижадорлигини мониторинг ва назорат қилишни амалга ошириш бўйича тартиб ва чора-тадбирларни белгилаб беради.

2. Мазкур Услубиятда мониторинг дейилганда вазирлик тизими фаолиятида коррупцион хавф-хатарларни камайтириш ва коррупцияга қарши курашиш тизимини амал қилиши самарадорлигини баҳолаш мақсадида жорий ҳолатни таҳлил қилиш тушунилади.

3. Мазкур Услубиятда назорат дейилганда коррупцияга қарши курашиш тизимининг самарадорлигини, шу жумладан, вазирлик тизими ходимлари томонидан ўз хизмат вазифаларини бажараётганда коррупцияга қарши курашиш талаблари ва тартиб-таомилларига ҳақиқатда амал қилинаётганини ўрганиш мақсадида текшириш ишларини ўтказиш йўли билан назорат қилиш ва баҳолаш тушунилади.

4. Вазирлик, унинг ҳудудий бошқармалари ҳамда тасарруфидаги марказлар ва муассасаларда коррупцияга қарши курашиш тизимининг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилишдан кўзланган асосий мақсад куйидагилардан иборат:

а) вазирлик тизими фаолиятини антикоррупцион қонунчиликка ҳамда қабул қилинган антикоррупцион талабларга мувофиқлигини текшириш;

б) вазирлик тизимида амалга оширилаётган антикоррупцион чора-тадбирларни ҳамда татбиқ этилган антикоррупцион тартиб-таомилларнинг етарлилиги ва самарадорлигини баҳолаш;

в) вазирлик тизими фаолиятида коррупцион хавф-хатарлар индикаторларини аниқлаш;

г) коррупцион ҳатти-ҳаракатларни амалга оширилишини олдини олиш мақсадида вазирлик, унинг ҳудудий бошқармалари ҳамда тасарруфидаги марказлар ва муассасаларнинг коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш;

д) илгари ўтказилган мониторинг ва назорат, хизмат текширувлари, ички аудит текширувлари ва бошқа назорат тадбирлари натижалари бўйича берилган, шунингдек, коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлари дастурида тасдиқланган тавсияларнинг вазирлик тизимида жорий этилишини назорат қилиш.

5. Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш принциплари ва талабларига риоя этилишини мониторинг қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш учун Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими (кейинги ўринларда “Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими” деб юритилади) шунингдек, вазирликнинг ҳудудий бошқармалари ҳамда тасарруфидаги марказлар ва муассасаларда унинг коррупцияга қарши курашиш бўйича координаторлар / масъул ходимлар жавобгардир.

6. Коррупция хавфи юқори бўлган функция ва вазифаларни бажарувчи вазирлик тизимининг таркибий бўлинмалари раҳбарлари мазкур Услугияга мувофиқ вазирликнинг Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлимига (ёки вазирлик тасарруфидаги марказлар ва муассасалардаги коррупцияга қарши кураш бўйича масъул ходимларига) мониторинг ва назорат доирасида сўраладиган ҳисоботлар, маълумотлар, ҳужжатлар ва шарҳларни ўз вақтида тақдим этиш учун жавобгардир.

II. Мониторинг ва назорат ўтказиш йўналишлари ва тадбирлари

7. Коррупцияга қарши курашиш бўйича мониторинг ва назорат вазирлик тизимида қабул қилинган ички ҳужжатлар асосида ўтказилади, шунингдек коррупцияга қарши курашиш мақсадида вазирлик тизимида амалга ошириладиган жараёнлар ва тадбирлар умумий ҳолда вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш тизимини ташкил қилади (кейинги ўринларда “коррупцияга қарши курашиш тизими” деб юритилади).

8. Вазирлик тизимининг коррупцияга қарши курашиш тизими қуйидаги асосий йўналишлар бўйича мониторинг қилинади:

коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва ҳукумат идораларининг тавсияларини, шунингдек, вазирлик тизими фаолиятида қўлланиладиган тегишли халқаро қонунчилик талабларини мониторинг қилиш;

коррупцияга қарши курашишнинг самарали тизимини яратиш ва уни қўллаб-қувватлаш бўйича халқаро ва хорижий ташкилотларнинг тавсияларини мониторинг қилиш;

вазирлик тизими, шу жумладан унинг ходимларини коррупцион ҳатти-ҳаракатларни амалга оширганлиги тўғрисидаги маълумотларнинг мавжудлиги, шунингдек, вазирлик тизими контрагентлари ҳақида шунга

ўхшаш маълумотларнинг мавжудлиги борасида оммавий ахборот воситаларини мониторинг қилиш;

вазирлик тизими ходимларининг коррупцияга қарши курашишнинг асосий тпринциплари ва талаблари тўғрисида хабардорлигини текшириш.

9. Вазирлик тизимининг коррупцияга қарши курашиш тизими куйидаги асосий йўналишлар бўйича назорат қилинади:

вазирлик тизимининг коррупцияга қарши курашиш дастури / йўл харитасининг тўлиқ ва самарали бажарилишини назорат қилиш;

вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича ўрнатилган талаблар ҳамда тартиб-таомилларга риоя этилишини (танлов асосида) текшириш (комплаенс-текширувлар);

антикоррупцион тизимнинг ички аудити, шу жумладан вазирлик тизимида ўрнатилган талаблар ва тартибларга риоя этилишини назорат қилиш;

ички аудитнинг тегишли стандартлари ва методологиясига мувофиқ ички аудит вазифалари юкланган бўлинмалар томонидан амалга ошириладиган вазирлик тизими ички хўжжатлари талабларига риоя этилишини назорат қилиш;

коррупцияга қарши курашиш тизимининг ISO 37001:2016 стандартларига мувофиқлиги бўйича ички аудит текширувини ўтказиш.

III. Коррупцияга қарши курашиш тизимини мониторинг қилиш тартиби

10. Коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва ҳукумат органларининг тавсияларини, шунингдек, вазирлик тизими фаолиятида қўлланиладиган тегишли халқаро қонунчилик ҳужжатларини мониторинг қилиш куйидаги тартибда амалга оширилади:

а) Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими ҳар ойда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш бўйича қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар, Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши (кейинги ўринларда “Миллий кенгаш”)нинг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорининг буйруқлари, шунингдек, амалдаги халқаро коррупцияга қарши курашиш бўйича қонунчилик ҳужжатлари юзасидан мониторинг ўтказилади.

Зарурат бўлганида, Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими мониторинг натижаларига кўра, вазирлик тизими ички ҳужжатларига ўзгартиришлар ёки қўшимчалар киритиш ёки янги ички ҳужжатлар ва антикоррупцион чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича таклифлар тайёрлайди ва уларни кўриб чиқиш учун Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тақдим этади. Ушбу таклифлар вазир томонидан маъқулланганидан сўнг, Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш

бўлими ички ҳужжатларга ўзгартириш ёки қўшимчалар киритиш ёки антикоррупцион чораларни жорий этиш зарурлиги тўғрисида вазирлик тасарруфидаги марказлар ва муассасаларни хабардор қилади, белгиланган топшириқларни бажариш муддатларини белгилайди ва уларнинг ижросини назорат қилади;

б) ўтказилган мониторинг ва унинг натижалари тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш аниқланганда ёки ўзгартиришлар вазирлик тизимининг ички ҳужжатлари ва антикоррупцион тартиб-таомилларига тузатишлар киритиш заруратини келтириб чиқармаган ҳолларда 1-иловада келтирилган шакл бўйича журналга киритилади;

в) вазирликнинг ҳудудий бошқармалари, тасарруфидаги марказлар ва муассасаларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича координаторлари / масъул шахслари қонунчилик ҳужжатлари мониторингини ўз ташаббусларига асосан ўтказганда, улар коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича тегишли таклифларни Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими билан келишадилар, шунингдек ушбу таклифларни 1-иловага мувофиқ шаклда журналда акс эттирадилар ва уни мониторинг натижаларини умумий шаклда бирлаштириш учун Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлимига юборадилар.

11. Коррупцияга қарши курашишнинг самарали тизимини яратиш ва юритиш масалалари бўйича халқаро ва хорижий ташкилотларнинг тавсияларини мониторинг қилиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

а) Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими ҳар ярим йилда бир марта халқаро ташкилотларнинг (ИХТТ, БМТ НЖБ, ЕОГ, ШХТ, ЕХХТ) коррупцияга қарши курашиш соҳасида самарали тизимни яратиш ва жорий этиш масаласи бўйича тавсияларини, шунингдек, Халқаро стандартлаштириш ташкилоти (International Organization for Standardization, ISO) томонидан чиқарилган коррупцияга қарши курашиш бўйича стандартлар мониторингини амалга оширади. Шунингдек, Трансперенси-Интернешннал (Transparency International) халқаро ташкилотининг коррупцияга қарши курашиш ва ташкилотлар фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш масалалари бўйича тавсиялари ҳам таҳлил қилиниши мумкин;

б) мониторинг натижаларига кўра ва объектив зарурат бўлган ҳолатда Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими Вазирлик тизими ички ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар ёки қўшимчалар киритиш ёки янги ички ҳужжатлар ва коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича таклифлар тайёрлайди ва уларни кўриб чиқиш учун Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тақдим этади. Ушбу таклифлар Вазир томонидан маъқулланганидан сўнг, Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими ички ҳужжатларга ўзгартириш ёки қўшимчалар киритиш ёки янги ички ҳужжатлар ва коррупцияга қарши чораларни жорий этиш зарурлиги тўғрисида Вазирлик тасарруфидаги марказлар ва муассасаларни хабардор қилади, белгиланган топшириқларнинг

бажарилиш муддатларини белгилайди ва уларнинг бажарилишини назорат қилади;

в) ўтказилган мониторинг ва унинг натижалари тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек халқаро ва хорижий ташкилотларнинг тавсияларида ҳеч қандай ўзгартириш ва қўшимчалар аниқланмаган тақдирда ёхуд мазкур ўзгаришлар вазирлик тизимининг ички ҳужжатлари ва антикоррупцион

тартиб-таомилларга тузатишлар киритиш заруратини келтириб чиқармаган ҳолатларда 1-иловада келтирилган шакл бўйича журналга киритилади.

12. Оммавий ахборот воситалари мониторинги қуйидаги тартибда амалга оширилади:

а) вазирликнинг матбуот хизмати (ҳам миллий, ҳам хорижий) оммавий ахборот воситалари, шу жумладан журналлар, газеталар, Интернет тармоқлари ва бошқа оммавий ахборот воситаларидаги мақолаларни ўрганган ҳолда, уларда вазирлик тизими ва/ёки унинг ходимларини ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари, шу жумладан коррупция ҳаракатларига алоқадорлиги тўғрисида маълумотлар (кейинги ўринларда “релевант маълумот” деб юритилади) мавжудлиги борасида мунтазам мониторинг олиб боради;

б) вазирликнинг матбуот хизмати томонидан аниқланган релевант маълумотлар тўғрисида Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлимига кечиктирмай хабар берилади;

в) Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими бошлиғи релевант маълумот тўғрисида Олий ва ўрта махсус таълим вазирига ёки тегишли ҳудудий бошқарма / тасарруфидаги марказ ёки муассаса раҳбарига хабар беради ҳамда вазирлик тизими ходимларини коррупцион ҳатти-ҳаракатларни амалга оширганлиги ёхуд одоб-ахлоқ қоидаларини бузганлиги бўйича хизмат текширувларини ўтказиш регламентига мувофиқ текширув ўтказиш ташаббусини илгари суради ва/ёки аниқланган маълумотларни вазирлик тизими фаолиятига салбий таъсирини минималлаштириш бўйича чора-тадбирлар, шу жумладан вазирлик тизимининг ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш бўйича тегишли тадбирлар белгилайди;

г) Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими оммавий ахборот воситаларида релевант маълумотлар мавжудлигини тасқидловчи далилларни 1-иловада келтирилган шакл бўйича журналда акс эттиради.

д) Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими ва коррупцияга қарши курашиш бўйича координатор / масъул шахслар оммавий ахборот воситаларини мустақил равишда мониторинг қилиши мумкин. Бунда, релевант маълумотлар аниқланган тақдирда, мазкур банднинг “б”, “в”, ва “г” кичик бандларида кўрсатилган ҳаракатлар бажарилади.

13. Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими коррупцияга қарши курашиш бўйича координатор / масъул шахслар билан биргаликда ярим йилда бир маротаба вазирлик тизими ходимларини асосий антикоррупцион принциплар ва талаблар тўғрисидаги хабардорлигини текширишни 2-иловада кўрсатилган чора-тадбирларни бажариш йўли билан

амалга оширадilar. Вазирликнинг ҳудудий бошқармалари, унинг тасарруфидаги марказлар ва муассасаларда ўтказилган сўровномалардан олинган натижалар Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлимига умумлаштириш ва таҳлил қилиш, янги ички ҳужжатлар ва коррупцияга қарши чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, ёки ходимларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича асосий принциплар ва талаблар тўғрисида хабардорлигини ошириш учун қўшимча тадбирларни ўтказиш мақсадида, шунингдек келгусида вазирлик тизимининг ички ҳужжатларига ўзгартиришлар ёки қўшимчалар киритиш учун коррупцияга қарши курашиш бўйича координатор / масъул шахслар томонидан юборилади.

IV. Вазирлик тизимининг коррупцияга қарши курашиш дастури (Йўл харитаси)нинг тўлиқ ва самарали бажарилишини назорат қилиш

14. Вазирлик тизимининг коррупцияга қарши курашиш дастури (Йўл харитаси) бандларининг тўлиқ бажарилишини назорат қилиш ҳар чоракда коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати тўғрисида ҳисобот тузиш жараёнида, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати тўғрисида ҳисобот тузиш ва тақдим этиш регламентига мувофиқ амалга оширилади.

V. Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича ўрнатилган талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилишини назорат (комплаенс-назорат) қилиш тартиби

15. Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича ўрнатилган талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилишини назорат қилиш (комплаенс-текширувлар) Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими ва Вазирлик тасарруфидаги марказлар ва муассасалардаги коррупцияга қарши курашиш бўйича масъул ходимлари томонидан амалга оширилади.

16. Вазирлик тизимида антикоррупцион тартиб-таомилларига риоя этиш устидан мунтазам назорат коррупцион хавф-хатари юқори бўлган функциялар ва жараёнларга, шунингдек, коррупцияга қарши курашиш бўйича назоратни ўз ичига олган функциялар ва тартиб-таомилларга нисбатан амалга оширилади.

17. Коррупцион хавф-хатари юқори бўлган функциялар ва жараёнлар рўйхати ҳар йили Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими томонидан вазирлик, унинг ҳудудий бошқармалари ҳамда тасарруфидаги марказлар ва муассасаларда коррупцион хавф-хатарларни баҳолаш (қайта баҳолаш) натижалари асосида вазирлик тизимининг коррупцион хавф-хатарлар хариталарига мувофиқ шакллантирилади. Назорат қилиш учун тузилган рўйхатга коррупцион хавфи юқори бўлган функцияларни ҳамда коррупцион хавф-хатари юқори ва ўртача қолдиқли

жараёнларни, шунингдек уларга мос равишда антикоррупцион назоратни ўз ичига олувчи вазифалар ва тартиб-таомилларни киритиш мумкин.

18. Юқори қолдиқли коррупция хавфига эга бўлган вазифалар ва тартиб-таомиллар ва уларга мос равишда коррупцияга қарши курашиш назоратини ўз ичига олган вазифалар ва тартиб-таомилларни назорат қилиш йилига бир марта амалга оширилиши керак.

19. Ўртача қолдиқли коррупция хавфига эга бўлган вазифалар ва тартиб-таомиллар ва уларга мос равишда коррупцияга қарши курашиш назоратини ўз ичига олган вазифалар ва тартиб-таомилларни назорат қилиш икки йилда бир марта амалга оширилиши керак.

20. Вазирлик ва унинг ҳудудий бошқармалари бўйича комплаенс-текширувни режалаштириш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

ҳар йили, 15 январгача Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими вазирлик ва унинг ҳудудий бошқармалари учун комплаенс-текширув режасини ишлаб чиқади;

режа икки календар йили учун тузилади;

режа вазир томонидан 31 январгача кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши керак.

21. Вазирлик тасарруфидаги марказлар ва муассасалар бўйича комплаенс-текширувни режалаштириш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

ҳар йили 15 январга қадар коррупцияга қарши курашиш бўйича масъул ходимлар вазирлик тасарруфидаги тегишли марказлар ва муассасалар учун комплаенс-текширув режасини ишлаб чиқади;

режа икки календар йили учун тузилади;

режа Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими, шунингдек, вазирлик тасарруфидаги тегишли марказ ёки муассаса раҳбари томонидан 31 январгача кўриб чиқилиши ва маъқулланиши керак.

22. Вазирлик, унинг ҳудудий бошқармалари ва унинг тасарруфидаги марказлар ва муассасаларнинг комплаенс-текширув режалаларида қуйидагилар акс этиши керак:

а) текширув соҳаси (йўналиши) ва объектлари – таҳлил қилинадиган функциялар / фаолият йўналишлари рўйхати;

б) текшириш предмети – вазирлик тизими ички ҳужжатларини амал қилинаётганлиги текширилади;

в) текшириладиган давр;

г) текширув тури (тўлиқ ёки танланма);

д) текшириш усули (масалан, текшириладиган функцияни бажариш учун масъул ходим билан суҳбат, ҳужжатларни текшириш, сўровнома ўтказиш ва ҳ.к).

23. Вазирлик тизимида режадан ташқари комплаенс-текширувлар қуйидаги ҳолларда ўтказилиши мумкин:

Вазирнинг тегишли қарори бўлса;

Вазирлик тасарруфидаги тегишли марказ ёки муассаса раҳбарининг қарори бўлса;

Вазирлик тизимидаги бошқа текширувларни (шу жумладан ички текширувлар, ички аудит текшируви ва бошқалар) ўтказиш жараёнида коррупция хавфлари аниқланганда;

вазирлик тизимидаги алоқа каналларидан бирига коррупция ҳаракатлари ёки манфаатлар тўқнашуви тўғрисида тегишли хабар келиб тушганида.

24.Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими ва коррупцияга қарши курашиш бўйича масъул ходимлар комплаенс-текширувни амалга ошириш учун операциялар бўйича танлаб олинган намуналар рўйхатини шакллантиради, бунда тақдим этиладиган бухгалтерия ҳисоби маълумотлари ёки таҳлилий маълумотлар / ҳисоботлардан ҳам фойдаланилади.

25.Операциялар бўйича танлаб олинган намуналар рўйхатини тузиш мақсадида Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими ва коррупцияга қарши курашиш бўйича масъул ходимлар вазирлик тизимининг масъул ходимларидан / таркибий бўлинмаларидан амалга оширилган операциялар тўғрисидаги маълумотларни сўраш ҳуқуқига эга.

26.Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлимига назорат тадбирларини амалга ошириш мақсадида ўқиш режимида вазирлик ва унинг ҳудудий бошқармаларининг бухгалтерия тизимига доимий кириш ҳуқуқи ва / ёки маълумотларни юклаб олиш (ўзгартириш / маълумотлар киритиш ҳуқуқисиз) имконияти тақдим этилади, вазирлик тасарруфидаги марказлар ва муассасаларда коррупцияга қарши курашиш бўйича масъул ходимларга эса, вазирлик тасарруфидаги тегишли марказлар ва муассасаларнинг бухгалтерия тизимларига ўқиш режимида доимий кириш ҳуқуқи ва / ёки маълумотларни юклаб олиш (ўзгартириш / маълумотлар киритиш ҳуқуқисиз) имконияти тақдим этилади.

27.Намуналар рўйхатини шакллантиришда қуйидагилар ҳисобга олинади:

операциялар сони ва суммаси (миқдори), шу жумладан катта миқдордаги суммалар, ёки қонун ҳужжатларида ёки вазирлик тизимининг ички ҳужжатларида белгиланган лимитларга яқин суммалар ва бошқалар;

контрагентнинг хавф даражаси (вазирлик тизимида юритиладиган контрагентларни текшириш реестри ҳамда ноҳалол контрагентлар реестри асосида);

бухгалтерия ҳужжатларида / реестрларда операцияларнинг тавсифи баён этилмаганлиги ёки батафсил ёзувларнинг мавжуд эмаслиги,, бухгалтерия ҳисобварақларига мос бўлмаган ҳисоб-китоблар, иш куни бўлмаган ёки иш вақти бўлмаган вақтларда операцияларни амалга ошириш, вазирлик тизимининг ички ҳужжатларида баён этилган тартибдан четга чиқиш, контрагентни рақобатсиз танлаб олиш ва шу каби бошқа хавф омиллари.

28. Намуналар рўйхатини шакллантириш натижаларига кўра, Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими ҳамда вазирлик тасарруфидаги марказлар ва муассасалардаги коррупцияга қарши курашиш бўйича масъул ходимлар жавобгар таркибий бўлинмалардан амалга оширилган операциялар / ўтказилган тадбирлар тўғрисидаги хужжатлар ва маълумотларни талаб қилади ва улар бу маълумотларни 5 (беш) иш кунидан кечиктирмай тақдим этишлари шарт.

29. Мазкур Услубиятнинг 28-бандида кўрсатилган хужжатлар ва маълумотлар куйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

шартномалар;

товарларни қабул қилиш-топшириш далолатномалари (юк хатлари) ёки хизматлар кўрсатиш / ишларни бажариш далолатномалари;

хизматлар кўрсатилганлигини / ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ахборот материаллари (фото ва видео ҳисоботлар, босма намуналар ва ҳақиқатдан хизматлар кўрсатилганлигини / ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи бошқа маълумотлар);

контрагент ва вазирлик тизими вакили бўлган шахснинг ваколатларини тасдиқловчи хужжатлар;

вазирлик тизими ходимлари ва/ёки контрагентлар томонидан юборилган аризалар, мурожаатлар, ёзишмалар;

контрагентнинг текшув натижалари бўйича хулосалар;

ички келишув тартиб-таомилларига риоя қилинганликни тасдиқловчи хужжатлар;

Маълумотларни вазирлик тизимининг ички хужжатларига мувофиқ нашр этилганлигини тасдиқловчи, очиқ манбалар ҳаволалари ва скриншотлари;

комплаенс-текширувни ўтказиш учун масъул ходимга керак бўлган ёзма, рақамли ёки оғзаки шаклдаги бошқа маълумотлар.

30. Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича масъул ходимлар зарурий маълумотларни олгандан сўнг, 15 иш кунидан ошмаган муддатда танланган операциялар / ўтказилган чора-тадбирлар, тегишли функциялар ва тартиб-таомиллар юзасидан уларни ички хужжатлар талабларига, шу жумладан антикоррупцион принциплар, талаблар ва тартиб-таомилларга мувофиқ амалга оширилгани бўйича кўриб чиқади, шунингдек, вазирлик тизими ходимларининг

хатти-ҳаракатларининг қонунийлигини ва уларнинг антикоррупцион принциплар ва талаблар нуқтаи назаридан мақбуллигини таҳлил қилади.

31. Текшириш биринчи навбатда коррупцион хатти-ҳаракатлар индикаторларини аниқлашга қаратилган бўлиши зарур ва унинг доирасида куйидаги тадбирлар амалга оширилиши лозим:

вазирлик тизими идоралари ва муассасалари томонидан тузилган шартномалардаги маълумотларни товарларни қабул қилиш-топшириш далолатномалари ёки хизматлар кўрсатиш / ишларни бажариш далолатномалари билан солиштириш;

товарларнинг ҳақиқатда сотиб олинishi ва фойдаланилиши ҳақидаги ёки хизматлар кўрсатилиши / ишларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларни, уларнинг тегишли шартнома ва далолатномаларда кўрсатилган миқдори ва сифати билан солиштириш;

контрагентни текшириш натижалари ҳулосада тўлиқ ақс этишини ёки вазирлик тизимида ишлашга даъвогарлик қилаётган шахс ҳақидаги тегишли ҳужжатлардаги маълумотларни тўлиқ бўлишини таъминлаш, бунда маълумотларни асл ҳужжатлар билан солиштириш (скриншотлар, кўчирмалар, хатлар ва бошқалар) зарур;

контрагент ва вазирлик тизими томонидан шартнома / бошқа маъмурий ҳужжатларни имзолаган шахсларнинг, шунингдек вазирлик тизими томонидан тасдиқлаган шахсларнинг ваколатлари борлигини текшириш, тақдим этилган ҳужжатларни ваколатли шахсларнинг имзоларининг бири-бирига мослиги бўйича солиштириш;

контрагент реквизитларини ва тегишли шартномада кўрсатилган суммани бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан солиштириш;

вазирлик тизими ходимлари ёки контрагент томонидан тақдим этилган ҳужжатларни тузатиш, ўчириш, қалбакилаштириш белгилари мавжудлиги бўйича текшириш;

қонунчиликка ва вазирлик тизимининг ички ҳужжатларига мувофиқ керакли маълумотларни очик ахборот манбаларида нашр этилганлигини текшириш (рақобатли харид жараёнларининг эълон қилиниши тўғрисидаги маълумотлар ва бошқалар);

пайдо бўлган муаммолар бўйича қўшимча маълумот олиш ва шарҳлар олиш учун вазирлик тизими ходимларидан интервью олиш;

ҳақиқий бизнес мақсадининг мавжудлигини, етказиб берувчининг хизматлари / ишларини нархларининг асослилигини, операцияларнинг шаффофлигини ва вазирлик тизими ходимларининг лозим даражадаги эҳтиёткорлик принципига риоя этишини таҳлил қилиш.

32. Операцияларни таҳлил қилиш жараёнида Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими ва коррупцияга қарши курашиш бўйича масъул ходимлар вазирлик тизимининг таркибий бўлинмаларидан зарур ҳужжатлар, тушунтиришлар ва статистик маълумотларни сўраш ва олиш, шунингдек, текшириш жараёнига ёрдам бериш учун вазирлик тизимининг ҳар қандай мутахассисини жалб қилиш ҳуқуқига эга.

33. Комплаенс-текширувни ўтказётган Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими ходимлари ва коррупцияга қарши курашиш бўйича масъул ходимлар, ҳужжатларнинг керакли тартибда расмийлаштиришини ва текширувнинг ҳар бир босқичида юритилишини, жумладан қуйидаги ишчи ҳужжатларнинг тузилишини таъминлайдилар:

текширувлар доирасида бажарилган ишлар ва текширилган операциялар тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, мониторинг ва назоратни амалга ошириш жараёнида мувофиқлиги текширилган ички ҳужжатларнинг номлари;

бузилган ёки назорат қилиш тартиб-таомилларида камчиликлар аниқланган вазирлик тизимининг ички ҳужжатларига ҳавола кўрсатилган аниқланган бузилишлар / кузатувлар;

қилинган хулосалар / текшириш натижаларини тасдиқловчи файллар / ҳужжатлар (талаб қилинган ҳужжатларнинг нусхалари / сканер қилинган вариантлари).

34.Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими ва коррупцияга қарши курашиш бўйича масъул ходимлар комплаенс-текширув натижалари бўйича кириш, тавсифловчи ва яқунловчи қисмларни ўз ичига оладиган ҳисобот (кейинги ўринларда “Ҳисобот” деб юритилади) тузадилар ва уларда одатда қуйидагилар кўрсатилади:

Кириш қисмида:

ҳар бир вазифа ва тартиб-тамоилга нисбатан ўтказилган комплаенс-текширувнинг бошланиш ва тугаш саналари;

комплаенс-текширув ўтказилган вазифалар ва тартиб-тамоиллар рўйхати;

комплаенс-текширув ўтказилган вазифалар ва тартиб-тамоилларни бажаришга масъул бўлган бўлимлар ва шахслар рўйхати;

ҳисоботни тузиш учун масъул бўлган ходимнинг тўлиқ исм-шарифи.

Тавсифловчи қисмда:

комплаенс-текширув ўтказилган ҳар бир вазифа ва тартиб-тамоил бўйича танланма текширув учун намуналар олиш услубияти ва олинадиган намуналарнинг ҳажми;

Вазирлик / унинг ҳудудий бошқармаси / унинг тасарруфидаги марказ ёки муассасанинг коррупцияга қарши курашиш тизимида аниқланган бузилишлар ва/ёки камчиликлар (вазирлик тизимининг ички ҳужжатларига ҳаволалар билан), шу жумладан камчиликларнинг келиб чиқиши / ривожланишига олиб келган сабаблар ва шартлар.

Яқуний қисмда:

комплаенс-текширув ўтказилган ҳар бир функция ва тартиб-таомилда коррупция хавфининг мавжудлиги ёки йўқлиги тўғрисида хулоса;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳамда вазирлик тизимининг ички ҳужжатлари нормаларини бузилиш ҳолатлари кўрсатилган асосий қонунбузарликлар;

комплаенс-текширув давомида аниқланган қонунбузарликларни / камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар ўз ичига тадбирларнинг номланиши, камчиликларни бартараф этиш / берилган тавсияларни ташкил қилиш ва жорий этиш учун масъул шахслар ҳамда уларни бажариш муддатларини олади;

35.Ҳисоботга киритиладиган маълумотларга (агар имконият бўлса) тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари, ҳаволалари ҳамда бухгалтерия ҳисоби тизимидан ёки вазирлик тизимининг бошқа ахборот манбаларидан (очиқ ахборот манбаларидан) юкламалар (кўчирмалар) илова қилиниши керак.

36. Вазирлик ва худудий бошқармаларда ўтказилган комплаенс-текширув натижалари тўғрисидаги ҳисоботлар Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими бошлиғига кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун тақдим этилади.

37. Вазирлик тасарруфидаги марказлар ва муассасаларининг комплаенс-текширув натижалари тўғрисидаги ҳисоботлари Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлимига кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун тақдим этилади, зарурат туғилганида коррупцияга қарши курашиш бўйича масъул ходимлардан изоҳ бериш ва аниқликлар киритиш орқали ҳисоботга тегишли тузатишларни киритиш сўралиши мумкин.

38. Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими бошлиғи томонидан ҳисобот маъқуллангандан кейин 2 (икки) иш кунидан кечиктирмай, агар изоҳ бериш зарурати туғилса, 3 (уч) иш кунидан ошмаган муддат ичида ҳисобот (тегишли бўлинмага оид бўлган қисми бўйича) назорат тадбирлари ўтказилган бўлинма раҳбариятига танишиб чиқиш учун тақдим этилиши лозим.

Назорат тадбирлари ўтказилган бўлинма раҳбариятидан томонидан изоҳлар мавжуд бўлганда ҳамда шу борада тегишли асослар бўлганда ҳисоботга ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

39. Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими бошлиғи / вазирлик тасарруфидаги тегишли марказ ёки муассасадаги коррупцияга қарши курашиш бўйича масъул ходими комплаенс-текширув ўтказилган бўлинма бошлиғидан изоҳлар олган кундан бошлаб 3 (уч) иш кунидан кечиктирмай (изоҳлар мавжуд бўлмаган ҳолатда эса, бундай изоҳлар олиниши керак бўлган кундан бошлаб) якуний ҳисоботни имзолайди ва уни вазирга / вазирлик тасарруфидаги тегишли марказ ёки муассаса раҳбариятига тақдим этади.

Шу кунни Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими / вазирлик тасарруфидаги тегишли марказ ёки муассасадаги коррупцияга қарши курашиш бўйича масъул ходими ўтказилган комплаенс-текширув тўғрисидаги маълумотларни мазкур Услугиятнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда журналга киритади.

VI. Ички аудит вазифаларини бажарувчи бўлинмалар томонидан вазирлик тизимининг ички ҳужжатлари талабларига амал қилинишини назорат қилиш тартиби

40. Ички аудит ва молиявий назорат бошқармаси ҳамда вазирлик тасарруфидаги марказлар ва муассасаларнинг ички аудит ва назорат вазифалари юклатилган бўлинмалар антикоррупцион тизим доирасида ички аудит текширувини мунтазам равишда ўтказиб боришлари шарт. Шу мақсадда мазкур бўлимдаги ҳамда VII бўлимдаги келтирилган методология ва тартиб-таомиллардан фойдаланиш мумкин.

41. Юқори ва ўрта қолдиқли коррупция хавфи мавжуд бўлган функциялар ва жараёнлар бўйича назорат тадбирларини амалга

ошираётганда, Ички аудит ва молиявий назорат бошқармаси ҳамда вазирлик тасарруфидаги марказлар ва муассасалардаги ички аудит ва назорат функциялари юклатилган бўлинмалар текширув режасига вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича ички хужжатлари талабларига амал қилиниши масаласини киритишлари зарур.

Бунда назорат тадбирлари вазирлик тизимида ички аудит вазифалари юклатилган бўлинмаларнинг ички тартиб-таомилларига ва методологиясига мувофиқ равишда, текширув учун намуналарни танлаб олиш, коррупцион ҳатти-ҳаракатлар индикаторларини аниқлаш ва мазкур услубиятнинг V бўлимида баён этилган текширув натижаларини расмийлаштириш бўйича методик тавсияларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

42. Вазирлик, унинг тасарруфидаги марказ ёки муассасадаги коррупцияга қарши курашиш тизимида номувофиқликлар ёки камчиликлар ёхуд ўзгартиришлар киритиш зарурати туғилса, Ички аудит ва молиявий назорат бошқармаси ва вазирлик тасарруфидаги марказлар ва муассасалардаги ички аудит вазифаси юклатилган бўлинма томонидан тегишли таклифлар 1-иловада келтирилган шаклга мувофиқ журналга қайд этилади, шунингдек уни қуйидагиларга юборади:

а) агар номувофиқликлар вазирлик ва унинг ҳудудий бошқармалари бўйича ўтказилган текширувлар доирасида аниқланган бўлса, Ички аудит ва молиявий назорат бошқармаси томонидан Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлимига; ёки

б) агар номувофиқликлар вазирлик тасарруфидаги марказ ёки муассасада ички аудит вазифаларини бажарувчи бўлинма томонидан ўтказилган текширувлар доирасида аниқланган бўлса, вазирлик тасарруфидаги марказ ёки муассасада коррупцияга қарши курашиш бўйича масъул ходимга юборилади. У эса ички аудит вазифалари юклатилган бўлинма ходими билан шаклни таҳлил қилиб, муҳокама қилганидан сўнг уни Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлимига тақдим этади.

Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими бошлиғи текширув натижалари ва коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифларни, тегишли материаллар келиб тушган кундан бошлаб 5 (беш) иш кунидан ошмаган муддатда кўриб чиқиши ва зарурат бўлганда уни Ички аудит ва молиявий назорат бошқармаси ёки вазирлик тасарруфидаги марказ ёки муассасадаги ички аудит вазифаларини бажарувчи тегишли бўлинма билан муҳокама қилиши зарур ҳамда вазирга кўриб чиқиш учун тақдим этади.

Вазир томонидан мазкур таклифлар тасдиқлаганидан сўнг, Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими ички хужжатларга ўзгартириш ёки қўшимчалар киритиш ёки янги ички хужжатлар ва антикоррупцион чора-тадбирларни жорий этиш зарурати тўғрисидаги маълумотларни вазирлик тасарруфидаги марказлар ва муассасаларга етказди, шунингдек кўрсатилган вазифаларни бажариш муддатларини белгилайди ва уларнинг ижросини Ички аудит ва молиявий назорат

бошқармаси ёки вазирлик тасарруфидаги тегишли марказ ёки муассасада ички аудит вазифалари юклатилган бўлинма билан биргаликда назорат қилади.

VII. Коррупцияга қарши курашиш тизимининг ISO 37001:2016 стандартига мувофиқлиги бўйича ички аудит текшируви ўтказиш тартиби

43. Коррупцияга қарши курашиш тизимининг ISO 37001:2016 стандартига мувофиқлиги бўйича ички аудит вазирликда, унинг ҳудудий бошқармаларида ва вазирлик тасарруфидаги марказ ва муассасаларда вазир ва/ёки вазирлик тасарруфидаги тегишли марказлар ва муассасалар раҳбарларининг қарори бўйича йилда бир марта ўтказилади.

44. Коррупцияга қарши курашиш тизимининг ISO 37001:2016 стандартига мувофиқлиги бўйича ички аудит ўтказиш қуйидаги тартибда ўтказилади:

а) Ички аудит ва молиявий назорат бошқармаси ёки вазирлик тасарруфидаги марказ ёки муассасада ички аудит вазифалари юклатилган бўлинмалар коррупцияга қарши курашиш тизими фаолиятидаги мақсадли кўрсаткичларга эришиш бўйича мазкур Услугиятнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда тузилган мезонлар рўйхатига мувофиқ аудит текширувини ўтказадилар;

б) ўтказилган ички аудит текшируви натижаларига кўра, Ички аудит ва молиявий назорат бошқармаси вазирлик тасарруфидаги марказлар ва муассасалардаги худди шундай бўлинмалардан олинган маълумотларни умумлаштиради ва таҳлил қилади ҳамда вазирлик, унинг ҳудудий бошқармалари ва унинг тасарруфидаги марказлар ва муассасаларда коррупцияга қарши курашиш бўйича кўрилган чора-тадбирларнинг етарлилигини баҳолайди;

в) вазирлик, унинг тасарруфидаги марказ ёки муассасаларнинг коррупцияга қарши курашиш тизимида номувофиқлик ва камчиликлар аниқланиб, уларга тегишли ўзгартиришлар киритиш зарурати туғилса Ички аудит ва молиявий назорат бошқармаси тегишли таклифларни 1-иловада келтирилган шаклга мувофиқ журналга қайд этади ва уни Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлимига тақдим этади;

г) баҳолаш натижалари Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими бошлиғи билан муҳокама қилганидан сўнг, Ички аудит ва молиявий назорат бошқармаси бошлиғи баҳолаш натижаларини ва коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифларни вазирга кўриб чиқиш учун тақдим этади. Вазир уларни тасдиқлаганидан сўнг, Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими ички ҳужжатларга ўзгартириш ёки қўшимчалар киритиш ёки янги ички ҳужжатларни ва антикоррупцион чора-тадбирларни қўллаш, унда кўрсатилган вазифаларни бажариш муддатларини белгилаш ва уларнинг

ижросини назорат қилиш бўйича вазирлик тасарруфидаги марказлар ва муассасаларга маълумот беради.

VIII. Якуний қоидалар

45. Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича масъул ходимлар томонидан мониторинг ва назорат юзасидан амалга оширилган чора-тадбирларининг асосий натижалари вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш тизимининг амалдаги ҳолати тўғрисидаги ҳисоботларни тузишда фойдаланилади.

46. Мазкур Услугиятда кўрсатилган коррупцияга қарши курашиш тизимини мониторинг қилиш ва назорат қилиш бўйича чора-тадбирлар вазир ва/ёки вазирлик тасарруфидаги тегишли марказ ёки муассаса раҳбарининг қарорига асосан, коррупцияга қарши курашиш тизимининг комплаенс-текширувини ва аудит текширувини ўтказиш бўйича тажрибага эга бўлган халқаро ёки маҳаллий ташкилотлар билан шартномалар тузиш асосида, учинчи шахсларни жалб қилган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта
махсус таълим вазирлиги тизимида
коррупцияга қарши курашиш
принциплари ва талабларига риоя
этилишини мониторинг ва назорат қилиш
Услубиятига 1-илова

**Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш принциплари ва
талабларига риоя этилишини мониторинг ва назорат қилиш
ЖУРНАЛИ**

Т/Р	Мониторинг / тадбир тури	Мониторинг / тадбир ўтказишнинг даврийлиги (ҳар йилда бир марта / кундалик / мунтазам)	Мониторинг / тадбир ўтказиш санаси	Кузатув тавсифи	Коррупцияга қарши курашиш тизимида тузатишлар киритиш бўйича чора-тадбирлар	Масъул ижрочи	Тузатишлар киритиш бўйича чора-тадбирларни бажариш муддати	Бажарилиш ҳолати
Коррупцияга қарши курашиш тизимининг мукаммаллигини баҳолаш								
1.	Қонунчилик ва ҳукумат органлари тавсиялари мониторинги	Ҳар ойда	1.1	1.1	1.1	1.1	1.1	1.1
			1.2	1.2	1.2	1.2	1.2	
2.	Коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳалқаро ва хорижий ташкилотларнинг тавсиялари мониторинги	Ярим йилда бир марта	2.1	2.1	2.1	2.1	2.1	2.1
			2.2	2.2	2.2	2.2	2.2	
Коррупцияга қарши курашиш тизимининг самардорлигини баҳолаш								
3.	Оммавий ахборот воситалари мониторинги	Мунтазам равишда	3.1	3.1	3.1	3.1	3.1	3.1
			3.2	3.2	3.2	3.2	3.2	
4.	Коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари ва талаблари тўғрисида хабарларнинг текшириши	Ярим йилда бир марта	4.1	4.1	4.1	4.1	4.1	4.1
			4.2	4.2	4.2	4.2	4.2	

Т/Р	Мониторинг / тадбир тури	Мониторинг / тадбир ўтказишнинг даврийлиги (хар йили / ярим йилда бир марта / кундалик / мунтазам)	Мониторинг / тадбир ўтказиш санаси	Кузатув тавсифи	Коррупцияга қарши курашиш тизимига тузатишлар киритиш бўйича чора-тадбирлар	Масъул ижрочи	Тузатишлар киритиш бўйича чора-тадбирларни бажариш муддати	Бажарилиш ҳолати
5	Вазирлик ва унинг тасарруфидagi органлар ва муассасаларда коррупцияга қарши курашиш бўйича ўрнатилган талаблар ва тартиб-таомилларга риоя қилинишини текшириш (комплаенс-текиширув)	Хар йили		5.1. ... 5.2. ...	5.1. ... 5.2. ...	5.1. ... 5.2. ...	5.1. ... 5.2. ...	
6.	Ички аудит вазифаларини бажарувчи бўлинмалар томонидан Вазирлик тизими ички хужжатларида кўрсатилган талабларнинг бажарилишини назорат қилиш	Хар йили		6.1. ... 6.2. ...	6.1. ... 6.2. ...	6.1. ... 6.2. ...	6.1. ... 6.2. ...	
7	Коррупцияга қарши курашиш тизимининг ISO 37001:2016 стандартларига мувофиқлиги бўйича ички аудит	Хар йили / зарурат бўлганда		7.1. ... 7.2. ...	7.1. ... 7.2. ...	7.1. ... 7.2. ...	7.1. ... 7.2. ...	
8.	Вазирлик тизимининг коррупцияга қарши курашиш дастури / йўл харитаси бажарилишининг тўлиқлиги ва	Хар йили		8.1. ... 8.2. ...	8.1. ... 8.2. ...	8.1. ... 8.2. ...	8.1. ... 8.2. ...	

Т/Р	Мониторинг / тадбир тури	Мониторинг / тадбир ўтказишнинг даврийлиги (хар йили / ярим йилда бир марта / кундалик / мунтазам)	Мониторинг / тадбир ўтказиш санаси	Кузатув тавсифи	Коррупцияга қарши курашиш тизимига тузатишлар киритиш бўйича чора-тадбирлар	Масъул ижрочи	Тузатишлар киритиш бўйича чора-тадбирларни бажариш муддати	Бажарилиш ҳолати
	самарадорлигини назорат қилиш							

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш принциплари ва талабларига риоя этилишини мониторинг ва назорат қилиш Услубиятига 2-илова

Вазирлик тизими ходимларининг коррупцияга қарши курашиш принциплари ва талаблари ҳақида хабардорлигини текшириш ТИЗИМИ

Т/р	Текширув йўналишлари	Текширув тадбирлари
<p>Вазирлик тизими ходимларининг коррупцияга қарши курашиш принциплари ва тартиб-таомиллари бўйича белгиланган талабларни билиш даражасини текшириш</p>	<p>Вазирлик тизими ходимларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича тренинглар доирасида ўтказилган тест ва ёки бошқа назорат тадбирларидан ўтиш натижаларини таҳлил қилиш;</p> <p>Ходимларни коррупцияга қарши курашиш сиёсати билан танишганлигини имзо асосида текшириш;</p> <p>Ходимларнинг коррупцияга қарши курашиш сиёсати ва тартиб-таомиллар бўйича билимлари юзасидан танлама текширув ўтказиш:</p> <p>1) Вазирлик тизими ходимларининг аудиторлик текширувида иштирок этишини танлама асосда аниқлаб олиш (сўровномада қатнашадиган ходимлар вазирлик тизимининг турли таркибий бўлинуларида танлаб олиниши, турли лавозимларни эгаллаган бўлиши ва камида 10 кишини ташкил этиши керак);</p> <p>2) ички ҳужжатларда кўрсатилган коррупцияга қарши курашиш бўйича талаблар ва меъёрларга оид саволлар (ҳолатли топшириқларни – кейсларни ечими билан) рўйхатини тузиш (саволларнинг минимал сони – 10 та, тест шаклида, очик саволлар шаклида ёки бошқа шаклда тузилиши мумкин);</p> <p>3) танланган ходимларга жавоблар / ечимлар олиш учун назорат саволларини юбориш;</p> <p>4) натижаларни таҳлил қилиш ва ходимлар билан коррупцияга қарши курашиш бўйича талаблар ва тартиб-таомилларни тушунишдаги ва уларга риоя қилишдаги қийинчиликларни муҳокама қилиш.</p>	

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш принциплари ва талабларига риоя этилишини мониторинг ва назорат қилиш Услубиятига 3-илова

ISO 37001:2016 стандартига мувофиқлик бўйича ички аудит ўтказиш учун чек-листнинг намунавий шакли

ISO 37001:2016 стандартига мувофиқлик талаблари рўйхати	ISO 37001:2016 стандартдаги банд рақами	Коррупцияга қарши курашиш тизимининг стандартга мувофиқлиги (Ха / Йўқ / Қисман)	Изохлар (бажарилмаган ёки қисман бажарилган тақдирда)
<p style="text-align: center;">ISO 37001:2016 стандартига мувофиқлик талаблари рўйхати</p>			
<p>Ташкилот контексти</p>			
<p>Вазирлик, унинг худудий бошқармалари, унинг тасарруфидаги марказлар ва муассасалар ўзларининг фаолият мақсадлари учун муҳим бўлган ва коррупцияга қарши курашиш бўйича бошқарув тизимининг ўз олдида белгилаб қўйган мақсадларига эришиш имкониятига таъсир этувчи ташқи ва ички омилларни аниқлаб олишлари керак.</p>	4.1-банд		
<p>Вазирлик, унинг худудий бошқармалари, унинг тасарруфидаги марказлар ва муассасалар қуйдагиларни аниқлашлари шарт:</p>			
<p>а) коррупцияга қарши курашиш бўйича бошқарув тизими учун муҳим аҳамиятга эга бўлган манфаагдор шахслар;</p>	4.2-банд		
<p>б) ушбу манфаагдор томонларнинг тегишли талаблари.</p>			
<p>Вазирлик, унинг худудий бошқармалари, тасарруфидаги марказлар ва муассасалар коррупцияга қарши курашиш бўйича бошқарув тизимининг амал қилиш соҳасини белгилашлари учун унинг чегараларини ва қўлланилиш даражасини аниқлаб олиш керак.</p>	4.3-банд		
<p>Қўллаш соҳаси ҳужжатлаштирилган маълумот сифатида мавжуд бўлиши керак.</p>			
<p>Вазирлик, унинг худудий бошқармалари тасарруфидаги марказлар ва муассасалар коррупцияга қарши курашиш бўйича бошқарув тизимини, жумладан зарур жараёнлар ва уларнинг ўзаро алоқасини ISO 37001:2016 талабларига мувофиқ ишлаб чиқиши, ҳужжатлаштириши, жорий этиши, ишчи ҳолатда сақлаши, доимий равишда қайта кўриб чиқиши ва керак бўлганда такомиллаштириши керак. Коррупцияга қарши курашиш бўйича бошқарув тизими коррупция хавфини аниқлаши ва баҳолаши, шунингдек, унинг олдини олиш, аниқлаш ва бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни ўз ичига олиши керак.</p>	4.4-банд		
<p>Вазирлик, унинг худудий бошқармалари, тасарруфидаги марказлар ва муассасалар қуйдагиларни амалга ошириши шарт:</p>			
<p>а) коррупция хавфларини мунтазам баҳолаб бориш;</p>	4.5-банд		
	4.5.1-банд		
	4.5.2-банд		
<p>б) вазирлик, унинг тасарруфидаги марказлар ва муассасаларнинг сиёсати ва мақсадларини ҳисобга олган</p>	4.5.3-банд		

<p>холда коррупция хавфлари даражасини баҳолаш мезонларини белгилаш, в) коррупция хавфларини баҳолаш натижаларини мунтазам равишда кўриб чиқиш; г) коррупция хавфларини баҳолаш амалга оширилганлигини ва унинг натижалари коррупцияга қарши курашиш бўйича бошқарув тизимини ишлаб чиқиш ёки такомиллаштиришда фойдаланилганлигини кўрсатувчи ҳужжатли маълумотларнинг сақланишини таъминлаш.</p>	4.5.4-банд	
<p>Илдерлик Бошқарув органи ва вазирлик, унинг тасарруфидаги идоралар ва муассасаларнинг раҳбарияти коррупцияга қарши курашиш тизимига нисбатан ўзининг етакчилиги ва масъулиятини қуйидагилар орқали намоён қилиши керак: а) вазирлик, унинг тасарруфидаги органлар ва муассасаларнинг коррупцияга қарши курашиш сиёсатини тасдиқлаш б) вазирлик ва унинг тасарруфидаги муассасаларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича бошқарув тизимининг мазмуни ва фаолияти тўғрисида белгиланган даврда маълумот олиш ва таҳлил қилиш; в) коррупцияга қарши курашиш тизимининг самарали ишлаши учун зарур бўлган керакли ва тегишли ресурсларни тақдим этилишини ва тақсимланишини таъминлаш; г) коррупцияга қарши курашиш бўйича бошқарув тизимини жорий этилиши ва унинг самарадорлиги устидан вазирлик, унинг тасарруфидаги идоралар ва муассасалар раҳбарияти томонидан тегишли назоратни амалга ошириш.</p>	5.1.1-банд	
<p>Раҳбарият коррупцияга қарши курашиш бўйича бошқарув тизимида ўзининг етакчилигини ва изчиллигини қуйидагилар орқали намоён қилиши шарт: а) вазирлик, унинг тасарруфидаги идоралар ва муассасаларда коррупцион хавф-хатарни ҳисобга олиб, шу жумладан коррупцияга қарши сиёсат ва мақсадлардан келиб чиқиб, коррупцияга қарши курашиш бўйича бошқарув тизимини яратиш, жорий этиш, юритиш ва қайта кўриб чиқишни таъминлаш б) коррупцияга қарши курашиш бўйича бошқарув тизимини вазирлик, унинг тасарруфидаги идоралар ва муассасалар фаолиятидаги жараёнларга интеграциялашувини таъминлаш; в) коррупцияга қарши курашиш тизимининг самарали ишлаши учун зарур ва тегишли ресурслардан фойдаланиш; г) коррупцияга қарши курашиш сиёсати бўйича ички ва ташқи алоқани таъминлаш; д) вазирлик, унинг тасарруфидаги идоралар ва муассасалар ичида коррупцияга қарши курашиш бўйича самарали бошқарувнинг аҳамияти ва коррупцияга қарши курашиш бўйича бошқарув тизими талабларига мувофиқлиги ҳақида маълумот берилишини таъминлаш; е) коррупцияга қарши курашиш тизимининг вазифаларини унинг белгиланган мақсадларга мос келишини таъминлаш; ж) коррупцияга қарши курашиш бўйича бошқарув тизимининг самарадорлигини оширишга ёрдам бериш учун ходимларни бошқариш ва қўллаб-қувватлаш; з) вазирлик, унинг тасарруфидаги органлар ва муассасаларда коррупцияга қарши курашиш бўйича маданиятни рағбатлантириш; и) доимий равишда такомиллашувга шароит яратиш; к) ўз мажбуриятлари доирасида коррупцион ҳолатлар тўғрисида огохлантирганлик ва аниқлаганлик бўйича лидерликни намоён этганлиги учун бошқа тегишли бошқарув ролини қўллаб-қувватлаш; л) қўндалётган ва ҳақиқий коррупцион ҳолатлар тўғрисида хабар беришни рағбатлантириш м) вазирлик, унинг</p>	5.1.2-банд	

<p>тасарруфидаги идоралар ва муассасаларда коррупцияга қарши курашиш сиёсатини бузиш ҳолатлари тўғрисида виждонан ёки оқилона ишончга асосланган ҳолда хабар етказганлиги учун ёки коррупцион схемада ҳамкорлик қилишдан бош торганлиги, агар ушбу бош тортиш вазирлик, унинг тасарруфидаги идоралар ва муассасаларда бизнес ҳамкорини йўқотишга сабаб бўлса ҳам (ҳодим вазирлик, унинг тасарруфидаги идоралар ва муассасаларнинг коррупцияга қарши сиёсати бузилишида шахсан ишгирок этган ҳолатлар бундан мустасно) ҳеч бир ҳодим таъқиб қилиниши, камситилиши ёки унга нисбатан интизомий чоралар қўлланишига йўл қўймаслик зарур</p> <p>н) маълум вақт оралиғида бошқарув органига коррупцияга қарши курашиш бўйича бошқарув тизимининг мазмуни ва фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни, шунингдек жиддий ва ёки мунтазам коррупцион ҳолатлар ҳақидаги баёнотларни тақдим этиш.</p>			
<p>Вазирлик, унинг тасарруфидаги органлар ва муассасалар раҳбарияти, коррупцияга қарши курашиш сиёсатини ўрнатиши, юритиши ва қайта кўриб чиқиши керак</p>	5.2-банд		
<p>Вазирлик раҳбарияти коррупцияга қарши курашиш бўйича бошқарув тизимини жорий этиш ва унинг талабларини ISO 37001:2016 талабларига мувофиқлаштириш бўйича умумий жавобгарликни ўз зиммасига олади.</p>	5.3.1-банд		
<p>Вазирлик раҳбарияти тегишли лавозимлар учун жавобгарлик ва ваколатлар ўрнатилганлигини вазирлик ва унинг тасарруфидаги органлар ва муассасаларнинг барча даражадаги ходимларига етказилиши юзасидан қафолат бериши керак.</p>	5.3.1-банд		
<p>Вазирлик ва унинг тасарруфидаги идоралар ва муассасаларнинг ҳар бир даражадаги раҳбарлари ўзи раҳбарлик қилаётган таркибий бўлинма фаолиятида коррупцияга қарши курашиш бўйича бошқарув тизими талабларининг қўлланилиши ва уларга амал қилинишини таъминлаш учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.</p>	5.3.1-банд		
<p>Вазирлик ва унинг тасарруфидаги органлар ва муассасалар ходимлари, эгаллаган лавозимидан қатъи назар, коррупцияга қарши курашиш бўйича бошқарув тизими талабларини лозим даражада тушуниши, уларга риоя қилиши ва бажариш учун жавобгар ҳисобланадилар.</p>	5.3.1-банд		
<p>Вазирлик раҳбарияти вазирлик ва унинг тасарруфидаги идоралар ва муассасаларда коррупцияга қарши курашиш бўйича масъул бўлинма (ҳодим) зиммасига қуйидаги мажбурият ва ваколатларни юқлаши керак:</p> <p>а) ташкилот томонидан коррупцияга қарши курашиш бўйича бошқарув тизими талабларининг ишлаб чиқилиши ва бажарилишини назорат қилиш;</p> <p>б) ходимларга коррупцияга қарши курашиш бўйича бошқарув тизими ва коррупция билан боғлиқ масалалар бўйича маслаҳатлар ва тавсиялар бериш;</p> <p>в) коррупцияга қарши курашиш бўйича бошқарув тизимининг ISO 37001:2016 талабларига мувофиқлигини таъминлаш;</p> <p>г) коррупцияга қарши курашиш бўйича бошқарув тизимининг амал қилиши тўғрисида бошқарув идораси (агар мавжуд бўлса) ва вазирлик раҳбариятига ҳисобот берилишини таъминлаш.</p>	5.3.2-банд		
<p>Вазирлик ва унинг тасарруфидаги идоралар ва муассасаларда коррупцияга қарши курашиш бўйича масъул бўлинма (ҳодим) ўз вазифаларини лозим даражада бажариши учун тегишли ресурслар билан таъминланган бўлиши шарт; шу жумладан тегишли компетенцияларга, мақомга ва мустақилликка эга бўлган ходимлардан иборат таркибга эга (ҳодим) бўлиши лозим.</p>	5.3.2-банд		
<p>Вазирлик ва унинг тасарруфидаги идоралар ва муассасаларда коррупцияга қарши курашиш бўйича масъул</p>	5.3.2-банд		

		<p>бўлима (ҳодим) коррупция билан ёки коррупцияга қарши курашиш бўйича бошқарув тизими билан боғлиқ масала ёки муаммони кўтариш зарурати туғилганда, бошқарув органига (агар мавжуд бўлса) ва вазирлик раҳбариятига тўғридан-тўғри ва тезкор боғлана олиш имкониятига эга бўлиши керак.</p>	
5.3.2-банд		<p>Вазирлик раҳбарияти коррупцияга қарши курашиш бўйича вазифаларининг бир қисмини ёки ҳаммасини вазирлик ва унинг тасарруфидаги органлар ва муассасаларда фаолият юритмайдиган бошқа шахсларга топшириши мумкин. Бундай ҳолда, вазирлик раҳбарияти муайян ҳодимларнинг ушбу вазифалар (уларнинг бир қисми) учун масъул этиб тайинланишини ва бу вазифалар бўйича ваколатларга эга бўлишини таъминлаши керак.</p>	
5.3.3-банд		<p>Агар вазирлик раҳбарияти коррупцион хавф-хатар даражаси паст кўрсаткичдан ошадиган ҳодимларга қарорларни қабул қилиш ваколатини тақдим этса, бу борада вазирлик ва унинг тасарруфидаги идоралар ва муассасалар қарорлар қабул қилиш ёки бошқарув воситалари жараёнини ишлаб чиқишлари ва уни қўллаб-қувватлашлари лозим.</p> <p>Вазирлик раҳбарияти коррупцияга қарши курашиш бўйича бошқарув тизимининг жорий этилиши ва унинг ISO 37001:2016 талабларига мувофиқлигини таъминлаш учун қарорлар қабул қилиш тартиби унга жалб этилган шахсларнинг лавозим вазифалари ва жавобгарлиги вақти-вақти билан қайта кўриб чиқилишини кафолатлаши керак</p> <p>ИЗОХ 1 Жавобгарлик ва ваколатлар топширилганда, вазирлик раҳбарияти ҳақиқий ёки потенциал манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича тегишли чораларни кўриши керак.</p> <p>ИЗОХ 2 Қарор қабул қилиш ваколатини топширилиши вазирлик раҳбариятини ёки бошқарув органини 5.1.1, 5.1.2 ва 5.3.1-бўлимларда баён этилган вазифа ва мажбуриятлардан озод қилмайди. Шунингдек, ваколат топширилган ҳодимларга потенциал юридик жавобгарликни юкламайди.</p>	
6.1-банд		<p>Режалаштириш</p> <p>Коррупцияга қарши курашиш бўйича бошқарув тизимини режалаштиришда вазирлик, унинг ҳудудий бошқармалари, тасарруфидаги марказлар ва муассасалар қўйидагиларни таъминлаш учун 4.1-бандда кўрсатилган омилларни, 4.2-бандда кўрсатилган талабларни ва ISO 37001:2016-нинг 4.5-бандида белгилаб қўйилган хавфларни, шунингдек, имкониятларни ҳисобга олишлари керак:</p> <p>а) коррупцияга қарши курашиш бўйича бошқарув тизими қўйилган мақсадларга эришишга нисбатан ишончни;</p> <p>б) антикоррупцион сиёсат ва мақсадлар билан боғлиқ ноҳуш оқибатларни олдини олиш ёки камайтиришни;</p> <p>в) коррупцияга қарши курашиш бўйича бошқарув тизимининг самарадорлигини мониторинг қилишни;</p> <p>г) доимий такомиллаштиришни.</p>	
6.1-банд		<p>Вазирлик, унинг ҳудудий бошқармалари, тасарруфидаги марказлар ва муассасалар қўйидагиларни режалаштириши керак:</p> <p>а) коррупция хавфини бартараф этиш бўйича ҳаракатлар ва уларни амалга ошириш имкониятлари;</p> <p>б) қандай қилиб:</p> <p>1) ушбу ҳаракатларни коррупцияга қарши курашиш бўйича бошқарув тизими жараёнлари билан бирлаштириш ва жорий этиш;</p> <p>2) бу ҳаракатларнинг самарадорлигини баҳолаш.</p>	
6.2-банд		<p>Вазирлик, унинг ҳудудий бошқармалари, тасарруфидаги марказлар ва муассасалар коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги тегишли функциялар ва даражалар учун зарур мақсадларни белгилаб олиши керак ва бу</p>	

	<p>мақсадлар куйидаги мезонларга жавоб бериши керак:</p> <p>а) коррупцияга қарши курашиш сиёсати мувофиқ бўлиши;</p> <p>б) 4.1-бандда кўрсатилган амалдаги омилларни, 4.2-бандда кўрсатилган талабларни ва 4.5-бандда кўрсатилган порахўрлик хавфларини эътиборга олиши;</p> <p>в) эришиб бўладиган бўлиши;</p> <p>г) бажарилиш холати бўйича назорат қилиниши;</p> <p>д) манфаатдор шахслар ва ходимларга хабар қилиниши;</p> <p>е) зарурат бўлганда янгиланиши керак.</p>	
6.2-банд	<p>Вазирлик, унинг худудий бошқармалари, тасарруфидаги марказлар ва муассасалар коррупцияга қарши курашиш мақсадлари тўғрисида ҳужжатлаштирилган маълумотларни сақлаши шарт.</p>	
6.2-банд	<p>Вазирлик ва унинг тасарруфидаги марказлар ва муассасалар коррупцияга қарши курашиш мақсадларига эришишни режалаштираётганда куйидагиларни аниқлаб олиши шарт:</p> <ul style="list-style-type: none"> - нима амалга оширилади; - қандай ресурслар талаб этилади; - мақсадларга эришилиши учун қим жавобгар бўлади; - мақсадларга қачон эришилади; - натижалар қандай баҳоланади ва қайд этилади. 	
Хавфсизлик		
7.1-банд	<p>Вазирлик, унинг худудий бошқармалари, тасарруфидаги марказлар ва муассасалар коррупцияга қарши курашиш бўйича бошқарув тизimini ишлаб чиқиш, жорий этиш, юритиш ва доимий такомиллаштириш учун зарур бўлган ресурсларни аниқлаши ва таъминаши шарт.</p>	
7.2.1-банд	<p>Вазирлик, унинг худудий бошқармалари, унинг тасарруфидаги марказлар ва муассасалар куйидагиларни амалга ошириши шарт:</p> <p>а) вазирлик, унинг тасарруфидаги марказлар ва муассасаларда коррупцияга қарши курашиш бўйича бошқарув тизимининг кўрсаткичларига таъсир қиладиган вазифалар ва тартиб-таомилларни бажарувчи ходимлар эга бўлиши керак бўлган зарур ваколатларни аниқлаш;</p> <p>б) кўрсатилган шахсларнинг малакали бўлишини, яъни тегишли маълумот, тайёргарлик ёки тажрибага эгалигини кафолатлаш;</p> <p>в) имкони бўлган жойларда зарур ваколатларни таъминлаш ва қўллаб-қувватлаш бўйича чоралар кўриш ва кўрилган чораларнинг самарадорлигини баҳолаш;</p> <p>г) тегишли ҳужжатлаштирилган маълумотларни ўз ваколатининг исботи сифатида сақлаш.</p>	
7.2.2.1-банд	<p>Қонунбузарликлар содир этилган тақдирда ходимларга интизомий таъсир чораларини қўллашнинг имкони бўлиши учун ходимларни ишга олиш шартларида коррупцияга қарши курашиш сиёсати ва коррупцияга қарши курашиш бўйича бошқарув тизимига мувофиқ талаблар келтирилиши керак.</p>	
7.2.2.1-банд	<p>Ходимлар Коррупцияга қарши курашиш сиёсатининг нухасини ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқини олишлари ва ушбу сиёсат билан боғлиқ машғулотлардан ўтиши керак.</p>	
7.2.2.1-банд	<p>Вазирлик, унинг худудий бошқармалари, унинг тасарруфидаги марказлар ва муассасаларда коррупцияга қарши курашиш сиёсати ва коррупцияга қарши курашиш бўйича бошқарув тизими талабларини бузаётган ходимларга нисбатан тегишли интизомий чоралар кўришга имкон берадиган тартиб-таомилларга эга бўлиши керак.</p>	

<p>Ходимлар куйидагиларни:</p> <p>1) Вазирлик ва унинг тасарруфидаги органлар ва муассасалар томонидан юмшагилмаган энг паст даражадан камроқ коррупция хавфи мавжуд бўлган ҳар қандай фаолиятда катнашишдан бош торгганлиги учун;</p> <p>2) пора олишга уриниш, ҳақиқатда ёки тахмин қилинаётган порахўрлик ёки коррупцияга қарши курашиш сиёсати ёки коррупцияга қарши курашиш бўйича бошқарув тизимининг бузилиши ҳақида виждонан билдирган хабарлар учун (жисмоний шахс коррупцияда иштирок этган ҳолатлар бундан мустасно) камситилмайди ёки интизомий жазога (масалан, таҳдид, яққалатиб қўйиш, лавозимидан тушириш, лавозимининг ошишига тўсқинлик қилиш, бошқа жойга ўтказиш, ишдан бўшатиш, кўрқитиш ва таъкиб қилиш ёки бошқа шаклдаги жазога) тортилмайди;</p>	7.2.2.1-банд	
<p>Номзодларни умумий текшириш ишга қабул қилишдан олдин, ходимларни умумий текшириш эса бошқа лавозимга ўтказишдан олдин, уларни ишга қабул қилиш ёки лавозимларини ўзгартириш мақсадга мувофиқлиги ва уларни коррупцияга қарши курашиш сиёсати ва коррупцияга қарши бошқарув тизими талабларини бажаришларини аниқлаш учун ўтказилади;</p>	7.2.2.2-банд	
<p>Мукофотлаш тизими, мақсадли кўрсаткичлар ва меҳнатга ҳақ тўлаш тизимининг бошқа рағбатлантирувчи элементлари, уларнинг порахўрликка замин яратмасликлари учун оқилона чоралар жорий этилганлигига ишонч ҳосил қилиш мақсадда қайта кўриб чиқилади;</p>	7.2.2.2-банд	
<p>Юқори раҳбарият ва бошқарув органи (агар мавжуд бўлса) ўз фаолиятининг коррупцияга қарши курашиш сиёсатига мувофиқлигини тасдиқловчи декларацияни, аниқланган коррупция хавфларидан келиб чиқиб белгиланган маълум бир даврийликда тўлдириб боради.</p>	7.2.2.2-банд	
<p>Вазирлик, унинг худудий бошқармалари, тасарруфидаги марказлар ва муассасалар ходимларни керакли ва тегишли маълумотлардан хабардор қилинишини ва ўқитилишини таъминлаши шарт.</p> <p>Бундай ўқитиш коррупция хавфларини баҳолаш натижаларини ҳисобга олган ҳолда куйидаги масалаларга қаратилиши керак (4.5-бандга қараган):</p> <p>а) Вазирлик, унинг худудий бошқармалари, тасарруфидаги марказлар ва муассасаларнинг коррупцияга қарши курашиш сиёсати ва тартиб-гаомиллари, шунингдек, коррупцияга қарши курашиш бўйича бошқарув тизими ва уларнинг кўрсатилган хужжатлар ва тартиб-гаомилларга риоя қилиш мажбурияти;</p> <p>б) коррупция хавфи ва коррупция натижасида етиши мумкин бўлган зарар;</p> <p>в) ходимларнинг ўз мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ равишда коррупция содир бўлиши мумкин бўлган ҳолатлар ва бу ҳолатларни аниқлаш усуллари;</p> <p>г) ходимлар коррупция хавфининг индикаторларини билиб олиш орқали коррупция харакатларини олдини олиш ва бартараф этишда қандай ёрдам бериши мумкинлиги;</p> <p>д) мавжуд тренинглар ва ресурслар ҳақида маълумотлар.</p>	7.3-банд	
<p>Ходимлар мунтазам равишда эғаллаб турган лавозимида учраши мумкин бўлган коррупция хавфларига, шунингдек, меҳнат вазибаларининг ҳар қандай турдаги ўзгаришига мувофиқ равишда коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича маълумот олишлари ва зарур тренинглардан ўтиши керак.</p>	7.3-банд	
<p>Маълумот бериш ва ўқитиш дастурлари мунтазам тарзда янгиланиб бориши керак.</p>		
<p>Вазирлик, унинг худудий бошқармалари, унинг тасарруфидаги марказлар ва муассасалар номидан ёки уларнинг манфаатларига хизмат қилувчи энг куйи кўрсаткичдан юқори даражадаги коррупция хавфини келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳамкорларни коррупцияга қарши курашиш бўйича маълумотлардан</p>	7.3-банд	

хабардор этиши ва шу соҳала ўқитишга қаратилган тартиб-таомилларни жорий этиши шарт.	Вазирлик, унинг худудий бошқармалари, унинг тасарруфидаги марказлар ва муассасалар ўқув жараёнлари билан боғлиқ маълумотларни сақлаши шарт.																																											
Вазирлик, унинг худудий бошқармалари, унинг тасарруфидаги марказлар ва муассасалар коррупцияга қарши курашиш бўйича бошқарув тизимининг ишлаши учун зарур бўлган ички ва ташқи алоқаларни йўлга қўйиши лозим.	Вазирлик, унинг худудий бошқармалари, унинг тасарруфидаги марказлар ва муассасалар коррупцияга қарши курашиш бўйича бошқарув тизимининг ишлаши учун зарур бўлган ички ва ташқи алоқаларни йўлга қўйиши лозим.																																											
Коррупцияга қарши курашиш сиёсати:	- ташкилотнинг барча ходимлари ва ҳамкорларни таништириш учун очик бўлиши; - энг қуйи кўрсаткичдан юқори даражадаги коррупция хавфига мойил бўлган ходимлар ва контрагентларга таништирилиши;																																											
Вазирлик, унинг худудий бошқармалари, тасарруфдаги марказлар ва муассасаларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича бошқарув тизими қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:	а) ISO 37001:2016 талаб қилдиган ҳужжатлар;																																											
а) Вазирлик, унинг худудий бошқармалари, тасарруфдаги марказлар ва муассасаларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича бошқарув тизимининг самарадорлигини таъминлаш учун зарурий ҳужжатлар.	б) ташкилот томондан коррупцияга қарши курашиш бўйича бошқарув тизимининг самарадорлигини таъминлаш учун зарурий ҳужжатлар.																																											
Феолият механизми	Вазирлик, унинг худудий бошқармалари, тасарруфдаги марказлар ва муассасалар коррупцияга қарши курашиш бўйича бошқарув тизимининг талабларига мувофиқлигини таъминлаш ва 6.1-бандда белгиланган ҳаракатларни амалга ошириш учун қуйидагилар зарур:																																											
а) жараёнлар учун мезонларни аниқлаш;	б) мезонларга мувофиқ жараёнларни назорат қилиш;																																											
в) жараёнларнинг режага мувофиқ амалга оширилганлигига ишонч қилиш учун зарур бўлган ҳажмдаги маълумотларни сақлаш.	Бу жараёнлар 8.2- 8.10-бандларда кўрсатилган аниқ чора-тадбирларни ўз ичига олиши керак.																																											
Вазирлик, унинг худудий бошқармалари, тасарруфдаги марказлар ва муассасалар режалаштирилган ўзгаришларни бошқариши ва қўлланмаган ўзгаришларнинг оқибатларини таҳлил қилиши, ҳар қандай салбий таъсирни қамайтириш учун зарурий чораларни амалга ошириши шарт.	Вазирлик, унинг худудий бошқармалари, тасарруфдаги марказлар ва муассасалар режалаштирилган ўзгаришларни бошқариши ва қўлланмаган ўзгаришларнинг оқибатларини таҳлил қилиши, ҳар қандай салбий таъсирни қамайтириш учун зарурий чораларни амалга ошириши шарт.																																											
Вазирлик, унинг худудий бошқармалари, тасарруфдаги марказлар ва муассасалар коррупция хавфини баҳолаш учун маълумотларни олишда текширувларни ўтказиш йўли билан муайян турдаги лойиҳалар, ишлар, контрагентлар ва ходимларга нисбатан коррупция хавфининг табиати ва даражасини баҳолашлари лозим.	Вазирлик, унинг худудий бошқармалари, тасарруфдаги марказлар ва муассасалар коррупция хавфини баҳолаш учун маълумотларни олишда текширувларни ўтказиш йўли билан муайян турдаги лойиҳалар, ишлар, контрагентлар ва ходимларга нисбатан коррупция хавфининг табиати ва даражасини баҳолашлари лозим.																																											

	<p>коррупцияга қарши курашиш бўйича тегишли назорат воситасига эгалигини аниқлаши шарт.</p> <p>б) агар бундай тизим мавжуд бўлмаса ёки уларнинг мавжудлигини текшириш имкони бўлмаса:</p> <p>1) ҳамкордан тегишли битимлар, лойиҳалар ёки фаолият доир коррупцияга қарши курашиш бўйича назоратни амалга оширишни талаб қилиши керак, ёки</p> <p>2) ҳамкордан коррупцияга қарши курашиш бўйича назоратни талаб қилиш имконсиз бўлса, у (товарлар етказиб бериш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш орқали) келтириб чиқарадиган коррупция хавфларини баҳолаш ва уни олдини олиш чораларини кўриш зарур.</p>	
8.6-банд	<p>Вазирлик, унинг худудий бошқармалари, тасарруфдаги марказлар ва муассасалар коррупция хавфи паст бўлган ҳамкорлар учун қуйидаги тартиб-таомилларни қўллаши керак:</p> <p>а) ҳамкорлар билан тегишли битимлар, лойиҳалар, фаолият ёки муносабатларда коррупциянинг олдини олиш мажбуриятига эга бўлиши;</p> <p>б) ҳамкор томонидан ҳар қандай кўринишда пора таклиф этиш ҳолатида у билан муносабатларни тўхтатиш ҳуқуқига эга бўлиш.</p>	
8.9-банд	<p>Вазирлик, унинг худудий бошқармалари, тасарруфдаги марказлар ва муассасалар қуйидаги тартиб-таомилларни жорий этиши шарт:</p> <p>а) ходимларни ўзлари гумон қилган ёки ҳақиқатда содир этилган порахўрлик ҳолатлари ёки ҳар қандай қонунбузарлик, шунингдек, коррупцияга қарши курашиш бўйича бошқарув тизимининг кучсиз томони тўғрисида комплекс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлимига ёки тегишли мансабдор шахсларга (тўғридан-тўғри ёки тегишли учинчи шахс орқали) асосли хабар беришларини рағбатлантириш;</p> <p>б) текширув ўтказиш учун асос бўлган хабарлар ва уларнинг маъносини, хабарга алоқадор шахсларни ошқор бўлишини олдини олиш учун уларни махфий тартибда кўриб чиқишни талаб қилади;</p> <p>в) пора олиш ва беришга уриниш, ҳақиқатда содир бўлган ёки гумон қилинган пора олиш ҳолатлари, коррупцияга қарши курашиш талабларини бузилиши билан боғлиқ шубҳалар ҳақида асосли хабар берилганидан сўнг хабар берувчини таъкиб қилиш таққиланади ва у ҳимоя қилинади;</p> <p>г) ходимлар пора олиш-беришда иштирок этиши мумкин бўлган вазиятга дуч келсалар, қандай ҳаракат қилишлари кераклиги тўғрисида малакали шахслардан тушунтириш олиш имкониятини таъминлайди.</p>	
8.9-банд	<p>Вазирлик, унинг худудий бошқармалари, тасарруфдаги марказлар ва муассасалар барча ходимларнинг коррупцион қилмишлардан раҳбариятни хабардор қилиш тартибини билишларини кафолатлашлари шарт.</p>	
8.10-банд	<p>Вазирлик, унинг худудий бошқармалари, тасарруфдаги марказлар ва муассасалар қуйидаги тартиб-таомилларни жорий этиши шарт:</p> <p>а) аниқланган, гумон қилинган ёки хабар қилинган ҳар қандай коррупциявий қилмиш текширилиши лозим;</p> <p>б) агар текширувда тегишли ҳуқуқбузарликлар аниқласа, уларга нисбатан тегишли чоралар кўрилиши зарур;</p> <p>в) текширув олиб борадиган шахсларга зарур ваколат ва ресурсларни берилиши.</p>	
9.1-банд	<p>Фаолият натижаларини баҳолаш</p> <p>Вазирлик, унинг худудий бошқармалари, тасарруфдаги марказлар ва муассасалар қуйидагиларни аниқлаши шарт:</p> <p>а) кузатиш ва баҳолаш;</p> <p>б) ишончли натижаларга эга бўлиш учун мониторинг қилиш, ўлчаш, таҳлил қилиш ва баҳолаш.</p>	
9.1-банд	<p>Вазирлик, унинг худудий бошқармалари, тасарруфдаги марказлар ва муассасалар қўлланилган усуллар ва олинган натижаларга оид маълумотларни сақлаб қўйиши шарт.</p>	

Вазирлик, унинг худудий бошқармалари, тасарруфдаги марказлар ва муассасалар коррупцияга қарши курашиш фаолиятининг кўрсаткичлари ва коррупцияга қарши курашиш бўйича бошқарув тизимининг самарадорлигини баҳолаб бориши зарур.	9.1-банд		
Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими режалаштирилган вақт оралиғида раҳбариятга ҳисобот бериб боради.	9.2-банд		
Вазирлик томонидан унинг тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича режали тарзда текширув ўтказиши керак.	9.4-банд		
<p>Ўтказиладиган текширув куйидаги тахлилий маълумотларни ўз ичига олиши керак:</p> <p>а) илгари ўтказилган текширувлар натижалари бўйича амалга оширилган ишлар ҳолати;</p> <p>б) коррупцияга қарши курашиш бўйича бошқарув тизими билан боғлиқ ташқи ва ички омилларнинг ўзгариши;</p> <p>в) коррупцияга қарши курашиш бўйича бошқарув тизимининг ишлаши, шу жумладан коррупцияга қарши курашиш бўйича ишларнинг бориши тўғрисидаги куйидаги маълумотлар:</p> <p>1) номувофикликлар ва тузатиш ишлари;</p> <p>2) мониторинг ва тахлил натижалари;</p> <p>3) аудит натижалари;</p> <p>4) коррупция ҳолатлари ҳақидаги хабарлар;</p> <p>5) текширувлар;</p> <p>б) коррупция хавфларининг табиати ва даражаси;</p> <p>г) коррупция хавфини бартараф этиш бўйича кўрилган чораларнинг самарадорлиги.</p>	9.4-банд		
Текшириш натижалари коррупцияга қарши курашиш бўйича бошқарув тизимини доимий равишда такомиллаштириш ва зарур бўлганда ўзгартириш киритиш билан боғлиқ қарорларни ўз ичига олиши керак.	9.4-банд		
Такомиллаштириш йўналлишлари			
Вазирлик, унинг худудий бошқармалари, тасарруфдаги марказлар ва муассасалар қуйидагиларни амалга ошириш шарт:	10.1-банд		
а) аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича чора кўриш;			
б) зарурий чора-тадбирларни белгилаш;			
в) чора-тадбирларнинг самарадорлигини тахлил қилиш;			
г) коррупцияга қарши курашиш бўйича бошқарув тизимида ўзгартиришлар киритиш.			
Вазирлик, унинг худудий бошқармалари, тасарруфдаги марказлар ва муассасалар коррупцияга қарши курашиш бўйича бошқарув тизимини доимий равишда такомиллаштириб бориши шарт.	10.2-банд		



Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлигининг
2021 йил 24 октябрь даги
443 -сон буйруғига
3 илова

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизими ходимларининг коррупция ҳаракатларини амалга ошириши ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузишига нисбатан хизмат текширувларини ўтказиш РЕГЛАМЕНТИ

I. Асосий қоидалар

1. Мазкур Регламент Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармалари, унинг тасарруфидаги марказлар ва муассасаларнинг (кейинги ўринларда - “Вазирлик тизими”) ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишга оид қонунчилиги ёки коррупцияга қарши курашишга оид ички идоравий ҳужжатларини бузилишига нисбатан хизмат текширувини (кейинги ўринларда - “Хизмат текшируви”) ўтказишни белгиловчи ички идоравий ҳужжати ҳисобланади.

2. Мазкур Регламент қуйидаги мақсадларда ишлаб чиқилган:

Вазирлик тизимида Хизмат текшируви ўтказишга ягона ёндашувни белгилаш;

Хизмат текшируви ўтказиш жараёни ва натижаларини ҳужжатлаштириш талабларини белгилаш;

Вазирлик тизимида қоидабузарликлар содир этиш, унга зиён етказишга олиб келадиган сабаб ва шартларни аниқлаш ва бартараф қилиш;

Вазирлик тизимида қабул қилинган ички ҳужжатлар ва назорат таомилларидаги камчиликларни аниқлаш ва келгусидаги қоидабузарликларга йўл қўймаслик мақсадида уларни бартараф қилиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш;

Вазирлик тизими ва унинг ходимларининг қўлланилаётган қонунчилик талабларини бузганлик учун жавобгарликка тортилиши хавфини камайтириш.

Хизмат текширувида иштирок этаётган Вазирлик тизими ходимларига ушбу Регламент билан ўрнатилган талабларга риоя қилиниши учун шахсий жавобгарлик юклатилади.

3. Вазирлик тизимидаги Хизмат текшируви қуйидаги тамойиллар асосида ўтказилади:

қонунийлик;

Вазирлик тизими ходимларининг ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя қилиш;

фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларинини таъминлаш ва ҳимоя қилиш;

Хизмат текшируви ўтказишда олинган ахборот ва материалларнинг конфиденциаллиги;

Вазирлик тизими ходимлари томонидан Хизмат текшируви ўтказишдаги шаффофлик, ҳалоллик, коллегиялик, бетарафлик ва холислик;

Хизмат текшируви олиб борилаётган Вазирлик тизими ходимининг айбсизлик презумпцияси.

II. Хизмат текширувни тайинлаш

4. Хизмат текшируви Вазирлик тизими ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишга оид қонунчилиги ёки коррупцияга қарши курашишга оид ички идоравий ҳужжатларининг бузилганлиги тўғрисидаги асосли маълумотлар мавжуд бўлганда тайинланади.

5. Бундай маълумотлар қуйидаги манбалардан келиши мумкин:

Вазирлик тизими ходимларининг ёзма ёки оғзаки шаклдаги бевосита раҳбари ёки бошқа ваколатли шахсга берган маълумоти;

жисмоний ва юридик шахсларнинг Вазирлик тизимининг алоқа каналларига юборган хабарлари, шу жумладан, аноним хабарлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари;

оммавий ахборот воситаларидаги, шунингдек, ижтимоий тармоқлардаги маълумотлар;

ўтказилган сўровнома, шу жумладан, ижтимоий ва статистик тадқиқотлар натижалари бўйича олинган маълумотлар;

ички аудит ва молиявий назорат бўлинмалари, шунингдек, давлат молиявий назорат органлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг хулосалари;

Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси (кейинги ўринларда – Ички назорат тузилмаси) томонидан коррупцияга қарши ички талаблар мониторинги ва уларга риоя қилиш устидан назорат натижалари;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ва давлат ҳокимиятининг бошқа органларининг топшириқлари;

Бошқа каналлар орқали келиб тушган коррупциявий характердаги хабарлар.

6. Қуйидагилар Хизмат текшируви ташаббускорлари бўла олади:

Вазирлик раҳбарияти;

ҳудудий ва таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари;

Вазирлик тизимининг Одоб-ахлоқ комиссияси;

Ички назорат тузилмаси (коррупцияга қарши курашишга масъул ходимдар);

Вазирлик тизимининг ички аудит ва молиявий назоратга жавобгар таркибий бўлинмаси раҳбари;

Вазирлик тизимининг Юридик хизмати раҳбари;

Вазирлик тизимининг кадрлар билан ишловчи бўлинмалари раҳбарлари;

Вазирлик ташаббускорлари бўлган лойиҳа менежерлари.

7. Коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида мазкур Регламентнинг 6-бандида кўрсатилган манбалардан келиб тушган ҳар қандай маълумотга нисбатан Ички назорат тузилмаси Хизмат текшируви ўтказиш учун етарли асос ва маълумотлар мавжудлиги, шунингдек, келиб тушган маълумотнинг Вазирлик тизими ходимларига алоқаси бор-йўқлигини аниқлаш нуқтаи назаридан дастлабки текширув ва таҳлил қилишни амалга оширадилар.

8. Бунда хизматтекшируви ўтказилиши мумкин бўлган ёки манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлган ходимларни дастлабки текширув жараёнига жалб қилиш тақиқланади.

9. Дастлабки текширув тегишли маълумот келиб тушган кундан бошлаб 10 (ўн) кундан ортиқ бўлмаган муддатда ўтказилади.

10. Дастлабки текширув Хизмат текшируви ҳисобланмайди.

11. Агар дастлабки текширув натижалари бўйича Вазирлик тизими алоқадор бўлган қоидабузарлик содир этилгани, содир этилиши мумкин бўлгани ёки содир этилаётганини тахмин қилишга асос борлиги аниқланса, у ҳолда Ички назорат тузилмаси раҳбари Вазирлик тизими раҳбарияти ёки унинг ҳудудий ва таркибий бўлинмалари раҳбари номига ёзма хизмат хабарини жўнатади.

12. Агар Хизмат текшируви Вазирлик тизимининг ҳудудий ва таркибий бўлинмалари раҳбари ёки унинг ўринбосарларига нисбатан тайинланган бўлса, хизмат хабари Вазирлик раҳбарияти номига ёзилади.

13. Агар Хизмат текшируви Вазирлик раҳбариятига нисбатан тайинланган бўлса, (Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Вазирлик тизимининг ички ҳужжатларида кўзда тутилган коррупциявий хатти-харакатлар, шу жумладан манфаатлар тўқнашувини яширишга оид ҳолатларини содир этганликда гумон қилинган ҳолларда) у ҳолда тегишли маълумотлар Ички назорат тузилмаси томонидан ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юборилади.

14. Вазирлик тизими ёки ҳудудий ва таркибий бўлинма раҳбари хизмат хабари олинган кундан бошлаб 3 (уч) иш кунини Хизмат текшируви ўтказиш ёки ўтказмаслик тўғрисида қарор (буйруқ) қабул қилади.

15. Вазирлик тизими ёки ҳудудий ва таркибий бўлинма раҳбари хизмат хабарига асосан тегишли материалларни Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига Хизмат текшируви ўтказмасдан тақдим этиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

16. Хизмат текшируви ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш билан бир вақтда Вазирлик тизими ёки ҳудудий ва таркибий бўлинма раҳбари Хизмат текшируви ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ раҳбарини тайинлайди ва унга ишчи гуруҳ таркибини шакллантиришни ва хизмат текширувни ўтказиш тўғрисида буйруқ тайёрлаш вазифасини топширади.

17. Хизмат текшируви ўтказиш тўғрисидаги буйруқда қуйидагилар кўрсатилади:

Хизмат текшируви предмети (мавзуси);

Хизмат текшируви ўтказилишига асос бўлган сабаб ёки вазият;

Хизмат текшируви ўтказишга сабаб бўлган қоидабузарликни содир этишда гумонланаётган ходим (лар), у (лар)нинг ФИШ ва лавозими (бўлинма (бошқарма, бўлим) номи) маълум бўлса;

Хизмат текширувини ўтказиш учун маъсул бўлган ишчи гуруҳ таркиби;

Ишчи гуруҳ аъзолари ва раҳбарининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

Хизмат текширувини ўтказиш ва натижаларни тақдим этиш муддати.

18. Хизмат текшируви ўтказиш тўғрисидаги буйруқ лойиҳаси Вазирлик тизими ёки ҳудудий ва таркибий бўлинма раҳбарига имзоланган учун Хизмат текшируви

ўтказиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадан бошлаб 3 кун ичида тақдим этилиши керак.

III. Хизмат текшируви ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ тузиш

19. Хизмат текширувини ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ таркиби, Ишчи гуруҳ раҳбари таклифига асосан тузилади, қоида тариқасида унга ички назорат тузилмалари, кадрлар билан ишловчи бўлинмалар, юридик хизмат, ички аудит ва молиявий назорат бўлинмалари ҳамда лавозим мажбурияти Хизмат текшируви предмети бўлган ёки шунга яқин бўлган бошқа бўлинмалар ходимлари киритилиши мумкин.

20. Таркибий ва ҳудудий бўлинмалар томонидан ташкил этилган ишчи гуруҳ таркибига Вазирлик марказий аппарати ходимлари киритилиши мумкин.

21. Қуйидаги ходимлар ишчи гуруҳ таркибига киритилмайди:

Хизмат текшируви ўтказилаётган ходимнинг яқин қариндошлари;

Хизмат текшируви ўтказилаётган ходимнинг бевосита бўйсунувидаги ходим;

Хизмат текшируви ўтказилаётган ходимнинг бевосита раҳбари;

Хизмат текшируви ўтказилаётган йўналишни бошқараётган Вазирлик тизими, ҳудудий ва таркибий бўлинма раҳбарининг ўринбосарлари;

текширув якунидан бевосита ёки билвосита манфаатдор эканлиги ҳақида гумон (масалан бирга таълим олган, бир ҳудуддан бўлган, хизмат текшируви ўтказилаётган ходим билан ошқора зиддиятга эга ва ҳок.) бўлган бошқа ходимлар.

22. Ишчи гуруҳни шакллантириш учун маъсулият ишчи гуруҳ раҳбари зиммасида бўлади. У мазкур Регламентнинг 22-бандида кўрсатилган потенциал манфаатлар тўқнашуви ҳолати мавжудлиги бўйича гуруҳ аъзоларини текшириши шарт.

IV. Хизмат текширувини ўтказиш

23. Хизмат текшируви тегишли буйруқ имзолаган санадан бошлаб 20 кунлик муддатда ўтказилиши керак.

24. Агар Хизмат текшируви жараёнида мазкур Регламентнинг 24-бандида кўрсатилган муддатларнинг узайишига олиб келадиган қўшимча тартиб-таомиллар (шу жумладан, ходимлар ва бошқа шахслар орасида қўшимча сўровнома ўтказиш) ўтказилиши, ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилса, у ҳолда ишчи гуруҳ раҳбари бу ҳақда мажбурий тартибда, Хизмат текшируви тўғрисидаги буйруқни имзолаган раҳбарни хабардор қилади. Бундай ҳолатларда, Хизмат текширувини ўтказиш муддати яна 20 кундан ортиқ бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин.

25. Хизмат текшируви ўтказилаётган ходим ишда узрли сабабларга (таътил, касаллик, хизмат сафари ва бошқалар) кўра бўлмаган ҳолларда, у вақтинча тўхтатилади, унинг муддати ходим ишда бўлмаган даврга қадар узайтирилади.

Агар ходим узрли сабабларсиз 3 кундан ортиқ ишда бўлмаган ёки Хизмат текширувида иштирок этишдан бош тортганда, Хизмат текшируви Вазирлик, ҳудудий ва таркибий бўлинма раҳбари билан келишган ҳолда ходимнинг иштирокисиз ўтказилиши мумкин ва ушбу ҳолат Хизмат текшируви натижаларида қайд этилади.

26. Хизмат текшируви ўтказилаётган ходимга, ишчи гуруҳ раҳбарининг тавсиясига асосан Вазирлик тизими, ҳудудий ва таркибий бўлинма раҳбари буйруғи билан маълум бир ахборот тизимлари, муайян ҳужжатлардан фойдаланишга чеклов қўйилиши мумкин. Ушбу ҳолатда қабул қилинган буйруқ ҳақида, хизматтекшируви ўтказилаётган ходим, ўша кунгек буйруққа имзо чектирилган ҳолда таништирилади. Буйруқ билан танишиш рад этилган ҳолда бу ҳақида ишчи гуруҳ раҳбари томонидан далолатнома тузилади.

27. Ходимга нисбатан маълум бир ахборот тизимлари, муайян ҳужжатлардан фойдаланишга чеклов қўйишга оид буйруқ Хизмат текшируви ўтказишнинг муддатидан ортиқ бўлмаслиги керак.

V. Хизмат текширувини ўтказиш давомида ўрганиладиган маълумотлар

28. Хизмат текширувини ўтказиш давомида ишчи гуруҳ қоидабузарликка алоқадор бўлган маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва ҳужжатлаштириш ишларини амалга оширади, шу жумладан:

қоидабузарлик, уни содир этиш сабаблари нимада акс этади;

Қоидалари бузилган Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Вазирлик тизимининг ички идоравий ҳужжатлари талаблари;

Қоидабузарликни содир этиш вақти, жойи, усули;

Қоидабузарликни содир этишга жалб қилинган шахслар доираси (Вазирлик тизими ходимлари билан бир қаторда учинчи шахслар ҳам);

қоидабузарликнинг оғирлик даражаси;

Вазирлик тизимига етказилган моддий ва номоддий, обрў-эътибор характеридаги зарарнинг кўриниши ва кўлами;

Қоидабузарликни содир этишга алоқадор бўлиши мумкин бўлган бошқа маълумотлар.

29. Хизмат текширувини ўтказиш давомида олинадиган маълумотлар манбаси қуйидагилар бўлиши мумкин:

хизматтекшируви ўтказилаётган ходим, Вазирлик тизимининг бошқа ходимлари, учинчи шахсларнинг ёзма ёки оғзаки тушунтиришлари;

тасдиқловчи ҳужжатлар (ёзма ва электрон шаклда);

интернет тармоғининг оммавий тизимида жойланган ахборот манбаларининг маълумотлари;

аудиоёзувлар, фото- ва видеосъёмкалар;

қоидабузарликка алоқадор бўлган бошқа материаллар.

30. Юқорида санаб ўтилган барча, шу жумладан конфиденциал маълумотлар ишчи гуруҳ томонидан Вазирлик тизимида қабул қилинган барча таомилларни қўллаган ҳолда, шунингдек, Вазирлик тизимининг ички ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ олиниши ва фойдаланилиши керак.

31. Вазирлик тизими ходимлари ёки жалб этилган бошқа шахслар билан ўтказилган суҳбат жараёни аудио ёки видео қайд қилиниши, суҳбат тўғрисида баённома тузилиши керак (аудио ёки видео қайдлар Хизмат текшируви материалларига қўшиб қўйилади).

Аудио ва видео қайдни амалга оширишдан олдин суҳбат ўтказилаётган шахснинг розилиги олинади. Розилик берилмаса аудио ва видео қайдни амалга оширувчи ускуналардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

32. Хизмат текшируви ўтказилаётган ёки бошқа ходимнинг суҳбат ёки тушунтириш беришдан бош тортилган ҳолларда ушбу Регламентнинг 1-иловасига мос шаклда далолатнома расмийлаштирилади.

33. Ишчи гуруҳ раҳбари мазкур ходимни далолатнома билан танишганлигини тасдиқлаш учун унга имзо қўйиши зарурлиги тўғрисида хабардор қилади. Агар ходим ҳужжатга имзо қўйишдан бош тортса, у ҳолда ишчи гуруҳ раҳбари ҳужжатга тегишли белги қўяди.

34. Устидан текширув ўтказилаётган ходим томонидан далолатномага (ёки бошқа ҳужжатларга) имзо қўймаслик унга нисбатан тегишли жавобгарлик чорасини қўллашдан озод қилмайди.

VI. Ишчи гуруҳ раҳбари ва аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

35. Ишчи гуруҳ раҳбари Хизмат текширувининг самарадорлиги ва натижаси, шунингдек, ишчи гуруҳ аъзоларининг мазкур Регламент билан белгиланган талабларга амал қилишлари учун маъсул бўлади.

36. Хизмат текшируви ўтказиш давомида ишчи гуруҳ раҳбари қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

Хизмат текшируви ўтказишнинг йўналишлари, амалга ошириладиган тадбирларни белгилайди, ишчи гуруҳ аъзолари олдида вазифалар қўяди;

Ишчи гуруҳ томонидан Хизмат текшируви ўтказилишини ташкиллаштиради ва мувофиқлаштиради;

Ишчи гуруҳ томонидан Хизмат текширувининг ушбу Регламентга мувофиқ равишда ўтказилишини назорат қилади;

суҳбат ўтказиш, тушунтириш талаб қилиб олиш зарур бўлган ходимлар рўйхатини тузади;

Хизмат текширувини холис ва самарали ўтказиш учун зарур бўлган чоралар кўрилишини таъминлайди (масалан, маълумотларни йўқ қилиш жараёнларини тўхтатиб туришни талаб қилади, тегишли ходимларга нисбатан текширув ўтказилаётган даврда маълум бир ахборот тизимлари, муайян ҳужжатлардан фойдаланишга чеклов қўйишни тавсия қилади, зарурият тугилганда текширувни ўтказишнинг максимал муддатларини узайтириш бўйича таклиф тайёрлайди ва бошқалар.);

Вазирлик тизими, ҳудудий ва таркибий бўлинма раҳбарига Хизмат текшируви натижаларининг тақдим этилишини таъминлайди.

37. Хизмат текширувини ўтказишда ишчи гуруҳ раҳбари ва аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Вазирлик тизими ходимлари билан суҳбат ўтказиш, тушунтириш хати олиш, текширув моҳияти тўғрисида маълумотга эга бўлиши мумкин бўлган учинчи шахслар, шунингдек, ташқи экспертларни уларнинг розилиги билан Хизмат текшируви жараёнига таклиф қилиш. Учинчи шахслар ва ташқи экспертларни жалб қилиш масаласи Вазирлик тизими, ҳудудий ва таркибий бўлинма раҳбари билан келишилиши шарт;

сухбатни ёзма шаклда ёки зарурият туғилганда тушунтириш бераётган шахснинг розилиги билан аудио- ва видеоқайд этувчи ускуналар қўллаш билан қайд этишни амалга ошириш;

Вазирлик тизими ходимларидан Хизмат текширувига алоқадор бўлиши мумкин бўлган материалларни олиш;

Вазирлик тизимининг мулкнинг бус-бутунлигини хатлов ва тафтишдан ўтказиш;

Ўтказилаётган Хизмат текшируви доирасида ўз лавозим мажбуриятларини бажариш учун фото- ва видеоқайдларни амалга ошириш.

38. Ишчи гуруҳ раҳбари ва аъзолари мажбуриятлари:

Хизмат текширувини ўтказишда ушбу Регламент, Вазирлик тизимининг бошқа ички ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига амал қилиш;

Хизмат текшируви моҳияти бўйича мавжуд барча материалларни тўплаш;

Хизмат текшируви мақсадлари учун аҳамиятга эга бўлган маълумотларнинг (ҳужжатлар, электрон маълумотлар ва б.) бутлигини сақлаш бўйича чоралар кўриш;

мазкур Регламент, Вазирлик тизимининг бошқа ички ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган ҳолатлардан ташқари Хизмат текшируви ўтказиш доирасида олинган маълумотларнинг мутлақо конфиденциаллигини сақлаш ва ошкор қилмаслик;

мазкур Регламент талабларига мувофиқ равишда текширув натижаларини расмийлаштириш, шу жумладан, жавобгарлик чоралари, шунингдек, қоидабузарлик сабаблари ва қоидабузарликни содир этишга туртки бўлган шартларни бартараф қилиш имконини берадиган чораларни қўллаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

VII. Хизмат текшируви ўтказилаётган ходимларнинг ҳуқуқлари

39. Хизмат текшируви ўтказилаётган ходим куйидаги ҳуқуқларга эга:

Хизмат текшируви ўтказиш факти тўғрисида хабардор бўлиш;

қоидабузарликнинг содир этилиши сабаблари ва шароитлари, Хизмат текширувининг бориши ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини ифодалаш ҳуқуқи билан ёзма ва оғзаки тушунтиришлар бериш, шунингдек, унинг тушунтиришларини тасдиқлаши мумкин бўлган исбот-далилларни тақдим этиш;

Тушунтиришлар тақдим этишдан бош тортиш – бу ҳолда ушбу Регламентнинг 33-бандида кўзда тутилган далолатнома тузилади;

ўзи томонидан тақдим этилган, ўтказилаётган Хизмат текшируви, Хизмат текшируви материалларига алоқадор бўлган ҳужжат ва материалларга қўшиб қўйишни талаб қилиш;

Хизмат текшируви тугаганлиги тўғрисидаги хабарни олиш ва бундай хабар олингандан кейин 2 (икки) кун ичида Хизмат текшируви маълумотномасининг унга тегишли қисми билан у тасдиқланишига қадар танишиш (у фойдаланиш ва ўз мулоҳазаларини қўшиб қўйиш ҳуқуқига эга бўлмаган конфиденциал ахборотдан ташқари);

Хизмат текшируви натижаларидан, шу жумладан, ишчи гуруҳ томонидан текширув яқунлари бўйича таклиф этилган жавобгарлик чорасидан норози бўлган

тақдирда ушбу қарор устидан вазирлик тизими раҳбариятига ёки юқори турувчи идораларга шикоят қилиш.

VIII. Хизмат текширувини ўтказишга жалб қилинадиган бошқа ходимларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

40. Хизмат текширувини ўтказишга жалб қилинадиган ходимлар Хизмат текширувини ўтказишда ишчи гуруҳга ҳар томонлама кўмак бериш, шу жумладан, Хизмат текшируви бўйича талаб қилинган тушунтиришлар, маълумот ва ҳужжатларни беришлари, ишчи гуруҳ аъзолари томонидан ташкил этиладиган суҳбатла иштирок этишлари шарт.

41. Хизмат текширувини ўтказишга жалб қилинаётган ходимлар уларнинг текширувда иштирок этишлари сабабли уларга маълум бўлган Хизмат текшируви маълумотларини ошкор қилишга ҳақли эмаслар.

42. Хизмат текширувини ўтказишга жалб қилинаётган ходимлар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзлари ва яқин қариндошларга қарши гувоҳлик бермаслик;

Вазирлик тизими раҳбариятига ишчи гуруҳ раҳбари ва аъзоларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш.

IX. Хизмат текшируви натижаларини расмийлаштириш

43. Хизмат текшируви натижалари бўйича ишчи гуруҳ раҳбари, унинг барча аъзолари, Хизмат текшируви ўтказилаётган ходим томонидан имзоланадиган маълумотнома тузилади.

44. Маълумотнома мазкур Регламентга 2-иловага мувофиқ шаклда тузилиб, кириш, баён, хулоса ва таклиф қисмидан иборат бўлади.

45. Маълумотнома ёки унинг алоҳида бандларидан норози бўлган, ишчи гуруҳ аъзоси шунингдек хизматтекшируви ўтказилаётган шахс ёзма равишда расмийлаштирилган ва ишга тиркалган ҳолда алоҳида фикрда эканлигини билдирган белги билан маълумотномага имзо қўйиши мумкин.

46. Хизматтекшируви ўтказилаётган шахс маълумотномага имзо қўйишдан бош тортган ҳолларда далолотнома расмийлаштирилади. Ушбу далолотномага ишчи гуруҳ аъзоларидан ташқари, Хизмат текшируви натижаларидан манфаатдор бўлмаган камида икки нафар шахс имзо қўйиши лозим.

47. Маълумотномага асосан Вазирлик тизими, ҳудудий ва таркибий бўлинма раҳбари қуйидаги қарорларни қабул қилиши мумкин:

қоидабузарлик тўғрисидаги маълумот тасдиқламаганлиги муносабати билан Хизмат текшируви тўхтатиш;

сабаблар ва муддатлари кўрсатилган ҳолда Хизмат текшируви материалларини кўшимча ишлаш учун, зарурият туғилганда эса – ишчи гуруҳ таркибини ўзгартириш учун қайтариш;

айбдор ходимни интизомий жавобгарликка тортиш;

ходимга нисбатан огоҳлантириш, профилактик ҳарактердаги чораларни қўллаш;

келгусида шу каби қоидабузарликлар содир бўлишининг олдини олиш бўйича тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

хуқуқбузарлик ёки жиноят аломатлари тасдиқланган ҳолда, тегишли материалларни хуқуқни муҳофаза қилиш органларига тақдим этиш.

48. Хизмат текшируви натижалари тўғрисидаги маълумотнома Ички назорат тузилмасига, кадрлар билан ишловчи таркибий бўлинмаларга тақдим этилади.

49. Хизмат текшируви ўтказилишига сабаб бўлган маълумот ҳақида хабар берган шахслар қоидабузарлик тасдиқлангани ёки тасдиқланмагани, шунингдек кўрилган чоралар ҳақида умумий тарзда хабардор қилинади.

XI. Хизмат текширувига оид ҳужжатларни сақлаш ва улардан фойдаланиш

50. Хизмат текширувида иштирок этаётган Вазирлик тизими ходимлари текширув давомида уларга маълум бўлган ахборотнинг конфиденциаллигини таъминлайдилар (Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно).

51. Ўтказилган Хизмат текшируви доирасидаги маълумотлардан ваколатли фойдаланиш ҳуқуқига фақат Вазирлик тизими раҳбарияти, Ички назорат тузилмаси ва ишчи гуруҳ аъзолари (мазкур ишчи гуруҳ аъзоси иштирок этган текширувлар бўйича) эга.

52. Ўз лавозим вазибаларини бажариш учун ўтказилган Хизмат текширувлари ҳақидаги ахборотдан фойдаланиши зарур бўлган ходимлар, ушбу ахборотдан фойдаланиши учун Вазирлик тизими, ҳудудий ва таркибий бўлинма раҳбарининг ёзма розилигини олиши лозим.

53. Хизмат текширувига оид материаллар ишчи гуруҳ раҳбари томонидан алоҳида йиғмажилдга рақамланган ва тикилган ҳолда Ички назорат тузилмаси ва Кадрлар бўлинмасига топширилади.

54. Вазирликнинг марказий аппаратидаги Ички назорат тузилмаси, ҳудудий ва таркибий бўлинмалардаги ушбу вазифа юкланган бўлинмалар мазкур Регламентга 3-иловага мувофиқ шаклда Хизмат текширувлари электрон реестрини юритилишини таъминлайди. Ҳудудий ва таркибий бўлинмалар ўтказилган Хизмат текширувлари электрон реестрини ҳар чорақда Ички назорат тузилмасига тақдим этишлари шарт.

55. Хизмат текширувига оид барча ҳужжатлар, агар бошқача тартиб Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилмаган бўлса, тасдиқланган вақтдан бошлаб 10 (ўн) йил давомида сақланиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги тизими ходимларининг
коррупция ҳаракатларини амалга ошириши ва
одоб-ахлоқ қоидаларини бузишига нисбатан
хизмат текширувларини ўтказиш
Регламентига 1-илова

ДАЛОЛАТНОМА

«__» _____ 20__ й.

Биз, қуйида имзоловчилар

_____ (ФИШ, лавозими)

_____ (ФИШ, лавозими)

_____ (ФИШ, лавозими)

Ходим (ФИШ, лавозими) 20__-йилнинг «--»да

_____дан иборат
бўлган қоидабузарлик содир этилганлиги тўғрисида ёзма тушунтириш бериш таклиф этилган бўлиб, у
ёзма тушунтириш беришни рад этгани тўғрисида ушбу актни туздик.

Ёзма тушунтириш беришни рад этганлиги сабабларини ходим (ФИШ, лавозими) қуйидагилар
билан изоҳлади

_____ (тушунтириш
беришни рад этганлик сабаблари эркин шаклда баён этилсин).

Далолотнома тузган шахслар имзоси:

_____ (имзо) _____ (ФИШ)

_____ (имзо) _____ (ФИШ)

_____ (имзо) _____ (ФИШ)

Далолотнома билан танишдим*: (ФИШ, лавозим, сана, имзо) _____

* Далолотномага имзо қўйишдан бош тортса, ишчи гуруҳ раҳбари «имзолашдан бош тортди» ёзувини киритиб,
ўзи имзо қўяди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги тизими ходимларининг коррупция ҳаракатларини
амалга ошириши ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузишига
нисбатан хизмат текширувларини ўтказиш
Регламентига
2-илова

Хизмат текшируви натижалари тўғрисида маълумотнома
_____сон

1. Асос: Вазирлик тизими раҳбариятининг буйруғи (сана ва рақами)

2. Ишчи гуруҳ таркиби:

Ишчи гуруҳ раҳбари _____

(лавозими, фамилияси, инициаллари)

Ишчи гуруҳ аъзолари _____

(лавозими, фамилияси, инициаллари)

3. Хизмат текширувини ўтказилган муддати:

4. Текширув ўтказиш учун асослар (келиб тушган хабарнинг қисқача мазмуни):

5. Баён қисми (хизмат текширувида аниқланган фактлар):

қоидабузарлик содир бўлганми ва у нималарда ифодаланган;

қоидабузарлик содир этилган жойи, вақти, усули ва қоидабузарликни содир этишнинг бошқа шароитлари;

Хизмат текшируви ўтказилаётган ходим(лар)нинг маълумотлари (ФИШ, лавозими, (тузилмавий бўлинма номи (бошқарма, бўлим номини кўрсатган ҳолда), меҳнат шартномаси тузилган сана, ушбу ходимга нисбатан Хизмат текшируви аввал ҳам ўтказилганми);

қоидабузарликни содир этишга алоқадор бўлган шахслар доираси;

қоидабузарликни содир этиш мақсадлари ва сабаблари;

қоидабузарликни содир этишга туртки бўлган сабаб ва шартлар;

конкрет ходимнинг айбдорлигини тасдиқловчи ёки унинг айбсизлигига гувоҳлик берувчи тўпланган маълумотлар таҳлили;

Хизмат текшируви ўтказилаётган ходимнинг ўз химояси учун келтирган далиллари, уларни текшириш натижалари.

6. Хулоса ва таклифлар:

а) хулоса қисмида:

Хизмат текшируви ўтказилган шахс(лар)нинг ҳаракат(лар)ида (ҳаракатсизлигида) қоидабузарлик мавжуд ёки йўқлиги тўғрисида хулоса;

қоидабузарлик бўлса, талаблари бузилган Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ёки

Вазирлик тизимининг ички ҳужжатлари номи, санаси ва бузилган қоида мазмуни;

қоидабузарлик содир этиш натижасида етказилган зарар характери ва кўлами (мавжуд бўлса);

б) таклиф қисмида

айбдор шахс (лар)ни жавобгарликка тортиш бўйича таклифлар;

қоидабузарлик содир этишга олиб келадиган сабаб ва шартларни бартараф қилишга қаратилган тавсиялар;

Хизмат текшируви материалларини ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тақдим этиш зарурияти.

Ишчи гуруҳ аъзолари имзолари:

Маълумотнома билан танишдим*:

(ФИШ, лавозими)

(имзо)

(сана)

* Маълумотномага имзо қўйишдан бош тортса, ишчи гуруҳ раҳбари «имзолашдан бош тортди» ёзувини киритиб, ўзи имзо қўяди.



Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг

2021 йил 22 oktabr сонли

12-сонли буйруғига 4 илова

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида коррупцияга қарши кураш соҳасидаги муҳим самарадорлик кўрсаткичлари

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, унинг ҳудудий бошқармалари, тасарруфидаги марказлар ҳамда олий ва профессионал таълим муассасалари (кейинги ўринларда – Вазирлик тизими) фаолиятида коррупцияга қарши самарали курашни таъминлаш учун муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (кейинги ўринларда – МСК) шакллантирилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

Вазирлик тизимидаги раҳбарлар ва уларнинг ўринбосарларининг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (кейинги ўринларда – раҳбариятнинг МСК) (1-иловага мувофиқ),

Вазирлик тизимидаги коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари ва масъулларнинг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (кейинги ўринларда – Назорат тузилмаларининг МСК) (2-иловага мувофиқ),

Вазирлик тизимининг коррупцияга қарши кураш бўйича фаолиятининг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (кейинги ўринларда – Вазирлик тизимининг МСК) (3-иловага мувофиқ).

2. Вазирлик тизимида раҳбариятнинг МСК ва тизимнинг МСК бажарилишига доир маълумотларни йиғиш учун Назорат тузилмалари жавобгар ҳисобланади.

3. Назорат тузилмаларининг МСК бажарилишига оид маълумотларни йиғиш учун ижро ва меҳнат интизомини назорат қилувчи тузилмалар масъул ҳисобланади. МСКни бажариш натижалари вазирлик тизими раҳбарларига кўриб чиқиш учун тақдим этилади.

4. Назорат тузилмалари Вазирлик тизими бўйича олинган маълумотларни бирлаштириб, ҳар йили 1 февралгача МСКга эришиш натижаларини вазирлик раҳбарига кўриб чиқиш учун тақдим этади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида коррупцияга қарши кураш
соҳасидаги муҳим самарадорлик кўрсаткичларига
1-ИЛЮВА

**Вазирлик тизимидаги раҳбарлар ва уларнинг ўринбосарларининг муҳим самарадорлик
кўрсаткичлари**

Т/р	Кўрсаткич	Қўлланилиши				Бажарилган- лик учун баллар	Кўрсаткич индикатори
		Вазирлик раҳбарияти	Тасарруфидаги марказлар ва худудий бўлинмалар раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари	Вазирлик tizimidaги бошқа таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари	Марказий аппарат таркибий бўлинмалари раҳбарлари		
1.	Коррупцияга қарши кураш таъминланган дастур/йўл харитасининг бажарилиши					1 балл – режадаги ишларнинг 90% дан ортиги бажарилган; 0,5 балл – режанин 70% дан 90% гача бажарилган; 0 балл – 0 % дан 70 % гача бажарилган	Ҳисоботларга асосан
2.	Коррупцияга қарши					1 балл -- 3	ОАВ, ички учрашувлар

	кураш бўйича ички ва ташқи коммуникациялар сони						тадан ортик коммуникация; 0,5 балл – 1 тадан 3 тагача коммуникация; 0 балл – 0 та коммуникация	баённомалари мониторинги, расмий веб-сайтлар таҳлили асосида
3.	Хатарларнинг мунтазам баҳоланишида иштирок этиш (хатарларни аниқлаш ва уларни минималлаштириш бўйича таклифлар)						1 балл	Ички ҳужжат алмашиши, хатарлар матрицаси таҳлили асосида
4.	Давлат органи/идораси тизими ходимлари томонидан хавф-хатари бор функциялар ва тартиб-таомиллари мониторинги натижаларига кўра коррупцияга қарши талабларга риоя қилиниши						1 балл – 100% ҳолатда; 0,5 балл – 50% дан 70% гача бўлган ҳолатларда; 0 балл – 0% дан 50% гача бўлган ҳолатларда	Алоқа каналларига келиб тушган мурожаатлар реестри таҳлили асосида, ўтказилган текширувлар/мониторинг натижалари ва х.к. асосида
5.	Ходимларнинг коррупцияга қарши режа асосида ва режадан ташқари ўқитилиши						1 балл – ходимларнинг 100% қамраб олинганда; 0,5 балл –	Ўтказилган тренинглар материаллари, ташриф варақлари ва х.к асосида.

						<p>ходимларнинг 90% дан 99% гачаси камраб олинганда.</p> <p>0 балл – ходимларнинг 0% дан 90% камраб олинганда</p>	
6.	<p>Бевосита бўйсунувдаги ходимлар томонидан содир этилган аниқланган коррупциявий ҳужужбузарликларга ўз вақтида ва тегишлича жавоб қайтариш</p>					<p>1 балл – 100 % ҳолатда;</p> <p>0,5 балл – 50% дан 70% ҳолатда;</p> <p>0 балл – 0 % дан 50% гача бўлган ҳолатларда</p>	<p>Алоқа каналларига қилинган муурожаатлар реестри таҳлили асосида, ўтказилган текширувлар/мониторинг натижалари ва ҳ.к.</p>

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида коррупцияга қарши кураш
соҳасидаги муҳим самарадорлик кўрсаткичларига
2-ИЛОВА

**Вазирлик тизимидаги кооррупцияга қарши назорат тузилмалари ва масъулларнинг муҳим
самарадорлик кўрсаткичларини баҳолаш
ТИЗИМИ**

Т/р	Кўрсаткич	Қўлланилиши		Баллар	Кўрсаткич индикатори
		Вазирлик марказий аппарати ва таркибий бўлинмаларнинг назорат тузилмалари	Худудий бўлинмалардаги назорат тузилмалари		
1	Вазирлик тизими фаолияти, қонунчилик, хатарларни қайта баҳолашнинг ўзига хос жиҳатлари ўзгариши натижасида юзага келган коррупцияга қарши сиёсат, одоб-ахлоқ қоидалари ва вазирлик тизимининг бошқа ички хужжатларининг ўз вақтида янгиланиши.			Кўрсаткични бажаргани учун 1 балл	Вазирлик раҳбарияти ва Коллегияга тақдим этиладиган чораклик ҳисоботлар
2	Қоррупцияга қарши тизимнинг барча унсурларини ўз ичига олувчи вазирлик тизимида коррупцияга қарши кураш бўйича йиллик дастур/йўл харитасини ишлаб чиқиш.			Кўрсаткични бажаргани учун 1 балл	Тегишли йил учун тасдиқланган дастурлари
3	Вазирлик тизимининг коррупцияга қарши курашга доир дастури/йўл харитасини ўз вақтида ва тўлиқ бажариш.			Кўрсаткични бажаргани учун 1 балл	Вазирлик раҳбарияти ва Коллегияга тақдим этиладиган чораклик ҳисоботлар

4	<p>Вазирлик тизимида юклатилган чора-тадбирлар доирасида Коррупцияга қарши кураш бўйича Давлат дастурининг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилиши.</p>			<p>Кўрсаткични бажаргани учун 1 балл</p>	<p>Вазирлик раҳбарияти ва Коллегиага тақдим этиладиган чорақлик ҳисоботлар</p>
5	<p>Белгиланган даврийликка мувофиқ давлат органи/идораси тизимида хавф-хатарларни баҳолашни мувофиқлаштириш ва амалга ошириш (хатарларни белгилаш ва уларни минималлаштиришга доир таклифлар).</p>			<p>Кўрсаткични бажаргани учун 1 балл</p>	<p>Ички корреспонденция, хатарлар матрицаси таҳлили</p>
6	<p>Ходимларни коррупцияга қарши тамойиллар ва талаблар билан боғлиқ ўзгаришлар билан ўз вақтида таништириш, шунингдек уларни коррупцияга қарши ўқитиш.</p>			<p>100% – 1 балл; 70% – 99 % – 0,5 балл; 0% – 69% – 0 балл.</p>	<p>Таништирув варақалари, электрон тизимда ўқигани тўғрисидаги қайдлар/ташириф варақалари ва х.клар</p>
7.	<p>Коррупцияга қарши кураш масалалари бўйича ички ва ташқи коммуникацияларни амалга ошириш.</p>			<p>1 балл – 7 тадан ортик коммуникация; 0,5 балл – 1 дан 7 тагача коммуникация; 0 балл - 0 та коммуникация.</p>	<p>ОАВ, ички учрашувлар баённомалари мониторинги, вазирлик тизиминг веб-сайтлари, ходимларга юборилган ички жўнатмалар таҳлили</p>
8.	<p>Вазирлик тизимида коррупцияга қарши тамойиллар ва талабларга риоя қилинишини мониторинг қилиш.</p>			<p>1 балл – 4 тадан ортик текширув; 0,5 балл – 1 тадан 4 тагача текширув; 0 балл – 0 та текширув.</p>	<p>Вазирлик раҳбарияти ва Коллегиага тақдим этиладиган чорақлик ҳисоботлар</p>

9.	<p>Ўз вақтида текширув/таҳлил ва таъсир чоралари кўрилмаган алоқа каналлари орқали коррупциявий қондабузарликларга оид хабарлар мавжуд эмаслиги</p>			<p>Кўрсаткични бажаргани учун 1 балл</p>	<p>Алоқа каналларига келиб тушган мурожаатлар, чораклик ҳисоботлар, ўтказилган текширувлар базаси таҳлили</p>
10.	<p>Камчиликларни бартараф этиш, бу борадаги сиёсат ва тартиб-таомилларни такомиллаштириш, шунингдек мониторинг, текширувлар, хизмат текширувлари ва х.к.лар натижалари бўйича аниқланган қондабузарликлар натижалари бўйича айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш чораларини ўз вақтида амалга ошириш.</p>			<p>Кўрсаткични бажаргани учун 1 балл</p>	<p>Алоқа каналларига келиб тушган мурожаатлар реестри таҳлили, чораклик ҳисоботлар, ўтказилган текширувлар базаси таҳлили</p>

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида коррупцияга қарши кураш
соҳасидаги муҳим самарадорлик кўрсаткичларига
3-ИЮБА

**Вазирлик тизимининг коррупцияга қарши кураш соҳасидаги фаолиятининг муҳим самарадорлик
кўрсаткичларини баҳолаш
ТИЗИМИ**

№	Кўрсаткич	Қўлланилиши			Ўлчов бирлиги	Кўрсаткичларни баҳолаш мезонлари	Баҳолаш кўрсаткичи	Ахборотни тақдим этиш учун масъул таркибий бўлинмалар
		Вазирлиқ	Тасарруфдаги марказлар ва худудий таркибий бўлинмалар	Таркибий бўлинмалар				
1.	Коррупцияга қарши курашга доир дастур/йўл харитасини ўз вақтида ва тўлиқ бажариш.				%	Дастурни бажариш натижалари бўйича баҳоланади: 90% ва ундан ортиқ – 1 балл; 70% – 89% – 0,5 балл; 0% – 69% – 0 балл	0 балл- 1 балл	Дастурда кўзда тутилган чора-тадбирлар учун масъул ижрочилар
2.	Коррупциявий ҳаракатлар тўғрисида хабар берувчи самарали каналлар мавжудлиги				%	Алоқа каналлари орқали келиб тушган коррупциявий ҳаракатларга доир тасдиқланган хабарлар фоиздан келиб чиқиб баҳоланади : 40% ва ундан ортиқ – 1 балл; 15% – 39% – 0,5 балл;	0 балл- 1 балл	Коррупциявий ҳаракатларга доир алоқа каналлари операторлари

							<p>Коррупциявий хатарларни баҳолашда иштирок этиш (коррупциявий хатарларни аниқлаш ва уларни минималлаштиришга доир таклифлар).</p>	<p>0% – 14% – 0 балл.</p>		
3.	<p>Коррупциявий хатарларни баҳолашда иштирок этиш (коррупциявий хатарларни аниқлаш ва уларни минималлаштиришга доир таклифлар).</p>	<p>Кўрсаткич бажарилгани учун 1 балл (100%), бажарилмагани учун - 0 балл.</p>	%				<p>Коррупциявий хатарларни баҳолаш бўйича ишчи гуруҳ</p>	<p>0 балл- 1 балл</p>		
4.	<p>Коррупцияга қарши кураш ва комплаенс назорати бўлимини ходимлар ўртасидаги коррупцияга оид хабарлар тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиш кўрсаткичи</p>	<p>Ходимлар ўртасида коррупцияга доир хабарлар бўйича ўз вақтида хабардор қилиш натижаларини баҳолаш: 100% -- 1 балл; 50% -- 99% -- 0,5 балл; 0% -- 49% -- 0 балл.</p>	%				<p>Назорат тузилмалари</p>	<p>0 балл- 1 балл</p>		
5.	<p>Аниқланган манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари бўйича чоралар қабул қилиш кўрсаткичи.</p>	<p>Аниқланган манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари бўйича чоралар қабул қилиш баҳоланади: 90% ва ундан ортиқ -- 1 балл; 70% -- 89% -- 0,5 балл 0% -- 69% -- 0 балл.</p>	%				<p>Ходимнинг бевосита раҳбари</p>	<p>0 балл- 1 балл</p>		
6.	<p>Коррупцияга қарши кураш масалалари бўйича, жумладан ОАВ ва бошқа ташки ва ички манбаларда медиа-</p>	<p>Коррупцияга қарши кураш бўйича медиа режани бажариш: 90% ва ундан ортиқ -- 1 балл;</p>	%				<p>Маъбуот хизматлари, Назорат тузилмалари</p>	<p>0 балл- 1 балл</p>		

	режани бажариш кўрсаткичи					70% – 89% – 0,5 балл; 0% – 69% – 0 балл.				
7.	Давлат харидлари иштирокчилари ва контрагентлар билан тузилган шартномаларга коррупцияга қарши эслатмаларни қилиш бўйича қондаларга риоя қилиш кўрсаткичи					Коррупцияга қарши эслатмаларни ўз ичига олган тузилган битимлар натижалари бўйича баҳоланади: 90% ва ундан ортиқ – 1 балл; 70% – 90% – 0,5 балл; 0% – 69% – 0 балл.	0 балл- 1 балл	Моддий-техник таъминот учун маъсул бўлган бўлимлар, юридик хизмат		
8.	Хатар функциялари ва тартиб-таомиллари мониторинги натижалари бўйича вазирлик тизими ходимлари томонидан коррупцияга қарши кураш талабларига риоя қилиш					1 балл – 100 % ҳолатда; 0,5 балл – 50% дан 70% гача бўлган ҳолатларда; 0 балл – 0 % дан 50% гача бўлган ҳолатларда .	0 балл- 1 балл	Назорат тузилмалари, ички аудит бўлимлари		



**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
tizими ходимларини одоб-ахлоқ ва коррупцияга қарши курашиш
борасида ўқитишни ташкил этиш бўйича
УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР**

1-боб. Умумий қондалар

1. Одоб-ахлоқ ва коррупцияга қарши курашиш борасида ўқитишни ташкил этиш бўйича мазкур методик кўрсатмалар (кейинги ўринларда “Услубий кўрсатмалар” деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, унинг худудий бошқармалари ва унинг тасарруфидаги марказлар ва муассасалар (кейинги ўринларда “Вазирлик тизими” деб юритилади) ходимларини коррупцияга қарши кураш масалалари бўйича ўқитишни ташкил этиш борасидаги тавсиялар ва кўрсатмаларни белгилаб беради.

2. Мазкур Услубий кўрсатмалар коррупция ҳаракатларининг олдини олишга ва уларнинг содир этилишига олиб келадиган сабабларни бартараф этишга, ҳуқуқий онгни ривожлантиришга ва ходимларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва Вазирлик тизимининг ички ҳужжатларига катъий риоя қилиш руҳида тарбиялашга қаратилган.

3. Вазирлик тизими ходимларини коррупцияга қарши ўқитиш дастурлари ва материаллари Услубий кўрсатмаларга мувофиқ ишлаб чиқилиши керак.

2-боб. Ўқитишнинг асосий тамойиллари

4. Вазирлик тизими ходимларини одоб-ахлоқ ва коррупцияга қарши курашиш борасида ўқитиш қуйидаги тамойилларга асосланади:

— **объективлик ва илмийлик** – одоб-ахлоқ ва коррупцияга қарши курашиш борасидаги ўқув материалларини тайёрлаш учун масъул шахслар, уларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига, коррупцияга қарши кураш назарияси ва амалиёти

соҳасидаги халқаро стандартларга ва илмий тадқиқотлар натижаларига мувофиқлигини таъминлайди;

- **амалийлик** – вазирлик тизими ходимларини одоб-ахлоқ қоидалари ва коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитиш шакллари, услублари ва материаллари амалий аҳамиятга эга бўлиши, реал ҳолатларга асосланган бўлиши, шунингдек, ходимлар томонидан олинган материалларни тушуниш ва муайян амалий муаммоларни ҳал қилишда уларни қўллаш имкониятлари даражасининг изчил назоратини ўз ичига олиши керак;
- **изчиллик ва тизимлилик** – одоб-ахлоқ ва коррупцияга қарши кураш борасидаги ўқув материаллари, шунингдек Вазирлик тизими ходимларини ўқитиш тартиби изчил ва таркибий-манتيқий тизимни ифодалайди. Ўқитиш умумий тушунчалар ва ҳодисалардан алоҳида тушунчалар ва ҳодисаларга, оддийдан мураккабга, асосийдан илғорга ўтиш ва шу каби тамойиллар асосида амалга оширилади;
- **тушунарлилик** – одоб-ахлоқ ва коррупцияга қарши кураш бўйича ўқитиш Вазирлик тизими ходимларини мавжуд билим ва кўникмаларини ҳисобга олган ҳолда, Вазирлик тизимининг барча ходимлари учун тушунарли бўлган ўқув материалларини шакллантириш асосида тузилади;
- **табақалаштирилган ёндашув** – Вазирлик тизимидаги коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитиш муайян функциялар ва жараёнлардаги коррупция хавфини баҳолаш натижаларини ҳисобга олади. Коррупция хавфига кўпроқ мойил бўлган лавозимларни эгаллаб турган ходимлар коррупцияга қарши қўшимча махсус тайёргарликдан ўтадилар;
- **ўқитиш услублари ва шакллари доимий равишда такомиллаштириш** – Вазирлик, унинг ҳудудий бошқармалари ва унинг тасарруфидаги муассасалар ўқув материалларини ишлаб чиқиш, ўқитишни амалга оширишда, шунингдек, Вазирлик тизими ходимларининг билимларини ўзлаштиришларини текширишда техник ва илмий тараққиётнинг инновацион ютуқларидан фойдаланишга интилишади.

3-боб. Одоб-ахлоқ ва коррупцияга қарши кураш соҳасида ўқитишнинг устувор вазифалари

5. Вазирлик тизими ходимларини одоб-ахлоқ ва коррупцияга қарши кураш бўйича ўқитиш учун масъул шахслар одоб-ахлоқ ва коррупцияга

қарши кураш бўйича ўқитиш шакллари ва услубларини белгилашда, шунингдек, ўқув материалларини шакллантиришда, қуйидаги устувор вазибаларни асос қилиб олишлари шарт:

- коррупциянинг моҳияти, унинг шакллари, жамият ҳаётининг турли жабҳаларида ва функцияларида, ҳамда Вазирлик тизими фаолиятида намоён бўлиш хусусиятлари, ушбу ҳодисанинг сабаблари, ижтимоий хавфли ва зарарли оқибатлари ҳақидаги умумий тушунчани шакллантириш;
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига қатъий ва сўзсиз риоя қилишга асосланган хулқ-атвор моделини, ҳамда Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Низомда, Вазирлик тизими ходимларининг ахлоқий ҳатти-ҳаракат қоидаларида ва Вазирликнинг, унинг ҳудудий бошқармалари ва унинг тасаруфидаги марказлар ва муассасаларнинг бошқа ички ҳужжатларида белгилаб қўйилган одоб-ахлоқ ва коррупцияга қарши ҳатти-ҳаракатларнинг маънавий-ахлоқий қадриятларини шакллантириш;
- вазирлик тизими ходимларини Вазирликда, унинг ҳудудий бошқармалари ва унинг тасаруфидаги марказлар ва муассасаларда амал қиладиган, коррупцияга қарши курашишга қаратилган тамойиллар, талаблар ва тартиблар билан таништириш;
- Коррупция хавфларини келиб чиқишига олиб келувчи ҳолатларни аниқлаш ва олдини олиш, коррупция ҳатти-ҳаракатларига, Вазирлик тизими ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларини бузилишига тоқат қила олмаслик кўникмаларини шакллантириш.

4-боб. Ўқув материалларини ишлаб чиқиш ва ўқитиш учун масъул шахслар

6. Вазирлик тизими ходимларини одоб-ахлоқ бўйича ўқитиш режаларини тайёрлаш, тегишли ўқув материалларини ишлаб чиқиш, ўқитиш, шунингдек, Вазирликда, унинг ҳудудий бошқармаларида ва унинг тасаруфидаги марказлар ва муассасаларда ўқитишнинг бундай мониторинги ва назоратини олиб бориш учун Вазирликдаги, унинг ҳудудий бошқармаларидаги ва унинг тасаруфидаги марказлар ва муассасалардаги Ходимлар бошқармалари (бўлимлари) масъулдир.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш ва илғор технологияларни жорий этиш тадқиқотлари марказининг меъёрий ҳуқуқий назорат бўлими (кейинги ўринларда “Меъёрий ҳуқуқий назорат бўлими” деб юритилади) ва

вазирликнинг ҳудудий бошқармалари ва унинг тасарруфидаги марказлар ва муассасалардаги коррупцияга қарши курашиш бўйича координаторлар/масъуллар Вазирлик тизими ходимларини одоб-ахлоқ ва коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитиш жадвалларини тайёрлашда иштирок этишади, коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқув материалларини ишлаб чиқишади, ўқитиш жараётларини тартибга солишади, алоҳида кундузги ўқув тадбирларини ўтказишади, шунингдек Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш тамойиллари ва талабларига риоя этилишини мониторинг қилиш ва назорат қилиш услубига мувофиқ Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитиш жараёнларини мониторинг ва назорат қилишади.

8. Вазирликнинг кадрлар бошқармаси ва Вазирликнинг ҳудудий бошқармалари ва унинг тасарруфидаги марказлар ва муассасаларнинг кадрлар бўлимлари коррупцияга қарши кураш бўйича ўқиш интизомини назорат қилади ва Вазирлик, унинг ҳудудий бошқармалари ва унинг тасарруфидаги марказлар ва муассасалар ходимларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқиши тўғрисида маълумот тўплайди.

9. Меъёрий-ҳуқуқий назорат бўлими ва коррупцияга қарши курашиш бўйича координаторлар/масъул ходимлар, Кадрлар бошқармалари (бўлимлари) одоб-ахлоқ қоидалари ва коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқув материалларини ишлаб чиқишга ва ўқитишга тегишли тажрибага эга бўлган халқаро ёки маҳаллий ташкилотлар билан тузилган шартномалар (Вазирлик тизимида белгиланган тартибда тузилган) асосида учинчи шахсларни жалб қилиши мумкин.

5-боб. Ўқитиш турлари ва шакллари

10. Одоб-ахлоқ ва коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитиш кўйидаги ўқув дастурларини ўз ичига олиши керак:

- барча ходимларни коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитишга мўлжалланган ўқув машғулотлари;
- Вазирлик ходимларини Одоб-ахлоқ қоидалари бўйича умумий ўқитишга мўлжалланган ўқув машғулотлари;
- коррупция хавфига кўпроқ мойил бўлган лавозимларни эгалловчи ходимларни коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитишга мўлжалланган махсус ўқув машғулотлари;
- Вазирлик тизимидаги коррупцияга қарши курашиш тизимининг ишлашига ва ривожланишига масъул бўлган ходимларни

коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитишга мўлжалланган махсус ўқув машғулотлари.

11. *Вазирлик ходимлари учун мўлжалланган Коррупцияга қарши курашиш бўйича умумий ўқув машғулотларидан ўтиш ва одоб-ахлоқ қоидалари бўйича умумий ўқув машғулотларидан ўтиш* Вазирлик тизимидаги барча ходимлар учун мажбурий ва улар одоб-ахлоқ ва коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билим ва кўникмаларни эгаллашга, жумладан, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг асосий меъёрлари ва Вазирлик тизимининг ички ҳужжатлари, коррупция ҳаракатлари рўй берган ҳолатларни аниқлаганда ҳаракат қилиш қоидалари ва тартиблари, шунингдек уларни содир этганлик учун жавобгарликка тортилиш тартиблари билан таништиришга қаратилган.

12. Вазирлик тизимидаги барча ходимлар учун коррупцияга қарши курашиш бўйича умумий ўқув машғулотлари амалий йўналтирилган бўлиши ва қўидаги янги билим ва кўникмаларни олишни ёки мавжудларини такрорлашни таъминлаши керак:

— Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш бўйича қонун ҳужжатларини, коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича Вазирлик тизимининг ички ҳужжатларини, шу жумладан ўрнатилган тақиқлар, чекловлар, мажбуриятлар ва рухсатлар, расмий хулқ-атворга қўйиладиган талаблар, Вазирлик тизими ходимларининг коррупция ҳаракатлари аниқлангандаги ҳаракатлар кетма-кетлигини билиш;

— коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви борасида ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва бошқа коррупцияга қарши талаблар тўғрисида билиш;

— Олинган билимларни қўллаш кўникмалари, жумладан Вазирлик тизимининг турли фаолият соҳаларидаги коррупция хавфини баҳолай олиш қобилияти, Вазирлик тизимида ўрнатилган коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларини амалиётда қўллай олиш.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича умумий ўқитиш материалларига киритиш учун намунавий мавзулар ушбу Қўлланманинг 1-сонли иловасида кўрсатилган.

13. Вазирлик тизимининг барча ходимлари учун мўлжалланган Вазирлик ходимларининг Одоб-ахлоқ қоидалари бўйича умумий ўқитиш амалий йўналтирилган бўлиши ва Вазирлик тизимида қабул қилинган одоб-ахлоқ тамойиллари ва хулқ-атвор қоидалари ҳақида янги билимларни эгаллашни ёки мавжудларини такрорлашни таъминлаши керак.

14. Коррупцияга қарши умумий ўқитиш ва Одоб-ахлоқ қоидалари бўйича умумий ўқитиш натижаларига кўра, Вазирлик тизими ходимлари ўрганилган материалнинг ўзлаштирилиши ва тушунилишини, ҳамда олинган билимлар ва кўникмаларни амалиётда қўллаш имкониятларини текширишга қаратилган тест синовларидан ўтиши керак.

15. Вазирлик тизими ходимлари, агар саволларнинг камида 80% ига тўғри жавоб берсалар, коррупцияга қарши курашиш бўйича умумий ўқув машғулотларидан ва Вазирлик тизими ходимларининг одоб-ахлоқ Қоидалари бўйича умумий ўқув машғулотларидан муваффақиятли ўтган ҳисобланади. Агар ходим саволларнинг 80% дан камроғига тўғри жавоб берган бўлса, у синовларни муваффақиятсиз топширган кунидан бошлаб 5 иш куни ичида қайта синовдан ўтказилиши мумкин.

16. *Коррупция хавфига кўпроқ мойил бўлган лавозимларни эгалловчи ходимларни коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитишга мўлжалланган махсус ўқув машғулотлари* Коррупцияга қарши умумий ўқитишдан ташқари ўтказилади (қўшимча равишда).

17. Коррупция хавфига кўпроқ мойил бўлган лавозимлар рўйхати Меъерий-ҳуқуқий назорат бўлими томонидан / координаторлар томонидан / коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллар томонидан Ходимлар бошқармаси (бўлими) билан биргаликда, ҳамда одоб-ахлоқ ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитиш жадвали билан бирга ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимидаги коррупция хавфларини баҳолаш услубига мувофиқ равишда ишлаб чиқилади.

18. Коррупция хавфига кўпроқ мойил бўлган лавозимларни эгалловчи ходимларни коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитишга мўлжалланган махсус ўқув машғулотлари қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак:

- Коррупция хавфига кўпроқ мойил бўлган муайян вазифалар / ишларда коррупция хавфларини аниқлаш ва минималлаштириш усуллари ҳақидаги;
- Коррупция хавфига кўпроқ мойил бўлган муайян вазифалар ва ишларда коррупциянинг намоён бўлиш шакллари ва турлари ҳақидаги;
- Коррупция хавфига кўпроқ мойил бўлган муайян вазифалар ва ишларга алоқадор бўлган учинчи шахслар билан ўзаро муносабат олиб боришда коррупцияга қарши курашиш талаблари ҳақидаги;
- Коррупция хавфига кўпроқ мойил бўлган муайян вазифаларни бажаришда қўлланиладиган қўшимча талаблар ва тартибларни ўз ичига олган ички ҳужжатлар ҳақидаги.

19. Вазирлик, унинг ҳудудий бошқармалари ва унинг тасарруфидаги марказлар ва муассасаларда коррупцияга қарши курашиш тизимининг ишлаши ва ривожланиши учун масъул бўлган ходимларни коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитишга мўлжалланган махсус ўқув машғулотлари коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги мутахассисларни жалб қилиш йўли билан камида икки йилда бир марта малака ошириш, шунингдек, бундай ўқув машғулотларини ўтказишга ихтисослашган ваколатли учинчи шахслар томонидан ташкил этилган тренингларда иштирок этиш шаклида ўтказилади.

20. Вазирлик, унинг ҳудудий бошқармалари ва унинг тасарруфидаги марказлар ва муассасаларда коррупцияга қарши курашиш тизимининг ишлаши ва ривожланишига масъул бўлган шахслар учун коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитишга мўлжалланган махсус ўқув машғулотлари Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартиришларни, коррупцияга қарши курашиш тизимларини қуриш ва давлат органларида, ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида коррупциянинг олдини олиш бўйича чоратадбирларни амалга ошириш соҳасидаги етакчи халқаро усулларни ўрганишни ўз ичига олиши керак.

21. Мазкур Услубий кўрсатмаларнинг 19-бандида кўрсатилган малака ошириш ва машғулотларда иштирок этиш 2 (икки) йилда камида 40 (қирқ) соатни ўз ичига олиши керак.

6-боб. Ўқув машғулотларини ўтказиш вақтлари ва даврийлиги

22. Одоб-ахлоқ ва коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитиш, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ва Вазирлик тизимининг ички ҳужжатларида назарда тутилган мажбурий малака ошириш доирасидаги ўқитишдан, шунингдек учинчи шахслар вакиллари иштирокида ўтказиладиган қўшма конференциялар, учрашувлар, илмий кенгашлардан ташқари амалга оширилади.

23. Вазирлик тизими ходимлари йилига камида бир марта одоб-ахлоқ ва коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқув машғулотларидан ўтишлари керак.

24. Вазирлик тизими ходимлари қуйидаги ҳолатларда йилига бир мартадан ортиқ равишда коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқув машғулотларидан ўтишлари керак:

— ходим коррупция хавфига кўпроқ мойил бўлган лавозимда фаолият юритса;

- лавозимга тайинланиш ва ротациядан сўнг, агар шахснинг янги лавозими коррупция хавфига кўпроқ мойил бўлган лавозимлар рўйхатига кирса;
- Вазирлик тизимида коррупция ҳаракатларининг рўй бериши ҳолатлари ёки бажарилаётган ишлар / жараёнларнинг коррупция хавфи даражаси ошгани аниқланганда;
- Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири, унинг ўринбосарлари, ҳудудий бошқармалари ва тасарруфидаги марказлар ва муассасалар раҳбарларининг қарори билан.

25. Вазирлик тизимида ишга қабул қилинган ёки янги лавозимга ўтказилган ходимлар ишга қабул қилинган ёки янги лавозимга ўтган кундан бошлаб 30 кун ичида коррупцияга қарши курашиш бўйича умумий ўқув машғулотларидан ва Вазирлик тизимидаги ходимларнинг одоб-ахлоқ қоидалари бўйича умумий ўқув машғулотларидан ўтиши шарт (батафсил маълумот учун мазкур Услубий кўрсатмаларнинг 11-15-бандларига қаранг).

Кадрлар бошқармасининг (бўлимининг) масъул ходими ходимларнинг ишга қабул қилинган, янги лавозимга ўтказилган кундан бошлаб 5 (беш) иш кундан кечиктирмаган ҳолда, уларга кундузги/масофавий тартибда ўтказиладиган, коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқув машғулотларини ва Вазирлик тизими ходимларини одоб-ахлоқ қоидалари бўйича ўқув машғулотларини тайинлаши (жумладан, онлайн-тренингларга ҳаволалар ёки ўқув материаллари юбориши/кундузги машғулотлардан ўтиш учун гуруҳга қўшиши ва унинг ўтказилиш вақти ҳақида маълумот юбориши) ва ундан ўтиш зарурати ҳақида тегишли ходимларни хабардор қилиши шарт.

Ўқиш санасини белгилашда одоб-ахлоқ ва коррупцияга қарши курашиш бўйича тасдиқланган йиллик ўқув жадвали, гуруҳда бўш жойларнинг мавжудлиги (кундузги машғулотлари учун) ва ушбу бобнинг 22-23-бандларида кўрсатилган ўқиш муддатлари ва даврларига амал қилиш зарурлиги ҳисобга олинади.

Кейинги коррупцияга қарши курашиш бўйича ўтказиладиган умумий ўқув машғулотлари ва Вазирлик тизими ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари бўйича ўтказиладиган умумий ўқув машғулотлари Кадрлар бошқармаси (бўлими) масъул ходими томонидан барча ходимлар учун даврий равишда, йилига камида бир марта тайинланади.

26. Ходим коррупция хавфига кўпроқ мойил бўлган лавозимда (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида коррупция хавфини баҳолаш услубига мувофиқ) ишласа ёки ходим мана шундай лавозимга тайинланса коррупцияга қарши курашиш бўйича махсус ўқув машғулотларидан ўтиш (батафсил маълумот учун мазкур Методик

кўрсатмаларнинг 16-18-бандларига қаранг), Вазир / Вазирликнинг ҳудудий бошқармалари ва унинг тасарруфидаги марказлар ва муассасалар раҳбарлари томонидан тасдиқланган одоб-ахлоқ ва коррупцияга қарши курашиш бўйича йиллик ўқув жадвалларида белгиланган муддатларда амалга оширилади.

27. Кадрлар бошқармалари (бўлимлари) ҳар йили одоб-ахлоқ ва коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқув жадвалларини тузадилар (меъёрий-ҳуқуқий назорати бўлими ва коррупцияга қарши курашиш бўйича координаторлар / масъул шахслар иштирокида) ва уларни 31 декабргача Вазир / Вазирликнинг ҳудудий бошқармалари ва унинг тасарруфидаги марказлар ва муассасалар раҳбарларига тасдиқлаш учун тақдим этадилар.

Одоб-ахлоқ ва коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитиш жадвалларини тузишда ходимларнинг олдинги ўқув машғулотларидан ўтган саналари ҳисобга олинади.

Одоб-ахлоқ ва коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ўқитиш жадвалларида ўқув курсининг номи, санаси, шунингдек, ўқув машғулотлари тайинланган лавозимлар кўрсатилиши шарт.

Одоб-ахлоқ ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида тасдиқланган жадвалга мувофиқ, Кадрлар бошқармалари (бўлимлари) нинг масъул ходимлари, ходимларга ўқув машғулотларидан ўтиш зарурлиги ҳақида ўқув машғулотлари бошланишидан камида 10 иш куни олдин электрон почта орқали хабарнома юбориши ёки бошқа йўл билан уларга хабар бериши шарт. Агар белгиланган муддат ичида ўқув машғулотларидан ўтишнинг имкони бўлмаса (кундузги таълим учун, мавсумий юкломанинг кўплиги, касаллик таътили, режали таътил каби сабаблар юзасидан), ўқув машғулотлари бошланишидан камида 5 (беш) кун олдин, ходим ўқишни бошқа санага ўтказиш мақсадида Кадрлар бошқармалари (бўлимлари)ни хабардор қилиши шарт.

28. Вазирлик тизимида коррупция ҳаракатлари аниқланган ҳолатда ёки Вазирнинг қарори билан коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқув машғулотлари тайинланганда, коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқув машғулотларидан ўтиш Вазир ёки Вазирликнинг ҳудудий бошқармалари ва унинг тасарруфидаги марказлар ва муассасалар раҳбарлари фармойишлари ва буйруқларида белгиланган муддатларда ўтказилади.

29. Одоб-ахлоқ ва коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқиш кундузги тартибда, онлайн тартибда ёки ходимлар томонидан дарсларни автоматик кузатиб бориш ва билимларни назорат қилиш функциясига эга автоматлаштирилган масофавий ўқитиш платформасидан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Вазирлик, унинг ҳудудий бошқармалари ва унинг тасарруфидаги марказлар ва муассасаларнинг барча ходимлари

кўрсатилган платформадаги машғулотларга кириш имкониятига эга бўлишлари керак.

7-боб. Ўқув машғулотларидан ўтиш интизомини назорат қилиш ва ҳужжатларни сақлаш

30. Кадрлар бошқармалари (бўлимлари) Вазирлик тизими ходимларининг одоб-ахлоқ ва коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқув машғулотларидан ўтиши тўғрисидаги маълумотларни тўплайди ва ҳар чорақда уни ҳуқуқий-меъёрий назорат бўлимига ёки ҳудудий бошқармалар ёки бўйсунувчи марказлар ва муассасалардаги коррупцияга қарши курашиш бўйича координаторлар / масъул шахсларга тақдим этади.

Меъёрий-ҳуқуқий назорат бўлими ёки коррупцияга қарши кураш бўйича координаторлар / масъул шахслар олинган маълумотларни (шу жумладан, ўқув машғулотларидан ўтиш интизоми, ходимлар учун энг катта қийинчиликларни келтириб чиқарадиган мавзулар ва тест саволлари, шунингдек (имкон қадар) Вазирлик тизимида ўтказилган машғулотлар борасидаги қайта алоқа бўйича) таҳлил қиладилар ва таҳлил натижаларини коррупцияга қарши кураш тизимининг ишлаши ва ривожланиши тўғрисидаги мунтазам ҳисоботга киритилишини, шунингдек ўқув материалларини тўғриланишини (агар керак бўлса) таъминлайдилар.

31. Агар ходим белгиланган муддат ичида ўқув машғулотида ёки унинг якуни бўйича тайинланган тест синовларидан ўтмаган бўлса, тегишли Кадрлар бошқармаси (бўлими) бошлиғи ходимга нисбатан тегишли қарор қабул қилиниши учун бу ҳақда ходимнинг раҳбарига хабар беради (электрон почта орқали).

32. Одоб-ахлоқ ва коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқув машғулотлари жадвали, даволат ҳужжатлари, тест натижалари, ўқув машғулотларидан ўтганликни тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар Кадрлар бошқармасида (бўлимларида) сақланиши шарт.

33. Вазирлик тизими ходимларининг ташқи ўқув машғулотларидан ўтганликларини тасдиқловчи сертификатлар / бошқа тасдиқ ҳужжатлари нусхалари ҳам Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган муддатда ходимларнинг шахсий ҳужжатлари ичида сақлаш учун Кадрлар бошқармасига (бўлимларига) берилади.

8-боб. Қайта кўриб чиқиш ва ўзгартириш киритиш тартиби

34. Мазкур Услубий кўрсатмалар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида, Вазирлик тизимининг ички ҳужжатларида ва/ёки одоб-ахлоқ ва коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги етакчи халқаро тажрибаларда ёки коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқув машғулотларини ташкил этишда мавжуд ички ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш заруратини келтириб чиқарадиган ўзгартиришлар бўлганда қайта кўриб чиқилиши керак. Мазкур Услубий кўрсатмаларга ўзгартириш киритиш учун жавобгарлик меъёрий-ҳуқуқий назорат бўлими зиммасида бўлади.

9-боб. Жавобгарлик

35. Ходимлар, лавозимидан, хизмат муддатидан, мақомидан ва бошқа омиллардан қатъи назар, Мазкур Услубий кўрсатмалар тамойиллари ва талабларига риоя этишлари учун шахсан жавобгардирлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизими ходимларини одоб-ахлоқ ва коррупцияга қарши курашиш борасида ўқитишни ташкил этиш бўйича Услубий кўрсатмаларга илова

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизими ходимларини коррупцияга қарши курашиш бўйича умумий ўқитишга мўлжалланган ўқув машғулотларининг НАМУНАВИЙ МАВЗУЛАРИ

Мавзу	Таркибий қисмлар
Коррупциянинг табиати.	Коррупция тушунчаси, шакллари ва сабаблари; Коррупциянинг мазмуни ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса сифатида; Коррупцияга жамиятдаги муносабат.
Коррупцияга қарши курашнинг ҳуқуқий асослари.	Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари; Коррупцияга қарши кураш бўйича Вазирлик тизимидаги ички ҳужжатлар; Коррупцияга қарши курашнинг халқаро амалиёти.
Вазирлик тизимида коррупцияга қарши кураш усуллари.	Коррупцияга қарши курашиш тизими элементларини, шунингдек Вазирлик тизимидаги коррупцияга қарши курашнинг асосий чора-тадбирларини кўриб чиқиш; Вазирлик тизимидаги манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва ҳал қилиш; Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги низом; Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ходимлар ва таркибий бўлинмаларнинг мажбуриятлари ва ваколатлари; Маъмурий тартиб ва қоидалардан фойдаланиш. Маъмурий тўсиқлар ва расмиятчиликни бартараф этиш; Коррупция хатти-ҳаракатлари / уларни содир этиш хавфи аниқланган ҳолатлардаги ҳаракатлар; Коррупция ҳаракатлари тўғрисидаги хабарлар (хабарларни юбориш каналлари, хабарларнинг мазмуни бўйича тавсиялар, хабарларни кўриб чиқиш тамойиллари).
Коррупция хавфлари ва хавфли вазиятларда ўзини тутиш қоидалари	Вазирлик тизимидаги коррупция хавфлари ва ҳаракатларининг асосий турлари; Назорат ва рухсат бериш, функцияларини ва амалиётларини бажариш доирасидаги коррупция хавфлари ва хавфли вазиятлардаги хатти-ҳаракат қоидалари; Иш юзасидан совғалар бериш/олишдаги коррупция хавфлари ва иш юзасидан меҳмондўстлик белгилари ва хавфли вазиятларда ўзини тутиш қоидалари;

Мавзу	Таркибий қисмлар
	<p>Илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда коррупция хавфлари ва хавфли вазиятларда ўзини тутиш қоидалари;</p> <p>Талабаларнинг ўзлаштиришини баҳолашдаги коррупция хавфи ва хавфли вазиятларда ўзини тутиш қоидалари;</p> <p>Абитурийентларни олий ўқув юртлари ва ўрта махсус таълим муассасаларига қабул қилишда коррупция хавфлари ва хавфли вазиятларда ўзини тутиш қоидалари;</p> <p>Талабаларнинг ўқишини кўчириш, ўқишдан четлатиш ва ўқишни қайта тиклаш пайтидаги коррупция хавфлари ва хавфли вазиятларда ўзини тутиш қоидалари;</p> <p>Талабаларнинг якуний давлат аттестацияси натижаларини чиқариш пайтидаги коррупция хавфлари ва хавфли вазиятларда ўзини тутиш қоидалари;</p> <p>Фуқаролар, контрагентлар ва учинчи шахслар билан мулоқот қилишдаги коррупция хавфлари ва хавфли вазиятларда ўзини тутиш қоидалари;</p> <p>Вазирлик тизимида ходимларни танлаб олиш ва ёллашдаги коррупция хавфлари ва хавфли вазиятларда ўзини тутиш қоидалари;</p> <p>Харидларни амалга оширишдаги коррупция хавфлари ва хавфли вазиятларда ўзини тутиш қоидалари;</p> <p>Вазирлик, унинг ҳудудий бошқармалари ва унинг тасарруфидаги марказлар ва муассасалар фаолиятидаги бошқа хавфлар.</p>
<p>Коррупция ҳаракатлари учун жавобгарлик.</p>	<p>Коррупция ҳаракатлари учун интизомий жавобгарлик;</p> <p>Коррупция ҳаракатлари учун жиноий жавобгарлик;</p> <p>Коррупция ҳаракатлари ҳақидаги ишлар бўйича Ўзбекистон Республикаси суд амалиёти боарсидаги қисқача маълумотлар.</p>
<p>Фуқаролик жамияти коррупцияга қарши.</p>	<p>Жамоатчилик назорати коррупцияга қарши курашиш воситаси сифатида;</p> <p>Фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш;</p> <p>Коррупцияга қарши курашиш бўйича жамоатчилик фикри ва хулқ-атворини шакллантириш;</p> <p>Фуқаролик жамияти институтларининг Вазирлик тизими билан биргаликдаги ҳаракати.</p>



Ўзбекистон Республикаси олий
ва ўрта махсус таълим вазирининг
2021 йил 24 октябр даги 443 -сон
буйруғига 6 - илова

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида
коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни
шакллантириш ва тақдим этиш бўйича
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги марказий аппарати, унинг тасарруфидаги марказлар, ҳудудий бошқармлар ва муассасалар (кейинги ўринларда – Вазирлик тизими) да коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият юритиши ва коррупцияга қарши тадбирларни амалга ошириши тўғрисидаги ҳисобдорликни шакллантириш тартибини белгилайди.

2. Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият юритиши ва ривожланиши масалалари бўйича ҳисоботларни (кейинги ўринларда – Ҳисоботлар) шакллантириш ва тақдим этиш учун маъсулият Вазирликнинг Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими зиммасида (кейинги ўринларда – Бўлим) бўлади.

Вазирлик тизимининг ҳудудий ва таркибий бўлинмалари ҳисоботни тақдим қилиш учун маъсулият ҳудудий ва таркибий бўлинмалардаги коррупцияга қарши курашиш учун масъул ходим (кейинги ўринларда – Масъул ходим) зиммасида бўлади.

2-боб. Ҳисобот турлари ва уни тузиш даврийлиги

3. Вазирлик тизимида қуйидаги ҳисобот турлари назарда тутилади:

а) Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги, шу жумладан, Вазирлик тизимининг коррупцияга қарши Дастури ёки йўл харитаси тадбирларини амалга оширилишини бўйича ҳисобот ҳар чоракда Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш тузилмалари томонидан мазкур Низомнинг 3-бобида белгиланган тартибда тузилади;

б) Коррупцияга қарши курашишга оид давлат дастурида режалаштирилган тадбирларни амалга ошириш тўғрисидаги ҳисобот ҳар чоракда Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш тузилмалари томонидан мазкур Низомнинг 4-бобида белгиланган тартибда тузилади;

4. Ҳисобот мунтазам равишда ушбу Низомда белгиланган тартибда ва муддатларда, Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолатидан, шунингдек, ҳисобот даврида коррупцияга қарши тадбирлар ўтказилган ёки йўқлигидан қатъий назар, тузилади.

5. Йилнинг IV чораги учун ҳисобот тузилмайди, унинг ўрнига йиллик ҳисобот тайёрланади.

6. Ҳар чораклик ва ҳар йиллик ҳисобот Вазирлик раҳбариятига топширилади.

Вазирликнинг марказий аппаратидаги Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими ҳар чоракда, кейинги чорак биринчи ойнинг 25 санасидан кечиктирмай ҳар чораклик Вазирликнинг умумий ҳисоботини Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигига (кейинги ўринларда – Агентлик) кўриб чиқиши учун киритиб боради.

7. Вазирликнинг йиллик ҳисоботидаги умумий ахборот Интернет тармоғидаги расмий веб-сайтида эълон қилинади. Мазкур ахборот Вазирликнинг Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими томонидан тайёрланади.

3-боб. Коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисида ҳисоботни шакллантириш тартиби

8. Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги ҳисобот коррупцияга қарши курашиш тизимини мониторинг ва назорат қилиш, шунингдек, Вазирлик тизимининг коррупцияга қарши Дастур ёки Йўл харитаси тадбирларини амалга оширилишини мониторинг қилиш мақсадида тузилади.

9. Ҳисобот ҳар чоракда Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими томонидан ҳисобот давридан кейинги ойнинг 20 санасидан кечиктирмай тузилади ва Вазирлик раҳбариятига кўриб чиқиш учун топширилади.

10. Ҳисоботни шакллантириш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

а) ҳисобот давридан кейинги ойнинг 2 санасидан кечиктирмай, Вазирлик марказий аппаратидаги Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими Масъул ходимларга ушбу ойнинг 10 санасигача тегишли раҳбарлар томонидан тасдиқланган мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ ҳисобот тақдим этиши тўғрисида хабарнома юборади;

б) Вазирликнинг марказий аппарати бўлинмаларининг ҳисоботи Бўлим томонидан тузилади ва Вазирликнинг коррупцияга қарши курашиш йуналишига масъул бўлган раҳбар ўринбосари томонидан тасдиқланади;

Коррупцияга қарши курашиш фаолияти тўғрисидаги ҳисоботнинг бирон-бир бўлими бўйича тадбирлар ўтказилмаган тақдирда, тадбирлар амалга оширилмаганлиги сабабини кўрсатиш лозим.

в) Ҳисоботларга киритилган ахборот тегишли ҳужжатлар нусхалари ва бошқа маълумотларга асосланган бўлиши керак;

г) Вазирликнинг марказий аппаратидаги Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими ушбу Низомга 2-иловада кўрсатилган шаклда Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича тизимнинг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги умумий ҳисоботни тузади ҳамда қўшимча равишда унга ушбу Низомга 1-иловадаги шакл бўйича Вазирлик тизими бўйича тузилган ҳисоботдаги маълумотларни киритади.

Ҳисоботда асосий ахборотни ўзида акс эттирган қисқача маълумотнома ва таклифлар бўлиши керак. Йиллик ҳисобот ўз ичига ўтган йилнинг худди шундай кўрсаткичларига эга бўлган солиштирма таҳлилни ҳам қамраб олиши керак.

11. Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги ҳисоботлар ва Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги умумий ҳисоботни тузишда Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими тегишли бўлинма ходимларидан зарур ҳужжатлар, тушунтириш ва статистикани сўраш ва олиш ҳуқуқига эга.

12. Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими қисқа маълумотнома бириктирилган коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги умумий ҳисоботини ҳисобот давридан кейинги ойнинг 21 санасигача Вазирлик раҳбариятига тақдим этади.

4-боб. Коррупцияга қарши курашга оид давлат дастурларида режалаштирилган тадбирларни амалга ошириш тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш тартиби

13. Коррупцияга қарши курашишга оид Давлат дастурида режалаштирилган тадбирларни амалга ошириш тўғрисидаги ҳисобот ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шаклда тузилади.

14. Коррупцияга қарши курашишга оид Давлат дастурида режалаштирилган тадбирларни амалга ошириш тўғрисидаги ҳисобот Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими томонидан Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги умумий ҳисобот билан бир вақтда тузилади.

15. Коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастурида режалаштирилган тадбирларнинг амалга оширилгани тўғрисидаги ҳисобот раҳбар томонидан кўриб чиқилгандан кейин Агентликка юборилади.

5-боб. Якуний қоидалар

16. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Вазирликнинг ички идоравий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшичалар киритилган тақдирда ушбу Низом қайта кўриб чиқилиши мумкин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлигида коррупцияга
қарши кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги
ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш
бўйича низомига 1-илова**

**Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш тизимининг
фаолият кўрсатиши тўғрисида ҳисобот**

Вазирлик номи:	
Ҳисоботни тайёрлаган ходим (Коррупцияга қарши курашиш учун маъсуллар):	ФИШ, лавозими, тузилмаси
Ҳисобот даври:	
Ҳисобот тайёрланган сана:	

Т/р	Тадбирлар гуруҳининг номлари	Тадбирларнинг номлари	Бажариш муддати	Маъсул ижрочилар	Ижро тўғрисида белги	Ижро этилмаган бўлса, ижро этилиши кутилаётган муддат	Бажарилганликини тасдиқлаш, бажарилмаган бўлса сабаблари

Т/р	Тадбир	Натижалар
II. Ички ҳужжатлар		
1.	Ички ҳужжатларни мослаштириш	Вазирлик тизимида ҳисобот даври учун мослаштирилган коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш бўйича чоралар ёки коррупцияга қарши курашишга оид тартиб-таомилларга эга бўлган ички ҳужжатларни (сиёсатлар, регламентлар, стандартлар, йўриқномалар ва ш.к.) кўрсатиш зарур.
2.	Хавф-хатарли вазифа ва тартиб-таомиллар кесимида коррупциявий хавф-хатарларни камайтиришга оид янги коррупцияга қарши тартиб-таомиллар ва чоралар ҳамда коррупцияга қарши масалаларни тартибга солувчи ички ҳужжатларни ишлаб чиқиш.	Ҳисобот даврида ишлаб чиқилган ва тасдиқланган коррупцияга қарши курашиш соҳасига киритилган соҳаларни тартибга солувчи ички ҳужжатларни (сиёсатлар, регламентлар, стандартлар, йўриқномалар ва ш.к.) кўрсатиш зарур.
III. Шахсий намуна		
3.	Вазир ва унинг ўринбосарларининг ички тадбирлардаги чиқишлари (нутқи).	3-б-бандларда вазирлик тизими раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарларининг қонунчилик талабларига риоя қилиш, коррупцияга нисбатан муросасиз бўлиш, таркибий бўлинмада белгиланган коррупцияга қарши назорат ва тартиб-таомилларга амал қилишнинг муҳимлиги тўғрисидаги позицияси, фикр мулоҳазалари очик эътироф этилган тадбирларни кўрсатиш лозим.
4.	Коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича ички коммуникацияни тарқатиш (Вазир ва унинг ўринбосарларининг номидан).	
5.	Вазир ва унинг ўринбосарларининг ОАВдаги фикр-мулоҳазалари.	

III. Хавф-хатарларни баҳолаш		
6.	Вазирлик тизимида коррупциявий хавф-хатарлар бўйича ҳар йиллик баҳолаш ўтказиш	Ҳа ўтказилган\ўқ ўтказилмаган (сабаблари кўрсатилади) \ жараёнда (қайси босқичдалиги кўрсатилади)
7.	Ҳисобот даври учун Вазирликда иш жараёнда янги аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ва уларнинг даражалари (юқори, ўрта, паст).	Янги коррупциявий хавф-хатарлар қайси жараёнларда аниқланганлиги, уларнинг даражаси санаб ўтилади. Қандай коррупциявий хавф-хатарлар қайта баҳоланди, янги даража, баҳони ўзгартириш сабаблари ва коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш бўйича таклифлар. Вазирликнинг коррупциявий хавф-хатарлар ҳаритаси илова қилинади.
8.	Ҳисобот даврида аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни тартибга солиш бўйича амалга оширилган тадбирлар	
9.	Қолдик коррупциявий хавф-хатар юқори бўлган аниқланган коррупциявий хавф-хатарлар сони	Қолдик таваккал юқори бўлган коррупциявий хавф-хатарларнинг фойздаги нисбати кўрсатилади
10.	Қолдик коррупциявий хавф-хатар ўрта ва ундан паст даражага камайтирилган аниқланган коррупциявий хавф-хатарлар сони	Қолдик коррупциявий хавф-хатарлар ўрта ва ундан паст даражага камайтирилган коррупциявий хавф-хатарлар умумий сонига фойздаги нисбатини кўрсатиш зарур
IV. Коррупцияга қарши амалга ошириладиган тартиб-таомиллар		
11.	Вазирлик тизимида аниқланган манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари ва қабул қилинган чоралар	Вазирлик тизимида аниқланган манфаатлар тўқнашуви ҳолатларининг сонини кўрсатиш ёки аниқланган манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари реестрини илова қилиш зарур.
12.	Ходимлар томонидан ҳар йили манфаатлар тўқнашувини декларация қилиш	Ҳар йиллик манфаатлар тўқнашувини декларациялаш тартиб-таомилларидан ўтган ходимларнинг вазирлик тизимидаги умумий ходимлар сонига фойзалдаги нисбатини кўрсатиш зарур Ҳар йили манфаатлар тўқнашуви декларациясини амалга ошириши шарт бўлган манфаатлар тўқнашувини декларациялаш тартиб-таомилларидан ўтган ходимларнинг вазирлик тизимидаги умумий ходимлар сонига фойзалдаги нисбатини кўрсатиш зарур
13.	Ишга олинган ходимлар ва номзодлар устидан ўтказилган текширувлар сони.	Вазирлик тизимида ишга қабул қилинган ходимлар сонини ва вазирлик тизимидаги лавозимга номзодлар текшируви сонини кўрсатиш зарур. Текширув ўтказилмаган бўлса сабабини кўрсатиш зарур
14.	Ҳисобот даврида ўтказилган контрагентлар текширувлари сони	Ҳисобот даврида ўтказилган контрагентлар текширувлари сонини, текширувлар натижалари бўйича ижобий ва салбий хулосаларнинг фойзалдаги нисбатини кўрсатиш зарур. Текширув ўтказилмаган бўлса сабабини кўрсатиш зарур
15.	Амалга ошириладиган бошқа коррупцияга қарши тартиб-таомиллар	Мавжуд бўлганда ушбу бўлимда кўрсатилмаган бошқа амалга ошириладиган коррупцияга қарши тадбирларни кўрсатиш
V. Таълим ва коммуникация		
16.	Коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича тренинглар ўтказиш: барча ходимлар учун; коррупциявий таваккалчиликка энг қўпроқ мойилик эҳтимоли бўлган вазифаларни бажарувчи бўлимлар учун	Тренинглар тури ва шакли, ўқитилган ходимлар сони, уларнинг лавозимлари даражаси ва бўлимларини кўрсатиш
17.	Вазирлик тизимида яқинда ишга олинган ходимлар учун тренинглар ўтказиш.	Коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича тренинглардан (умумий, танишув) ўтган янги ходимларни умумий янги ходимлар сонига фойзалдаги нисбати тренинглар мавзуси кесимида кўрсатиш
18.	Ходимларнинг коррупцияга қарши қонунчилик талаблари ва бўлимда амалга ошириладиган коррупцияга қарши чоралардан хабардорлигини оширишга оид бошқа тадбирлар	Тадбир ништирокчиларнинг мақсадли гуруҳини, уларни сони (имкони бўлса), мавзуси ва турини (масалан, танловлар, викториналар, сўровномалар ва б. кўрсатилади) ва унинг яқунларини кўрсатиш
19.	Коррупцияга қарши кураш учун маъсуллар томонидан бажарилган коррупцияга қарши кураш меъёрлари мавзусида ахборот- тарқатма материаллари	Коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларга амал қилиш зарурати тўғрисидаги, шу жумладан, уларнинг тўғри талқин қилиниши ва уларга тўғри амал қилиш тўғрисидаги хабарнома ва бошқа тарқатма материаллар
20.	Ходимларнинг ахлоқ-одоб маданиятини шакллантириш, уларни коррупцияга қарши кураш тизими ва коррупцияга қарши қонунчиликнинг талаблари ҳақида хабардор қилишнинг бошқа усуллари	Масалан, бинолардаги ахборот плакатлари ва бошқа материаллар, скринсвайерлар, ишчи компьютерлар экранига қўйиладиган суратлар ва бошқалар
21.	Фуқаролик жамияти ва бўлимга контрагентлари учун коррупцияга қарши тадбирларни ўтказиш	Фуқаролик жамияти вакиллари учун коррупцияга қарши тадбирларни ўтказишнинг сони, номланиши, моҳияти ва натижаларини кўрсатиш (масалан, коррупцияга қарши кураш куни, коррупцияга қарши мавзудаги ишлар танлови). Шартномаларига коррупцияга қарши қўшимча шартлар киритилган янги контрагентларнинг янги контрагентларнинг умумий сонига фойзалдаги нисбати.
VI. Коррупциявий хатти-харакалар ва қондабузарликлар тўғрисидаги хабарлар. Таъсир чоралари		
22.	Хатти-харакалар, шу жумладан, потенциал хатти-харакалар учун алоқа каналларига келиб тушган	Хабарлар сонини қуйидаги маълумотларни ҳам киритган ҳолда кўрсатиш. келиб тушган санаси келиб тушган алоқа канали, хабар

	хабарлар сони	мавзуси, тегишли ҳисоботни илова қилиш.
23	Хизмат текшируви ўтказилган; Коррупцияга қарши қонунчилик бузилганлиги тўғрисида тасдиқланган ҳолатлар (шу жумладан, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва мақолалар кесимида) аниқланган; Бўлинмада белгиланган коррупцияга қарши назорат ва тартиб-таомилларнинг бузилиш ҳолатлари аниқланган (шу жумладан, ички ҳужжатлар кесимида); Айбдорлар аниқланган ҳолатлар сони	Ҳар бир банд бўйича ҳолатлар сонини кўрсатиш.
24	Қабул қилинган таъсир чоралари.	Қандай коррекциялаш чоралари, шу жумладан, интизомий чоралар, ички назорат тизимида қандай камчиликлар аниқланди ва назоратни кучайтириш учун қандай чоралар таклиф қилинди
VII. Мониторинг ва назорат		
25	Ҳисобот даврида мавжуд коррупцияга қарши курашиш талаблар, назорат тадбирлари ва тартиб-таомиллар бажарилиши устидан текширувлар ўтказилганлиги	Вазирлик тизимида коррупцияга қарши кураш бўйича масъуллар томонидан ўтказилган текширув тадбирларини, шу жумладан, уларнинг сонини қуйидаги кесимда кўрсатиш Текширув объектлари (бошқарма, бўлим); Текширув мавзуси (масадан, харидлар, кадрлар); Текширув тадбирлари тури (аудит, таваккал транзакциялари мониторинги ёки процедуралари ва б.); Текширув тадбирлари характери (режали, режадан ташқари)
26	Бўлинмада белгиланган назорат тадбирлари ва тартиб-таомиллар бузилиш ҳолатлари аниқлангани ва уларга нисбатан қўлланилган таъсир чоралари?	Қайси тартиб-таомил ёки вазифани бажаришда қандай қондабузарликлар аниқланган? Аниқланган ҳолатлар сонини кўрсатиш. Вазифа ва тартиб-таомилларни бажарувчи шахслар учун қандай тавсиялар тайёрланган. Улар қандай расмийлаштирилган (масалан, буйруқ ёки бошқа ички ҳужжатлар)?

Хулосалар: Ҳудудий ва таркибий бўлинмаларда коррупцияга қарши чораларни амалга оширишнинг асосий натижаларини кўрсатиш, коррупцияга қарши курашиш тизими ҳолатига умумий баҳо бериш, зарурият туғилганда аввалги даврлар кўрсаткичлари билан таққослама таҳлил ўтказиш, қониқарли натижаларга эришганлик ёки эришмаганлик сабабларини кўрсатиш зарур.

Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада ривожлантириш бўйича таклифлар ва коррекцияловчи тадбирлар режаси: келгуси ҳисобот даврида ҳисобдорликнинг алоҳида элементларини яхшилаш имконини берувчи асосий тадбирларни кўрсатиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлигида коррупцияга қарши кураш
tizимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни
шакллантириш ва тақдим этиш бўйича
низомига 2-илова

**Вазирликда коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши
тўғрисида 202..йил –чи чорак учун
УМУМИЙ ҲИСОБОТ**

**I. Вазирликнинг Коррупцияга қарши чора-тадбирлар дастури
бажарилгани тўғрисида умумий ахборот¹**

Вазирлик томонидан коррупцияга қарши курашиш тадбирларнинг амалга оширилгани тўғрисидаги қисқа маълумот, шу жумладан марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалар кесимида коррупцияга қарши курашиш тадбирларини амалга оширган бўлинмалар сонини кўрсатиш зарур;

Ҳудудий ва таркибий бўлинмалар кесимида Коррупцияга қарши курашиш тадбирларни амалга оширмаган бўлинмалар кўрсатилади, шунингдек, ҳисоботга иловада уларнинг номи, амалга оширилмаган тадбирлар ва қисқача-асосий сабабларини алоҳида кўрсатиш лозим.

II. Сиёсат ва тартиб-таомиллар

Коррупцияга қарши курашиш бўйича соҳаларни тартибга солувчи, ва ҳисобот даврида марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалар кесимида татбиқ этилган коррупцияга қарши соҳасига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ва ички ҳужжатлар (сиёсатлар, регламентлар, стандартлар, йўриқномалар ва шу кабилар)ни кўрсатиш лозим.

III. Хавф-хатарларни баҳолаш²

Вазирлик томонидан хавф-хатарларни баҳолаш амалга оширилганлиги тўғрисидаги ахборот, шу жумладан, коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашни амалга оширган ва ўзларининг коррупциявий хавф-хатарлар матричасини янгилаган марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалар кесимида кўрсатиш керак;

¹Ушбу бўлимда ва кейинги ўринларда ҳисоботнинг ҳар бир бўлими бўйича қуйидагиларни кўрсатиш керак:

- Бирлашган кўринишда марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалар кесимида ҳисобот даври учун маълумотлар. Агар зарурият бўлса, алоҳида бўлинмалар ва улар бўйича маълумотларни кўрсатиш;
- Зарурият туғилганда аввалги даврлар кўрсаткичлари билан солиштирма таҳлил ўтказиш, қониқарли натижаларга эришганлик/эришмаганлик сабабларини кўрсатиш лозим.

² Бўлим фақат ҳар йиллик ҳисобот даврида тўлдирилади. Мазкур бўлимда Вазирлик тизимида коррупциявий хавф-хатарни баҳолашни ўтказиш услубиётига мувофиқ амалга оширилган хавф-хатарларни баҳолаш натижалари бўйича таҳлилий ахборот акс эттирилади.

Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашни амалга оширмаган ҳудудий ва таркибий бўлинмалари сони вилоятлар, вазирликнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмалари кесимида кўрсатилади, шунингдек ҳисоботга иловада уларнинг номи ва уларнинг бажарилмаганлиги сабаблари қисқача кўрсатилади;

Баҳолаш жараёнида янги аниқланган коррупциявий хавф-хатарлар марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалари кесимида кўрсатилади. Шунингдек, ҳисобот даврида аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни бошқариш бўйича тақлиф этилган ва амалга оширилган тадбирлар қайд этилади;

Коррупциявий хавф-хатарларнинг тоифалар бўйича нисбати (юқори, ўрта, паст) ҳудудий ва таркибий бўлинмалари кесимида кўрсатилади;

Ҳудудий ва таркибий бўлинмалар кесимида Вазирлик тизими учун юқори бўлган қолдиқ коррупциявий хавф-хатарлар, шунингдек, кўрсатилган коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш учун тақлиф этилаётган тадбирларни кўрсатиш лозим (мавжуд бўлган тақдирда).

IV. Амалга ошириладиган коррупцияга қарши курашиш тартиб-таомиллар. Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш

Манфаатлар тўқнашуви декларацияланган ва тартибга солинган ҳолатлари сони, шу жумладан, ишга қабул қилиш, ҳар йиллик декларациялаш жараёнида³ (мавжуд бўлган тақдирда), марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалар кесимида кўрсатилади;

Вазирлик тизимида манфаатлар тўқнашувини марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалари кесимида манфаатлар тўқнашувининг йиллик декларацияси тартиб-таомилларидан ўтган ходимларнинг умумий ходимлар сонига фоизлардаги нисбати, шунингдек, декларацияланган ва тартибга солинган манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари қайд этилади;

Вазирлик бўйича режалаштирилган манфаатлар тўқнашувининг ҳар йиллик декларацияланадиган манфаатлар тўқнашувига нисбатан кўрсаткичлари бажарилмаган ҳудудий ва таркибий бўлинмалари кесимида таҳлилий маълумотларни келтириш керак (масалан, манфаатлар тўқнашувини барча раҳбарлар декларациялаши лозим, амалда эса фақат 50% гина раҳбар буни бажарган);⁴

Ҳудудий ва таркибий бўлинмалари кесимида Вазирлик тизимида аниқланган манфаатлар тўқнашуви ва қабул қилинган чоралар бўйича, шу жумладан, умумий сони ва тоифалар кесимида (масалан, *харид процедураларидаги, иш бўйича бевосита бўйсунуш натижасида ва шу кабиларда*) таҳлилий маълумотларни келтириш лозим.

³ Манфаатлар тўқнашувини декларация қилиш ҳисобот даврида бажарилган бўлсагина ахборот тўлдирилади.

⁴ Ахборот фақат йиллик ҳисоботда тўлдирилади.

Коррупцияга қарши қоидаларни Вазирлик шартномаларига киритиш

Коррупцияга қарши қоидаларни вазирлик тизимининг хўжалик шартномаларига (шартномаларнинг фоизли нисбати) киритиш бўйича, шу жумладан марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалари кесимидаги контрагентлар таҳририда таҳлилий маълумотларни келтириш, контрагентларнинг коррупцияга қарши қоидаларни шартномаларга киритишни рад этиш сабабларини кўрсатиш;

Марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалари кесимида вазирлик тизимида контрагент томонидан коррупцияга қарши қоидалар бузилиши сабабли шартномаларни бекор қилиш бўйича таҳлилий маълумотларни кўрсатиш.

Контрагентларни текшириш

Ҳисобот даврида контрагентлар бўйича ўтказилган текширувлар сони, ижобий ва салбий хулосаларнинг фоизлардаги нисбати марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалар кесимида кўрсатилади.

Ишга номзодларни текшириш

Марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалари кесимида вазирлик тизимига ишга кириш учун номзодлар устидан ўтказилган текширувлар сонини кўрсатилади.

V. Таълим ва коммуникация

Вазирликда коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича ўқитишнинг натижаларини марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалари кесимида: ўқитилган ходимларнинг фоиздаги нисбати, таълим шакли (бевосита/онлайн) кўрсатилади;

Марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалари кесимида Вазирлик тизими бўйича ўқитиш даражаси паст бўлган коррупцияга қарши кўникмаларга оид ахборот кўрсатилади (режалаштирилган кўрсаткичларга таққосланган ҳолда);

Вазирликда коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича коммуникация турлари ва сонини ҳудудий ва таркибий бўлинмалари кесимида (масалан, тарқатмалар, коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича сўровномалар ўтказиш) кўрсатилади;

Бўлимда шунингдек, вазирлик тизимида ўтказилган кенг кўламли алоҳида тадбирларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

VI. Коррупциявий хатти-харакатлар ва ҳуқуқбузарликлар тўрисидаги хабарлар

Ҳисобот даврида ходимларнинг коррупциявий хатти-харакатлари, манфаатлар тўқнашуви, коррупцияга қарши бошқа қонунбузарликлар билан боғлиқ масалалар

тўғрисидаги алоқа каналлари орқали келиб тушган хабарлар марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалари кесимида кўрсатилади;

Мансаб вазифалари ва тартиб-таомиллар кесимида олинган таҳлилий маълумотлар (масалан, харидлар жараёнида, кадрларни ишга қабул қилиш билан боғлиқ тартиб-таомилларда) келтирилади;

Олинган хабарлар бўйича таҳлилий маълумотлар қоидабузарликлар кесимида келтирилади (масалан, коррупциявий хатти-харакатлар, манфаатлар тўқнашуви, келишув тартиб-таомилларини процедураларини бузиш ва бошқалар);

Олинган хабарлар бўйича таҳлилий маълумотлар алоқа каналлари кесимида келтирилади (масалан, ишонч телефони, бевосита хабар бериш ва бошқалар).

VII. Мониторинг ва назорат⁵

Марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалари кесимида ҳисобот даврида вазирлик тизими томонидан мавжуд коррупцияга қарши талаблар, назорат тадбирлари ва тартиб-таомилларнинг бажарилгани тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар келтирилади, шу жумладан, текширувлар ўтказилган муассасалар сони, шунингдек, текширув ўтказилган вазифалар ва тартиб-таомилларининг даврийлиги ва характери тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар (режадаги, режадан ташқари) кўрсатилади;

Ҳудудий ва таркибий бўлинмалари кесимида текширувлар ўтказилмаган бўлинмалар сони алоҳида кўрсатилади, иловада уларнинг номи ҳамда текширувлар ўтказилмаганлигининг асосий сабаблари қисқача қайд этилади;

Ўтказилган текширувлар натижалари тўғрисидаги умумий ахборот кўрсатилади шу жумладан, ижобий ва салбий хулосаларнинг фоизлардаги нисбати қайд этилади. Қоидабузарликлар мавжуд бўлса, мазкур ҳисоботнинг VIII-бўлимга ҳавола берилади.

VIII. Аниқланган қоидабузарликлар ва уларга таъсир чоралари

Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги талабларнинг бузилганлиги тўғрисида марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалари кесимида таҳлилий маълумотларни кўрсатилади, шу жумладан:

қоидабузарликларнинг умумий сони;

қоидабузарликларнинг қоидабузарликлар тўғрисидаги ахборот манбалари бўйича тузилмаси (“ишонч телефони”, бевосита хабар бериш, мониторинг ва назорат натижалари ва бошқалар);

Вазирлик ички ҳужжатларида назарда тутилган вазифалар ва тартиб-таомиллар бўйича (харидлар, кадрларга оид масалалар ва б.) қоидабузарликлар тузилмаси;

⁵ Вазирлик тизимида ҳисобот даврида Коррупцияга қарши процедураларига риоя қилинишини мониторинг ва назорат қилиш методикасига мувофиқ ўтказилган тадбирлар якунлари бўйича умумий таҳлилий ахборот акс эттирилади.

Вазирлик тизимида қабул қилинган таъсир чоралари тўғрисида таҳлилий маълумотларни ҳудудий ва таркибий бўлинмалари кесимида кўрсатиш, шу жумладан:

ўтказилган умумий тадбирлар сони ва аниқланган барча қоидабузарликлар бўйича таъсир чоралар кўрилганлиги ёки кўрилмаганлиги;

таъсир чоралари турлари бўйича таҳлилий маълумотлар (айбдорларни жавобгарликка тортиш, шу жумладан, жавобгарлик турлари кесимида; вазирлик тизими жараён ва ички ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ва бошқалар), шу жумладан, зарур бўлган ҳолда қоидабузарликка йўл қўймаслик бўйича қандай тадбирларни татбиқ этиш таклиф этилмоқда ва ҳисобот даврида қандай тадбирлар татбиқ этилганлиги кўрсатилади.

IX. Хулосалар

Вазирлик тизимида ҳудудий ва таркибий бўлинмалари кесимида коррупцияга қарши чораларни амалга оширишнинг асосий натижалари кўрсатилади, коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолатига умумий баҳо берилади. Заруриятга кўра аввалги даврлардаги кўрсаткичлар билан таққослама таҳлил ўтказилади, қониқарли натижаларга эришганлик ёки эришмаганлик сабабларини қайд этилади.

X. Коррупцияга қарши кураш тизимини янада ривожлантириш бўйича таклифлар ва тадбирлар режаси

Кейинги ҳисобот даврида вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш тизимининг алоҳида кўрсаткичларни марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалар кесимида яхшилаш имконини берувчи асосий тадбирлар кўрсатилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлигида коррупцияга
қарши кураш тизимининг ҳолати
тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва
тақдим этиш бўйича низомига 3-илова

**Коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурида режалаштирилган
тадбирларни амалга ошириш тўғрисидаги
ҲИСОБОТ**

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддати	Амалга оширилган чоралар



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM VAZIRINING
BUYRUG‘I**

2021-yil 26-avgust 373 -son

Toshkent sh.

**Oliy va o‘rta maxsus ta‘lim vazirligi tizimida
Komplayens nazorat tizimini joriy etish
va korrupsiyaga qarshi kurashishni
takomillashtirish to‘g‘risida**

ISO 37001:2016 “Korrupsiyaga qarshi kurashish menejment tizimlari - foydalanish bo‘yicha xalqaro talablar va tavsiyalar” xalqaro standart talablari va tavsiyalarini inobatga olgan holda, Oliy va o‘rta maxsus ta‘lim vazirligi tizimida korrupsiyaga qarshi komplayens nazoratni joriy etish maqsadida

B U Y U R A M A N:

1. Quyidagilar:

- “O‘zbekiston Respublikasi Oliy va o‘rta maxsus ta‘lim vazirligi tizimida korrupsiyaga qarshi kurashish to‘g‘risidagi Nizom” 1-ilovaga;

- “O‘zbekiston Respublikasi Oliy va o‘rta maxsus ta‘lim vazirligi tizimida korrupsiyaga qarshi kurashish bo‘yicha koordinator to‘g‘risidagi Nizom” 2-ilovaga;

- “O‘zbekiston Respublikasi Oliy va o‘rta maxsus ta‘lim vazirligi tizimida manfaatlar to‘qnashuvini boshqarish to‘g‘risidagi Nizom” 3-ilovaga;

- “O‘zbekiston Respublikasi Oliy va o‘rta maxsus ta‘lim vazirligi tizimida korrupsion xavf-xatarlarni baholash uslubiyoti” 4-ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Belgilansinki, mazkur buyruq bilan tasdiqlangan hujjatlar:

Oliy va o‘rta maxsus ta‘lim vazirligi markaziy apparatining barcha boshqarma va bo‘limlari, vazirlik huzuridagi tashkilotlar, kasbiy ta‘limni rivojlantirish va muvofiqlashtirish hududiy boshqarmalari, vazirlik tizimidagi oliy va o‘rta-maxsus, professional ta‘lim muassasalari uchun majburiy hisoblanadi;

respublika hududida joylashgan xorijiy oliy ta‘lim muassasalari va ularning filiallari, boshqa vazirlik va idoralar tasarrufidagi oliy va o‘rta-maxsus, professional ta‘lim muassasalari hamda nodavlat oliy ta‘lim muassasalari uchun tavsiyaviy harakterga ega.

3. Vazirlik tizimidagi oliy ta'lim muassasalari (filiallari) rektor(direktor)lari, huzuridagi tashkilotlar hamda hududiy boshqarmalar boshliqlari "O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi tizimida korrupsiyaga qarshi kurashish to'g'risidagi Nizom", "O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi tizimida korrupsiyaga qarshi kurashish bo'yicha koordinator to'g'risidagi Nizom", "O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi tizimida manfaatlar to'qnashuvini boshqarish to'g'risidagi Nizom", "O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi tizimida korrupsion xavf-xatarlarni baholash uslubiyoti"ning mazmun-mohiyati haqida rahbar-xodimlar, professor-o'qituvchilar hamda talaba-yoshlarga tushuntirish ishlarini tashkil etsin.

4. Vazirlik tizimidagi oliy ta'lim muassasalari (filiallari) rektor(direktor)lari, huzuridagi tashkilotlar hamda kasbiy ta'limni rivojlantirish va muvofiqlashtirish hududiy boshqarmalari boshliqlari zimmasiga:

mavjud korrupsion xavf-xatarlar asosida o'zlarining korrupsiyaga qarshi kurashish mexanizmlarini ishlab chiqishi va joriy etishi;

korrupsiyaga qarshi kurashish bo'yicha koordinator/mas'ul shaxs faoliyatini yo'lga qo'yish;

korrupsion xavf-xatarlarni minimallashtirish borasida samarali profilaktik choralarni ishlab chiqish;

korrupsion xavf-xatarlar darajasini baholash uslubiyotidan foydalangan holda korrupsion xavf-xatarlar darajasini baholab borishni tashkil etish;

bu borada amalga oshirilgan ishlar to'g'risidagi ma'lumotlarni har chorakda (*chorak tugagandan keyingi oyning 10 sanasigacha*) vazirlikning Komplayens-nazorat va korrupsiyaga qarshi kurashish bo'limiga taqdim qilib borish vazifalari yuklatilsin.

5. Komplayens-nazorat va korrupsiyaga qarshi kurashish bo'limi (H.Abduraxmonov), Oliy ta'limni rivojlantirish tadqiqotlari va ilg'or texnologiyalarni tatbiq etish markazi (M.Esanov) bilan birgalikda Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi huzuridagi tashkilotlar hamda tizimdagi oliy ta'lim muassasalarida korrupsiyaga qarshi kurashish borasida amalga oshirilayotgan ishlarining joriy holati bo'yicha o'rganishlar o'tkazilishini ta'minlasin va o'rganish natijalari bo'yicha vazirlik rahbariyatiga ma'lumot kiritib borsin.

6. Mazkur buyruq ijrosi nazoratini o'z zimmamda qoldiraman.



A. Toshkulov



Ўзбекистон Республикаси олий
ва ўрта махсус таълим вазирининг
2021 йил 22 октябрьдаги 443 -сон
буйруғига 4 - илова

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимиغا
ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича
ЙЎРИҚНОМА**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Йўриқнома Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг марказий аппарати, ҳудудий бошқармалар, ҳузуридаги марказлар ва олий таълим муассасаларига (бундан кейин – Вазирлик тизими) ишга қабул қилишда номзодлар текширувини ўтказишнинг тамойиллари, талаблари, тартиби ва муддатларини белгиловчи ички ҳужжат ҳисобланади.

2. Ушбу Йўриқноманинг мақсадлари қуйидагилардир:

номзод томонидан тақдим этилган ўзи, унинг профессионал фаолияти, бошқа жисмоний ва юридик шахслар билан қариндошлик ва тижорат алоқалари ҳақидаги маълумотларни текшириш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳамда Вазирлик тизимининг ички ҳужжатлари талабларига мувофиқ ҳалол, сифатли, пухта, холис амалга оширишга қодир жисмоний шахслар билан меҳнат муносабатларини расмийлаштиришга эришилишини таъминлаш;

Вазирлик тизимида лавозим мажбуриятларини бажариш учун етарли билим ва тажрибага эга бўлмаган, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган шунингдек уларни ишга олиш обрў, коррупцияга оид ёки бошқа хатарларга олиб келувчи номзодлар билан меҳнат муносабатларига киришиш хатарини минималлаштириш;

раҳбарлик ва моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларга билимли, ҳалол, виждонли, қонунга итоаткор ходимларни танлаб олиш.

3. Вазирлик тизимининг номзодларни танлаш жараёнида бевосита иштирок этадиган ходимлари мазкур Йўриқнома билан белгиланган талабларга риоя қилиш учун шахсан жавобгардирлар.

4. Ушбу Йўриқнома қоидаларининг бузилишида айбдор ходимлар Вазирлик тизими, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ёки бошқа шахслар ташаббуси билан, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Вазирлик

тизимининг ички ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва асосларда интизомий ва бошқа турдаги жавобгарликка тортилади.

5. Ушбу Йўриқнома ишга қабул қилишда Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари билан алоҳида тартиб белгиланган лавозимларга нисбатан тадбиқ этилмайди.

6. Ушбу Йўриқнома мақсадларида куйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

коррупциявий ҳаракатлар – ходим томонидан бевосита ёки билвосита шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора берувчи манфаатлари йўлида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун моддий манфаатдор бўлиши, шу жумладан пул, қимматбаҳо қоғоз, бошқа кўринишдаги мулк ва мулкӣ ҳуқуқлар, мулкӣ ҳарактердаги хизматлар олиш, талаб қилиш, ундириш, таклиф қилиш ёки бериш, пора бериш ва/ёки олиш ёки бунда воситачилик қилишда, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш (пора олиш) ва бошқа ноқонуний мақсадларда ўз хизмат вазифаларидан ноқонуний фойдаланиш;

манфаатлар тўкнашуви – Вазирлик тизими ходимининг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахсининг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

номзод – Вазирлик тизимининг бўш иш ўрни талабларига жавоб берувчи, вакант иш жойига танлаб олинган жисмоний шахс.

ноқонуний фойда – ваъда қилинадиган, таклиф этиладиган, тақдим этиладиган ёки қонуний асоссиз олинадиган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк, ёки мулкӣ ҳуқуқлар, афзалликлар, имтиёзлар, хизматлар, номоддий активлар, бошқа ҳар қандай моддий ёки номоддий фойда;

ходимнинг шахсий манфаатдорлиги – ходим томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариш доирасида унинг яқин қариндоши ёки ходимга алоқадор бўлган шахслар томонидан ходимнинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган пул маблағлари, моддий ёки номоддий қийматликлар, бошқа мол-мулк, бойлик ва имтиёзлар

кўринишида шахсий наф олиш имконияти (шахсий, ижтимоий, мулкӣ, молиявий, сиёсий ва бошқа манфаатлари);

яқин қариндошлар – қариндош ёки қуда томондан қариндош бўлган шахслар, яъни ота-она, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан фарзандликка олинганлар, бобо, буви, неваралар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллари.

II. Ишга қабул қилинаётган номзодларни текширишга қўйилган умумий талаблар ва уларнинг муддатлари

7. Ташкилий-кадрлар бошқармаси ва Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлимлари номзодларни текшириш учун масъул ҳисобланади.

8. Текширув барча доимий ва муддатли лавозимларга номзодлар, шунингдек фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар бўйича қабул қилинган номзодларга нисбатан амалга оширилади.

9. Агар ходимларни танлаб олиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда - ДХРА) томонидан амалга оширилса, номзодларни текшириш номзод қабул комиссияси баённомаси билан тасдиқлангандан сўнг, бироқ меҳнат шартномаси тузилмасидан олдин амалга оширилади.

10. Агар номзодларни танлаб олиш ДХРА иштирокисиз амалга оширилса, у ҳолда ишга қабул қилинаётган номзод профессионал танлов ва (ёки) тестдан муваффақиятли ўтгач, бироқ меҳнат шартномаси тузилмасдан аввал текширилади.

11. Номзодни текшириш 5 (беш) иш кунигача бўлган муддатда амалга оширилади.

12. Номзодни белгиланган муддатларда текшириш узрли сабабларга кўра имконсиз бўлса, унинг давомийлиги 5 (беш) иш кунигача бўлган муддатга узайтирилиши мумкин.

III. Текширув учун ҳужжатлар ва маълумотларни олиш

13. Текширувни ўтказиш учун Ижрочи номзоддан қуйидаги ҳужжатларни олиши керак:

Ўзбекистон Республикасининг меҳнат кодекси 80-бандига мувофиқ ишга қабул қилиш учун талаб қилинадиган ҳужжатларнинг нусхалари;

Номзод томонидан тўлиқ тўлдирилган ва имзоланган *Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимидаги манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги Низомига* 1-илова шаклидаги сўров-маълумотнома;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимидаги манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги Низомининг 2- ва 3-иловасига мувофиқ манфаатлар тўқнашувининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги ҳақидаги ариза.

14. Зарурат бўлганда Ижрочи номзоддан бошқа ҳужжатларни тақдим этишни ҳам сўраши мумкин, аммо номзод Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида кўзда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этмаслиги уни ишга қабул қилмасликка сабаб бўла олмайди.

15. Сўров-маълумотнома қабул қилинганда, ҳужжатнинг тўлдирилмаган қисмига Ижрочи номзоддан кўрсатилмаган маълумотларни талаб қилиши керак.

16. Номзод зарур сўров-маълумотномани кўрсатишни ёзма равишда рад этса, Ижрочи маълумотларга таянган ҳолда ўз ихтиёридаги ахборотдан эркин фойдаланиб, шунингдек, тегишли орган ва муассасаларга расмий сўровнома жўнатиб, олинган маълумотлар асосида номзодни текшириши мумкин. Ушбу ҳолатда ўрганиш муддати мазкур Йўриқноманинг 11-12-бандларига мувофиқ узайтирилиши мумкин. Бунда Ижрочи текшириш натижалари ҳақидаги хулосада (мазкур Йўриқноманинг 2-иловаси шаклига мувофиқ) тегишли белги қўяди.

IV. Ишга жойлашаётган номзодларни текшириш учун ахборот манбалари

17. Ишга жойлашаётган номзодни текшириш доирасида номзоддан олинган маълумотлар, шунингдек очик манбалардан ёки расмий сўровлар юбориш орқали олинган маълумотларни таҳлил қилиш ва ишлаш амалга оширилади.

18. Маълумотларни йиғиш ишга жойлашаётган номзод ҳақидаги умумий ва холис фикрни шакллантириш, номзоддан олинган, жумладан маълумотномада қайд этилган, номзоднинг <https://vacancy.argos.uz> сайтидаги шахсий профилидаги ҳужжатлар ва маълумотлар ишончлилигини баҳолаш, шунингдек ўзи ҳақидаги маълумотларни яшириш ёки сохталаштириш

аломатлари йўқлигини таҳлил қилиш учун барча очик ахборот манбаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

19. Ишга жойлашаётган номзодни текшириш учун ахборот манбалари қонунийлик ва ҳолислик талабларига жавоб бериши лозим. Ижрочи бошқа давлат органлари ва ташкилотларига, номзоднинг аввалги иш жойлари, ўқув муассасалари ва ҳ.к ларга тақдим этилган маълумотларни текшириш учун расмий сўров юбориш мумкин.

20. Ижрочи ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига сўров юбориш орқали номзоднинг судланганлиги, фирибгарлик, коррупция ва зўравонлик билан боғлиқ ишларга алоқадорлигини текшириши мумкин.

21. Номзод ҳақидаги маълумотларни текшириш учун қуйидаги очик ахборот манбаларидан фойдаланиш мумкин:

Давлат хизматлари агентлигининг юридик шахслар ва якка тадбиркорлар маълумотларини текшириш бўйича платформаси -
https://fo.birdarcha.uz/s/ru_landing

Корхона ва ташкилотларнинг ягона давлат реестри (КТЯДР) -
<https://stat.uz/ru/uslugi-1/svedeniya-iz-egrpo>

Солиқ органларининг электрон давлат хизматлари портали -
<https://my.soliq.uz/main/?lang=ru>

Ўзбекистон Республикаси очик маълумотлари портали -
<https://data.gov.uz/ru>

Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси - [http:// kadastr.uz/ru/](http://kadastr.uz/ru/)

Ижро ҳужжатлари бўйича қарздорларнинг маълумотлар базаси -
<https://mib.uz>

Ахборот қидирув тизимлари (масалан, Google, Яндекс ва ҳ.к.) ва ҳ.к.

Ушбу рўйхат зарур бўлганда ўзгартирилиши ва кенгайтирилиши мумкин бўлган манбаларнинг тахминий рўйхатини ифодалайди.

V. Ишга жойлашаётган номзодларни текширувини ўтказиш йўналишлари

22. Белгиланган жойларда текширувлар ўтказиш мажбурийдир. Бундай ҳолда ҳар бир аниқ ҳолатда, агар керак бўлса, текшириш соҳалари рўйхати кенгайтирилиши мумкин.

23. Номзодларни текшириш қуйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширилади:

номзодда тугатилмаган судланганлик ҳолати ва (ёки) иқтисодий, жумладан коррупциявий характердаги қонунбузарликлар муносабати билан уни маъмурий, жиноий ёки интизомий жавобгарликка тортиш фактлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар йўқлиги;

суд органлари томонидан қўйилган раҳбарлик лавозимларини эгаллашга тақиқ йўқлиги – раҳбарлик лавозимига номзод учун;

аввалги иш жойларидан салбий тавсияномалар йўқлиги;

номзодда манфаатлар тўқнашуви аломатлари йўқлиги;

номзодга нисбатан бошқа хатар индикаторлари йўқлиги (жумладан, ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида намойиш этилган ҳаёт тарзи расмий иш ҳақиға мос келмайди ва бошқалар).

24. Қайд этилган йўналишлар бўйича текширув ўтказиш мажбурий. Бунда текширув йўналишлари рўйхати заруратга қараб ҳар бир аниқ ҳолатда кенгайтирилиши мумкин.

VI. Текширув натижалари

25. Номзодни текширувини ўтказиш натижалари бўйича Ижрочи томонидан Номзод текширилгани тўғрисидаги ҳисобот тузилиб (ушбу Йўриқномани 1-илова шакли бўйича), мазкур ҳисобот Ташкилий-кадрлар бошқармасида сақланади. Ўтказилган текширув ва унинг натижаларига оид маълумотлар Ишга жойлашаётган номзодларни текшириш реестри (ушбу Йўриқномага 2-илова)га киритилади.

26. Вазирликнинг Ташкилий-кадрлар бошқармаси вазирликдаги номзодларни текшириш реестрига киритиладиган маълумотларни йиғиш ва ушбу Реестрни актуал ҳолда сақлаш учун жавобгар ҳисобланади.

27. Текширув натижалари тўғрисидаги ҳисоботнинг 3 бўлимидаги 3.1, 3.2, 3.3 ёки 3.4 бандлари саволларига битта ва ундан кўп хавф индикаторлари мавжуд бўлган тақдирда (“Ҳа” жавоблари) ишга жойлашаётган номзодни текшириш натижалари бўйича салбий хулоса киритилади.

3.5 ёки 3.6 бандларидаги саволлардан бирига биттасига бўлса ҳам бир ва ундан ортиқ хавф индикаторлари (“Ҳа” жавоблари) мавжуд бўлган тақдирда, текширув ўтказётган шахс вазиятни коррупциявий хавф-хатарлар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги бўйича баҳолайди.

28. Коррупциявий хавф-хатарлар мавжуд бўлган тақдирда текширув ўтказётган шахс уларни камайтириш бўйича чора-тадбирларни тақлиф қилади

ёки бундай хатарлар даражасини пасайтириш имкони бўлмаган тақдирда номзодни текшириш натижалари бўйича салбий хулоса беради.

29. Салбий хулоса берилган тақдирда номзодни, шу жумладан ҳудудий ва таркибий бўлинмаларга ишга қабул қилиш Вазирлик тизими раҳбарияти қарорига кўра номзод ишга олинаётган бўлинма раҳбарияти томонидан мазкур йўналишни назорат қилувчи раҳбар ўринбосари ва Кадрлар бўлинмаси раҳбари билан келишилган ҳолда тузилган хизмат маълумотномаси асосида амалга оширилади. Хизмат маълумотномасига Текширув натижалари тўғрисидаги ҳисобот нусхаси илова қилинади.

30. Текширув натижалари бўйича коррупциявий хатарлар аниқланган ва уларни камайтириш бўйича чора-тадбирлар тақлиф этилган номзод ишга олинган тақдирда ходимнинг раҳбари тавсия этилган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилишини назорат қилиш учун жавобгар ҳисобланади.

VII. Текширувни расмийлаштириш ва ҳужжатларни сақлаш муддатлари

31. Номзодни текшириш натижалари (шу жумладан текшириш натижалари тўғрисидаги Хулоса ва бошқа тегишли ҳужжатлар ва/ёки маълумотлар) конфиденциал характерга эга ва Вазирлик тизимининг танлов жараёнида ҳамда номзодни ва бошқа учинчи шахсни текширишда қатнашмаган ходимларга ошкор этилиши мумкин эмас.

32. Ишга қабул қилинган тақдирда, номзодни текшириш натижалари ходимнинг шахсий ҳужжатларида Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган муддат ва тартибда мажбурий сақланиши керак.

33. Вазирлик тизимида ишга қабул қилинмаган номзодларнинг текшириш натижалари, агар Ўзбекистон Республикаси қонунларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, уч йил давомида Ташкилий-кадрлар бўлимида (кадрлар бўлимида) албатта сақланиши лозим.

IX. Ўзгартиришларни киритиш тартиби

Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси қонунчилига ўзгартиришлар киритилган тақдирда ва/ёки номзодларни текшириш жараёнини такомиллаштириш эҳтиёжи бўлганда қайта кўриб чиқилиши ва тузатилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлиги тизимига ишга
қабул қилинаётган номзодларни текшириш
бўйича йўриқномасига
2-илова

Номзодни ишга қабул қилиш юзасидан синов натижалари бўйича хулоса

НОМЗОД

ишга қабул қилиш юзасидан синов натижалари бўйича хулоса

(Вазирликнинг марказий аппарати, ҳузуридаги марказ,
ҳудудий бошқарма, ёки тизим ташиклоти)

«__» _____ йил №__

1. Асосий маълумотлар	
1.1	Номзоднинг Ф.И.Ш
1.2	Туғилган вақти
1.3	Ҳолат / вакансия
1.4	Бўлинма
1.5	Телефон рақами
1.6	Эл.почта манзили

2. Иш тажрибаси	
2.1	Аввалги иш жойлари (тескари хронологик тартибда), лавозимлари
2.2	Ававалги иш жойларидан салбий муносабатларнинг мавжудлиги <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ Изоҳ (лар): Манба (лар):

3. Текширув натижалари	
3.1	<p>Иўриқноманинг 12-бандида назарда тутилган ҳужжатларнинг тўлиқ жамланмаси олинганми?</p> <p><input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ</p> <p>Топширилмаган ҳужжат (лар):</p> <p>Йўқлигининг сабаб (лар)и:</p>
3.2	<p>Номзоддан олинган ҳужжатлар ва маълумотларда, жумладан, маълумотномада кўрсатилган маълумотларда шубҳали ҳолатларнинг ҳамда баъзи маълумотларни яшириш ва/ёки сохталаштириш белгиларининг мавжудлиги</p> <p><input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ</p> <p>Изоҳ (лар):</p> <p>Манба (лар):</p>
3.3	<p>Номзодда судланганлик ҳолати ва/ ёки коррупциявий қилмишлар билан жавобгарликка тортилиш ҳолатларининг мавжудлиги</p> <p><input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ (ҳа бўлса, асосни кўрсатиш лозим)</p> <p>Изоҳ (лар):</p> <p>Манба (лар):</p>
3.4	<p>Бошқарув лавозимларини эгаллашга нисбатан таъқиқнинг мавжудлиги (бошқарувчи лавозимига номзод учун)</p> <p><input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ</p> <p>Изоҳ (лар):</p> <p>Манба (лар):</p>
3.5	<p>Номзоднинг ва яқин қариндошларининг Вазирлик тизими ходимлари, давлат мансабдор хизматчилари билан боғлиқлик белгиларининг мавжудлиги:</p> <p><input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ</p>
	<p>1) Ҳозирги вақтда ишга номзод (ўриндошлик асосида) Вазирлик тизими муассасаларида лавозимни эгаллаб турибди ёки давлатнинг бошқа амалдоридир</p> <p><input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ (агар ҳа бўлса, иш жойи, лавозими, асосий мажбуриятларини кўрсатиш ҳамда Вазирлик тизимида ишлаш учун рухсатноманинг мавжудлигини текшириш лозим)</p> <p>Изоҳ (лар):</p> <p>Манба (лар):</p>
	<p>2) Ишга номзод вазирлик тизимининг собиқ ходими ёки</p> <p><input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ (агар ҳа бўлса, ишлаган даври, иш жойи, лавозими,</p>

	давлатнинг бошқа амалдори	асосий мажбуриятларини кўрсатиш лозим) Изоҳ (лар): Манба (лар):
	3) Номзоднинг яқин қариндошлари вазирлик тизимида фаолият кўрсатаётган ходимлар ёки давлатнинг бошқа амалдорлари мавжудлиги	<input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ (агар ҳа бўлса, ФИШ ва қариндошлик даражаси, иш жойи, лавозими, асосий мажбуриятлари кўрсатилиши лозим) Изоҳ (лар): Манба (лар):
3.6	Номзодда манфаатлар тўқнашуви аломатларининг мавжудлиги:	<input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ
	1) номзод ва унинг яқин қариндошлари вазирлик тизимида манфаатлар тўқнашувига олиб келувчи мавқега эга	<input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ (агар ҳа бўлса, ФИШ ва қариндошлик даражаси (агар тўқнашув номзоднинг қариндошлари билан боғлиқ бўлса), бўлинма номи, лавозим кўрсатилиши лозим) Изоҳ (лар): Манба (лар):
	2) номзод ёки унинг яқин қариндошлари бирор бир ташкилотнинг устав капиталида очиқ савдога қўйилмаган акцияларига ёки улушларига ёки “Тошкент” Республика фонд биржасида ёхуд бошқа бир фонд биржада 5% ёки ундан ортиқ қимматли қоғозларига эгалик қилади, ёки бошқа компаниялар фаолияти натижасида бошқа шахсий манфаатларга эга	<input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ (агар ҳа бўлса, ФИШ ва қариндошлик даражаси (агар тўқнашув номзоднинг қариндошлари билан боғлиқ бўлса), бўлинма номи, лавозим кўрсатилиши лозим) Изоҳ (лар): Манба (лар):
	3) Бошқа белгилар	<input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ Изоҳ (лар): Манба (лар):
3.7	Номзод ва / ёки унинг қариндошлари ҳақида муросасиз маълумотлар, жумладан	<input type="checkbox"/> Да <input type="checkbox"/> Йўқ Изоҳ (лар):

	коррупция, фирибгарлик ёки бошқа ноқонуний ишларда иштирок этиш тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлса	Манба (лар):
3.8	Номзоднинг бошқа хавф индикаторлари	<input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ Изох (лар): Манба (лар):
3.9	Бошқа маълумотлар (ўтказилган бўлса, интервью натижалари)	<input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ Изох (лар): Манба (лар):

4. Хулоса		Ҳа/Йўқ	Изоҳ
3.5, 3.6 ёки 3,7 хавф индикаторларининг мавжудлиги			Комплаенс-назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими (Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича масъул/ мувофиқлаштирувчи)нинг қўшимча хулосаси талаб этилади.
Охирги натижа			(ижобий баҳо / ёки COMPLAENС-назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими (Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича масъул/ мувофиқлаштирувчи)нинг қўшимча хулосаси талаб этилади)
ТАВСИЯЛАР (аниқланган хавфларни ҳисобга олган ҳолда)			

4.1	Меъёрий-ҳуқуқий назорат бўлими (Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича масъул/ мувофиқлаштирувчи)нинг хулосаси, жумладан, тавсиялар (зарур ҳолларда)

Комплаенс-назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими бошлиғи
(коррупцияга қарши курашиш бўйича масъул/ мувофиқлаштирувчи):

_____ (ФИШ)
 _____ « _____ » _____ 20__ й.
 (имзо) (сана)



Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта
махсус таълим вазирлигининг 2021 йил
октабр даги 443-сонли
буйруғига 8 илова

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
тизимида контрагентларни текшириш бўйича
ЙЎРИҚНОМА**

I. Умумий қондалар

1. Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, унинг ҳудудий бошқармалари, тасарруфидаги марказлар ва муассасалар (кейинги ўринларда – Вазирлик тизими) томонидан харид қилиш тартиб-таомиллари, шу жумладан тўғридан-тўғри шартнома тузишда иштирокчиларни мажбурий текширишнинг (кейинги ўринларда Харид жараёнлари иштирокчиларини текшириш) асосий талаблари, тартиби ва усулларини белгилайди.

2. Харид жараёнлари иштирокчиларини текширишнинг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- Вазирлик тизими ходимларининг манфаатлар тўқнашуви ва шахсий манфаатдорлиги билан боғлиқ бўлган коррупциявий хатарларни камайтириш;

- инсофсиз ижрочи билан шартнома тузиш хатарини камайтириш;

- харид жараёни иштирокчисининг шартномада белгиланган товарларни етказиб бериш ёки хизмат кўрсатиш, ишларни бажариш имкониятини баҳолаш;

- Контрагент билан шартнома тузиш тўғрисидаги қарорни тегишли даражада эҳтиёткорлик билан қабул қилиш.

3. Харид жараёнлари иштирокчиларини текшириш хариднинг барча иштирокчилари, шу жумладан, улар ўртасидаги алоқа мавжудлиги эҳтимоли нуқтаи-назаридан ҳам амалга оширилади.

4. Текширув ушбу Йўриқноманинг 6 ва 7-бандида кўрсатилганлардан ташқари барча янги контрагентларга нисбатан, шунингдек амалдаги контрагентларга нисбатан камида бир йилда бир марта амалга оширилади.

5. Ушбу Йўриқноманинг 6 ва 7-бандида кўрсатилган ҳолатлардан ташқари, контрагент текшируви натижалари бўйича хулосани олмасдан туриб шартномани имзолаш ва (ёки) тўловларни амалга оширишга йўл қўйилмайди.

6. Электрон дўкон ва бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион шаклида ўтказилган харидлар бўйича контрагентлар текширилмайди.

7. Шунингдек, текширув қуйидаги контрагентларга нисбатан амалга оширилмаслиги мумкин:

Вазирлик марказий аппарати билан ёки таркибий ва ҳудудий бўлинмалар ўзаро шартномавий муносабатга қиришаётган бўлса;

Коммунал ва бошқа шу каби хизматларни (шу жумладан, электр таъминоти, газ таъминоти, иссиқлик таъминоти, муҳандислик-техника таъминоти, сув таъминоти, сув чиқариш, оқава сувларни тозалаш, қаттиқ маиший чиқиндиларни утилизация қилиш (кўмиш) тармоқларига уланиш), шунингдек давлат томонидан тартибга солинадиган товарлар (ишларнинг, хизматларнинг) нархлар (тарифлар) бўйича етказиб берувчи ҳисобланган контрагентлар;

Ўзбекистон Республикасининг табиий монополиялари ҳисобланган контрагентлар.

8. Ушбу Йўриқномада қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилган:

Вазирлик тизими – алоҳида юридик шахс сифатида ташкил этилган муассасаларни ўз ичига олган Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тузилмаси:

Вазирлик марказий аппарати,
унинг ҳудудий бошқармалари,
унинг тасарруфидаги марказлар,

унинг тасарруфидаги олий таълим муассасалари (ОТМлар ва улар қошидаги академик лицейлар) ва профессионал таълими муассасалари (касб-хунар мактаблари, коллежлар ва техникумлар);

ижрочи – Вазирлик тизимида тузилган харид комиссияси аъзолари;

контрагент – Вазирликнинг харид жараёнлари доирасида шартномавий муносабатларга киришишни режалаштираётган ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс;

контрагент/контрагентнинг бенефициар эгаси (якуний бенефициар) - контрагентнинг хусусий эгаси бўлган ёки ушбу Контрагент учун мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш, қабул қилинаётган қарорларга таъсир кўрсатиш ёки бошқача тарзда унинг ҳаракатларини бевосита ёки билвосита назорат қилиш ҳуқуқи ёки имкониятига эга бўлган жисмоний шахс;

коррупциявий ҳаракатлар – ходим томонидан бевосита ёки билвосита шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора берувчи манфаатлари йўлида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун моддий манфаатдор бўлиши, шу жумладан пул, қимматбаҳо қоғоз, бошқа кўринишдаги мулк ва мулкрий ҳуқуқлар, мулкрий ҳарактердаги хизматлар олиш, талаб қилиш, ундириш, таклиф қилиш ёки бериш, пора бериш ва/ёки олиш ёки бунда воситачилик қилишда, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш (пора олиш) ва бошқа ноқонуний мақсадларда ўз хизмат вазифаларидан ноқонуний фойдаланиш;

манфаатлар тўқнашуви – Вазирлик тизими ходимининг шахсий манфаати (бевосита ёки билвосита) у томонидан хизмат вазифаларини тегишли тарзда бажаришига таъсир кўрсатаётган ёки кўрсатиши мумкин бўлган ва ходимнинг шахсий манфаати билан Вазирлик тизими манфаатлари ўртасида зиддият юзага келаётган ёки келиши мумкин бўлган вазият;

махфий ахборот – бу олиниши, ишланиши, узатилиши ёки фойдаланиши Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ёки ахборот эгасининг ички ҳужжатларига мувофиқ чекланадиган ҳар қандай шаклдаги ахборот;

ташаббускор – Вазирлик тизимининг таркибий бўлинмаси;

ходимнинг шахсий манфаатдорлиги – Вазирлик тизими ходими, унинг яқин қариндоши ёки ходим билан боғланган шахслар томонидан ходимнинг мансаб ёки хизмат вазифаларини тегишли тарзда бажаришига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган (шахсий, ижтимоий, молиявий, сиёсий ва бошқа тижорат ёки нотижорат манфаатлари) пул маблағлари, моддий ва номоддий қадриятлар, бошқа мулк, фойда, имтиёз ва афзалликлар кўринишидаги шахсий фойда олиш.

яқин қариндошлар – қариндош ёки қуда томондан қариндош бўлган шахслар, яъни ота-она, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан фарзандликка олинганлар, бобо, буви, неваралар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллари.

II.Текширувни бошлаш тартиби, текширув учун талаб қилиб олиннадиган ҳужжатлар ва ахборот манбалари

9. Харид жараёни доирасида унинг иштирокчиларини текшириш харид комиссияси томонидан иштирокчилар берган таклифлар солинган конвертларни баҳолаш учун очилганидан кейин амалга оширилади. Бунда харид қилиш тартиб-таомиллари яқунлари бўйича ғолиб бўлган таклифнинг акцепти тўғрисида қарор қабул қилингунига қадар аниқлаш лозим.

10. Харид жараёни доирасида қонунчилик ва Вазирликнинг ички ҳужжатлари томонидан ўрнатилган муддатларга риоя қилиниши устидан текширувни амалга ошириш учун маъсул – тегишли Харид комиссия раиси ёки шартнома ташаббускори ҳисобланади (агар харид тўғридан-тўғри шартнома бўйича амалга оширилаётган бўлса).

Бунда, ижрочи Харид комиссия раиси томонидан тайинланади.

11. Контрагентлар текшируви ижрочи томонидан ҳужжатлар ташаббускоридан ушбу Йўриқноманинг 15-бандида кўрсатилган ҳужжатлар олинган санадан 5 кундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

12. Текширувни белгиланган муддатларда ўтказиш имкони бўлмаган тақдирда унинг давомийлиги Харид комиссияси раиси билан келишилган ҳолда 3 кундан ортиқ бўлмаган муддатга ёзма шаклда узайтирилиши мумкин.

13. Контрагентларнинг текширувини шошилинч тартибда ўтказиш зарурияти мавжуд бўлган ҳолларда, ташаббускор томонидан шошилинчлик асосланган, текширувни ўтказишнинг зарур муддатлари кўрсатилган хизмат хати билан Харид комиссиясига мурожаат қилади. Шошилинч текширув ўтказиш тўғрисидаги қарор Харид комиссияси қарори асосида йўл қўйилади.

14. Контрагентларни текшириш учун ҳужжатларни тўплаш ва тақдим қилиш учун Харид комиссияси раиси ёки ташаббускор (агар харид тўғридан-тўғри шартнома бўйича амалга оширилаётган бўлса) маъсул бўлади.

15. Контрагентни текшириш учун ижрочига куйидаги хужжатлар тақдим этилади:

контрагентнинг ўзи ушбу Йўриқномага 1-иловага мувофиқ шаклда тўлдирган якуний бенефициарлари тўғрисидаги маълумотнома;

контрагентдан олинган хужжатлар нусхаси (ушбу Йўриқномага 2-илова);

контрагентнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича ички хужжатлари (мавжуд бўлса) нусхаси (сиёсатлар, низомлар, хулқ-ахлоқ қоидалари, коррупцияга қарши дастурлар ва б.).

16. Ушбу Йўриқноманинг 15-бандида кўрсатилган хужжатларни олиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ мажбурий ҳисобланади, коррупцияга қарши курашиш бўйича контрагентнинг ички хужжатлари ва якуний бенефициарлар тўғрисидаги маълумотнома бундан мустасно. Контрагентнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича ички хужжатлар ва якуний бенефициарлар тўғрисидаги маълумотномани тақдим этишни рад этган тақдирда, ташаббускор бу ҳақда Контрагент устидан тақдим этилган хужжатлар асосида текширувни амалга оширадиган ижрочига хабар беради.

17. Контрагентдан олинган барча хужжатлар нотариал тарзда ёки контрагентнинг ваколатли вакили томонидан тегишли тарзда тасдиқланган бўлиши лозим. Тақдим этиладиган хужжатлар амал қилаётган бўлиши, давлат реестрлари хужжатлари эса текширув санасига қадар 30 (ўттиз) кундан ортиқ бўлмаган муддатда олинган бўлиши керак.

18. Контрагентни текшириш учун маълумотлар тўплаш ижрочи томонидан контрагент, унинг эгалари ва раҳбарлари, фаолияти тўғрисида яхлит ва холис фикрга эга бўлиш, шунингдек, ундан олинган хужжат ва маълумотларнинг ишончилиги, шу жумладан, уларнинг ишончсизлиги бўйича белгилар йўқлигини (сохталаштириш аломатлари мавжуд эмаслигини) баҳолаш учун амалга оширилади.

Контрагентларни текшириш доирасида ижрочи куйидагиларни таҳлил қилади:

контрагент томонидан тақдим этилган ахборот ва хужжатлар. Ушбу Йўриқномага 2-иловада кўрсатилган хужжатларни контрагентдан олиш имкони бўлмаганда ёки олинган хужжат ёки ахборотларнинг ишончли эмаслиги (сохталаштирилгани) белгилари мавжуд бўлган ҳолларда ижрочи контрагент текшируви натижалари тўғрисидаги хулосада тегишли белги қўяди;

очиқ манбалардан олинган маълумотлар. Ижрочи 3-иловада кўрсатилган ахборот манбаларидан фойдаланиши мумкин. Ушбу рўйхат тавсиявий бўлиб, зарурият туғилганда ижрочи бошқа манбалардан фойдаланиши мумкин;

тегишли ташкилотларга расмий сўровнома юбориш йўли билан олинган хужжатлар;

Вазирлик тизимининг ички ресурслари, шу жумладан, контрагентлар текширувлари реестри, ходимларининг манфаатлар тўқнашуви реестри ва бошқалар.

19. Контрагентни текшириш учун ишлатилган манбалар қонунийлик ва ҳолислик талабларига жавоб бериши керак.

20. Зарурият бўлганда ижрочи текширув давомида контрагентларни жойига чиқиб, ўрганиши мумкин. Бу каби текширувни ўтказиш учун ижрочи ўз бўлинмаси раҳбари билан келишиши лозим.

Сайёр текширув давомида ташкилот раҳбари (ваколатли вакили) билан учрашув баённомаси тузилиб, унда контрагентдан олинган, дастлаб ижрочи томонидан асл нусхалари билан таққосланган ҳужжатларнинг тасдиқланган нусхалари санаб ўтилади. Олинган ҳужжатлар нусхаларининг ва (ёки) контрагентнинг ваколатли вакили томонидан тақдим этилган изоҳлар рўйхати текширилаётган контрагентнинг ваколатли вакили ва ижрочи томонидан имзоланган алоҳида рўйхат кўринишида расмийлаштирилиши ва учрашув баённомасига илова қилиниши керак.

III. Контрагентларни текшириш методологияси

21. Контрагентларни текшириш қуйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширилади:

1) контрагентнинг ҳуқуқ лаёқати, молиявий барқарорлиги, ишончилиги ва у билан бўлган ўзаро муносабатлар тарихини текшириш, шу жумладан:

а) шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, ходимлар ва бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;

б) шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгаллик;

в) солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;

г) контрагентларга нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;

д) инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги;

2) контрагентнинг иш соҳасидаги обрў-эътибори;

3) манфаатлар тўқнашуви мавжуд эмаслигини текшириш.

Кўрсатилган йўналишлар бўйича текширув ўтказиш мажбурий ҳисобланади. Текширув йўналишлари рўйхати ҳар бир алоҳида ҳолатда ижрочининг харид комиссияси қарори билан келишилган талаби билан кенгайтирилиши мумкин. Бунда, текшириш йўналиши давлат харидларини тартибга солувчи қонунчиликка зид бўлиши ва (ёки) рақобат тамойилларини чеклашга олиб келишига йўл қўйилмаслиги лозим.

22. Ижрочи фойдаланиш мумкин бўлган ахборот манбаларининг таҳлилини амалга оширади ва 24-26-бандларда кўрсатилган ҳар бир йўналишга нисбатан қуйидаги контрагентнинг текширув натижалари тўғрисида хулосада кўрсатилган маълумотларнинг бор-йўқлигини белгилайди.

23. Ушбу Йўриқнома амалга киритилгунга қадар шартномавий муносабатларда бўлган Вазирликнинг амалдаги контрагентни текширишда ижрочи бундан аввалги шартномавий муносабатларнинг давомийлиги, ушбу контрагент билан ўзаро ҳаракат тажрибаси ва унинг Вазирлик тизими билан

аввал тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларни бажаришдаги ҳалоллигини текширади.

Янги контрагентни текширишда ижрочи контрагент томонидан шу каби шартномаларнинг бажарилганлиги тўғрисидаги ахборот ва бошқа буюртмачилар (мижозлар) берган тавсияномаларни таҳлил қилади ҳамда имкон даражасида ушбу контрагентнинг бошқа мижозлари олдидаги шартномавий мажбуриятларини бажаришдаги ҳалоллигини текширади.

24. Контрагентнинг ҳуқуқ лаёқатини, молиявий барқарорлиги, ишончлилиги ва у билан бўлган муносабатлар тарихини текшириш доирасида ижрочи қуйидаги маълумотларни аниқлайди:

Тадбиркорлик субъектларининг Ягона реестрида контрагентнинг борлиги;

контрагентнинг юридик ва амалдаги манзили;

контрагент раҳбари ва таъсисчиларининг Ф.И.Ш.;

контрагент асосий фаолият турининг харид предметига мувофиқлиги;

контрагент фаолиятини тугатиш, қайта ташкил этиш, ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;

контрагентда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ равишда лицензияланиши керак бўлган фаолият турларини амалга ошириш учун зарур лицензияларнинг (рухсатномалар) мавжудлиги;

Контрагентда очиқ ахборот, тақдим этилган ҳужжатлар ва бухгалтерия ҳисобдорлигига мувофиқ, асосий маблағлар, хусусий капитал, ходимлар ва бошқа техник, молиявий, моддий ва Вазирлик тизими олдидаги мажбуриятларни бажариш учун зарур бўлган бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;

Контрагент номидан Вазирлик тизими билан шартномавий муносабатларга киришаётган шахсда тегишли ваколатнинг мавжудлиги;

Контрагент махсус ахборот порталида инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилмаганлиги;

Контрагентнинг сўнги икки йил ичида Вазирлик тизими олдидаги шартномавий мажбуриятларнинг ўз вақтида бажармаганлиги ёки уларнинг лозим даражада бажармаганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд эмаслиги;

Контрагентда солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги.

25. Контрагентнинг иш соҳасидаги обрў-эътиборини текшириш доирасида ижрочи қуйидаги маълумотларни аниқлайди:

очиқ ахборот манбаларида контрагент, унинг мулкӣ эгалари, шу жумладан бенефициар мулкӣ эгалари ёки раҳбарларнинг фирибгарлик, сохталаштириш ва коррупция билан боғлиқ жиноятлар ёки бошқа ноқонуний фаолиятда иштирок этганлиги тўғрисидаги ахборот мавжуд эмаслиги;

контрагент раҳбарига нисбатан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ёки бошқа давлат органларида қораловчи маълумот ёки материалларнинг мавжуд эмаслиги;

контрагент, унинг мулкӣ эгалари ёки бош директор (бошқарув органлари аъзолари) ва бошқа раҳбарларнинг жиноий тузилмалар,

экстремистик ва террористик ташкилотлар билан ўзаро алоқаси мавжуд эмаслиги;

контрагентнинг ишбилармонлик ахлоқий меъёрлари ва коррупцияга қарши кураш масалаларини тартибга солувчи тартиб-таомил ва сиёсатларнинг мавжудлиги;

контрагентнинг мулк эгалари ёки раҳбарларига (бошқарув органлари аъзолари) нисбатан унинг молиявий-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган жиноят ишлари мавжуд эмаслиги;

контрагент, унинг мулк эгалари ёки бошқа раҳбарлари тўғрисида бошқа салбий маълумотлар мавжуд эмаслиги;

26. Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунининг 14-моддасига мувофиқ, Давлат буюртмачисининг, давлат харидлари электрон тизими операторининг, ихтисослашган ташкилотнинг, эксперт ташкилотининг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари, шунингдек харид комиссиясининг аъзолари ҳамда экспертлар харид қилиш тартиб-таомилларини амалга оширишда ўз иштирокидаги давлат харидларига доир битимнинг натижаси бўлган ҳар қандай шахсий фойдани бевосита ёки билвосита олиш ҳуқуқига эга эмас.

Шунга мувофиқ, ижрочи ушбу Йўриқноманинг 1-иловасига мувофиқ шаклда тўлдирилган контрагентнинг якуний бенефициарлари тўғрисидаги маълумотномада акс эттирилган маълумотларнинг тадибиркорлик субъектлари Ягона давлат реестри маълумотларига мувофиқлигини текширади. Ушбу текширув Контрагентнинг раҳбарлари ва таъсисчиларига нисбатан ҳам амалга оширилади. Шунингдек, ижрочи манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги ёки йўқлигини куйидаги мезонлар бўйича текширади:

контрагентнинг ягона ёки мулкӣ эгаларидан бири, шу жумладан, бенефициар мулкӣ эгаси – бу Харид жараёнининг бошқа иштирокчиси раҳбари ёки унинг яқин қариндоши эмаслиги;

контрагентни танлашда иштирок этувчи ташаббускор ёки Вазирлик тизимининг бошқа ходимлари ёки уларнинг яқин қариндошлари унинг устав капиталидаги оммавий айланмада бўлмаган акциялари ёки ҳиссаларига, ёки контрагентнинг Республика фонд биржасида ёки яна бошқа бир фонд биржасида оммавий айланмада бўлган 5% дан ортиқ қимматли қоғозларига эгалик қилмаслиги;

контрагентни танлашда иштирок этувчи ташаббускор ёки Вазирлик тизимининг бошқа ходимлари ёки уларнинг яқин қариндошлари контрагент бошқарув кенгаши таркибига кирмаслиги ёки унинг фаолияти натижаларидан шахсий манфаатдорликка (шу жумладан уларнинг инвестицияларини амалга оширишда) эга бўлмаслиги;

контрагентни танлашда иштирок этувчи ташаббускор ёки Вазирлик тизимининг бошқа ходимлари ёки уларнинг яқин қариндошлари контрагентда раҳбарлик лавозими ёки қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ лавозимларда ишламаслиги;

контрагент ва Харид комиссияси аъзолари ўртасида аффилланганлик алоқаларининг мавжуд эмаслиги;

манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган бошқа шароитлар.

Манфаатлар тўқнашуви мавжудлигини текширишни ижрочи контрагентлар томонидан тақдим этилган маълумотларни манфаатлар тўқнашувини декларациялаш доирасида Вазирлик тизими ходимлари томонидан акс эттирилган ва тегишли реестрга киритилган маълумотлар билан таққослаш орқали амалга оширади.

IV. Текширув натижаларини расмийлаштириш ва хужжатлаштириш

27. Ўтказилган текширув натижалари бўйича ижрочи ушбу Йўриқномага 4-иловада келтирилган шаклда хулоса тузади. Контрагент текшируви натижалари тўғрисидаги хулосага ижрочи ўтказилган таҳлил ва таҳлилни тасдиқловчи бошқа хужжатларни илова қилади.

28. Реал ёки потенциал манфаатлар тўқнашуви аломатлари аниқланган тақдирда ижрочи уни тартибга солиш зарурияти тўғрисида чораларни кўриш бўйича Харид комиссияси раиси ёки ташаббускорга таклиф киритади. Агар манфаатлар тўқнашуви аломатлари Вазирлик тизими ходимларида аниқланган бўлса, бу ҳақда Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлимини хабардор қилади. Манфаатлар тўқнашуви мавжуд ёки мавжуд эмаслиги бўйича ўтказилган таҳлил яқунлари ва уни тартибга солиш бўйича чоралар ҳам контрагент текшируви натижалари тўғрисидаги хулосада акс эттирилади.

29. Хатар индикаторлари аниқланганда ижрочи контрагент текшируви натижалари тўғрисидаги хулосада аниқланган хатарларни камайтиришга йўналтирилган контрагент билан ишлаш бўйича тавсияларни таклиф қилади ва акс эттиради (масалан, шартномага аванс тўловларга тақиқни киритиш ва бошқа).

30. Ижрочи контрагент текшируви натижалари тўғрисидаги хулосани Харид комиссияси раиси ёки ташаббускорга тақдим этади. Харид комиссияси раиси ёки ташаббускор олинган хулосани харид иштирокчисини танлаш тўғрисида қарорни қабул қилиш доирасида ҳисобга олади, бу ҳақда харид комиссияси ёки контрагент билан тўғридан-тўғри шартнома тузишдаги баённомада тегишли ёзув киритилади.

31. Контрагент ва Вазирлик ходими ўртасида реал манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлган тақдирда, у Харид жараёнини давом эттиришдан олдин Вазирлик тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича ички хужжатга асосан тартибга солиниши керак. Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш имкони бўлмаган тақдирда контрагент харид жараёнида иштирок этишдан четлатилиши лозим.

32. Агар тўғридан-тўғри харидлар доирасида контрагентни текшириш натижаларига кўра, коррупциявий хавф-хатарнинг мавжудлигини ёки коррупцияга қарши курашиш тизимининг йўқлигини кўрсатувчи маълумотлар аниқланса, у ҳолда контрагент билан шартнома тузиш эҳтимоли ҳақидаги қарор вазирлик раҳбарияти томонидан қабул қилинади.

33. Контрагент текшируви натижалари тўғрисидаги хулоса мажбурий тартибда харид қилиш жараёнлари натижалари тўғрисидаги қарор қабул

қилиш, шартнома бўйича келишиш ва тўловларни амалга ошириш учун талаб этилувчи ҳужжатлар пакетига қўшиб қўйилади.

34. Текширув натижалари тўғрисидаги хулоса чиққанидан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмай Ички назорат тузилмаси бу ҳақидаги маълумотни ушбу йўриқномага 5-иловага мувофиқ шаклда Контрагентларни текшириш реестрига киритади.

35. Контрагентларни текшириш реестри ва контрагентларни текшириш натижалари, шунингдек, текширув учун ариза, контрагентни текшириш натижалари тўғрисидаги хулоса, контрагентлар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ҳамда ижрочи томонидан тегишли манбалардан олинган маълумотлар контрагент билан шартнома муносабатлари тўхтатилган кундан бошлаб камида 3 (уч) йил сақланади.

36. Контрагентларни текшириш реестри ва контрагентларни текшириш натижалари, шунингдек, текширув учун ариза, контрагентни текшириш натижалари тўғрисидаги хулоса, контрагентлар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ҳамда ижрочи томонидан тегишли манбалардан олинган маълумотлар конфеденциал бўлиб, Вазирлик тизим ходимларига ва хизмат вазибалари ва ваколатлари бундай маълумотлардан фойдаланишни ўз ичига олмаган бошқа учинчи шахсларга ошкор қилинмайди.

V. Яқуний қоида

37. Контрагентларни текшириш жараёни доимий равишда мониторинг қилиб борилади.

38. Давлат харидлари ва коррупцияга қарши қонунчиликнинг ушбу йўриқномага таъсир қиладиган нормалари ўзгарганда, ушбу Йўриқнома қайта кўриб чиқилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги тизимидаги контрагентларни
текшириш бўйича йўриқномага 1-илова

Якуний бенефициарлар тўғрисида _____

(харидлар иштирокчиси) *

МАЪЛУМОТНОМА

№	Ф.И.Ш.	Туғилган санаси	Шахснинг роли (раҳбар / таъсисчи / якуний бенефициар)	Шахс раҳбар/ таъсисчи/ якуний бенефициар бўлган давр	Иштирок этиш улуши (фақат 5 фоиздан ортиқ улушга эга таъсисчилар учун), фоизда
1.					
2.					
3.					
4.					
5.					
6.					
7.					

**сўнгги икки йил учун тўлдирилади*

Ваколатли шахснинг

Ф.И.Ш. _____

Ҳарид иштирокчисидagi ваколатли шахснинг лавозими _____

Маълумотнома тузилган сана _____

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги тизимидаги контрагентларни
текшириш бўйича йўриқномага 2-илова

Текшириш учун контрагентдан сўраладиган ҳужжатлар

Ўзбекистон Республикасида юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтган контрагентлардан сўраладиган ҳужжатлар:

	Ҳужжатнинг номи	Юридик шахс (ЮШ) / Яққа тартибдаги тадбиркор (ЯТТ)	Янги контрагент	Амалдаги контрагент
1	Солиқ органларидан рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан СТИР	ЮШ / ЯТТ	Мажбурий	Мажбурий
2	Юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилганлик тўғрисидаги маълумотлар	ЮШ / ЯТТ	Мажбурий	Мажбурий
3	Низом ва бошқа таъсис ҳужжатларининг нусхаси, агар мавжуд бўлса (ҳеч бўлмаганда сарлавҳа саҳифаси, юридик манзили, фаолият турлари, устав капитали, таъсисчилари, ижро этувчи органи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган саҳифалар, муҳрли саҳифа)	ЮШ	Мажбурий	Ўзгарган ҳолатларда сўралади
4	Контрагент вакилининг Вазирлик, унинг тасарруфидаги органлар ёки муассасалар билан битим тузиш, жумладан шартнома муносабатларини тузиш ваколатини тасдиқловчи ишончнома ёки бошқа ҳужжатларнинг нусхаси	ЮШ / ЯТТ	Мажбурий	Мажбурий
5	Контрагентнинг, шу жумладан якуний бенефициар мулкдорлар даражасигача бўлган барча мулкдорларнинг мулкчилик таркиби тўғрисидаги маълумотнома (2-сонли иловадаги шакл бўйича)	ЮШ	Мажбурий	Ўзгарган ҳолатларда сўралади
6	Ўтган ҳисобот йили учун тузилган бухгалтерия ҳисоботи ёки ўтган ҳисобот йили учун тузилган аудиторлик хулосаси	ЮШ / ЯТТ	Мажбурий	Мажбурий
7	Эълон қилинган ишларни / хизматларни бажариш учун малакали кадрнинг мавжудлиги тўғрисида маълумот (хат ва/ёки тасдиқловчи ҳужжатлар кўринишида тақдим этилиши мумкин)	ЮШ	Мажбурий	Ўзгарган ҳолатларда сўралади
8	Лицензия ва мувофиқлик сертификатлари	ЮШ / ЯТТ	Сотиб олинadиган товарлар / ишлар / хизматлар турига қараб мажбурий	Сотиб олинadиган товарлар / ишлар / хизматлар турига қараб мажбурий

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги тизимидаги контрагентларни
текшириш бўйича йўриқномага 3-илова

Контрагентларни текшириш учун очик ахборот манбалари

1. Давлат хизматлари агентлигининг юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар тўғрисидаги маълумотларни текшириш платформаси – https://fo.birdarcha.uz/s/uz_landing
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси – <http://registr.stat.uz/>
3. Солиқ органларининг электрон давлат хизматлари портали – <https://my2.soliq.uz/main/info/debtors?lang=uz>
4. Ўзбекистон Республикаси очик маълумотлар портали – <https://data.gov.uz/uz>
5. Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси – <http://kadastr.uz/uz/>
6. Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестри – <http://xarid.uz/unfairexecutor>
7. Иқтисодий, маъмурий, жиноят ва фуқаролик судларининг суд далолатномалари – <https://public.sud.uz/#!/sign/view>
8. Оффшор зоналар рўйхати – <http://www.fatf-gafi.org/publications/high-risk-and-other-monitored-jurisdictions/documents/call-for-action-february-2021.html>
9. АҚШнинг махсус тоифадаги ва тақиқланган шахслари рўйхати (ёки WorldCheck маълумотлар базаси) – <https://sanctionssearch.ofac.treas.gov/>

Мазкур рўйхат ижрочининг текширув ўзтказиши учун тавсия этилган манбалар рўйхати бўлиб, зарурат бўлганда у кенгайтирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимидаги контрагентларни текшириш бўйича йўриқномага 4-илова

Харид жараёнлари иштирокчисини текшириш тўғрисидаги ҳисобот

1.	Иштирокчининг номи				
2.	СТИР				
3.	Рўйхатга олинган сана				
4.	Манзил (рўйхатдан ўтган ва ҳақиқий)				
5.	Раҳбарнинг тўлиқ исм-шарифи				
6.	Таъсисчиларнинг тўлиқ исм-шарифи				
7.	Яқуний бенефициарларнинг тўлиқ исм-шарифи				
8.	Иштирокчи тадбиркорлик субъектларининг ягона давлат реестрида бор	Ҳа	<input checked="" type="checkbox"/>	Йўқ	<input checked="" type="checkbox"/>
9.	Иштирокчи томонидан имзо чеккан шахс шартнома тузиш ҳуқуқига эга	Ҳа	<input checked="" type="checkbox"/>	Йўқ	<input checked="" type="checkbox"/>
10.	Иштирокчининг асосий фаолият тури харид мавзусига мос келади	Ҳа	<input checked="" type="checkbox"/>	Йўқ	<input checked="" type="checkbox"/>
11.	Солиқ тўлови бўйича қарздорликлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йўқлиги	Ҳа	<input checked="" type="checkbox"/>	Йўқ	<input checked="" type="checkbox"/>
12.	Иштирокчига нисбатан жорий этилган қайта ташкил этиш, тугатиш, банкротлик таомилларининг йўқлиги	Ҳа	<input checked="" type="checkbox"/>	Йўқ	<input checked="" type="checkbox"/>
13.	Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида иштирокчи ҳақида қайдларнинг йўқлиги	Ҳа	<input checked="" type="checkbox"/>	Йўқ	<input checked="" type="checkbox"/>
14.	Вазирлик тизимида иштирокчи билан аввал салбий иш тажрибаси бўлмаганлиги	Ҳа	<input checked="" type="checkbox"/>	Йўқ	<input checked="" type="checkbox"/>
15.	Иштирокчи хариднинг бошқа иштирокчилари билан алоқадор эмаслиги	Ҳа	<input checked="" type="checkbox"/>	Йўқ	<input checked="" type="checkbox"/>
16.	Иштирокчининг Вазирлик тизими ходимлари билан манфаатлари тўқнашуви / алоқадорлиги тўғрисида маълумотларнинг йўқлиги	Ҳа	<input checked="" type="checkbox"/>	Йўқ	<input checked="" type="checkbox"/>
17.	Аниқланган манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш бўйича чора-тадбирлар	Манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш бўйича чора-тадбирлар тавсифи ва			
18.	Йўл қўйилиши мумкин бўлган коррупция ҳуқуқбузарликлари тўғрисидаги маълумотлар	Мавжуд эмас / Манба: [ҳавола], [Харид жараёнлари иштирокчисининг коррупцион ҳуқуқбузарлик / порахўрлик ҳаракатлари тавсифи]			

19. Ишбилармонлик обрўсига оид бўлиши мумкин бўлган салбий фактлар тўғрисидаги маълумотлар
 Мавжуд эмас / Манба: [ҳавола], [Ишбилармонлик обрўсига оид салбий фактларнинг тавсифи]
20. Коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳужжатларнинг мавжудлиги (тақдим этилган ёки веб-сайтда мавжуд бўлган)
 Ҳа Йўқ
21. Иштирокчининг сайти
 Мавжуд эмас / Сайт манзили: [ҳавола], амалдаги / амалда бўлмаган
22. Иштирокчининг фаолият мудати (йилларда)
23. Иштирокчининг молиявий, моддий-техник, кадрлар ресурслари ва бошқа ресурслари ҳажми шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш учун етарли
 Ҳа Йўқ
24. Иштирокчи текшириш учун барча керакли ҳужжатларни тақдим этди
 Ҳа Йўқ
25. Агар йўқ бўлса, илтимос, тақдим этилмаганларини кўрсатинг:
 Ҳисоботга илова қилинган бошқа материаллар
 а) [Ҳужжат / материалнинг қисқача тавсифи]
 б) [Ҳужжат / материалнинг қисқача тавсифи]
 в) [Ҳужжат / материалнинг қисқача тавсифи]
 г) [Ҳужжат / материалнинг қисқача тавсифи] ва ҳ.к.

Текшириш натижалари бўйича асосий хулосалар ва кузатишлар

Хавфлар аниқланган ёки аниқланмаганлиги (ҳа, йўқ) кўрсатилсин ва агар ҳа бўлса, унда қайсилар ва қандай қилиб уларни камайтириш мумкин

Харид жараёнларида иштирокчини текширган ходим ҳақида маълумот.

Ф.И.Ш.

Лавозим

Ҳисобот тузиш санаси

Лота рақами

Имзо



Вазирликнинг 2021 йил «12» октябрьдаги

443 - сон буйруғига илова 9

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги ПҚ-5177-сон “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлимининг (кейинги ўринларда “бўлим” деб юритилади) мақсади, вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда бўлим фаолиятини ташкил этиш тартибини, ходимларнинг функционал вазифалари ҳамда жавобгарлигини белгилайди.

2. Бўлим Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (кейинги “вазирлик” деб юритилади) марказий аппаратининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

3. Бўлимнинг фаолияти Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида комплаенс назорат тизимини жорий этиш ва коррупцияга қарши курашишни олиб боришга йўналтирилган бўлиб, ўз фаолиятида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлига (кейинги ўринларда “вазир” деб юритилади) ҳисоб беради.

4. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, мазкур Низомга, вазирлик буйруқларига ва Хайъати қарорларига, шунингдек бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

5. Бўлим коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш ва олдини олиш, уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик ҳамда коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантириш чораларини кўришга масъул ҳисобланади.

6. Бўлим ўз фаолиятини Вазирлик марказий аппаратининг бўлинмалари, вазирлик ҳузуридаги ташкилотлар, мулкчилик шакли ва идоравий бўйсунувидан қатъий назар барча олий таълим муассасалари, профессионал таълим муассасалари, вазирликнинг ҳудудий бошқармалари, уларнинг комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашишга масъул бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

II. Бўлим фаолиятининг ташкилий масалалари

7. Бўлим ўз фаолиятида бевосита вазирга бўйсунди.

8. Бўлим бошлиғи вазирлик томонидан Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (кейинги ўринларда “Агентлик” деб юритилади) билан биргаликда ўтказиладиган очиқ танлов асосида ишга қабул қилинади.

9. Бўлим бошлиғини лавозимидан озод этиш масаласи Агентлик билан келишилади. Бунда вазирлик томонидан агентликка вазирнинг бўлим бошлиғини лавозимидан озод этиш ҳақидаги тақдимномаси берилади.

Ушбу тақдимномада ходимни лавозимидан озод этиш сабаблари, мотивлари кўрсатилади. Тақдимномага ходимни лавозимидан озод этиш сабаблари ва мотивларини тасдиқловчи ҳужжатлар (масалан ходимнинг аризаси, ички меҳнат тартиби қоидаларини бузганлигини кўрсатувчи маълумотлар ва бошқа шу каби ҳужжатлар) илова қилинади.

10. Агентлик томонидан бўлим бошлиғини лавозимидан озод этиш сабаблари, мотивлари етарли эмас деб ҳисобланса, шу жумладан бўлим бошлиғи таъқиб қилинаётганлиги ҳақида маълумотларга эга бўлса, ушбу масалада бўлим бошлиғи билан суҳбат ўтказилиши мумкин.

11. Қуйидагилар бўлим бошлиғини лавозимидан озод этишни келишишни рад этиш учун асос бўлади:

Бўлим бошлиғини лавозимидан озод этиш учун сабаблар етарли эмас деб топилганда;

Бўлим бошлиғи зиммасига юклатилган вазифа ва мажбуриятлар доирасидан ташқари вазифаларни бажармаганлиги ёки ўзига юклатилган вазифа ва мажбуриятларни бажарганлиги учун таъқиб қилинганлиги ҳолати аниқланганда.

12. Тақдим этилган ҳужжатлар Агентлик томонидан уч иш куни ичида кўриб чиқилиб, вазирликка бўлим бошлиғи лавозимидан озод этишни келишиш ёки келишишнинг рад этилганлиги сабаблари кўрсатилган хат тақдим этилади.

III. Бўлимнинг асосий мақсади, вазифалари ва функциялари

13. Бўлимнинг асосий мақсади вазирлик марказий аппаратида, шунингдек вазирлик ҳузуридаги ташкилотлар ва муассасаларда (кейинги ўринларда “вазирлик тизими” деб юритилади) коррупцияга қарши кураш бўйича ISO37001:2016 халқаро стандарти талабларига жавоб берувчи комплекс тизимни, хусусан, коррупцияга қарши курашиш тизимини жорий этиш ва ривожлантириш, коррупциявий ҳолатларни барвақт аниқлаш ва

уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, коррупциявий ҳатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш, вазирлик тизими ходимларида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш мақсадида уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, вазирлик тизимида коррупцияга қарши профилактик чора-тадбирларни ташкил этиш, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳужжатлар ижросини таъминлашдан иборат.

14. Қуйидагилар Бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

Вазирликнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятини такомиллаштириш;

олий ва ўрта махсус, профессионал таълим тизимида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларга қарши курашиш;

Вазирликда коррупцияга қарши курашиш тизимини самарали ишлашини таъминлаш ва назорат қилиш;

олий ва ўрта махсус, профессионал таълим тизимида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар ижросини таъминлаш;

олий ва ўрта махсус, профессионал таълим тизимида комплаенс назорат тизимини жорий этиш ва коррупцияга қарши курашишга оид ишларнинг ҳолатини ўрганиш;

олий ва ўрта махсус, профессионал таълим тизимида коррупцияга оид хавф-хатарлар юқори бўлган йўналишлар ҳамда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш;

олий ва ўрта махсус, профессионал таълим тизимида коррупция кўринишлари намоён бўлишига олиб келадиган тизимли муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича тегишли таклифларни киритган ҳолда ахборот бериб бориш;

олий ва ўрта махсус, профессионал таълим тизимида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш чораларининг самарадорлигини оширишга қаратилган давлат ва бошқа дастурлар ижросини таъминлаш;

олий ва ўрта махсус, профессионал таълим тизимида коррупцияга қарши курашишга йўналтирилган жамоатчилик назоратини мувофиқлаштириб бориш, шунингдек замонавий усуллар ва ахборот-коммуникация технологиялари асосида коррупцияга қарши мониторинг олиб бориш;

коррупцияга қарши курашиш ва жамоат назорати соҳасида умум эътироф этилган халқаро стандартлар ва чет эл ижобий тажрибасини ўрганиш;

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи бошқа давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорликни олиб бориш;

олий ва ўрта махсус, профессионал таълим тизимида коррупциянинг ҳолати, тенденциялари ва сабаблари ҳамда коррупцияга қарши чоралар кўришнинг самарадорлиги юзасидан социологик, илмий ва бошқа тадқиқотларни ташкил этиш ва таклифлар ишлаб чиқиш.

15. Бўлим ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) вазирликнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятини такомиллаштириш соҳасида:

вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган ички идоравий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади;

олий ва ўрта махсус, профессионал таълим тизимида коррупцияга қарши курашишга оид қонунлар ва қонуности ҳужжатлар, шунингдек, Вазирлик Ҳайъати қарорлари ва буйруқларига риоя этилиши устидан назорат олиб боради;

вазирликнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун вазирга киритади, уларнинг тўлиқ, сифатли ва ўз вақтида ижро этилишини таъминлайди, белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши аҳволини ўрганади, натижалари бўйича маълумотлар тайёрлайди;

вазирлик фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ички идоравий ҳужжатларда аниқланган коррупциявий нормаларни бартараф қилиш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

вазирлик томонидан ишлаб чиқиладиган коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар лойиҳаларини вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш сиёсатига мослиги, мақбуллиги ва долзарблиги нуқтаи-назаридан баҳолайди ва хулосалар беради;

олий ва ўрта махсус, профессионал таълим тизимида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга оширади;

олий ва ўрта махсус, профессионал таълим тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича соҳага оид илғор хорижий тажрибаларни ўрганади ва таҳлил қилади;

фуқароларга коррупция фактлари тўғрисида хабардор қилиш имконини берувчи мобил ва бошқа иловаларни ишлаб чиқишда иштирок этади;

тизимда коррупция фактлари ҳақида аноним хабарларни ўрганади ва таҳлил қилади;

олий ва ўрта махсус, профессионал таълим тизимида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни барвақт аниқлаш ва ўз вақтида бартараф этиш мақсадида фуқаролик жамияти институтлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар, ота-оналар билан коррупцияга қарши курашиш соҳасида самарали ҳамкорликни йўлга қўяди;

вазирликда коррупцияга қарши курашиш фаолиятини янада самарали ташкил этиш ва такомиллаштиришга қаратилган аниқ таклифларни Агентликка киритиб боради.

б) вазирликда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларга қарши курашиш соҳасида:

вазирликда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолайди, уларнинг натижалари бўйича аниқланган хавф-хатарларни камайтириш юзасидан чора-тадбирлар режаларини ишлаб чиқади ва вазирликда коррупциявий хавф-хатари юқори бўлган лавозимлар рўйхатини яратади;

вазирлик томонидан ўхшаш ҳуқуқбузарликлар содир этилиши эҳтимолини баҳолаш мақсадида давлат ҳокимиятининг бошқарув органларида коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг ҳолати ва йўналишлари ҳақида маълумот тўплайди;

махсус ахборот алоқа каналлари орқали вазирлик ходимлари томонидан коррупциявий хавф-хатарлар ва ҳуқуқбузарликлар ҳақида келиб тушадиган мурожаатларни таҳлил қилади ва уларни белгиланган тартибда кўриб чиқилишини таъминлайди;

вазирликда юритиладиган хизмат текширувлари реестри ёки ўтказилган хизмат текширувларини рўйхатга оладиган бошқа тегишли ҳужжатда коррупция фактларига доир хизмат текширувлари бўйича маълумотларнинг тўғри ва тўлиқ акс эттириб борилишини назорат қилади;

давлат харидларини амалга оширишда манфаатлар тўқнашувини таҳлил қилишда ва контрагентларнинг ишончлилигини текширишда, вазирлик билан шартномавий муносабатларга (меҳнат муносабатлари бундан мустасно) киришган ҳар қандай юридик ва жисмоний шахсларнинг ишончлилигини текшириш жараёнида иштирок этади;

вазирлик ходимларига коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича тушунтириш ва тавсиялар беради;

коррупция фактлари ҳақида хабар беришга мўлжалланган махсус ахборот алоқа каналларининг фаолият натижаларини таҳлил қилади ва таҳлилий материалларни вазирлик ходимларига етказди;

вазирлик фаолиятидаги коррупциявий ҳолатларни ва хавф-хатарларни аниқлаш мақсадида аҳоли ва ходимлар ўртасида сўровлар ўтказди;

коррупцияга қарши курашишга оид талаб ва нормаларнинг бузилиши масалалари бўйича интизомий жавобгарликка тортилаётган шахсларга жазо чораларининг мутаносиблиги ва етарлилигини назорат қилади;

коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида вазирликда коррупция фактлари юзасидан ўтказилган хизмат текширувлари натижалари ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилади;

ҳар чоракда ва вазирлик раҳбарияти талабига кўра вазирликда коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳамда улардаги коррупциявий ҳолат ҳақида вазирга маълумот киритиб боради;

в) вазирликда коррупцияга қарши курашиш тизимини самарали ишлашини таъминлаш ва назорат қилиш соҳасида:

коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурларида ташкилотга юклатилган вазифалар ижросини мониторинг қилади ва назоратини амалга оширади;

вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш тизимининг ISO37001:2016 халқаро стандарти талабларига мослигини таъминлайди;

вазирлик марказий аппарати ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув режаларининг коррупцияга қарши нормаларга оид қисмини ишлаб чиқишда иштирок этади;

вазирлик марказий аппарати ходимлари, шу жумладан коррупциявий хавф-хатари юқори бўлган лавозимлардаги ходимлар учун коррупцияни олдини олиш бўйича ўқув материалларини ишлаб чиқади;

ўқув режага мувофиқ вазирлик марказий аппарати ходимлари учун коррупцияга қарши курашиш бўйича тренинглар ўтказилишини ҳамда уларда ходимларнинг иштирок этишини назорат қилади;

вазирлик тизими ходимлари ва фуқаролар ўртасида коррупцияга қарши курашиш бўйича тарғибот тадбирларида иштирок этади;

вазирликнинг расмий веб-сайтидаги “Коррупцияга қарши курашиш” бўлими ҳамда ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларига жойлаштирилган маълумотларни янгиланиб борилишини таъминлайди;

вазирлик тизимидаги ходимлар томонидан коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва вазирликнинг коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича ички ҳужжатларига риоя қилинишини мониторинг ва назорат қилади;

вазирлик тизимидаги коррупциявий ҳатти-ҳаракатлар бўйича хизмат текширувларини ўтказиш ташаббусини илгари суради ва унда иштирок этади;

одоб-ахлоқ комиссиялари томонидан манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича қабул қилинган қарорларнинг ҳолислиги ва мақбуллигини текширади;

амалга оширилган мониторинг, хизмат текширувлари ва назорат тадбирлари натижалари бўйича коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқади;

вазирлик тизимидаги коррупцияга қарши курашишга масъул тузилма (шахс)лар билан ҳамкорликда коррупцияга қарши курашиш бўйича ишларни

ташқил этиш ва ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган конференциялар, учрашувлар, семинарлар, танловлар ва бошқа тадбирларни ташқил этади;

вазирлик фаолияти унинг коррупцияга қарши курашиш бўйича ички ҳужжатларига ҳамда халқаро стандартларга мувофиқлиги юзасидан текширувлар ўтказилади;

г) коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи бошқа давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорликни олиб бориш соҳасида:

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга доир чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилишида иштирок этиш;

қонунчилик ҳужжатлари билан вазирлик зиммасига юклатилган коррупцияга қарши курашиш бўйича вазифаларга мувофиқ хорижий давлатларнинг ваколатли органларига зарур ахборотни тақдим этиш тўғрисида сўровлар юбориладиган ва уларнинг сўровларига жавоб беришда иштирок этади;

вазирликнинг коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларини такомиллаштириш юзасидан хорижий мутахассисларни жалб этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

коррупциявий ҳатти-ҳаракатларни баратараф қилиш ёки коррупциявий жиноятларни тергов қилиш бўйича тадбирларни амалга оширишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилади.

Бўлим қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

16. Бўлимга ва унинг ходимларига ушбу Низом ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилмаган функцияларни юклатилишига йўл қўйилмайди.

IV. Бўлимнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

17. Бўлим ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Вазирлик марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари, Вазирлик ҳузуридаги ташкилотлар, мулкчилик шакли ва идоравий бўйсунувидан қатъий назар барча олий таълим муассасалари, ҳудудий бошқармалардан ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун ваколати доирасида таҳлилий материалларни, ҳулосаларни, статистик ва бошқа маълумотларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш, хизмат мажбуриятларини бажариш доирасида вазирлик ходимларидан зарур ёрдам сўраш ва олиш, зарур ҳолларда ишчи гуруҳлар ташқил этиш;

Вазирлик марказий аппарати кенгашининг мажлислари ҳамда Ҳайъат йиғилишларида иштирок этиш;

Вазирлик тизими ходимлари фаолиятида аниқланган коррупциявий ҳуқуқбузарликлар юзасидан хизмат текширувларини ўтказиш;

Вазирлик раҳбариятига коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

ўз фаолияти доирасида вазирлик тизимига ёзма кўрсатмалар, топширик хатлари ва тавсиялар бериш;

вазирликнинг коррупцияга оид мажлисларида иштирок этиш;

текширув ўтказиш, ҳужжатларни талаб қилиш, ходимлардан ёзма тушунтиришлар олиш.

Бўлим қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

18. Бўлим ўз зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги мажбуриятларга эга:

қонунчилик ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилиш ва ўз ваколат доирасидан четга чиқмаслик;

вазирлик тизимида жиноят аломатлари, хусусан коррупция ҳолатлари аниқланганлиги тўғрисида зудлик билан тўғридан-тўғри раҳбариятга, Агентлик ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериш;

вазирликнинг коррупцияга қарши курашиш сиёсати, одоб-ахлоқ қоидаларининг коррупцияга оид қисмининг бузилганлиги факти юзасидан вазирлик раҳбариятига маълумотномалар киритиш;

ҳар чоракда, кейинги чорак биринчи ойининг биринчи 10 кунлигида коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилган ишлар ва чора-тадбирлар тўғрисидаги чораклик ҳисоботни Агентликка тақдим этиш;

Бўлим қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

19. Бўлим ходимлари коррупцияга қарши курашиш соҳасида фаолият юритувчи ходимларга мўлжалланган ўқув курслари ёки махсус семинар-тренингларида иштирок этади. Ўқув курслари ёки махсус семинар-тренингларида вазирлик ёхуд Агентлик томонидан ташкил этилиши мумкин.

20. Бўлим фаолиятининг натижадорлиги вазирликда коррупцияга қарши курашиш тизимининг самарадорлик ва мақсадли кўрсаткичларига эришиш натижаларига асосан баҳоланади.

Бўлим фаолиятининг мақсадли кўрсаткичлари вазир томонидан тасдиқланади.

Бўлим фаолияти самарадорлигининг мақсадли кўрсаткичларига эришиш устидан назорат Агентлик томонидан амалга оширилади.

V. Бўлим тузилмаси

21. Бўлим тузилмаси Бўлим бошлиғини ўз ичига олади.

22. Бўлим ишларига бошлиқ раҳбарлик қилади. Шунингдек, Бўлим бошлиғи фаолиятини Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларини татбиқ этиш марказининг Назорат-ҳуқуқий бўлими билан биргаликда ташкил қилади.

23. Бўлим бошлиғи Агентлик билан келишган ҳолда вазирнинг буйруғи билан белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ҳамда лавозимидан озод этилади.

VI. Бўлим бошлиғининг асосий функционал вазифалари

24. Бўлим бошлиғининг асосий функционал вазифалари куйидагилардан иборат:

Бўлимга умумий раҳбарлик қилади, бўлим ишини ташкил этади, Бўлимга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши ҳамда ижро интизоми бўйича тўлиқ жавоб беради;

олий ва ўрта махсус, профессионал таълим тизимида коррупцияга қарши курашишга оид қонунлар, қонуности Вазирлик ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат олиб боради;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ва иш режаларини ишлаб чиқади, уларнинг тўлиқ, сифатли ва ўз вақтида ижро этилишини таъминлайди;

олий ва ўрта махсус, профессионал таълим тизимида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга оширишга қаратилган ишларни ташкил этади;

профессор-ўқитувчилар, талаба-ёшлар ўртасида коррупцияга қарши курашишга қаратилган турли тадбирлар ташкил этади;

илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш асосида коррупцияга қарши курашиш бўйича таҳлилий материаллар тайёрлайди;

фуқаролик жамияти институтлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар, ота-оналар билан коррупцияга қарши курашиш соҳасида самарали ҳамкорликни йўлга қўяди;

комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашишга масъул шахсларни ўқитиш ва малакасини оширишни ташкил этади;

олий ва ўрта махсус, профессионал таълим тизимида коррупцияга йўл қўймаслик юзасидан амалга оширилган ишлар мониторингини юритади, таҳлилий материалларни раҳбариятга киритади;

Бўлим фаолиятига тааллуқли масалалар бўйича ҳужжатларни ишлаб чиқади, шунингдек, киритилган ҳужжатлар лойиҳалари кўриб чиқилишини таъминлайди ва таклифлар тайёрлайди;

Вазирлик марказий аппарати кенгашининг мажлислари ҳамда Ҳайъат йиғилишларида иштирок этади;

Бўлим ишларини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширилишини таъминлайди;

Бўлим фаолияти билан боғлиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини кўриб чиқади ҳамда ижро интизомига тўлиқ амал қилади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ ваколати доирасида бошқа функционал вазифаларни амалга оширади.

VII. Якуний қоида

25. Бўлим фаолиятини қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.



Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлигининг 373 -сонли буйруғига

1-илова

2021 йил 26 август

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги НИЗОМ

I. Умумий қондалар

1. Мазкур Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги низом (кейинги ўринларда - Низом) Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, унинг ҳудудий бошқармалари, бўйсунувчи марказлари ва ҳузуридаги олий ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасалари (кейинги ўринларда – Вазирлик тизими)нинг ходимлари ҳамда жамият аъзолари ўртасида антикоррупцион маданият даражасини ошириш, шунингдек Вазирлик тизими ходимлари томонидан хизмат вазифаларини бажариш жараёнида коррупцион ҳатти-ҳаракатлар содир этилишига йўл қўймаслик ва уни олдини олиш мақсадида ишлаб чиқилган.

2. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳамда халқаро ташкилотларнинг тавсиялари, коррупцияга қарши кураш соҳасида етакчи жаҳон амалиётлари, шу жумладан ISO 37001:2016 "Коррупцияга қарши курашнинг бошқарув тизимлари - фойдаланиш бўйича талаблар ва тавсиялар"ни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

3. Вазирлик тасарруфидаги ташкилотлар ва унга бўйсунувчи олий ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасалари (кейинги ўринларда – бўйсунувидаги марказлар ва муассасалар) мазкур Низом талабларидан келиб чиққан ҳолда, мавжуд ресурс ва тажрибалар, хос ва қолдиқ коррупцион хавф-хатар асосида ўзларининг коррупцияга қарши курашиш механизмларини ишлаб чиқишлари ва жорий этишлари лозим.

4. Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашнинг асосий мақсадлари куйидагилардан иборат:

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, жамиятда коррупцияга тоқатсиз муносабатни шакллантириш;

Вазирлик тизими фаолиятининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш бўйича тадбирларни амалга ошириш;

Вазирлик тизими ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларлари ва коррупцияга қарши курашиш бўйича ички ҳужжатлар талабларини тўлиқ ва ҳар томонлама билишлари ҳамда уларга риоя этишлари;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик ва ўз вақтида аниқлаш, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитларни, оқибатларни

бартараф этиш, эгаллаб турган лавозимидан қатъий назар, Вазирлик тизимининг барча ходимлари томонидан коррупцион ҳаракатлар содир этганлик учун жавобгарлик муқаррарлиги принципи амал қилишини таъминлаш;

вазирлик тизимида коррупцияга барҳам бериш.

5. Ушбу Низом талаблари эгаллаб турган лавозими ва бажарадиган вазифаларидан қатъий назар, Вазирлик тизими билан муносабатларга киришган барча ходимларига нисбатан қўлланилади.

6. Вазирлик тизимида ишга кирувчи ҳар қандай шахс мазкур Низом билан имзо қўйган ҳолда танишиши ва унга риоя қилиши шарт.

7. Ушбу Низом мақсадларидан келиб чиқиб, қуйидаги асосий тушунчалар ва атамалардан фойдаланилади:

вазирлик тизими - Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг тузилмаси, юридик шахс сифатида ташкил этилган муассасалар (вазирлик, унинг ҳудудий бошқармалари, бўйсунувчи марказлар ва муассасалар)ни ўз ичига олади;

вазирлик - Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги;

вазир - Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири;

вазирлик тизими ходими / ходим - Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, унинг ҳудудий бошқармалари, марказлари ва бўйсунувчи олий ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасалари билан меҳнат муносабатларига кирган жисмоний шахс;

давлат мансабдор шахси:

- Ўзбекистон Республикаси ёки хорижий давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ёки суд ҳокимиятида тайинланган ёки сайланадиган лавозимни эгаллаган ҳар қандай шахс;

- Ўзбекистон Республикаси ёки хорижий давлат, шу жумладан давлат органи, корхонаси ёки муассаса учун давлат функцияларини бажарувчи шахс;

- ҳар қандай мансабдор шахс ёки халқаро ташкилот вакили;

- сиёсий арбоблар, сиёсий партияларнинг мансабдор шахслари, шу жумладан сиёсий лавозимларга номзодлар;

давлат органлари, корхоналари ва муассасалари - давлат ҳокимияти органлари, фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари (шу жумладан вазирликлар, хизматлар, агентликлар ва идоралар) ва уларнинг таркибий бўлинмалари, шунингдек давлат томонидан бевосита ёки билвосита бошқариладиган барча юридик шахслар;

давлат функциялари - давлат томонидан тайинланадиган ва давлат манфаатлари йўлида амалга ошириладиган ҳар қандай фаолият;

Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг таркибий бўлинмаси, вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш учун масъул

бўлинма;

контрагент - вазирлик, унинг ҳудудий бошқармалари, бўйсунувчи марказлари ёки муассасалари билан шартномавий муносабатларга киришган (абитуриентлар, талабалар ва ўқувчиларнинг меҳнат муносабатларини истисно қилган ҳолда) ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахс;

коррупцияга қарши курашиш бўйича координатор ёки масъул - вазирликнинг ҳудудий бошқармалари, унинг бўйсунувидаги марказлар ва муассасаларда коррупцияга қарши курашиш доирасида чора-тадбирларни самарали ва ўз вақтида амалга оширилишини мувофиқлаштириш ҳамда назорат қилиш вазифалари юклатилган вазирликнинг ҳудудий бошқармалари, унинг бўйсунувидаги марказлар ва муассасаларнинг ходими.

коррупция - шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, шунингдек, бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш;

коррупциявий ҳаракатлар - ходим томонидан пора берувчининг манфаатларини кўзлаб ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги учун бевосита ёки билвосита, шахсан ёки учинчи шахслар орқали порани яъни пул, қимматбаҳо қоғозлар, бошқа мол-мулкни, мулкий тусдаги хизматларни, бошқа мулкий ҳуқуқларни олиш, талаб қилиш, таклиф қилиш, ваъда қилиш ва бериш, шунингдек, пора бериш ва (ёки) олишда воситачилик қилиш, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловларни олиш, ходим томонидан пора олиш ёки ҳуқуққа хилоф бошқа мақсадларда ўз хизмат мавқеидан ноқонуний фойдаланиш;

коррупцион хавф-хатар - вазирлик тизими ходимлари ёки учинчи шахслар томонидан вазирлик тизими номидан ва(ёки) уларнинг манфаатларини кўзлаб коррупциявий хатти-ҳаракатларни содир этиш хавфи;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик - коррупция белгиларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

коррупцияга қарши курашиш тизими – вазирлик тизими ходимлари томонидан фаолиятни юритишда юқори даражадаги профессионализм ва одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилишини таъминлаш, коррупцион хатти-ҳаракатларни бартараф этишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар;

кронизм - дўстларга ёки ишончли шахсларга ноқонуний имтиёзларни тақдим этиш мақсадида хизмат вазифасидан фойдаланиш ва (ёки) таъсир ўтказиш;

манфаатлар тўқнашуви - шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик вазирлик тизими ходимининг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан вазирлик

тизимининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

маҳаллийчилик - шахсни мазкур лавозимга қўйиладиган малака талабларига мувофиқлигини инобатга олмаган ҳолда, фақатгина келиб чиқиши ҳамда мазкур шахснинг ҳуқуқат ваколатларига эга бўлган идораларда яқин қариндошининг хизмат мавқеи сабаблари бўйича шахсни ишга қабул қилиш, ишини ўзгартириш, лавозимга тайинлаш (таниқли ёки машҳур шахслар ҳамда уларни жамоатчилик томонидан тан олинishi);

непотизм – ўзининг яқин қариндошлари ғайриқонуний имтиёзлар бериш мақсадида ҳокимиятдан фойдаланиш ва (ёки) таъсир ўтказиш, шунингдек яқин қариндошлари ва (ёки) дўстларига асоссиз мукофотлар ҳисоблаш, вазирлик манфаатлари зарарига яқин қариндошлари ва дўстларини ишга қабул қилиш ва лавозимга тайинлашлар;

расмийчиликларни енгиллаштириш учун тўловлар - тегишли қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларда кўзда тутилмаган, ўрнатилган тартиб-қоидаларни ёки ҳаракатларни ижро этишнинг стандарт тартибини бажаришда ёки амалга оширилишини тезлаштириш мақсадида қонунга ҳилоф равишда тақдим этилган пул маблағлари, мол-мулк, мулкый ҳуқуқлар, хизматлар ва бошқа моддий ёки номоддий даромадлар;

халқаро ташкилот - ташкилий шакли ва ваколатларидан қатъи назар, давлатлар, ҳуқуқатлар ёки бошқа халқаро ташкилотлар томонидан ташкил этилган ҳар қандай халқаро ташкилот, шу жумладан, иқтисодий ҳамкорлик бўйича минтақавий ташкилотлар.

хайрия қилиш (хайрия ёрдами кўрсатиш) – вазирлик тизими (хайрия олувчилар)га моддий ёки номоддий қимматликларни, шу жумладан пул маблағлари кўринишида, улар учун иш ёки хизматлар кўрсатиш ҳамда хайрия мақсадларида бошқа қўллаб-қувватлашни амалга оширувчи жисмоний ва юридик шахслар(хайрия қилувчилар)нинг қайтариб олинмайдиган ва имтиёзли шартларда ифодаланадиган ихтиёрий манфаатсиз ёрдам(фаолият).

хизмат(бизнес) меҳмондўстлиги белгилари - вазирлик тизими ходимларини ўзи томонга оғдиришга қаратилган ҳамкорликни ўрнатиш ва/ёки уни қўллаб-қувватлаш мақсадида, вазирлик тизими ходимларининг манфаатлари йўлида учинчи шахсларнинг харажатлари, шу жумладан учинчи шахсларнинг овқатланишни ташкил этиш, хизмат тушлиги ва кечки овқатни уюштириш, транспорт харажатлари, яшаш харажатлари, дам олишга, экскурсион дастур ташкил этишга қаратилган харажатлар ва ҳ.к.

ходимнинг шахсий манфаати - вазирлик тизими ходими томонидан унинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини тўлиқ бажаришига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган, хизмат вазибаларини бажариши жараёнида унинг яқин қариндоши ёки ходимга алоқадор шахсларни пул маблағлари, моддий ва(ёки) номоддий қийматликлар, бошқа мол-мулк, даромад, фойда ва афзалликлар

шаклида манфаатдорлиги (шахсий, ижтимоий, мулкӣ, молиявий, сиёсий ва бошқа тижорат ёки нотижорат манфаатлари);

ҳақиқий манфаатлар тўқнашуви – вазирлик тизими ходимининг шахсий манфаати бевосита ёки билвосита вазирлик тизимининг манфаатларига зид келиши оқибатида ходим томонидан хизмат вазифаларини тўғри бажарилишига таъсир қилувчи вазият;

ҳомийлик қилиш (ҳомийлик ёрдами) - бунинг оқибатида вазирлик тизими муассасасида ҳомий олдида ўзаро мажбурият юзага келишига олиб келувчи юридик ва жисмоний шахслар (ҳомийлар)нинг қайтариб бериш шарти билан вазирлик тизими (ҳомийлик қилинувчи ташкилот)га мол-мулк, шу жумладан пул маблағлари шаклида ёрдам кўрсатиши ҳамда улар учун ишларни бажариши, хизматлар кўрсатиши ёхуд ҳомийлик мақсадларида бошқача қўллаб-қувватлашни амалга ошириши;

уруғ-аймоқчилик - ходимнинг умумий авлодга эга бўлган муайян қариндошга мансублиги асосида учинчи шахсларга нисбатан субъектив, илтифотли ва ноҳолис муносабатда бўлиш шаклидаги шахсий манфаатини намоён этилиши;

шахсий ҳимоя остига олиш – вазирлик тизими ходимини лавозими бўйича юқори турувчи ходим томонидан унга қулай меҳнат шароитларини яратиб бериш шаклида қўллаб туриш ва ҳимоя остига олиш;

фаворитизм – вазирлик тизими ходими томонидан бир шахс ёки бир гуруҳ, шахслар манфаатларини бошқа шахс ва (ёки) шахслар гуруҳи манфаатларидан устун қўйиш, шу жумладан, Вазирлик тизимида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, лавозими бўйича кўтариш, мукофотларни ҳисоблаш ва давлат мукофотларига тавсия қилиш, меҳнат таътиллари бериш ёки санаторийлар ва хориж сафарларига юбориш, мурожаатларни кўриб чиқиш навбатини, шунингдек иш вақти ва навбатчилик графикларини белгилаш шулар жумласидандир.

яқин қариндошлар – қариндош ёки қуда томондан қариндош бўлган шахслар, яъни ота-она, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан фарзандликка олинганлар, бобо, буви, неваралар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллари.

II. Коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари

8. Вазирлик тизимидаги коррупцияга қарши курашиш тизими қуйидаги принциплар асосида ишлайди:

қонунийлик – вазирлик тизимидаги коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари, давлат органлари ва таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш бўйича

жаҳонда тан олинган амалиётни ҳисобга олган ҳолда ҳамда Вазирлик тизимининг белгиланган ички ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади;

коррупцияга тоқатсизлик – вазирлик тизими ўз фаолиятининг барча соҳаларида коррупциянинг ҳар қандай шакллари ва кўринишларига муросасиз муносабатда бўлади. Вазирлик тизими ходимларига коррупциявий хавф-хатар келиб чиқиши мумкин бўлган фаолиятда бевосита ёки билвосита иштирок этиш тақиқланади;

очиқлик ва шаффофлик – вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш соҳасида қабул қилинган ва амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида вазирлик тизими ходимлари ва контрагентларини, кенг жамоатчиликни хабардор қилиш;

тизимлилик – вазирлик тизими коррупциявий хатти-ҳаракатлар содир этилишига ва коррупциявий хавф-хатарларга кўмаклашувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган превентив чора-тадбирларни амалга оширишга устувор аҳамият беради. Коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва тартиб-таомиллар аниқланган хавф-хатарлар даражасига мувофиқ келади ҳамда вазирлик тизимининг барча функциялари ва йўналишларига интеграция қилинган коррупцияга қарши курашиш тизимига бирлаштирилган;

коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг муқаррарлиги – коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни содир этган вазирлик тизими ходимлари ўзининг мақоми ва эгаллаб турган лавозимидан қатъий назар вазирликнинг ички ҳужжатлари ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортиладилар;

техника тараққиётининг ютуқларидан фойдаланиш – вазирлик коррупцияга қарши курашиш тизимини яратишда илм-фан тараққиётининг сўнгги ютуқларидан, шу жумладан, интеграциялаштирилган ахборот тизимларидан фойдаланишга интилади;

тўғридан-тўғри раҳбариятга мурожаат қилиш – вазирлик тизимининг ҳар бир ходими коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилганлигини тўғрисида ишончли ва асосли маълумотлар мавжуд бўлганда белгиланган чораларни кўриш учун тўсқинликсиз ўзи фаолият юритаётган идора раҳбари, вазирликнинг Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлимига ва (ёки) вазирга мурожаат қилиши мумкин;

фуқаролик жамияти вакиллари билан ўзаро ҳамкорлик – вазирлик тизими ўзига юклатилган функцияларни бажаришда вазирлик тасарруфидаги ташкилот ва муассасалари фаолиятини ҳалоллик, холислик ва мустақиллик асосида мустақил назорат қилиш мақсадида фуқаролик жамияти вакилларини жалб этадилар;

коррупцияга қарши курашиш тизимини доимий равишда такомиллаштириш – Вазирлик тизими коррупцияга қарши курашиш тизимини

мониторинг ва назорат қилиш ҳамда коррупциявий хавф-хатарларни амалга ошириш натижаларига кўра, коррупцияга қарши курашиш тизимининг самарадорлигини тўхтовсиз равишда ошириш чораларини кўради.

III. Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича асосий чора-тадбирлар

9. Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича қуйидаги асосий чора-тадбирлар белгиланган.

Манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича:

вазирлик тизими ходимлари ўз хизмат вазифаларини ҳалол ва виждонан бажаришлари лозим, ўз шахсий манфаатларини назарда тутган ҳолда, вазирлик тизимининг мол-мулки ва (ёки) хизмат мавқеларидан фойдаланмасликлари ҳамда ҳақиқий манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқарувчи ҳолатларни олдини олишлари талаб этилади.

Вазирлик тизими ходимлари ишга қабул қилинишида, лавозимини ўзгартирганда, доимий тарзда ҳар йиллик декларациялаш доирасида ва худди шундай ҳолатлар/вазиятлар юзага келганда, манфаатлар тўқнашувига олиб келувчи ёки олиб келиши мумкин бўлган ўзларининг шахсий манфаатлари тўғрисидаги маълумотни ошкор қилишга мажбурдирлар.

Манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги маълумотни ошкор қилиш ва уни бартараф этиш жараёни Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича Низоми ва вазирлик тизимининг ички ҳужжатлари орқали тартибга солинади.

Хизмат(бизнес) меҳмондўстлиги белгилари ҳамда совғаларни қабул қилиш ва беришни тартибга солиш бўйича:

Давлат бошқаруви органлари, давлат иштирокидаги ташкилотлар ёки фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари ходимлари таркибига кирувчи вазирлик тизими ходимлари ўз хизмат мажбуриятларини бажариш муносабати билан ҳар қандай совғаларни ёки хизмат меҳмондўстлиги белгиларини, рағбатлантириш воситаларини, шу жумладан кредит шаклида, кафолатлар, кафилликлар, мукофотлар, нақд пулсиз ёки нақд пул маблағлари ёхуд уларнинг эквивалентлари, қимматли қоғозлар, криптовалюталари, бошқа моддий қимматликлар ёки жисмоний ва юридик шахслардан хизматлар қабул қилиши тақиқланади.

Расмий делегациялар таркибида, шу жумладан хорижий сафарлардаги расмий тадбирларда вазирлик тизими ходимлари томонидан олинган ҳар қандай совғалар суммаси ва шаклидан қатъий назар вазирлик тизими тегишли муассасасининг эгалигига ўтказилади.

Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасалари ходимларига (шу жумладан, профессор-ўқитувчилар, кафедралар ва деканатлар ходимларига)

шахсий манфаатни кўзлаган ҳолда айрим абитуриентлар (талабалар, ўқувчилар), бошқа ходимлар ва (ёки) жисмоний ва юридик шахсларга имтиёзлар бериш мақсадида ҳар қандай совғаларни талаб қилиш ва (ёки) қабул қилиш тақиқланади.

Давлат аттестация комиссиясининг таркибига кирувчи олий ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасалари ходимларига (шу жумладан, профессор-ўқитувчилар, кафедралар ва деканатлар ходимларига) талабалар (ўқувчилар), уларнинг ота-оналари ва бошқа қонуний вакиллари, жисмоний ва юридик шахслардан ҳар қандай кўринишдаги совғаларни талаб қилиш ва (ёки) қабул қилиш тақиқланади.

Вазирлик тизими ходимларига ўз хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жисмоний ва юридик шахслардан бирон-бир совға ёки иш жараёнида меҳмондўстликнинг белгилари, қарз, қафолатлар, кафилликлар, мукофотлар шаклида рағбатлантириш воситаларини, нақд пул маблағлари ёки уларнинг эквиваленти, қимматли қоғозлар кўринишида моддий ёрдам қабул қилиш тақиқланади.

Вазирлик тизими ходимларига уларнинг шахси билан боғлиқ байрамлар (туғилган кун, боланинг туғилиши, Ватан ҳимоячилари куни, Халқаро хотин-қизлар куни)да берилган, хизмат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ бўлмаган совғалар ходимнинг шахси билан боғлиқ совғалар деб тан олинади.

Шундай совғалар беришда куйидаги умумий шартларга риоя қилиниши зарур:

- совғалар устунликка эга бўлиш, қандайдир ҳаракат (ҳаракатсизлик)ни амалга ошириш учун рағбат олиш мақсадида тақдим этилмаслиги лозим;
- совғалар вазирлик тизимининг камида учта ходими иштирокида топширилиши керак;
- совғани бериш табрик сўзи (унда совғани бериш сабаби аниқ ифода этилади) билан бирга бўлиши керак;
- совғанинг умумий қиймати (барча солиқлар ва йиғимларни ҳисобга олган ҳолда) базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан кўп бўлмаслиги лозим;
- вазирлик тизимининг бир ходими бошқа ходимга совға учун қилган харажати ҳар бир ҳолатда базавий ҳисоблаш миқдорининг 1(бир) бараваридан кўп бўлмаслиги лозим.

Шубҳа-гумонларни келтириб чиқармаслик мақсадида вазирлик тизими ходимлари ҳар қандай байрамлар ва сабаблар муносабати билан бошқа давлат органлари ва ташкилотлари ходимларидан, ҳамкорлар ва контрагентлардан, бошқа жисмоний ва юридик шахслардан мазкур Низомда келтириб ўтилган (совғаларни қабул қилиш ва бериш ҳамда хизмат меҳмондўстлиги белгилари) шартлардан ташқари совғалар ва бошқа моддий қимматликларни олиш тақиқланади.

Халқаро конференцияларда, симпозиумларда ва бошқа ишбилармонлик (хизмат) учрашувларида вазирлик, бўйсунувчи марказ ёки муассаса номидан совғалар бериш Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик талабларига мувофиқ тегишли муассаса раҳбарининг буйруғи билан амалга оширилади.

Совғани бериш (қабул қилиш) қонунийлиги бўйича шубҳа-гумонлар келиб чиққан тақдирда, вазирлик тизими ходими тизимдаги Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими билан маслаҳат қилиши зарур.

Кадрлар билан ишлаш жараёнини тартибга солиш бўйича:

Вазирлик тизимида ходимларни ишга қабул қилиш, ишга ёллаш ва улар фаолиятини баҳолаш жараёни (шу жумладан, мукофот пули тўлаш, устамалар белгилаш ва бошқа турдаги мукофотлаш) барча ходимлар учун шаффоф, тенг ҳуқуқли ва объектив тарзда мазкур Низом талаблари ва асосий принципларига мувофиқ амалга оширилади.

Вазирлик тизимида кадрларни ишга қабул қилиш ва иш билан таъминлаш жараёни ўрнатилган тартибда тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида ишга кириш учун номзодларни танлаш ва ўрганиш бўйича Йўриқнома ҳамда вазирлик тизимининг бошқа ички ҳужжатлари асосида, номзоднинг ишончлилиги ва манфаатлар тўқнашуви бўйича тўлақонли текшириш билан бирга амалга оширилиши лозим.

Вакант лавозимларга, шу жумладан профессор-ўқитувчи лавозимларига танлов эгалланадиган лавозимга ўрнатилган талабларга мувофиқ конкурс асосида ёки бошқача тарзда (агар вазирлик тизимининг ички ҳужжатларида бундай усул назарда тутилган бўлса) амалга оширилиши лозим, бунда номзоднинг малакасига, профессионал ва илмий ютуқларига алоҳида эътибор қаратилади.

Вазирлик тизимидаги кадрлар масалалари бўйича қарорлар қабул қиладиган ходимлар томонидан хизмат лавозимида кўтаришда, ишга қабул қилишда, кадрлар захирасига киритишда ва ҳ.к.ларда номзодлар (ходимлар)га асосланмаган имтиёзлар (агар ушбу афзалликлар пора олиш натижасида ёки манфаатлар тўқнашуви оқибатида амалга оширилса) тақдим қилиш тақиқланади;

Вазирлик тизимида эгаллаб турган лавозими, хизмат даври ва бошқа омиллардан қатъий назар Вазирлик тизими ходимларининг асосий самарадорлик кўрсаткичлари баҳолаш тартиби ва мезони ишлаб чиқилиши лозим, шу асосда уларни мукофотлаш, хизмат лавозимида кўтариш, лавозимдан озод этиш амалга оширилади. Мазкур кўрсаткичлар объектив, шаффоф ва вазирлик тизими ходимлари танишиши учун очиқ-ойдин бўлиши талаб этилади.

Контрагентлар билан шаффоф ва самарали алоқа ўрнатиш бўйича:

Вазирлик тизимида мазкур Низом талаблари ва принципларига зид келувчи ҳар қандай тўловларни ва (ёки) ҳаракатларни амалга оширувчи контрагентлар билан алоқа ўрнатилмайди.

Контрагентлар ва бошқа учинчи шахслар билан муносабатларда вазирлик тизими ўз фаолиятини қонунийлик ва шаффофлик принципларига асосланган ҳолда, шунингдек давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талаблари асосида амалга оширади.

Вазирлик тизими контрагентлар ва учинчи шахслар билан ўзаро алоқа ўрнатиш (ҳамкорлик)да:

- уларнинг ишончилигини, шу жумладан коррупцион ҳатти-ҳаракатлар элементлари ва вазирлик ходимлари билан манфаатлар тўқнашувининг мавжуд эмаслиги юзасидан вазирлик тизимида контрагентларни аниқлаш бўйича Йўриқнома, вазирлик тизимидаги бошқа ички ҳужжатлар ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги нормаларига мувофиқ текширувлар ўтказадилар;

- контрагент билан тузилган шартнома матнига махсус антикоррупцион шартларни киритиш йўли билан ўзининг антикоррупцион принциплари ва талаблари тўғрисида потенциал контрагентни (сотиб олиш жараёни ғолибини) хабардор қилади.

Хайрия ва ҳомийлик ёрдамларини қабул қилишда шаффоф ва самарали жараённи таъминлаш бўйича:

Вазирлик, унинг ҳудудий бошқармалари ва бўйсунувчи марказлар ва муассасалар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган ҳолларда хайрия ва ҳомийлик ёрдамларини қабул қилишлари мумкин.

Вазирлик тизими хайрия ёки ҳомийлик ёрдамини қабул қилиш жараёнида манфаатлар тўқнашувининг ҳар қандай кўринишларини олдини олиши, қонун ҳужжатларида ва (ёки) шартномада белгиланган мақсадлар учун маблағларнинг самарали ва мақсадли сарфланишини таъминлаш бўйича барча чораларни кўриши, шунингдек, интернет тармоғида ўзининг расмий веб-сайтида хайрия ва ҳомийлик фаолияти тўғрисидаги маълумотларни эълон қилади.

Хайрия ёки ҳомийлик ёрдами юридик шахс сифатида ташкил этилган вазирлик тизими муассасаларига кўрсатилиши мумкин. Алоҳида жисмоний шахс (вазирлик тизими ходими)га, таркибий бўлинма (кафедра)га ва ш.к.ларга хайрия (ҳомийлик) ёрдамини кўрсатиш тақиқланади.

Вазирлик тизими томонидан олинадиган хайрия (ҳомийлик) ёрдами хуфёна мукофот тарзида бўлмаслиги ва хайр-эҳсон қилувчи (ҳомий), унинг яқин қариндошлари, шунингдек бошқа шахслар (уларга нисбатан хайр-эҳсон қилувчи (ҳомий)нинг шахсий манфаатдорлиги бўлганлар)нинг фойдасини кўзлаб қарор қабул қилинишига таъсир ўтказмаслиги лозим.

Вазирлик тизими томонидан хайрия (ҳомийлик) ёрдамни қабул қилиш жараёнида қуйидаги шартлар бажарилиши керак:

- хайрия/ҳомийлик ёрдамини олиш ва фойдаланиш мақсадлари, ёрдам турлари, пул кўринишидаги ёрдам суммаси, келиб тушган ёрдамдан мақсадли фойдаланиш бўйича хайрия қилувчи (ҳомий) олдида ҳисобот бериш усули кўрсатилган хайрия қилувчи (ҳомий) билан мажбурий шартнома тузиш;

- бундай турдаги шартномаларга антикоррупцион шартларни киритиш;

- вазирлик, бўйсунувидаги марказлар ёки муассасаларнинг интернет тармоғидаги расмий веб-сайтида қабул қилиб олинган хайрия (ҳомийлик) ёрдами тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш.

Вазирлик тизими фаолиятини видеокузатиш ва трансляция қилиш бўйича:

Вазирлик тизимидаги биноларда ходимларнинг фаолиятини назорат қилиш мақсадида аудио ва видео ёзувли камералар жойлаштирилади, улардаги ёзувлар вазирлик тизимининг масъул ходимлари томонидан мунтазам равишда ўрганиб борилади.

Вазирлик тизимининг расмий веб-сайтларида юқори коррупцион хавф-хатарлар мавжуд айрим жараёнларнинг онлайн трансляциялари жойлаштирилади.

IV. Коррупцияга қарши курашиш тизимининг элементлари

10. Коррупциянинг ҳар қандай кўринишларига нисбатан тоқатсизлик принципига риоя қилган ҳолда, бутун вазирлик тизими коррупцияга қарши курашишда ягона ёндашувни шакллантиришга ва коррупцияга қарши курашишнинг яхлит тизimini жорий этишга интилади.

11. Вазирлик, унинг ҳудудий бошқармалари ва бўйсунувчи марказлар ва муассасаларнинг коррупцияга қарши курашиш тизими қуйидагилар (мазкур Низом, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизими ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимидаги манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги Низом)да ўз аксини топган.

Вазирлик тизимининг таркибий бўлинмалари раҳбарлари ўз ходимлари, фуқаролар (юримдик шахслар) билан муносабатларда ҳалоллик, адолатлилик ва инсофлилик каби хулқ-атвор намунасини кўрсатиш билан бирга, ўзларида ҳар қандай коррупцион ҳаракатларга тоқатсизлик кўрсатиш муносабатини шакллантириши лозим.

Вазирлик тизими таркибий бўлинмалари бошлиқлари ва раҳбарлари коррупцияга қарши курашишнинг самарали тизimini яратиш ва уни амалга оширишда етакчилик(лидерлик) қобилиятини қуйидагиларда намоён этадилар:

- вазирлик тизими фаолиятининг хавф-хатар функция ва йўналишларига самарали антикоррупцион тадбирлар ва жараёнларни жорий этиш, шу жумладан антикоррупцион дастурлар (йўл хариталари)ни тасдиқлаш ва уларнинг бажарилиши устидан назорат ўрнатиш;

- коррупция масалалари бўйича жисмоний ва юридик шахслар муурожаатларини ҳар томонлама пухта ва адолатли кўриб чиқилишини таъминлаш.

Коррупцион хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш бўйича:

Вазирлик тизими ўз фаолият йўналишларига мос бўлган функциялардан келиб чиққан ҳолда, жамоатчилик, контрагентлар ва бошқа шахслар билан алоқаларда коррупцион хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолашни амалга оширади, шунингдек бошқа ташқи ва ички омиллар таъсирида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида коррупцион хавф-хатарларни баҳолашни амалга ошириш Услугибўйича ҳамда вазирлик тизимининг бошқа ички ҳужжатларига мувофиқ олиб борилади.

Коррупцион хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш доирасида вазирлик тизими фаолиятининг барча йўналишларида коррупцион хавф-хатарларга таъсирчан бўлган функцияларни аниқлаш бўйича таҳлилни амалга оширади, шунингдек аниқланган хавф-хатарларни камайтиришга хизмат қилувчи самарали антикоррупцион тадбирлар ва назорат турлари мавжудлиги (мавжуд эмаслиги) таҳлил қилинади.

Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлимининг қўллаб-қувватлаши ва назорати остида коррупцион хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш жараёнида Вазирлик тизимида тегишли функциялари юклатилган масъул шахслари ва раҳбарлари, ҳудудий бошқармалар, бўйсунувчи марказлар ва муассасаларда коррупцияга қарши курашиш бўйича координаторлар ва масъул шахслар қатнашадилар.

Коррупцион ҳатти-ҳаракатларнинг ҳар қандай кўринишларига тоқатсизлик принциpidан келиб чиқиб, вазирлик тизимида коррупцион хавф-хатарни келиб чиқиш эҳтимоли ва таъсир қилиш даражасидан қатъий назар, бу жараённи бошқариш зарурлиги муҳим ўрин тутди.

Коррупцион хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш бир йил давомида камида бир маротаба ўтказилади. Коррупцион хавф-хатарларни баҳолаш натижалари вазир ва вазирлик тизимидаги ташкилотлар раҳбарлари томонидан кўриб чиқилади. Аниқланган коррупцион хавф-хатарларни камайтиришга қаратилган антикоррупцион чора-тадбирлар вазирлик тизимининг коррупцияга қарши курашиш дастурлари (йўл хариталари)да акс эттирилади.

Коррупцияга қарши курашишга масъул шахслар ва бўлинма бўйича:

Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашишнинг самарали тизимини шакллантириш учун алоҳида масъул таркибий бўлинма - вазирликнинг COMPLAENS назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими (кейинги ўринларда - COMPLAENS назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими) ташкил этилди.

Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими бевосита вазирга бўйсунди ва ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим

вазирлигининг Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими тўғрисидаги Низомга мувофиқ амалга оширади.

Вазирлик барча тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича вазифа ва функцияларни амалга оширишда вазир Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлимига етарли даражада мустақиллик ва зарурий ресурсларга эга бўлишини таъминлайди.

Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими ўз фаолиятини самарали амалга ошириш учун зарурий билим ва компетенцияларга эга бўлган ходимларга эга бўлиши керак.

Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими ходимлари ҳар йили коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитиш курсларида малака оширишлари ҳамда коррупцияга қарши курашиш ва антикоррупцион тизимни шакллантириш масалалари бўйича тадбирларда иштирок этишлари талаб этилади.

Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими вазирлик марказий аппаратида коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга масъул ҳисобланади.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни ўз вақтида ва самарали амалга оширилишини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш, шунингдек Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими билан ҳамкорлик қилиш мақсадида вазирликнинг ҳудудий бошқармаларида, унга бўйсунувчи марказларда ва муассасаларда коррупцияга қарши курашиш бўйича координатор ёки масъул шахс тайинланади.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича координатор ёки масъул шахс ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича координатор тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширади.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича координатор ёки масъул шахс лавозими коррупция хавфининг юқори даражаси билан ифодаланадиган функцияларни бажармайдиган ходимга юклатилиши лозим.

Вазирлик марказий аппаратининг Ташкилий-кадрлар бошқармаси, шунингдек, вазирлик тизимидаги ташкилот ва муассасаларнинг кадрлар бўлими вазирлик тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича Низомга ва вазирлик тизимининг бошқа ички ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ тартибга солинадиган ходимларнинг яқин қариндошлари ва уларнинг ўзаро алоқадор шахслари тўғрисида тизимли равишда ва белгиланган муддатларда маълумот тўплаш, таҳлил қилиш ва янгилаш учун жавобгардирлар.

Қўшимча тарзда вазирлик тизимидаги барча муассасаларда қуйидаги функцияларни амалга оширувчи алоҳида Одоб-ахлоқ бўйича комиссия тузилиши лозим:

- одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш масалаларини кўриб чиқиш;
- вазирлик тизимидаги тегишли муассаса ходимининг манфаатлар тўқнашувини (бу ҳақдаги маълумотлар кадрлар бўлиmidан, ходимнинг ўзидан, бошқа каналлар орқали олинган) кўриб чиқиш ва уни бартараф этиш;
- аниқланган манфаатлар тўқнашувини бартараф қилиш юзасидан қабул қилинган қарорларнинг етарлилиги ёки етарли эмаслигини кўриб чиқиш.

Одоб-ахлоқ бўйича комиссия ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида одоб-ахлоқ бўйича комиссия тўғрисидаги Низомга мувофиқ амалга оширади.

Ахборот тақдим этиш, алоқа ўрнатиш ва маслаҳат бериш тизимини йўлга қўйиш бўйича:

Вазирлик, унинг тизимидаги ташкилот ва муассасалар ўзларининг расмий веб-сайтларида коррупцион хавф-хатарларни камайтириш ва бундан аҳолининг хабардорлигини ошириш мақсадида мазкур Низомни ва улар томонидан амалга оширилаётган антикоррупцион тадбирлар тўғрисидаги асосий маълумотларни жойлаштириб борадилар.

Вазирлик тизими Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик талабларини ва вазирлик тизими ходимлари (шунингдек, бошқа манфаатдор шахслар) учун қабул қилинган антикоррупцион талаблар тўғрисидаги ахборотларни етказиш ва тушунтириш ишларини олиб бориш бўйича барча имкониятларни ишга солиш йўлида қуйидаги тадбирларни амалга оширади:

- вазирлик тизими раҳбарияти томонидан ходимларга вазирлик тизимида қабул қилинаётган антикоррупцион нормалар ва талабларга риоя этиш муҳимлиги тўғрисидаги хабарларни электрон почта ва бошқа коммуникация тизимлари орқали доимий тарзда етказиб бериш;

- вазирлик тизими ходимларига доимий тарзда ва тизимли равишда коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитишни ташкил қилиш. Ўқитиш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича ҳар йиллик ўқитиш режасига асосан бир йилда бир маротабадан кам бўлмаслиги лозим. Янги ишга қабул қилинган ходимлар мазкур Низом ва коррупцияга қарши курашиш бўйича бошқа ички ҳужжатлар билан мажбурий танишиш билан бирга антикоррупцион ўқитишда қатнашишлари лозим. Бундан ташқари, вазирлик тизимида юқори даражада коррупцион хавф-хатари бўлган лавозимлар кўшимча тарзда антикоррупцион ўқитишлар ташкил этилади. Ўқитиш (тренинглар) ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар ўрнатилган тартибда Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлимида ва коррупцияга қарши курашиш бўйича координатор (масъул) шахсларда сақланади;

- ходимлар ва фуқаролар ўртасида амалга оширилаётган коррупцияга қарши курашиш чоралари тўғрисидаги хабардорлигини оширишга ҳамда уларда

коррупцион ҳатти-ҳаракатларга нисбатан тоқатсиз муносабатни шакллантиришга қаратилган тематик аудио ва видеороликлар ҳамда бошқа ахборот материалларидан фойдаланган ҳолда антикоррупцион кампанияларни ўтказиш;

- вазирлик тизими ходимларининг коррупцион ҳатти-ҳаракатларни содир этилиши, коррупцион хавф-хатарлар ва шу каби маълумотлар (шубҳалар) тўғрисида хабар бериш имконини берувчи алоқа каналларини ишга тушириш;

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари ёки вазирлик тизимидаги бошқа антикоррупцион талаблар ва тадбирлар ҳамда мазкур Низом талаблари билан боғлиқ ҳар қандай масалаларда вазирлик тизими ходимларига маслаҳатлар бериш. Ходимлар маслаҳат олиш учун Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими ва (ёки) коррупцияга қарши курашиш бўйича тегишли координатор (масъул) шахсларга мурожаат қилишлари мумкин;

- вазирлик тизими ходимлари меҳнат шартномаларига антикоррупцион талабларни киритилиши;

- вазирлик тизимининг контрагентлари (ҳамкорлари, хайр-эҳсон қилувчилари, ҳомийлари) билан тузилган шартномаларга антикоррупцион шартларни киритиш;

- антикоррупцион хулқ-атворни тарғиб қилиниши Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими коррупцияга қарши курашиш бўйича тегишли координатор (масъул шахс)лар ҳамкорлигида ишлаб чиқилган режаларга мувофиқ амалга оширилади.

Мониторинг, назорат ва ҳисобот масалалари бўйича:

Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими, шунингдек масъул бўлинмалар (шахслар) ўз даражаларида вазирлик тизимидаги антикоррупцион тадбирларни мутаносиб тарзда, етарли даражада олиб борилаётганлигини, унинг самарадорлигини баҳолаб, доимий равишда назорат ва мониторинг олиб борадилар. Ўтказилган мониторинг ва назорат натижаларига кўра, вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашишни такомиллаштириш бўйича тегишли тадбирлар қабул қилинади.

Вазирлик, унинг тизимидаги ташкилот ва муассасалар коррупцияга қарши курашиш тизимини амал қилиши ва мавжуд ҳолатини мониторинг ва назорат қилиш учун мустақил ташкилотлар(муассасалар)ни жалб қилиш ҳуқуқига эга.

Вазирлик, унинг тизимидаги ташкилот ва муассасаларнинг коррупцияга қарши курашиш тизимида қуйидаги асосий йўналишлар бўйича мониторинг ўтказилиши лозим:

- вазирлик тизими фаолиятида қўлланиладиган коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳукумат идораларининг тавсиялари ва қонунчилик мониторинги;

- халқаро ва хорижий ташкилотларнинг коррупцияга қарши курашишнинг самарали тизимини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича тавсиялари мониторинги;

- оммавий ахборот воситаларини, уларда вазирлик тизими ходимларини коррупцион ҳатти-ҳаракатларга жалб қилинганлиги тўғрисида маълумотлар, худди шундай маълумотларни вазирлик тизимининг контрагентлари (ҳамкорлари)да мавжудлиги бўйича мониторинг ўтказиш;

- вазирлик тизими ходимларининг коррупцияга қарши курашишининг асосий принциплари ва талаблари бўйича хабардорлигини текшириш;

- вазирлик тизимидаги Йўл харитасининг бандларини бажарилиши тўлиқлиги ва самарадорлигини мониторинг қилиш.

Вазирлик тизимидаги коррупцияга қарши курашиш тизимининг самарадорлиги (коррупцион хавф-хатарларни мавжуд эмаслиги) бўйича назорат қуйидагича амалга оширилади:

- антикоррупцион тизимни, шу жумладан вазирлик тизимида ўрнатилган талаблар ва чораларга риоя этилиши юзасидан назоратни ички аудити;

- ISO 37001:2016 стандартларига мувофиқлик бўйича антикоррупцион тизимни ички аудити.

Мониторинг ва назорат Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимидаги коррупцияга қарши курашиш принциплари ва талабларига риоя этилишини мониторинг қилиш ва назорат қилиш Усулига ҳамда вазирлик тизимининг бошқа ички ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Коррупцияга қарши курашиш тизимини мониторинг қилиш ва назорат қилиш бўйича чора-тадбирларнинг яқунлари ва натижалари вазирга, вазирлик Ҳайъатига ҳамда бўйсунувчи марказлар ва муассасалар раҳбарларига тақдим қилинадиган чоралик ҳисоботларда акс этади. Ҳисоботларни шакллантириш ва тақдим этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботларни шакллантириш ва тақдим этиш Регламентига мувофиқ расмийлаштирилади.

Ҳуқуқбузарликка қарши кураш ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича:

Мазкур Низом, вазирлик тизимида антикоррупцион талаблар ва тартиб-қоидаларга риоя қилиш ҳар бир ходимнинг ўз хизмат вазифаларини бажариши доирасида амалга оширилиши лозим.

Ходимлар белгиланган талаблар ва тартибларни бузганлик учун шахсий жавобгар ҳисобланадилар.

Ўрнатилган антикоррупцион талабларини бузган вазирлик тизими ходимлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда ва асосларда интизомий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Ходимлар ўз раҳбарини ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини уларни ҳуқуқбузарликлар содир этишга оғдириш мақсадида бирор-бир шахсларнинг қилган мурожаатларининг барча ҳолатлари тўғрисида, шунингдек бошқа давлат хизматчилари томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг ўзларига маълум бўлган ҳар қандай ҳолатлари ҳақида хабардор қилиши шарт.

Коррупциянинг ҳар қандай кўринишларига нисбатан тоқатсизлик принципини инобатга олган ҳолда, вазирлик тизими ходимлари томонидан вазирлик тизимида коррупцион ҳаракатлар содир этилган ҳар бир асосланган шубҳали ҳолат юзасидан ички хизмат текширувлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизими ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари, Коррупцион ҳаракатлар ва қонунбузарликлар юзасидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича Регламентда назарда тутилган тартибда, вазирлик тизимининг бошқа ички ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ ўтказилади.

Коррупцион ҳаракатлар аниқланган тақдирда, Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими коррупцияга қарши курашиш бўйича координатор (масъул)лар билан ҳамкорликда уларни амалга ошириш сабаблари ва имкониятларини таҳлил қилади ва доимий равишда коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириб боради.

Ички текширувлар натижалари тўғрисида вазирга, вазирлик Ҳайъатига ва вазирликнинг тегишли ҳудудий бошқармалар, бўйсунувчи марказлар ва муассасалар раҳбарларига маълумот берилади.

Вазирлик, унинг тизимидаги ташкилот ва муассасалар коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва тергов ўтказиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа идоралар билан ҳамкорлик қилади.

Коррупцион хавф-хатарларни камайтирувчи чора-тадбирлар бўйича:

Вазирлик тизими умумий назорат муҳити билан бирга, фаолият (функция)нинг хавф-хатар йўналишларидаги (аниқланган хатарлар даражасига мос равишда) антикоррупцион назорат ва тадбирларни ҳам қамраб олувчи коррупцияга қарши курашишнинг комплекс тизимини жорий қиладилар.

Амалга оширилган чора-тадбирлар, шунингдек коррупцияга қарши курашиш бўйича жорий қилинаётган назорат ва тадбирлар вазирлик тизими ходимлари учун аниқ ва тушунарли бўлиши зарур, жамоатчилик учун вазирлик тизими фаолиятининг шаффофлигини оширишга хизмат қилади. Ушбу чора-тадбирлар ва жараёнлар вазирлик тизимининг коррупцияга қарши кураш бўйича дастури/йўл харитасида акс эттирилади, шунингдек мазкур Низомда ва вазирлик тизимининг тегишли ички ҳужжатларида белгиланади.

V. Коррупцион ҳаракатлар тўғрисида хабар бериш

12. Вазирлик тизими ходимлари ва бошқа шахслар коррупциявий ҳаракатлар содир этилганлиги ёки содир этилиши мумкинлиги факти ҳамда бошқа ҳуқуқбузарлик тўғрисида вазирлик тизими алоқа каналлари орқали очик тарзда хабар беришлари мумкин.

13. Вазирлик, унинг тизимидаги ташкилот ва муассасалар ўз ваколатлари ва мавжуд имкониятлари доирасида ҳуқуқбузарлик тўғрисида ишончли маълумот берган шахснинг махфийлигини таъминлайди.

14. Вазирлик, унинг ҳудудий бошқармалари, бўйсунувчи марказлари ва муассасалари ўз ходимларининг манфаатларини ҳимоя қилади ҳамда қасос олиш ҳатти-ҳаракатлари, шу жумладан ишдан бўшатиш, лавозимини пасайтириш, камситиш, таъқиб қилиш, шубҳали ҳатти-ҳаракатлар ёки мазкур Низомдаги антикоррупцион талабларни вазирликнинг бошқа ходими томонидан бузилиши мумкинлиги тўғрисида ишончли хабар етказган ходимларга нисбатан таъқибларга йўл қўймаслигини кафолатлайди.

15. Коррупциявий ҳаракатлар тўғрисида хабарларни қуйидаги алоқа каналлари орқали етказиш мумкин:

«1006» телефони ва вазирлик тизими томонидан ўрнатилган бошқа телефонлар орқали;

"anticoredu" телеграм канали орқали;

Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими электрон почтаси орқали;

вазирликнинг <https://www.edu.uz> расмий веб-сайтида жойлаштирилган шакл орқали;

интернет тармоғидаги Президент виртуал қабулхонаси (<https://pm.gov.uz>), Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат портали ва Олий ва ўрта махсус таълим вазири виртуал қабулхонаси орқали;

вазирликнинг электрон почтаси edu@exat.uz ва ҳудудий бошқармалар, бўйсунувчи марказлар ва таълим муассасаларининг электрон почталари орқали;

тасдиқланган график асосида вазирлик тизими ходимлари томонидан ўтказиладиган шахсий қабул орқали;

вазирлик тизими муассасаларининг девонхонасига юбориладиган ёзма мурожаатлар орқали.

16. Вазирлик тизимининг алоқа каналларига келиб тушган барча хабарлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида коррупциявий ҳаракатлар тўғрисида хабар беришга мўлжалланган алоқа каналларига тушувчи хабарларни қабул қилиш ва қайта ишлаш Регламенти ва вазирлик тизимининг бошқа ички ҳужжатларига мувофиқ вазирлик тизимининг масъул бўлинмаси(ходими) томонидан объектив ва ўз вақтида кўриб чиқилади,

17. Коррупцион ҳаракатларни содир этилганлиги факти ёки шубҳа-гумонлари тўғрисида етарлича ахборот мавжуд бўлганда, аноним тарзда юборилган хабарлар (вазирлик тизимининг телеграмм каналлари орқали) ҳам кўриб чиқиш учун қабул қилинади.

18. Вазирлик тизимининг ходимига атайлаб ёлғон маълумотлар тақдим этилиши ушбу Низомнинг бузилиши ва одоб-ахлоқ нормаларига қарши ҳаракат сифатида баҳоланади ва бу шахс Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва вазирлик тизимининг ички ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин.

19. Вазирлик тизими ходимлари томонидан мавжуд алоқа каналлари орқали вазирлик тизимидаги коррупцион фактлар тўғрисида ишончли хабар берилганда, агар ушбу маълумот тасдиқланса, Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунига ва вазирлик тизимининг ички ҳужжатларига мувофиқ рағбатлантирилиши мумкин.

VI. Кўриб чиқиш ва ўзгартириш тартиби

20. Қуйидаги ҳолларда мазкур Низом қайта кўриб чиқилиши ва ўзгартирилиши мумкин:

- мавжуд ички ҳужжатларни, назорат ва тартибларни қайта кўриб чиқиш зарурлигини келтириб чиқарадиган коррупцияга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида ўзгаришлар бўлганда;

- самарасиз коррупцияга қарши назорат ва тадбирлар аниқланганда ҳамда вазирлик тизими фаолиятида коррупцияга қарши курашиш ва огоҳлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар такомиллаштириш зарурияти туғилганда;

- ташкилий тузилмалардаги ўзгаришлар ва (ёки) ўз функцияларини бажариш хусусиятлари ва бошқалар.



Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлигининг 572-сонли
буйруғига 2-илова

август 2021 йил

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича координатор тўғрисидаги НИЗОМ

1. Ушбу Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича координатор тўғрисидаги Низом (кейинги ўринларда - Низом) вазирликнинг ҳудудий бошқармаларида, унга бўйсунувчи марказларда ҳамда олий ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасаларида (кейинги ўринларда - ҳудудий бошқармалар, бўйсунувчи марказлар ва муассасалар) коррупцияга қарши курашиш бўйича координаторнинг (кейинги ўринларда - координатор) функциялари ва ваколатларини белгилаб беради.

2. Координатор ҳудудий бошқармалар, бўйсунувчи марказлар ва муассасаларда коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади, шунингдек, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Комплаенс нazorат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими (кейинги ўринларда - бўлим) билан ҳамкорлик қилади. Мазкур бўлим ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, унинг ҳудудий бошқармалари, бўйсунувчи марказлари ҳамда олий ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасаларида муассасалари (кейинги ўринларда - вазирлик тизими)да коррупцияга қарши курашиш тизими учун жавобгар ҳисобланади.

3. Координаторнинг функциялари бошқа функцияларни бажарувчи ходимлар, бўлинмаларга юклатилиши мумкин. Бунда, координатор функцияси коррупцион хавф-хатар даражаси юқори бўлмаган лавозимларда ишловчи ҳудудий бошқармалар, бўйсунувчи марказлар ва муассасалар ходимлари томонидан амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

4. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг марказий аппаратида ҳамда вазирлик ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш марказида координаторлар фаолияти йўлга қўйилмайди.

5. Координатор ўзига юклатилган функциялар доирасида ҳудудий бошқарма, бўйсунувчи марказ, муассасанинг тегишли раҳбарлари ҳамда бўлим бошлигининг буйруқлари ва топшириқларини бажаради.

6. Координатор бўлимга ва ҳудудий бошқарма, бўйсунувчи марказ, муассасанинг тегишли раҳбарларига ҳисобдор. Ҳудудий бошқарма, бўйсунувчи

марказ, муассасада коррупциянинг олдини олиш бўйича белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ масалалар бўйича олинган кўрсатмалар ва буйруқлар бир-бирига зид бўлган ҳолларда, бўлимнинг буйруқлари ва кўрсатмалари тегишли раҳбарлар буйруқларидан устун туради.

7. Худудий бошқарма, бўйсунувчи марказ, муассасада коррупцияга қарши кураш координаторнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

коррупцияга қарши курашиш тизимини яратиш ва такомиллаштириш, худудий бошқарма, бўйсунувчи марказ, муассасада коррупциявий хатти-ҳаракатларнинг профилактикасини амалга ошириш;

худудий бошқарма, бўйсунувчи марказ, муассаса ходимларини коррупцияга қарши кураш масалалари бўйича хабардорлигини ошириш ва маслаҳатлар бериш, шунингдек бу масалалар бўйича фуқаролар ва жамоатчилик билан мулоқот қилиш;

худудий бошқарма, бўйсунувчи марказ, муассасада коррупцияга қарши курашиш тизимини самарали фаолият юритишини, шу жумладан ISO 37001:2016 халқаро стандарти талабларига мувофиқлигини назорат ва мониторинг қилиш;

коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш.

8. Худудий бошқарма, бўйсунувчи марказ, муассасада коррупцияга қарши кураш бўйича координатор ўзига юклатилган вазифалар билан бирга қуйидаги функцияларни бажаради:

1) *худудий бошқарма, бўйсунувчи марказ, муассасада коррупцион хатти-ҳаракатларни профилактика қилиш, коррупцияга қарши курашиш бўйича тизим яратиш ва такомиллаштириш соҳасида:*

худудий бошқарма, бўйсунувчи марказ, муассасада коррупцияга қарши кураш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган ички ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади;

худудий бошқарма, бўйсунувчи марказ, муассасада антикоррупцион чора-тадбирлар дастури(йўл харитаси)ни ишлаб чиқади;

худудий бошқарма, бўйсунувчи марказ, муассасадаги коррупцион хавф-хатарларни баҳолашни мувофиқлаштиради, худудий бошқарма, бўйсунувчи марказ, муассасанинг идоравий коррупцион хавф-хатар харитаси лойиҳасини Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида коррупцион хавф-хатарларни баҳолашни амалга ошириш йўриқномага мувофиқ тайёрлайди ҳамда худудий бошқарма, бўйсунувчи марказ, муассаса раҳбарига, шунингдек бўлимга юборади.

худудий бошқарма, бўйсунувчи марказ, муассаса идоралараро ҳужжатларида аниқланган коррупцион омилларнинг олдини олиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади.

2) *худудий бошқарма, бўйсунувчи марказ, муассаса ходимларини коррупцияга қарши кураш масалалари бўйича хабардорлигини ошириш ва*

маслаҳатлар бериш, шунингдек бу масалалар бўйича фуқаролар ва жамоатчилик билан мулоқот қилиш соҳасида:

вазирлик тизимидаги барча ходимлар, абитуриентлар, талабалар, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари ўртасида коррупцияга қарши курашиш ва ҳуқуқий саводхонлигини оширишга бағишланган конференциялар, учрашувлар, семинарлар, конкурслар ташкил этишга бўлимга ёрдам беради;

Бўлим қарори билан ҳудудий бошқарма, бўйсунувчи марказ, муассаса ходимларининг, жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупцион ҳаракатлар ва хатарлар масалалари бўйича мурожаатларини кўриб чиқишда қатнашади;

ҳудудий бошқарма, бўйсунувчи марказ, муассаса ходимларига коррупцияга қарши курашиш бўйича маслаҳатлар беради;

ҳудудий бошқарма, бўйсунувчи марказ, муассаса ходимларини антикоррупцион нормаларга ўқитиш бўйича ўқув режаларини тайёрлашда иштирок этади;

ҳудудий бошқарма, бўйсунувчи марказ, муассаса ходимлари ҳамда коррупцион хавф-хатарнинг юқори даражаси билан боғлиқ лавозимлар учун коррупциянинг олдини олиш масалалари бўйича ўқув материалларини ишлаб чиқишда қатнашади;

ҳудудий бошқарма, бўйсунувчи марказ, муассаса ходимлари ва фуқаролар ўртасида антикоррупцион хатти-ҳаракатларни тарғиб қилишда иштирок этади;

расмий веб-сайтнинг "Коррупцияга қарши кураш" бўлимида ва ҳудудий бошқарма, бўйсунувчи марказ, муассаса ижтимоий тармоқлари саҳифаларида жойлаштирилган маълумотларнинг янгиланишини таъминлайди;

ҳудудий бошқарма, бўйсунувчи марказ, муассасанинг коррупция фактлари тўғрисида хабар бериш учун ишлаб чиқилган махсус алоқа каналларини иш натижаларини таҳлил қилади ҳамда коррупцион хавф-хатарлар тўғрисидаги таҳлилий материалларни раҳбарият ва ходимларга етказиш, уларнинг бу борадаги хабардорлигини оширади.

3) ҳудудий бошқарма, бўйсунувчи марказ, муассасада коррупцияга қарши кураш тизимининг самарали ишлашини назоратини амалга ошириш ва мониторинг қилиш соҳасида:

ҳудудий бошқарма, бўйсунувчи марказ, муассасанинг барча ходимларини коррупцияга қарши курашиш бўйича тренингларда иштирокини ва машғулотларни ўқув режага мувофиқ ўтказилишини назорат қилади;

ҳудудий бошқарма, бўйсунувчи марказ, муассаса ходимлари томонидан коррупцияга қарши курашиш сиёсати ва тадбирларга, шунингдек, коррупцион хавф-хатар вужудга келиши эҳтимолини назарда тутувчи ҳолларда одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши бўйича назорат тадбирларини бажарилиши ва мониторинги жараёнида бўлим билан ҳамкорлик қилади;

Бўлим қарори билан ҳудудий бошқарма, бўйсунувчи марказ, муассасада коррупцион ҳатти-ҳаракатлар бўйича хизмат текширувларини ўтказишда қатнашади;

ҳудудий бошқарма, бўйсунувчи марказ, муассасада коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисоботларни тайёрлашда бўлим билан ҳамкорлик қилади, шунингдек, ҳудудий бошқарма, бўйсунувчи марказ, муассаса раҳбариятига ва бўлимга ҳисобот тақдим этади;

антикоррупцион қонунчилик ҳужжатларида ва коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ички ҳужжатларда аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан назоратни олиб боради.

4) коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ўзаро ҳамкорлик юзасидан:

коррупцион жиноятларни олдини олиш ёки тергов қилиш бўйича тадбирларни амалга оширишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ваколатли вакиллари билан ҳамкорлик қилади.

Бўйсунувчи бўлинмадаги коррупцияга қарши курашиш бўйича координатор Олий ва ўрта махсус таълим вазири, бўлим, бўйсунувчи бўлинма раҳбари буйруқлари асосида бошқа вазифаларни ҳам амалга оширади.

9. Ҳудудий бошқарма, бўйсунувчи марказ, муассасанинг коррупцияга қарши курашиш бўйича координатор ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни амалга оширишда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ҳудудий бошқарма, бўйсунувчи марказ, муассаса ходимларидан ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича тахлилий мамаълумотлар, хулосалар, бирламчи ва бошқа тасдиқловчи ҳужжатлар, статистик ва бошқа маълумотларни сўраши, талаб қилиши ва олиши;

хизмат вазифаларини бажариш доирасида ҳудудий бошқарма, бўйсунувчи марказ, муассаса ходимларидан зарурий ёрдамни сўраши ва олиши;

ҳудудий бошқарма, бўйсунувчи марказ, муассаса раҳбарига ва бўлимга ҳудудий бошқарма, бўйсунувчи марказ, муассасада коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

хизмат текширувида қатнашиш, ҳудудий бошқарма, бўйсунувчи марказ, муассаса ходимларидан ҳужжатларни талаб қилиш, ёзма тушунтиришлар олиш, шунингдек амалга оширилаётган текширув доирасида ҳудудий бошқарма, бўйсунувчи марказ, муассасаларнинг бинолари, иншоотлари ва жиҳозларини кўздан кечириш, тегишли ҳужжатларнинг нусхаларини олиш, тегишли фото ва видео ёзувлар қилиш;

ҳудудий бошқарма, бўйсунувчи марказ, муассасанинг одоб-ахлоқ Комиссиялари йиғилишларида кузатувчи сифатида иштирок этиш, одоб-ахлоқ Комиссияси йиғилишларида ўрнатилган регламент ва вазирликда коррупцияга қарши курашиш тизимида талабларга мувофиқлиги тўғрисида фикр билдириш;

ҳудудий бошқарма, бўйсунувчи марказ, муассасанинг коррупцияга қарши кураш бўйича координатор Олий ва ўрта махсус таълим вазири, бўлим, ҳудудий

бошқарма, бўйсунувчи марказ, муассаса раҳбарининг тегишли буйруқларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

10. Координатор ўзининг хизмат вазифаларини бажаришда очиклик, умумий натижага қаратилганлик ва жавобларнинг тўлиқлиги, тақдим этиладиган тавсияларнинг ўз ўрнида қўлланилиши тамойилларига асосланиб ҳудудий бошқарма, бўйсунувчи марказ, муассасанинг бошқа таркибий бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

11. Координатор ўз хизмат вазифаларини бажармаганлик ёки тўлиқ даражада бажармаганлик, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимининг Коррупцияга қарши сиёсати талабларини, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизими ходимларининг ахлоқ-одоб қоидаларини, ҳудудий бошқарма, бўйсунувчи марказ, муассаса раҳбарининг буйруқларини, шунингдек ноқонуний хатти-ҳаракатлар ёки ҳаракатсизлик, юклатилган вазифаларни бажаришдан бош тортганлик, коррупцияга қарши курашиш соҳасида ва (ёки) ҳудудий бошқарма, бўйсунувчи марказ, муассаса учун салбий оқибатларга олиб келувчи аниқланган ҳуқуқбузарликларни яширганлиги учун интизомий ва (ёки) бошқа жавобгарликка тортилади.



Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг
сонли буйруғига 3-илова
August 2021 йил

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги tizimida манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги марказий аппарати, ҳузуридаги ташкилотлар, олий ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасаларида (кейинги ўринларда – вазирлик тизими) манфаатлар тўқнашувини аниқлаш, олдини олиш ва ҳал қилиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом талаблари вазирлик тизимининг барча ходимларига уларнинг эгаллаб турган лавозими ва хизмат ваколатларидан қатъи назар қўлланилади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

алоқадор шахслар – ходим билан тижорат ташкилотларининг устав капиталида иштирок этадиган шахслар, акциялари Республика фонд биржасида оммавий муомалада бўлган акциядорлик жамиятларининг беш фоизидан кам бўлган миқдордаги акцияга эга эканлиги ҳолатлари бундан мустасно;

вазирлик тизими - Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қуйидаги кўринишда шакллантирилган:

Вазирликнинг Марказий аппарати;

ҳузуридаги марказлари;

tizimдаги олий таълим муассасалари (ОТМлар ва улар ҳузуридаги академик лицейлар) ва профессионал таълим муассасалари (коллежлар ва техникумлар)

контрагент – вазирлик, унинг ҳудудий бошқармалари, ҳузуридаги марказлар ёки тизимдаги олий таълим муассасалари билан шартномавий муносабатга кирган ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахслар, меҳнат муносабатлари, абитуриентлар, жорий талабалар ва ўқувчилар бундан мустасно;

манфаатлар тўқнашуви – шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик, вазирлик тизимидаги ходимнинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан вазирликнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

манфаатлар тўқнашувини ошқор қилиш – ходимлар томонидан потенциалли ёки ҳақиқий манфаатлар тўқнашуви тўғрисида эълон қилиш

тартиб-таомили;

манфаатлар тўқнашувини бошқариш – вазирлик тизимининг манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги натижасида вазирлик тизими ходимининг хизмат вазифаларини тегишли тарзда бажаришлари ва ёки ходимларнинг шахсий манфаатлари вазирлик тизимининг манфаатларидан устун бўлиши хатарини камайтириш ёки бартараф этиш мақсадларида амалга оширадиган чора-тадбирлар мажмуи;

маҳаллийчилик – шахсни фақатгина қариндошлиги (қариндошни ҳамма билиши/машҳурлиги ва унинг жамоатчилик томонидан кенг эътироф этилган) ва бундай шахснинг ҳокимият ваколатига эга бўлган органлардаги қариндошларининг хизмат мавқеи сабабли лавозимга қўйиладиган малака талабларини ҳисобга олмасдан ишга ёллаш, ротация қилиш, лавозимга тайинлаш;

непотизм (таниш-билишчилик) – ўзининг яқин қариндошлари ёки дўстларига ғайриқонуний имтиёзлар бериш мақсадида ҳокимиятдан фойдаланиш ва (ёки) таъсир ўтказиш, шунингдек яқин қариндошлари ва (ёки) дўстларига асоссиз мукофотлар ҳисоблаш, вазирлик манфаатлари зарарига яқин қариндошлари ва дўстларини ишга қабул қилиш ва лавозимга тайинлашлар;

потенциал манфаатлар тўқнашуви – ходимнинг, унинг яқин қариндошларининг ёки вазирлик тизими билан боғлиқ бўлган шахснинг шахсий манфаатлари (шу жумладан шахсий, ижтимоий, мулкӣ, молиявий, сиёсий ва бошқа тижорат ёки нотижорат манфаатлар) муайян вазиятлар юзага келганда, улар вазирлик манфаатларига қарама-қарши бўлиши ва вазирлик тизими ходимлари томонидан хизмат мажбуриятларини бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган вазият;

уруғ-аймоқчилик – ходимнинг умумий аждодга эга бўлган муайян қариндошга мансублиги асосида учинчи шахсларга нисбатан субъектив, илтифотли ва ноҳолис муносабатда бўлиш шаклдаги шахсий манфаатини намоён этилиши;

фаворитизм – вазирлик тизими ходими бир шахс ёки бир гуруҳ шахслар манфаатларини бошқа шахс ва (ёки) шахслар гуруҳи манфаатларидан устун қўйиши, шу билан бирга, вазирлик тизимида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, лавозими бўйича кўтариш, мукофотларни ҳисоблаш ва давлат мукофотларига тавсия қилиш, меҳнат таътиллари бериш ёки санаторийлар ва хориж сафарларига юбориш, мурожаатларни кўриб чиқиш навбатини, шунингдек иш вақти ва навбатчилик графикларини белгилаш шулар жумласидандир;

ходимнинг шахсий манфаатдорлиги – вазирлик тизими ходими томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариш чоғида унинг яқин қариндоши ёки ходимга алоқадор бўлган шахслар томонидан ходимнинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган пул маблағлари, моддий ёки номоддий қимматликлар, бошқа мол-мулк, бойлик ва имтиёзлар кўринишида шахсий наф олиш имконияти (шахсий, ижтимоий, молиявий, сиёсий ва бошқа тижорат ёки нотижорат

манфаатлари);

ҳақиқий манфаатлар тўқнашуви – ходимнинг, унинг яқин қариндошларининг ва (ёки) вазирлик билан боғлиқ бўлган шахснинг шахсий манфаатлари (шу жумладан шахсий, ижтимоий, мулкӣ, молиявий, сиёсий ва бошқа тижорат ёки нотижорат манфаатлар) вазирлик манфаатларига бевосита ёки билвосита қарама-қарши бўлган вазият;

яқин қариндошлар – қариндош ёки қуда томондан қариндош бўлган шахслар, яъни ота-она, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан фарзандликка олинганлар, бобо, буви, неваралар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллари.

4. Вазирлик тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқариш масалаларида қуйидаги асосий принципларга амал қилиниши шарт:

фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;

ўз хизмат вазифаларини бажаришда давлат манфаатларини шахсий манфаатдорлигидан устун қўйиши;

ошқоралик, виждонлилик ва холислик асосида қарорлар қабул қилиниши;

потенциал ёки ҳақиқий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги ахборотни ошқор қилишнинг мажбурийлиги;

манфаатлар тўқнашувига қарши профилактик чораларнинг устуворлиги; манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини кўриб чиқиш ва манфаатлар тўқнашувини ҳал қилишда жамоавийликка амал қилиши;

манфаатлар тўқнашуви аломатлари билан тавсифланган вазиятларни кўриб чиқиш, баҳолаш ва ҳал қилишга холис ёндашуви;

ушбу Низомда белгиланган тартибда вазирлик тизими ходимлари томонидан тақдим этилган манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлаши;

агар ходим бирон-бир қарор қабул қилишдан аввал ёки ўзига юклатилган функцияларни бажаришдан олдин манфаатлар тўқнашуви тўғрисида тегишли тартибда хабар берган ҳамда вазирлик манфаатлари фойдасига ўз шахсий манфаатларидан воз кечишга тайёр булса, уни ҳақиқий ёки потенциал манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги сабабли ишдан бўшатилишига йўл қўйилмаслиги.

2-боб. Масъул таркибий бўлинмалар ходимларининг мажбуриятлари ва ваколатлари

5. Вазирлик тизими ходимлари ходимлари ўзларининг хизмат мажбуриятларини бажаришида ёки вазирлик манфаатларини манфаатларини ифодалашда ушбу Низомда белгиланган тамойилларга амал қилишлари, шунингдек манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган вазиятлардан ўзларини сақлашлари шарт.

6. Хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар тўқнашувининг олдини

олиш учун вазирлик тизимининг ходимлари:

ўшбу Низомнинг талабларига риоя қилиши;

фақат вазирлик манфаатларини кўзлаши;

ўз хизмат мавқеидан фақат вазирлик манфаатларида фойдаланиши;

вазирликнинг манфаатларига зид келадиган ёки зид келиши мумкин бўлган шахсий манфаатлар тўғрисида вазирликни хабардор қилиши;

непотизм (таниш-билишчилик), фаворитизм, маҳаллийчилик, ҳомийлик ва уруғ-аймоқчиликнинг намоён бўлишига қатъий чек қўйиши;

потенциал ёки ҳақиқий манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотларни ўз вақтида ва тўлиқ ошкор қилиши;

ўзининг яқин қариндошлари ва алоқадор шахслари тўғрисидаги маълумотларнинг тўлиқ рўйхатини, ўзининг ва уларнинг нодавлат нотижорат ташкилотларидаги иштироки ҳақидаги маълумотларни ҳалол, тўлиқ ва виждонан ошкор қилиши шарт.

7. Манфаатлар тўқнашувини олдини олиш мақсадида вазирлик тизимининг ходимлари қуйидаги ҳолларда манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабар бериши керак.

Манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган вазиятларга қуйидагилар киради:

- ходимнинг бўйсунувида яқин қариндошлари ва (ёки) ўзаро боғланган шахслар бўлса;

- ходим яқин қариндошлари ва (ёки) ўзаро боғланган шахсларга нисбатан кадрлар масаласи бўйича қарорлар қабул қилиши (шу жумладан, иш ҳақини ҳисоблаш ва тўлаш, мукофотга, иш ҳақиға қўшимчалар ва рағбатлантиришнинг бошқа турларига тавсия қилиш ва унинг суммасини белгилаши);

- ходим ва (ёки) унинг яқин қариндошлари тижорат ташкилотларининг акцияларига ёки улушга эгалик қилиши (ходим ва (ёки) унинг яқин қариндошлари Республика Фонд биржасида ёки бошқа фонд биржаларида очиқ муомалада бўлган акциядорлик жамиятининг беш фоиздан кам бўлган акцияларига эгалик қилиши бундан мустасно);

- ходим ва (ёки) унинг яқин қариндошлари турли ташкилотларни (шу жумладан, тижорат ва нодавлат нотижорат ташкилотларини) бошқаришда иштирок этишлари;

- ходим унинг яқин қариндоши ва/ёки ўзаро боғланган шахс масъул ҳисобланадиган вазирлик тизимининг маълум функцияларини назорат қилади;

- ходимнинг шахсий манфаатдорлиги бўлган шахслардан ва (ёки) унинг яқин қариндоши бўлган шахслардан товарлар харид қилиш, хизматлар кўрсатиш ёки ишларни бажариш бўйича қарорлар қабул қилишда иштирок этиши;

- олий ва ўрта махсус, профессионал таълим тизими муассасаларининг қабул комиссияси аъзоси ўзининг яқин қариндошлари ва уларнинг фарзандларини, ўзаро яқин шахслари ва уларнинг фарзандларини ўқишга қабул қилиш бўйича қарор (шу жумладан коллегиял) қабул қилиши,

шунингдек, шахсий манфаатдорлик асосида ўқишга қабул қилишни амалга ошириши;

- ходим ўзининг яқин қариндошлари ва уларнинг фарзандларини грант маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган илмий-тадқиқот ишларини амалга ошираётган илмий жамоага жалб этиш тўғрисида (ўзи ёки коллегиял) шахсий манфаатдорлик асосида ноҳолис тарзда қарор қабул қилиши;

- грант маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган илмий-тадқиқот ишларини бажариш жараёнида ходим вазирлик тизимининг штат ходими ҳисобланиши;

- ходим ўзининг яқин қариндошлари ва уларнинг фарзандларини ўқишини кўчириши/ қайта тиклаш тўғрисида қарор қабул қилишни амалга оширилиши;

- вазиятдан келиб чиқиб, бошқа ҳолатлар ҳам манфаатлар тўқнашувига олиб келиши ҳолат сифатида баҳоланиши мумкин.

8. Вазирлик тизими ходимлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган бошқа фаолият турлари билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

9. Мазкур Низомнинг 6-иловасида кўрсатилган манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини аниқлаш учун ходим қарор чиқаришидан аввал ёки хизмат ваколатларини амалга оширишдан олдин ўзига қуйидаги саволларни бериши лозим: “Мен виждонан ва ҳолисона қарор қабул қила оламанми?”, “Агар ушбу қарорни вазирликнинг бошқа ходими қабул қилса, менинг фикримга ўхшаш фикрга келармиди?” Агар ходим иккита саволлардан бирига “йўқ” деб жавоб берса, манфаатлар тўқнашувининг келиб чиқиши хавфи мавжуд бўлади.

10. Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш учун вазирлик ушбу Низомнинг 6-иловасига мувофиқ чоралар кўришлари керак.

3-боб. Манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш ва кўриб чиқиш тартиби

11. Манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

вазирлик тизимида вакант бўлган бўш иш жойларига номзодларни лавозимга тайинлаш ва ротация қилишда манфаатлар тўқнашувини дастлабки тарзда ошкор қилиш;

манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш (ҳар йиллик декларация);

потенциал ёки ҳақиқий манфаатлар тўқнашуви факти бўйича маълумотларни ошкор қилиш.

12. Вазирлик тизимидаги бўш иш жойларига номзодларни лавозимга тайинлаш ва ротация қилишда манфаатлар тўқнашувини дастлабки тарзда ошкор қилиш кадрлар билан ишлаш бўйича бош мутахассисга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш йўли билан амалга оширилади:

маълумотнома-объективка ва мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ

шаклдаги (ходим томонидан ички ҳужжатларда назарда тутилган ҳужжатларни аввал тақдим этганлигидан қатъи назар) маълумотлар (яқин қариндошлар, алоқадор шахслар, устав капиталида ходим ёки унинг яқин қариндошларининг улуши бўлган юридик шахслар, нодавлат нотижорат ташкилотларида ходимнинг ва (ёки) унинг раҳбарлик лавозимларини эгаллаб турган яқин қариндошларининг иштироки);

мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ лавозимга тайинланганда ёки йиллик декларацияни ўзгартириш (тўлдириш) пайтида манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги (мавжуд эмаслиги) тўғрисидаги ариза тўлдирилади.

13. Манфаатлар тўқнашувини дастлабки тарзда ошкор қилиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

ходим томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кадрлар билан ишлаш бўйича бош мутахассис уларда манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги ёки йўқлиги бўйича текширади. Манфаатлар тўқнашуви аниқланганида масъул ходим ушбу ходимнинг бевосита раҳбарига мазкур манфаатлар тўқнашуви ва уни ҳал қилиш учун чора кўриш зарурлиги ҳақида ёзма шаклда хабар қилади;

ходимнинг бевосита раҳбари ушбу маълумотни олган пайтдан бошлаб манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш чораларини кўради ва бу ҳақда ёзма шаклда хизмат хати кўринишида кадрлар билан ишлаш бўйича бош мутахассисга хабар қилади;

кадрлар билан ишлаш бўйича бош мутахассис ходимнинг бевосита раҳбаридан кўрилган чоралар билан хизмат хатини олган пайтдан бошлаб 5 иш куни ичида манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш бўйича кўрилган чораларнинг етарлилиги ва мақбуллигини кўриб чиқиш учун аниқланган манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотларни вазирликнинг Одоб-ахлоқ комиссиясининг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритади. Манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш бўйича чоралар кўриш юзасидан қарор вазирликнинг Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан қабул қилинади.

14. Вазирлик тизими ходими манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотни мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ ротация ёки тайинлаш ва йиллик декларацияни тўлдириш вақтида манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги/мавжуд эмаслиги тўғрисидаги ариза топшириш йўли билан ҳар йил ошкор қилиши лозим.

Манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотларни ҳар йили ошкор қилиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

вазирлик тизими барча ходимлари ҳисобот даврида юз берган воқеалар ва ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, манфаатлар тўқнашувининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги ҳақида кадрлар билан ишлаш бўйича бош мутахассисга бир йилда бир марта хабар бериши шарт;

вазирлик тизими ходимлари ҳар йили 10 февралгача манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотни ротация (лавозимга тайинланиш)да ва мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда ҳар йили ариза топширишда манфаатлар тўқнашувининг мавжудлиги (йўқлиги) ҳақидаги аризани тўлиқ ва тўғри тўлдиришлари ва тўлдирилган аризани кадрлар билан ишлаш бўйича бош мутахассисга тақдим қилишлари лозим;

вазирликнинг Ташкилий-кадрлар бошқармаси ходимларда манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги (йўқлиги) ҳақида хабар бериш зарурлиги тўғрисидаги топшириқни барча ходимларга етказди;

вазирликнинг кадрлар билан ишлаш бўйича бош мутахассиси ҳар йили 10 мартгача манфаатлар тўқнашуви мавжудлигини кўрсатган ходимларни аниқлаш учун манфаатлар тўқнашувининг мавжудлиги ёки йўқлиги ҳақида олинган аризаларни таҳлил қилади;

манфаатлар тўқнашуви мавжуд деб топилган ходимлар тўғрисидаги маълумот уларнинг бевосита раҳбарларига етказилади ҳамда вазирликнинг Одоб-ахлоқ комиссиясига ёки вазирликнинг коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс-назорат тизимини мувофиқлаштирувчисига юборилади (агарда Одоб-ахлоқ комиссияси аъзоларида манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлган тақдирда);

Одоб-ахлоқ комиссияси ходимнинг бевосита раҳбари ва (зарурат бўлганда) ходим иштирокида 20 мартгача манфаатлар тўқнашуви ҳолатини кўриб чиқади ва манфаатлар тўқнашуви билан тавсифланадиган вазиятларни ҳал қилиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқади ёки манфаатлар тўқнашуви мавжуд эмаслиги ҳақида қарор чиқаради;

манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги/йўқлиги ва уларни ҳал қилиш бўйича мўлжалланаётган чоралар ҳақидаги якуний қарор Одоб-ахлоқ комиссиясининг баённомасига киритилади ва ходимга етказилади. Манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш бўйича тасдиқланган чора-тадбирларни амалга ошириш устидан назорат қилиш бўйича жавобгарлик ходимнинг бевосита раҳбари зиммасида бўлади.

16. Мавжуд ёки потенциал манфаатлар тўқнашувининг келиб чиқиши факти бўйича маълумотларни ошкор қилиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

вазирлик тизимининг ҳар қандай ходимида манфаатлар тўқнашуви келиб чиққанда, у бу ҳақда бевосита раҳбарига ҳақиқий ёки потенциал манфаатлар тўқнашуви сифатида тавсифланадиган ҳолатни батафсил баён этиб мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шаклда хабар бериши лозим;

кўрсатилган маълумот ходимлар томонидан манфаатлар тўқнашуви келиб чиққан ёки ходимга манфаатлар тўқнашуви маълум бўлган пайтдан бошлаб бир иш куни ичида ёзма шаклда тақдим этилиши керак;

ходимнинг бевосита раҳбари ходимдан ёзма хабарни олган пайтдан бошлаб уч иш куни ичида манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотни кўриб чиқиши ва манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлганида ходимнинг манфаатлар тўқнашуви келиб чиқиш эҳтимоли ҳақидаги хабарномасида тегишли маълумотни тўлдириб, уни ҳал қилиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиши ва қабул қилиш лозим;

хабарнома ходим томонидан бир иш куни ичида кадрлар билан ишлаш бўйича бош мутахассисга рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш учун тақдим этилади;

кадрлар билан ишлаш бўйича бош мутахассис хабарномани олиб, бир иш куни ичида манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш бўйича кўрилган

чораларнинг етарлилиги ва мақбуллиги ҳақида қарор чиқариш учун Одоб-ахлоқ комиссиясининг энг яқин вақтдаги мажлиси кун тартибига киритиши лозим. Одоб-ахлоқ комиссиясининг қарори Одоб-ахлоқ комиссиясининг мажлиси баённомасига киритилади ва ходимга у тузилган пайтдан бошлаб уч иш куни ичида маълум қилинади.

Одоб-ахлоқ комиссиясининг аъзоси, агар унда Комиссия мажлисида манфаатлар тўқнашуви кўриб чиқиладиган ходимга нисбатан манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлганда қарор қабул қилишда иштирок этмайди;

агар манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ бўлган аниқ вазият Одоб-ахлоқ комиссиясининг аъзоларига алоқадор бўлса, бундай маълумотлар олинган кундан бошлаб бир иш куни ичида вазирликнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича мувофиқлаштирувчисига тақдим этилиши лозим;

манфаатлар тўқнашувининг ҳал этилишига қараб вазирликнинг Одоб-ахлоқ комиссиялари томонидан манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги ҳақида хулоса қилинади ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирига кўриб чиқиш учун тақдим этилади;

вазирлик тизими ходимлари томонидан ошкор этилган мавжуд ёки потенциал манфаатлар тўқнашуви ҳамда уларни ҳал этиш бўйича кўрилган чоралар ҳақидаги маълумот Одоб-ахлоқ комиссиясининг мажлиси баённомаси тузилганидан сўнг уч иш куни ичида Манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари реестрида акс эттирилади.

4-боб. Манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш чоралари

17. Вазирлик манфаатларининг бузилишини олдини олиш учун мавжуд манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш чоралари имкон қадар тезроқ амалга оширилиши лозим.

18. Вазирлик тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқаришда қуйидаги чоралар белгиланиши керак:

бевосита бўйсунадиган ходимни яқин қариндоши бўлмаган бошқа шахс бўйсунувига ўтказиш;

манфаатлар тўқнашуви предмети бўлган масалаларни муҳокама қилишда ва улар бўйича қарор чиқариш жараёнида қатнашишдан ходимнинг ўз ихтиёрига кўра четлашиш/ўзини ўзи рад этиши ёки уни мажбуран (доимий ёки вақтинча) четлаштирилиши;

манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик учун ходимнинг лавозим мажбуриятлари доирасини қайта кўриш;

ходим томонидан унинг шахсий манфаатдорлиги бўлган ва манфаатлар тўқнашуви предмети бўлган вазирликнинг маълумотлари ва ҳужжатларидан фойдаланилишини чеклаш;

юқорида лавозимни эгаллаб турган яқин қариндош ёки алоқадор шахсга нисбатан лавозимни кўтариш, фаолиятини баҳолаш, мукофот пулларини тўлаш ва иш ҳақидаги устамаларни ҳисоблаш, ўқишга ва тренингларга ҳамда ҳар қандай масалалар бўйича хорижга юбориш, меҳнат таътилига чиқишга розилик бериш ва иш ҳақини назорат қилиш ҳақида

жамоавий тарзда қарор қабул қилинишини таъминлаш;

ходимни манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ бўлмаган меҳнатга оид функцияларни бажаришини назарда тутадиган лавозимга ўтказиш ва бошқа ҳолатлар.

19. Истисно ҳолатларда, ушбу Низомнинг 14-бандида санаб ўтилган чоралар манфаатлар тўқнашувини тўлиқ ҳал қилмаган тақдирда, қуйидаги ҳал қилиш чоралари кўрилиши мумкин:

ходим томонидан вазирликнинг манфаатларига тўқнаш келадиган шахсий манфаатдорлигидан воз кечиши;

ходим томонидан вазирликнинг манфаатларига тўқнаш келадиган шахсий манфаатдорлигидан воз кечмаганда уни ишдан бўшатиш (меҳнат шартномасини бекор қилиш)га тавсия бериш.

20. Ҳар бир вазиятда, манфаатлар тўқнашуви предметини белгилаб берадиган фактдан келиб чиқиб, ходим билан вазирликнинг келишувига кўра уни ҳал қилишнинг бошқа чоралари қўлланилиши мумкин. Кўриладиган барча чоралар қонунчилик талабларига мувофиқ бўлиши ва мазкур Низомда белгиланган тамойилларни амалга оширишни таъминлаши лозим.

5-боб. Ахборотнинг конфиденциаллиги

21. Манфаатлар тўқнашувини ҳал қилишда қатнашадиган ходимлар олинган маълумотларнинг махфийлигини таъминлаши ва ушбу маълумотлардан фақат кўриб чиқиш, ҳисобга олиш ва ҳал этиш чораларини кўриш ҳамда ушбу жараёни назорат қилиш учун масъул бўлган шахслар томонидан фойдаланилишини таъминлаши лозим.

22. Жисмоний ва юридик шахслар томонидан вазирлик ходимларида манфаатлар тўқнашуви факти ёки гумони ҳақидаги хабар билан вазирликка мурожаат қилинганида уни кўриб чиқиш вазирликнинг кадрлар билан ишлаш бўйича бош мутахассиси томонидан амалга оширилади.

6-боб. Реестрни юритиш ва сақлашга қўйиладиган талаблар

23. Вазирликнинг кадрлар билан ишлаш бўйича бош мутахассиси манфаатлар тўқнашуви ҳолатларининг ҳисобини мазкур Низомнинг 5-иловасига мувофиқ шаклда Реестрга киритиш йўли билан ўз вақтида ва тўлиқ юритиши шарт.

24. Вазирликнинг кадрлар билан ишлаш бўйича бош мутахассиси ходимларнинг манфаатлар тўқнашуви ҳолатларининг ҳисобини ўз вақтида ва тўлиқ юритилишига жавобгар ҳисобланади.

25. Вазирликнинг кадрлар билан ишлаш бўйича бош мутахассиси манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари ҳақидаги маълумотларни яъни Реестрни ҳар чоракда (ёки заруратга кўра) йиғиш ва умумлаштириш йўли билан тўплаши лозим.

26. Маълумот Реестрга қуйидаги ҳолларда киритилиши керак:

вазирликка ишга қабул қилишда – Одоб-ахлоқ комиссиясининг

баённомаси тузилган пайтдан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмасдан, агар номзод манфаатлар тўқнашувининг мавжудлиги/йўқлиги ҳақида аризада манфаатлар тўқнашувининг мавжудлигини кўрсатган бўлса ва Одоб-ахлоқ комиссияси манфаатлар тўқнашуви келиб чиқиши мумкинлиги фактини тасдиқласа;

лавозимга тайинлаш/ротация вақтида манфаатлар тўқнашувини ошкор қилишда – вазир ҳамда тизим ташкилотлари раҳбари томонидан буйруқ имзоланган пайтдан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмасдан;

манфаатлар тўқнашуви келиб чиқишига кўра – Одоб-ахлоқ комиссиясининг баённомаси тузилган пайтдан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмасдан, агар Одоб-ахлоқ комиссияси манфаатлар тўқнашуви келиб чиқиши мумкинлиги фактини тасдиқласа;

вазирлик тизими ходимлари томонидан манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотни ҳар йили декларация қилинганда – мазкур Низомнинг 12-бандига мувофиқ;

вазирликнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича мувофиқлаштирувчиси томонидан Реестрга маълумот киритиш ҳақида бевосита кўрсатма бўлганида коррупциявий тавсифдаги маълумотни хабар қилиш учун манфаатлар тўқнашувининг мавжудлиги ҳақида алоқа каналларидан олинган маълумот тасдиқланганда;

ички хизмат текширувлари ўтказилганда ва вазирликнинг коррупцияга қарши курашиш сиёсати ва талабларига риоя қилиниши мониторинг қилинганда ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича мувофиқлаштирувчиси томонидан Реестрга маълумот киритиш ҳақида бевосита кўрсатма бўлганида.

Ходимларнинг манфаатлар тўқнашувига тегишли бўлган ариза ва хабарномалари ҳамда бошқа маълумотлар вазирликнинг кадрлар билан ишлаш бўйича бош мутахассисида сақланиши шарт.

7-боб. Жавобгарлик

27. Барча ходимлар эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар, ушбу Низом талабларига риоя қилиш, шунингдек ўз манфаатларининг тўқнашуви тўғрисида вазирликка ўз вақтида ва тўлиқ маълумот бериш бўйича шахсан жавобгар ҳисобланади.

28. Манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари келиб чиққан ходимлар тегишли маълумотни таҳлил қилиш ва бошқа текширишларни ўтказишда Вазирликнинг масъул шахсларига кўмаклашишлари лозим.

29. Ходимнинг манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги маълумотларни яшириш ва (ёки) қасддан ўз вақтида ёки тўлиқ ошкор этмаслиги, вазирлик манфаатларининг бузилишига олиб келганлиги ёки олиб келмаганлигидан қатъи назар, қабул қилинган ахлоқий нормалар, меҳнат интизоми ҳамда ички талаблар бузилиши сифатида қаралади.

30. Манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотларни умумлаштириш, кўриб чиқиш ҳамда манфаатлар тўқнашувини ҳал этиш бўйича масъул

ходимлар, шу жумладан ушбу маълумотлардан фойдаланиш ваколатига эга ходимлар томонидан ахборотнинг конфиденциаллигини ҳар қандай кўринишда бузилиши ходимни интизомий жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

31. Ходимда у онгли равишда мазкур Низомда белгиланган тартибда масъул мансабдор шахсларга хабар бермаган, хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажармаслигига олиб келган ёки манфаатлар тўқнашуви аниқланганда, бундай ходим Ўзбекистан Республикаси қонунчилигида ва вазирликнинг ички ҳужжатларида белгиланган асосларда ва тартибда интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва
ўрта махсус таълим вазирлигининг
манфаатлар тўқнашувини бошқариш
тўғрисида низомга 1-илова

МАЪЛУМОТНОМА

Саломов Салом Ибодович

Расм 3x4 см.
охирги 1 ой
давомида
олинган рангли
фотосурат орка
фон ок рангда
(расмий кийимда)

2020 йил 5 мартдан:

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг
Назорат-таҳлил бошқармаси етакчи мутахассиси**

Туғилган йили:

17.08.1991

Миллати:

ўзбек

Маълумоти:

олий

Маълумоти бўйича мутахассислиги:

Илмий даражаси:

йўқ

Қайси чет тилларини билади :

рус ва инглиз тилларини

Туғилган жойи:

Кашқадарё вилояти, Қарши шаҳри

Партиявийлиги:

йўқ

Тамомлаган:

2010 йил, Тошкент давлат юридик
университети ҳуқуқшунос

Илмий унвони:

йўқ

Харбий (махсус) унвони:

йўқ

Давлат мукофотлари билан

тақдирланганми:

йўқ

**Халқ депутатлари, республика, вилоят, шаҳар ва туман Кенгаши депутатими ёки
бошқа сайланадиган органларнинг аъзосими:**

йўқ

МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ

2006-2010 йй. – Тошкент давлат жаҳон тиллари университети талабаси

2010-2011 йй. –

2011-2012 йй. –

2012-2019 йй. –

2020-х.в.. –

**Абдуллаев Абдулла Абдуллаевичнинг яқин қариндошлари ҳақида
МАЪЛУМОТ**

Т/р	Фамилияси, исми ва отасининг исми	Қариндош- лиги	Туғилган йили ва жойи	Иш жойи ва лавозими	Яшаш жойи
1.					
2.					
3.					
4.					
5.					
6.					
7.					

МАЪЛУМОТ
тижорат ташкилотларининг устав фондида қатнашадиган
 _____ (тўлик исми)
билан боғлиқ томонлар тўғрисида

Тижорат ташкилоти номи	Ф.И.О.	Эгалик улуши

МАЪЛУМОТ
устав фондида ўз улушига эга бўлган
 _____ (тўлик исми) ва/ёки
унинг яқин қариндошлари ва тегишли шахслар

Юридик шахснинг номи	Эгалик ва қариндошлик	Эгалик ҳиссаси	Фаолиятнинг асосий тури

МАЪЛУМОТ
нодавлат нотижорат ташкилотларини бошқарувида
 _____ (тўлик исми) ва/ёки унинг
яқин қариндошларининг иштироки тўғрисида

Нодавлат нотижорат ташкилотнинг номи	Ф.И.О. ва қариндошлик даражаси	Мажбурияти

**Лавозимга тайинланганда ёки йиллик декларацияни ўзгартириш/тўлдириш
пайтида манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги/мавжуд эмаслиги тўғрисидаги
аризанинг
НАМУНАВИЙ ШАКЛИ**

Ф.И.О. (тўлиқ):	
Таркибий бўлинма:	

Ушбу аризада қуйидаги атамалар қўлланилади:

яқин қариндошлар – қариндош ёки қуда томондан қариндош бўлган шахслар, яъни ота-она, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан фарзандликка олинганлар, бобо, буви, неваралар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллари;

алоқадор шахслар – ходим билан тижорат ташкилотларининг устав калиталида иштирок этадиган шахслар, акциялари Республика фонд биржасида оммавий муомалада бўлган акциядорлик жамиятларининг беш фоизидан кам бўлган миқдордаги акцияга эга эканлиги ҳолатлари бундан мустасно;

манфаатлар тўқнашуви – шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик Вазирлик ходимининг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан Вазирликнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

ходимнинг шахсий манфаатдорлиги – Вазирлик ходими томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариш чоғида унинг яқин қариндоши ёки ходимга алоқадор бўлган шахслар томонидан ходимнинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган пул маблағлари, моддий ёки номоддий қимматликлар, бошқа мол-мулк, бойлик ва имтиёзлар кўринишида шахсий наф олиш имконияти (шахсий, ижтимоий, молиявий, сиёсий ва бошқа тижорат ёки нотижорат манфаатлари).

Т/р	
1.	Агар сизнинг яқин қариндошларингиз ва/ёки алоқадор шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида ишлаётган бўлса, уларнинг мавқеини ва таркибий бўлинмасини кўрсатинг (агар улар ишламаса, “Йўқ,” деб ёзинг).
2.	Агар сиз, сизнинг яқин қариндошларингиз ва/ёки алоқадор шахсларингиз тижорат ташкилотларининг устав калиталида иштирок этса (ёки яқка тартибдаги тадбиркорлар бўлса), сизнинг эгаллаб турган лавозим манфаатлар тўқнашувига олиб келади деб ўйлайсизми? (агар иштирок этса уларни кўрсатинг, иштирок этмаса, “Иштирок этмайди”, агар у манфаатлар тўқнашувига олиб келса “Сабабини кўрсатинг”, олиб келмаса, унда “Олиб келмайди ” деб кўрсатинг).

3.	Агар сиз, сизнинг яқин қариндошларингиз ва/ёки унга алоқадор шахсларингиз нодавлат нотижорат ташкилотини бошқаришда қатнашса, сизнинг эгаллаб турган лавозимингиз манфаатлар тўқнашувига олиб келади деб ўйлайсизми? (агар иштирок этса уларни кўрсатинг, иштирок этмаса, “Иштирок этмайди”, агар у манфаатлар тўқнашувига олиб келса “Сабабини кўрсатинг”, олиб келмаса, унда “Олиб келмайди” деб кўрсатинг).
4.	Сизнинг яқин қариндошларингиз ва/ёки алоқадор шахсларингиз давлат идораларида ва ташкилотларда ишлайдими?
5.	Сиз, сизнинг яқин қариндошларингиз ва/ёки алоқадор шахсларингиз Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида ишлашга шахсий қизиқиш билдирадими? Ҳа бўлса, батафсил ёзинг.
6.	Агар манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса, уларни кўрсатинг.
7.	Агар керак бўлса, қўшимча маълумотларни кўрсатинг.

Ушбу аризани имзолаб, қуйидагиларни тасдиқлайман:

менда манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ҳолатлар **мавжуд/мавжуд эмас**; (тегишли жавобни остки қисмига чизиқча чизинг);

ушбу аризада акс этган маълумотлар тўлиқ ва ҳаққонийдир ҳамда мен ушбу маълумотларни Вазирлик томонидан текширилишига розилик билдираман;

Вазирликнинг манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги низом талабларига биноан, мен тўлдирган ҳар қандай аризани ҳаққонийлигига таъсир қиладиган янги ҳолатлар тўғрисида Вазирлик раҳбариятига дарҳол хабар бериш мажбуриятини оламан.

(Ф.И.О.)

(имзо)

(сана)

**Ротация ёки тайинлаш ва йиллик декларацияни тўлдириш вақтида манфаатлар
тўқнашуви мавжудлиги/мавжуд эмаслиги тўғрисидаги аризанинг
НАМУНАВИЙ ШАКЛИ**

Ф.И.О. (тўлиқ):	
Таркибий бўлинма:	
Лавозими	
Бевосита раҳбарининг Ф.И.О. ва лавозими	

Ушбу аризада қуйидаги атамалар қўлланилади:

яқин қариндошлар – қариндош ёки қуда томондан қариндош бўлган шахслар, яъни ота-она, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан фарзандликка олинганлар, бобо, буви, неваралар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллари;

алоқадор шахслар – ходим билан тижорат ташкилотларининг устав калиталида иштирок этадиган шахслар, акциялари Республика фонд биржасида оммавий муомалада бўлган акциядорлик жамиятларининг беш фоизидан кам бўлган миқдордаги акцияга эга эканлиги ҳолатлари бундан мустасно;

манфаатлар тўқнашуви – шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик Вазирлик ходимининг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан Вазирликнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

ходимнинг шахсий манфаатдорлиги – Вазирлик ходими томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариш чоғида унинг яқин қариндоши ёки ходимга алоқадор бўлган шахслар томонидан ходимнинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган пул маблағлари, моддий ёки номоддий қимматликлар, бошқа мол-мулк, бойлик ва имтиёзлар кўринишида шахсий наф олиш имконияти (шахсий, ижтимоий, молиявий, сиёсий ва бошқа тижорат ёки нотижорат манфаатлари).

Т/р	
1.	Агар сизнинг яқин қариндошларингиз ва/ёки алоқадор шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида ишлаётган бўлса, уларнинг мавқеини ва таркибий бўлинмасини кўрсатинг (<i>агар улар ишламаса, “Йўқ,” деб ёзинг</i>).
2.	Агар сиз, сизнинг яқин қариндошларингиз ва/ёки алоқадор шахсларингиз тижорат ташкилотларининг устав калиталида иштирок этса (ёки яқка тартибдаги тадбиркорлар бўлса), сизнинг эгаллаб турган лавозим манфаатлар тўқнашувига олиб келади деб ўйлайсизми? (<i>агар иштирок этса уларни кўрсатинг, иштирок этмаса, “Иштирок этмайди”</i>).

	<i>агар у манфаатлар тўқнашувига олиб келса “Сабабини кўрсатинг”, олиб келмаса, унда “Олиб келмайди ” деб кўрсатинг).</i>
3.	Агар сиз, сизнинг яқин қариндошларингиз ва/ёки унга алоқадор шахсларингиз нодавлат нотижорат ташкилотини бошқаришда қатнашса, сизнинг эгаллаб турган лавозимингиз манфаатлар тўқнашувига олиб келади деб ўйлайсизми? <i>(агар иштирок этса уларни кўрсатинг, иштирок этмаса, “Иштирок этмайди”, агар у манфаатлар тўқнашувига олиб келса “Сабабини кўрсатинг”, олиб келмаса, унда “Олиб келмайди” деб кўрсатинг).</i>
4.	Сизнинг яқин қариндошларингиз ва/ёки алоқадор шахсларингиз давлат идораларида ва ташкилотларда ишлайдими?
5.	Сиз, сизнинг яқин қариндошларингиз ва/ёки алоқадор шахсларингиз олий таълим муассасаларида ишлашга шахсий қизиқиш билдирадими? Ҳа бўлса, батафсил ёзинг.
6.	Агар манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса, уларни кўрсатинг.
7.	Агар керак бўлса, қўшимча маълумотларни кўрсатинг.

Ушбу аризани имзолаб, қуйидагиларни тасдиқлайман:

менда манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ҳолатлар **мавжуд/мавжуд эмас** (тегишли жавобни остки қисмига чизиқча чизинг);

ушбу аризада акс этган маълумотлар тўлиқ ва ҳаққонийдир ҳамда мен ушбу маълумотларни Вазирлик томонидан текширишга розилик билдираман;

Вазирликнинг манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги низом талабларига биноан, мен тўлдирган ҳар қандай аризани ҳаққонийлигига таъсир қиладиган янги ҳолатлар тўғрисида Вазирлик раҳбариятига дарҳол хабар бериш мажбуриятини оламан.

(Ф.И.О.)

ИМЗО

сана

Ўзбекистон Республикаси Олий ва
ўрта махсус таълим вазирлигининг
манфаатлар тўқнашувини бошқариш
тўғрисида низомга 4-илова

_____ га
(бевосита раҳбарнинг Ф.И.О. тўлиқ;
исми)

_____ дан,
Ф.И.О.

_____ (таркибий бўлим ва лавозим)

_____ (телефон рақами)

ХАБАРНОМА
манфаатлар тўқнашувининг келиб чиқиш эҳтимоли ҳақида

Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2021 йил “__” июлдаги “__” – сон
буйруғига асосан мен, _____

(Ф.И.Ш., лавозими ва вазифаси)

2021 йил “__” _____ дан, _____

_____ сизга манфаатлар тўқнашувининг келиб чиқиш эҳтимоли ҳақида қуйидагиларни хабар
киламан: _____

_____ (Шахсий манфаатлар (тўғридан-тўғри ёки билвосита) хизмат вазифаларини бажаришига таъсир
қилиши ёки таъсир қилиши мумкин бўлган ва ходимнинг шахсий манфаати билан вазирликнинг
манфаатларига зид қилиши мумкин бўлган вазиятни тасвирлайди).

_____ (Ф.И.О.)

_____ (имзо)

_____ (сана)

Ходимнинг бевосита раҳбари томонидан тўлдирилади.

Манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш учун қуйидаги ҳал қилиш чоралари кўрилди:

_____ (манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш учун кўрилган чоралар кўрсатилади)

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисида низомга б-илова

**Манфаатлар тўқнашувини олдини олиш бўйича
ТАДБИРЛАР**

Т/р	Вазият	Даврийлиги	Амалга ошириладиган тадбирлар
1.	Ишга қабул қилиш/ ротация/лавозими ўзгариши	Бир вақтнинг ўзида	Яқин қариндошлар ва/ёки алоқадор шахслар билан бир-бирларига тўғридан-тўғри бўйсувда ишлашига йўл қўйилмаслигини таъминлаш. Ҳар бир ходимни мазкур Низом билан имзо қўйдирган ҳолда таништириш. Манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлган шахсни танлов/аттестация комиссияси таркибидан чиқариш чораларини кўриш.
2.	Харид қилиш шартномаларини тузиш	Бир вақтнинг ўзида	Контрагентлардан таъсисчилар, мулкдорлар, раҳбарлари ва яқиний бенифициарлар тўғрисида маълумотларни сўраб олиш.
3.	Давлат органлари, корхоналари, муассасалари ва бошқа ташкилотлар фаолиятида интеллектуал мулк соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя этилиши бўйича ўрганишлар	Бир вақтнинг ўзида	Ишчи гуруҳ таркибидан текшириладиган давлат органлари, корхоналари, муассасалари ва бошқа ташкилотларда ишлаётган яқин қариндошлари ва алоқадор шахслари мавжуд ходимларни чиқариб ташлаш.
4.	Ходимлар томонидан манфаатлар тўқнашуви тўғрисида аризаларни тўлдирish	Ҳар йили	Ходимларнинг яқин қариндошлари ва алоқадор шахслари тўғрисидаги маълумотларни аниқлаш.
5.	Қоррупцияга қарши курашиш бўйича ўқувларни ўтказиш	Ўқув режасига мувофиқ	Потенциал ва ҳақиқий манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини, улар тўғрисида хабардор қилиш тартиби ва уларни ҳал қилиш тўғрисида.
6.	Ходимларнинг қоррупцияга қарши курашиш бўйича маслаҳатлар	Амалий	Ходимларнинг манфаатларига зид бўлган низоларни бошқариш бўйича маслаҳатларни Вазирликнинг қоррупцияга қарши курашиш бўйича координатори, ахлоқ комиссияси ёки мавжуд алоқа каналлари орқали олишларини таъминлаш.
7.	Алоқа каналларига мурожаатларни қабул қилиш	Доимий	Вазирлик ходимлари учун манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги хабарларни ўз вақтида ва тўғри қабул қилинишини, рўйхатдан ўтказилишини ва қайта ишлашини доимий равишда таъминлаш.
8.	Қоррупцияга қарши курашиш тизимининг самарадорлигини мониторинг қилиш	Доимий	Самарадорлигини мониторинг қилиш ва баҳолаш жараёнларни автоматлаштириш ва икки ёки ундан ортик шахсларни мувофиқлаштириш бўйича қарорлар қабул қилиш орқали манфаатлар тўқнашувини бошқариш тизимини доимий равишда тақомиллаштириш.
9.	Қоррупцияга қарши курашиш тизимининг самарадорлигини мониторинг қилиш	Доимий	Самарадорлигини мониторинг қилиш ва баҳолаш жараёнларни автоматлаштириш ва икки ёки ундан ортик шахсларни мувофиқлаштириш бўйича қарорлар қабул қилиш орқали манфаатлар тўқнашувини бошқариш тизимини доимий равишда тақомиллаштириш.



Ўзбекистон Республикаси Олий ва
Ўрта махсус таълим вазирининг
23-сонли буйруғига
4-илова
«14» август 2021 йил

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида коррупцион хавф-хатарларни баҳолаш ЙЎРИҚНОМАСИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Йўриқнома Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, унинг ҳудудий бошқармалари, бўйсунувчи марказлари ҳамда олий таълим, профессионал таълим (кейинги ўринларда – Вазирлик тизими)га юклатилган вазифа ва функцияларни бажариш жараёнида келиб чиқадиган коррупцион хавф-хатарларни баҳолашга қўйиладиган талабларни белгилайди ҳамда Вазирликда, унинг ҳудудий бошқармаларида, бўйсунувчи марказлари ва олий таълим, профессионал таълим муассасалари (кейинги ўринларда - бўйсунувчи марказлар ва муассасалар)да коррупцион хавф-хатарларни баҳолаш бўйича ягона ёндашувни шакллантиришга қаратилган.

2. Вазирлик тизимида коррупцион хавф-хатарларни баҳолашдан мақсад қуйидагилардан иборат:

Вазирлик тизими фаолиятини ҳар томонлама таҳлил қилиш орқали коррупциявий хавф-хатари юқори бўлган лавозимлар ва функцияларни аниқлаш;

Коррупцион хавф-хатарларни минималлаштириш борасида самарали профилактик чораларни ишлаб чиқиш.

3. Вазирлик тизимида коррупцион хавф-хатарларни баҳолаш қуйидагиларни ишлаб чиқишни назарда тутди:

коррупцион хавф-хатарларни минималлаштириш хариталари;

Вазирлик тизимида коррупцияга қарши кураш бўйича чоратadbирларни, масъул ижрочиларни, амалга ошириш механизмини ва уларни бажариш муддатларини ўз ичига олган дастур.

4. Вазирлик тизимида коррупцион хавф-хатарларни баҳолаш ҳар йили, истисно тариқасида қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

Коррупцион хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш зарурати;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилига ўзгаришлар киритилган тақдирда;

Вазирлик тизимининг ички ҳужжатларида функциялар ёки жараёнларни амалга оширилишига сезиларли таъсир кўрсатадиган ўзгаришлар киритилганда;

Вазирлик, унинг ҳудудий бошқармалари, бўйсунувчи марказлари ва муассасалари таркибида ўзгаришлар киритилганда, янги функциялар пайдо бўлганда, Вазирлик тизимида хавф-хатар функцияларни амалга ошириш хусусиятларида ўзгаришлар юзага келганда;

Вазирлик тизимида коррупцион хавф-хатарлар даражасига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа мажбуриятлар юзага келганда.

5. Мазкур Йўриқномада қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

Коррупцион хавф-хатарлар харитаси - вазирлик тизимидаги орган ёки муассасада коррупцион хавф-хатарларни баҳолаш натижалари бўйича тузиладиган ҳужжат бўлиб, у ўз ичига давлат органи ёки муассасасининг функциялари ва жараёнлари рўйхатини, тегишли функцияларни амалга ошириш билан боғлиқ эҳтимолий коррупцион хавф-хатар(схема)лар тавсифини, коррупцион хавф-хатарларнинг мавжуд ёки қолдиқ даражасини, уларни камайтириш бўйича тадбирларни, амалга ошириш муддатларини, аниқланган коррупцион хавф-хатарларни камайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш учун жавобгар ходимларни қамраб олади.

Коррупцион хавф-хатарларни умумлашган харитаси – вазирлик тизимида коррупцион хавф-хатарларни баҳолаш натижалари бўйича тузиладиган умумлашган ҳужжат бўлиб, у ўз ичига вазирлик тизимидаги функциялар ва жараёнларнинг умумий рўйхатини, тегишли функцияларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган, эҳтимолий коррупцион хавф-хатар(схема)лар тавсифини, коррупцион хавф-хатарларнинг мавжуд ёки қолдиқ даражасини, уларни камайтириш бўйича тадбирларни, аниқланган коррупцион хавф-хатарларни камайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш учун жавобгар ходимларни қамраб олади.

Коррупцион хавф-хатар - вазирлик тизими ходимлари ёки учинчи шахслар томонидан вазирлик тизими номидан ва/ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб кўзлаб коррупциявий хатти-ҳаракатларни содир этиш эҳтимоли ва хавфи, шу жумладан:

табиий хавф-хатар - вазирлик, ҳудудий бошқарма, бўйсунувидаги марказ ёки муассаса учун хос хавф-хатар тури бўлиб, уни камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни ижросини инобатга олмаган ҳолда амалга ошириладиган функциялар ва фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари (яъни, мавжуд коррупцияга қарши кураш сиёсати ва тартиб-таомилларни,

шунингдек хавф-хатарни камайтириш ҳамда жорий этилган назорат чора-тадбирларини инобатга олмаган ҳолда);

Қолдиқ хавф-хатар - вазирлик, ҳудудий бошқарма, бўйсунувидаги марказ ёки муассаса томонидан хавф-хатарга қарши чораларни кўрганидан кейин қоладиган хавф-хатар тури (яъни, мавжуд коррупцияга қарши кураш сиёсати ва тартиб-таомилларни, шунингдек хавф-хатарларни камайтириш ҳамда жорий этилган назорат чора-тадбирларини инобатга олган ҳолда);

Коррупциявий ҳаракатлар – ходим томонидан пора берувчининг манфаатларини кўзлаб ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги учун бевосита ёки билвосита, шахсан ёки учинчи шахслар орқали порани, яъни пул, қимматбаҳо қоғозлар, бошқа мол-мулкни, мулкӣ тусдаги хизматларни, бошқа мулкӣ ҳуқуқларни олиш, талаб қилиш, таклиф қилиш, ваъда қилиш, шунингдек пора бериш ва (ёки) олишда воситачилик қилиш, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловларни олиш, ходим томонидан пора олиш ёки ҳуқуққа хилоф бошқа мақсадларда ўз хизмат мавқеидан ноқонуний фойдаланиш;

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик – коррупция белгиларига эга бўлган, содир этилганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг таркибий бўлинмаси Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш учун масъул бўлинмалар;

Коррупцион хавф-хатарларни баҳолаш – Вазирлик, ҳудудий бошқармалар, бўйсунувидаги марказлар ва муассасаларнинг амалга оширадиган вазифаларини таҳлил қилиш, уларнинг коррупцион хавф-хатарларга мойиллиги даражасини аниқлаш, шунингдек тегишли функциялар доирасида амалга ошириладиган жараёнлар учун табиий ва қолдиқ хавф-хатарларни баҳолаш бўйича фаолият тури;

Тартиб – битта шахс томонидан бажарилиши асосида битта гуруҳга бирлаштирилиши мумкин бўлган ёки битта натижага йўналтирилган ёки маълум бир жараённинг ажралмас элементи бўлган Вазирлик, ҳудудий бошқарма, бўйсунувчи марказ ёки муассаса функцияларини амалга ошириш доирасидаги ҳаракатлар мажмуи;

Функция – бир неча тартиб-таомиллар йиғиндисини ташкил этувчи Вазирлик, ҳудудий бошқарма, бўйсунувчи марказ ва муассаса фаолиятининг ички жараёнларидан бири (фаолият йўналиши).

Эксперт хулосаси - Вазирлик тизимидаги бўлинма ёки ходимнинг субъектив қарашлари ёки фикрига, маълум бир далил ёки жараёнга асосланган қарор.

6. Вазирлик тизимидаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш уни амалга ошириш муддатлари кўрсатилган ҳолда, Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг кўрсатмалари асосида амалга оширилади.

7. Коррупцион хавф-хатарларни баҳолаш ишчи гуруҳлар томонидан амалга оширилади, уларнинг таркиби қуйидагича тасдиқланади:

вазирлик учун - вазир томонидан;

ҳудудий бошқармалар, бўйсунувчи марказлар ва муассасалар учун - тегишли идора ёки муассасалар раҳбарлари томонидан.

8. Вазирлик, ҳудудий бошқарма, бўйсунувчи марказ ёки муассасанинг ишчи гуруҳлари таркибига қуйидагилар киради:

Вазирликнинг Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими ёки координатор/ тегишли ҳудудий бошқарма ёки бўйсунувидаги муассасада коррупцияга қарши курашиш бўлими ходими;

вазирлик, ҳудудий бошқарма, бўйсунувидаги марказ ёки муассаса функциялари (вазифалари)ни бажарувчи таркибий бўлинмалар раҳбарлари;

коррупцион хавф-хатарлар даражасини баҳолаш учун етарли билим ва тажрибага эга бўлган Вазирлик тизимининг бошқа ходимлари.

9. Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими вазирликдаги коррупцион хавф-хатарларни баҳолашни амалга оширади, шунингдек, вазирликнинг барча ҳудудий бошқармаларида, унга бўйсунувчи марказлар ва муассасаларда хавф-хатарларни баҳолашни (ҳудудий бошқармалар, бўйсунувчи марказлар ва муассасаларда коррупцияга қарши курашиш учун масъуллар/координаторларни жалб қилган ҳолда) амалга оширилишини ташкил қилади, шу билан бирга қуйидаги вазифаларни ҳам бажаради:

вазирлик тизимидаги коррупцион хавф-хатарларни баҳолаш жараёни устидан умумий назоратни олиб бориш;

мазкур Йўриқномада назарда тутилган тартибга риоя қилиш юзасидан ҳудудий бошқармалар, бўйсунувчи марказлар ва муассасаларда, шунингдек, вазирликнинг марказий аппарати бўлинмаларида коррупцияга қарши курашиш бўйича масъулларга / координаторларга маслаҳат беради;

худудий бошқармалар, бўйсунувчи марказлар ва муассасалардан олинган коррупцион хавф-хатарлар хариталарини умумлашган коррупцион хавф-хатарлар харитасига жамлайди;

вазирга, тегишли худудий бошқармалар, бўйсунувчи марказлар ва муассасалар раҳбарларига хавф-хатарни баҳолаш натижаларини ва коррупцион хавф-хатарларнинг умумлашган харитасини тақдим этади;

вазирлик тизимидаги коррупцион хавф-хатарларни камайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширилишини назорат қилади ва мувофиқлаштиради;

зарурат туғилганда, вазирлик таркибий бўлинмалари раҳбарлари ва координаторларидан ёки худудий бошқармалар, бўйсунувчи марказлар ва муассасалардаги коррупцияга қарши курашиш учун масъул шахслардан қўшимча маълумот ва ҳужжатларни сўрайди;

коррупциянинг пайдо бўлишига олиб келувчи шарт-шароитлар ва сабабларни бартараф этишга доир тадбирларни амалга оширишга қаратилган таклифлар киритади;

худудий бошқармалар, бўйсунувчи марказлар ва муассасалар томонидан коррупцияга қарши курашиш бўйича дастурларни кўриб чиқиш натижасида уларни қабул қилишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулосалар тайёрлайди;

ушбу Йўриқномада назарда тутилган бошқа вазифаларни ҳам бажаради.

10. Тегишли худудий бошқармалар, бўйсунувчи марказлар ва муассасаларда коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллар/координаторлар коррупцион хавф-хатарларни баҳолашни амалга оширади ва ташкил қилади, шунингдек улар қуйидаги вазифаларни бажаради:

коррупцион хавф-хатарларни баҳолашни амалга ошириш юзасидан ишчи гуруҳлар фаолиятини мувофиқлаштиради;

тегишли бошқармалар, марказлар ва муассасаларда коррупцион хавф-хатарларни баҳолаш жараёнини назорат қилиб боради;

тегишли худудий бошқармалар, бўйсунувчи марказлар ва муассасаларнинг бўлинмаларига мазкур Йўриқномада назарда тутилган тартиб-қоидаларга риоя этиш юзасидан маслаҳатлар беради;

зарурат туғилганда тегишли худудий бошқармалар, бўйсунувчи марказлар ва муассасалар раҳбарларидан қўшимча маълумот ва ҳужжатларни сўраб олади;

худудий бошқармалар, бўйсунувчи марказлар ва муассасаларда коррупцион хавф-хатарлар хариталарини тузади;

ушбу Йўриқномада назарда тутилган тартибда коррупцион хавф-хатарлар хариталарининг зарурий келишувини таъминлайди;

тегишли худудий бошқармалар, бўйсунувчи марказлар ва муассасаларда коррупциянинг пайдо бўлишига олиб келувчи шарт-шароитлар ва сабабларни бартараф этишга доир тадбирларни амалга оширишга қаратилган таклифлар киритади;

тегишли худудий бошқармалар, бўйсунувчи марказлар ва муассасаларда коррупцион хавф-хатарларни камайтиришга доир тадбирларни амалга оширилишини мувофиқлаштиради ва назорат қилади;

ушбу Йўриқномада назарда тутилган бошқа вазифаларни ҳам бажаради.

2-боб. Коррупцион хавф-хатарларни бирламчи баҳолаш

11. Коррупцион хавф-хатарларни бирламчи баҳолаш вазир буйруғи ва худудий бошқармалар, бўйсунувчи марказлар ва муассасалар раҳбарларининг тегишли буйруқлари асосида Вазирликда, барча худудий бошқармаларда, бўйсунувчи марказлар ва муассасаларда амалга оширилади.

Вазир буйруғи лойиҳасини Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими томонидан тайёрлайди. Буйруқ лойиҳасида мазкур Йўриқномада назарда тутилган ҳар бир босқични амалга ошириш муддатлари аниқ кўрсатилиши лозим.

Коррупцион хавф-хатарларни бирламчи баҳолашнинг умумий муддати 3 ойдан ошмаслиги керак.

12. Коррупцион хавф-хатарларни бирламчи баҳолаш ўз ичига функцияларнинг коррупцион хавф-хатарга дуч келиш даражасини олдиндан баҳолашни ва тегишли функциялар доирасида Вазирлик тизими ходимлари томонидан бажариладиган айрим тартиб-таомилларда коррупцион хавф-хатарлар даражасини баҳолашни қамраб олади.

13. Коррупцион хавф-хатарларни бирламчи баҳолаш мазкур бобнинг 14-20-бандларида кўрсатилган тартибда ва кетма-кетликда пастдан (худудий бошқармалар, бўйсунувчи марказлар ва муассасалардан) юқорига (Вазирлик даражасигача) амалга оширилади.

14. Биринчи босқичда ишчи гуруҳлар раҳбарлари мазкур Йўриқноманинг 1-илоvasида келтирилган функцияларни таснифлаш шакли (кейинги ўринларда - шакл) асосида вазирлик тизимининг таркибий

бўлинмалари томонидан амалга ошириладиган функциялар ва тадбирлар тавсифини ишлаб чиқиш бўйича кўрсатмалар тайёрлашади.

Топшириқда тўлдирилган шаклларни ишчи гуруҳга топшириш муддати (10 иш кунидан кам бўлмаган) кўрсатилади.

Шаклларни тўлдириш xls ёки doc электрон форматида амалга оширилади. Шаклларга қўшимча устунлар қўшишга йўл қўйилмайди.

Вазирлик тизимининг таркибий бўлинмалари раҳбарлари шаклларни қуйидаги тартибда тўлдирадилар:

Шаклга функциялар доирасида бажариладиган вазифалар ва тартиб-таомилларнинг тўлиқ рўйхати, шунингдек уларни бажаришга масъул бўлганлар киритилади;

ўз тажрибаларига ҳамда ушбу Йўриқноманинг 4-бобида келтирилган мезонларга асосланиб, ҳар бир функциянинг коррупция хавф-хатарига дучор бўлиш даражаси баҳоланади;

ўз тажрибаларига ҳамда ушбу Йўриқноманинг 4-бобида келтирилган мезонларга асосланиб, ҳар бир тартиб-таомойилга хос бўлган хавф даражаси баҳоланади;

коррупцион хавф-хатарга¹ кўпроқ мойил бўлган функцияларга тааллуқли тартиб-таомиллар учун қуйидаги маълумотлар тўлдирилади:

— ушбу тадбир доирасида амалга оширилиши мумкин бўлган эҳтимолий коррупцион сценариялар (хавф-хатарлар);

— коррупция сценарийларини (хавф-хатарларини) амалга ошириш хавфини камайтиришга қаратилган антикоррупцион тадбирларини бажарилиши;

— антикоррупцион тадбирларни амалга ошириш учун масъул ходимларни;

— антикоррупцион тадбирлар белгиланган норматив-ҳуқуқий ва ички ҳужжатларни;

— шунингдек, ўз тажрибалари ва ушбу Йўриқноманинг 4-бобида кўрсатилган мезонларга асосланиб, қолдиқ коррупцион хавф-хатарлар даражаси баҳоланади.

¹ Коррупцион хавф-хатарларга кўпроқ мойил бўлган функциялар билан боғлиқ тадбирлар учун коррупцион хавф-хатарларни баҳолашда чекланган ресурслар (кадрлар, моддий-техник ва молиявий)дан оқилона фойдаланиш учун тақдим этилади. Агар Вазирлик тизимида етарли ресурслар мавжуд бўлса, ушбу маълумотлар коррупция хавфига энг кам мойиллик касб этувчи функцияларга тегишли бўлган тадбирлар учун ҳам тўлдирилади.

Вазирликнинг таркибий бўлинмалари, ҳудудий бошқарма, бўйсунувчи марказ ёки муассаса томонидан тўлдирилган шакллар таҳлил қилиш мақсадида **Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими** – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг таркибий бўлинмаси ходимларига/координаторларига ёхуд ишчи гуруҳи таркибига киритилган коррупцияга қарши курашишга масъулларга юборилади. Функциялар/тадбирлар ҳамда уларга берилган хавф-хатар даражаларига оид саволлар ва камчиликлар аниқланган тақдирда, Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими ходимлари/координаторлар ёки коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллар томонидан функциялар/тадбирларни бажариш учун масъул бўлган таркибий бўлинма раҳбарларига изоҳ бериш ва/ёки Шаклларни тўғрилаш бўйича сўровнома юборилади. Жавоб хати Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими ходимлари/координаторлар ёки коррупцияга қарши курашиш бўйича масъулларга сўров олинган кундан бошлаб 2 иш кунидан кўп бўлмаган муддатда юборилиши зарур.

Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими ходимлари/координаторлар ёки коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллар ўзларининг эксперт хулосаларига таянган ҳолда функциялар ва/ёки тадбирларнинг коррупцион хавф-хатарлар даражасини ўзгартиришлари мумкин, шунингдек тузилмавий бўлинмалар томонидан бажарилган хатарларни баҳолашга бошқа ўзгартиришлар киритишлари мумкин.

Тўлиқ тўлдирилганлик нуқтаи-назаридан шаклларни таҳлил қилиш, хатарлар даражасини аниқлаш Йўриқномага амал қилиш, турли таркибий бўлинмалар томонидан шаклларни тўлдириш ўртасида номувофиқлик натижаларига кўра, Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими ходимлари/координаторлар ёки коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллар вазирлик, тегишли ҳудудий бошқарма, бўйсунувчи марказ ёки муассасанинг коррупцион хавф-хатарлари хариталарини мазкур Йўриқноманинг 3-иловасида кўрсатилган шаклда тўлдирадilar, шунингдек коррупцион хавф-хатарларни камайтириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқадилар.

Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими ходимлари/координаторлар ёки коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллар коррупцион хавф-хатарларни камайтириш бўйича чора-

тадбирларни хавф-хатарлар харитасига киритиш жараёнида тегишли таркибий бўлинмалар раҳбарлари билан келишадилар.

Агар Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими ходимлари/координаторлар ёки коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллар ҳамда таркибий бўлинма раҳбарлари аниқланган хавф-хатарлар, функциялар ва тадбирларни баҳолаш даражаси, хатарларни камайтириш ва бошқа масалаларда келиша олмаса, ҳар икки томоннинг позицияси Вазирлик, тегишли ҳудудий бошқарма, бўйсунувчи марказ ёки муассасанинг коррупцион хавф-хатарлар харитасида ўз аксини топади ёхуд тегишли ишчи гуруҳга кўриб чиқиш учун тақдим этилади.

Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими ходимлари/координаторлар ёки коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллар Вазирлик, тегишли ҳудудий бошқарма, бўйсунувчи марказ ёки муассасанинг коррупцион хавф-хатарлар харитасини ишчи гуруҳларга кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун киритадилар. Ишчи гуруҳлар йиғилиши натижалари бўйича баённомалар тузилиб, унда қабул қилинган қарорлар қайд этиб борилади. Баённомалар барча ишчи гуруҳлар аъзолари томонидан имзоланади ва Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими ходимларида сақланади.

Вазирлик, ҳудудий бошқармалар, бўйсунувчи марказлар ва муассасаларнинг коррупцион хавф-хатарлар хариталарини тузиш ва келишиш муддати функция/тадбирларни бажариш учун масъул бўлган таркибий бўлинмалар раҳбарларига шаклларни тақдим этиш учун белгиланган кундан бошлаб 20 иш кунидан ошмаслиги керак (коррупцион хавф-хатарларини баҳолаш бўйича вазир буйруғида кўрсатилади).

15. Ишчи гуруҳлар томонидан ҳудудий бошқармалар, бўйсунувидаги марказлар ва муассасаларнинг коррупцион хавф-хатарлар хариталарини тасдиқланганидан сўнг, координаторлар ёки коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллар уларни Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлимига юборадилар.

16. Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими ҳудудий бошқармалар, бўйсунувчи марказлар ва муассасаларнинг коррупцион хавф-хатарларининг умумлашган хариталарини мазкур Йўриқноманинг 3-иловасида келтирилган шаклда тайёрлайди, шу асосда Вазирлик, ҳудудий бошқармалар, бўйсунувидаги марказлар ва муассасаларнинг коррупцион хавф-хатарлар хариталари тайёрланади.

17. Агар саволлар ва камчиликлар аниқланса Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими коррупцияга қарши курашиш бўйича координаторлар/масъулларга ҳамда ҳудудий бошқармалар, бўйсунувчи марказлар ва муассасаларнинг тегишли раҳбарларига аниқланган камчиликлар юзасидан сўровнома юборади. Жавоб хати сўров олинган кундан бошлаб 2 иш кунидан кўп бўлмаган муддатда тақдим қилиниши шарт.

18. Коррупцион хавф-хатарларнинг умумлашган харитасини тузиш Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлимига коррупцион хавф-хатарлар харитасини тақдим этиш учун белгиланган кундан бошлаб 10 иш кунидан ошмаслиги зарур (коррупцион хавф-хатарларини баҳолаш бўйича вазир буйруғида кўрсатилади).

19. Қолдиқ коррупцион хавф-хатар даражаси юқори бўлган тадбирлар учун Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими, ҳудудий бошқармалар, бўйсунувчи марказлар ва муассасаларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича координаторлари/ масъуллари коррупцион хавф-хатарга кўпроқ мойил бўлган лавозимлар рўйхатини мазкур Йўриқноманинг 5-иловасига мувофиқ ишлаб чиқадилар.

20. Вазирлик, ҳудудий бошқармалар, бўйсунувчи марказлар ва муассасаларнинг коррупцион хавф-хатарларининг якуний харитаси ҳамда коррупцион хавф-хатарга кўпроқ мойил бўлган лавозимлар рўйхати Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими, мазкур бошқармалар, марказлар ва муассасаларда коррупцияга қарши курашиш бўйича масъулларнинг таклифлари асосида вазир ва тегишли ҳудудий бошқармалар, бўйсунувчи марказлар ва муассасаларнинг раҳбарлари томонидан тасдиқланади.

Коррупцион хавф-хатарларнинг умумлашган харитаси вазирликнинг Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими тавсиясига асосан вазир томонидан тасдиқланади.

3-боб. Коррупцион хавф-хатарларни кейинчалик (хар йилги) баҳоланиши

21. Вазирлик тизимида коррупцион хавф-хатарларни кейинчалик баҳолаш вазир буйруғи ва тегишли ҳудудий бошқарма, бўйсунувчи марказ ва муассасалари раҳбарлари буйруқлари асосида доимий тарзда, йилда бир мартаба амалга оширилади.

Вазир буйруғи лойиҳасини Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими тайёрлайди. Буйруқ лойиҳасида мазкур Йўриқномада назарда тутилган ҳар бир босқични ижро этиш муддатлари мажбурий тартибда кўрсатилади.

Коррупцион хавф-хатарларни кейинчалик (ҳар йилги) баҳоланиши муддати 2 ойдан ошмайди.

22. Коррупцион хавф-хатарларни ҳар бешинчи кейинчалик (ҳар йилги) баҳоланиши (яъни 5 йилда бир марта) коррупцион хавф-хатарларни бирламчи баҳоланиши тартибида ўтказилади (2-боб).

23. Вазир ва тегишли ҳудудий бошқармалар, бўйсунувчи марказлар ва муассасалар раҳбарлари буйруғи асосида Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими, ҳудудий бошқармалар, бўйсунувчи марказлар ва муассасаларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллари/координаторлари Вазирлик таркибий бўлинмалари, ҳудудий бошқармалар, бўйсунувчи марказлар ва муассасалари раҳбарларига Сўровнома (мазкур Йўриқноманинг 2-илоvasи) юборади, унда раҳбарлар ўз бўлинмаларининг функциялари ва тартиботларидаги ўзгаришларни олдинги коррупцион хавф-хатарларни баҳолашга таққослашлари лозим, шу жумладан қуйидаги ахборотни:

Вазирлик тизими бўлинмалари томонидан бажариладиган функциялар ва/ёки тартиботларга таъсир ўтказувчи қонунчиликда қандайдир ўзгаришлар юз бердим;

Вазирлик, унинг ҳудудий бошқармалари, бўйсунувчи марказлар ва муассасалари функциялари ва/ёки тартиботларини амалга оширишга таъсир қилган ёки таъсир қилиши мумкин бўлган фаолиятда ёки бошқа давлат органлари тизимида ёки бошқа ташқи таъсирлар қандайдир ўзгаришлар содир бўлганми;

коррупцион хавф-хатарларни якуний баҳолашдан бошлаб функция ва/ёки тартиботда, ички ҳужжатлар асосида тартибга солинувчи функция ва/ёки тартиботда қандайдир ўзгаришлар содир бўлганми;

коррупцион хавф-хатарларни олдинги баҳолаш билан назарда тутилган коррупцион хавф-хатарларни камайтириш бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилганми;

Вазирлик тизими таркибий бўлинмаларида функциялар ва/ёки тартиботларни бажариш тартибига таъсир қилиши мумкин бўлган бошқа ҳолатлар мавжудми.

24. Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими, ҳудудий бошқармалар, бўйсунувчи марказлар ва муассасаларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллари/координаторлари Вазирлик, ҳудудий бошқарма, бўйсунувчи марказлар ва муассасаларнинг тузилмавий бўлинмалари раҳбарлари томонидан тўлдирилган Сўровномаларни йиғиб олади, уларни таҳлил қилади ва киритилган ўзгаришларни белгилаб, Вазирлик, тегишли ҳудудий бошқармалар, бўйсунувчи марказлар ва муассасаларнинг коррупцион хавф-хатарлари хариталарига ўзгаришлар киритади.

Сўровномаларни тўлдириш бўйича саволлар ва эътирозлар пайдо бўлганда, Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими, ҳудудий бошқармалар, бўйсунувчи марказлар ва муассасаларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллари/координаторлари томонидан Вазирлик, тегишли ҳудудий бошқармалар, бўйсунувчи марказлар ва муассасаларнинг тузилмавий бўлинмалари раҳбарларига талабнома юборади. Мазкур сўровга жавоб 2 иш кунда тақдим этилиши лозим.

Коррупцион хавф-хатарлар хариталарига тузатишлар киритиш муддати таркибий бўлинмалар раҳбарлари, функция/тартиботни бажарилишига масъуллар учун Сўровномалар тақдим қилиш учун белгиланган муддатдан 10 иш кундан ошмаслиги керак (коррупцион хавф-хатарларини баҳолаш бўйича вазир буйруғида кўрсатилади).

25. Коррупцион хавф-хатарлар хариталарини тузатилган шаклини (уларда белгиланган ўзгаришлар билан) ҳудудий бошқармалар, бўйсунувчи марказлар ва муассасаларда коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллари/координаторлари Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлимига юборади.

26. Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими коррупцион хавф-хатарларнинг умумлашган харитасини тайёрлайди ва унда олдин ўтказилган коррупцион хавф-хатарларни баҳолашга солиштирган ҳолда ўзгаришларни белгилайди.

Тегишли саволлар ва эътирозлар пайдо бўлганда, Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими, ҳудудий бошқармалар, бўйсунувчи марказлар ва муассасаларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллари/координаторлари томонидан Вазирлик, тегишли ҳудудий бошқармалар, бўйсунувчи марказлар ва муассасаларнинг таркибий

бўлинмалари раҳбарларига талабнома юборади. Мазкур сўровга жавоб 2 иш кунида тақдим этилиши лозим.

27. Коррупцион хавф-хатарларнинг умумлашган хариталарини тайёрлаш даври Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлимига коррупцион хавф-хатарлар хариталарини тақдим этиш учун белгиланган вақтдан бошлаб 10 иш кунидан ортмаслиги лозим (коррупцион хавф-хатарларини баҳолаш бўйича вазир буйруғида кўрсатилади).

28. Қолдиқ коррупцион хавф-хатарларнинг юқори даражаси билан тавсифланадиган тартиботлар учун Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими, ҳудудий бошқармалар, бўйсунувчи марказлар ва муассасаларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллари/координаторлари томонидан мазкур Йўриқноманинг 5-илоvasи асосида коррупцион хавф-хатарларга энг кўп дуч келадиган лавозимлар рўйхатини ишлаб чиқади.

29. Вазирлик, ҳудудий бошқармалар, бўйсунувчи марказлар ва муассасаларнинг коррупцион хавф-хатарларининг якуний харитаси ҳамда коррупцион хавф-хатарларга энг кўп дуч келадиган лавозимлар рўйхати Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими, ҳудудий бошқармалар, бўйсунувчи марказлар ва муассасаларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллари/координаторлари тавсиясига кўра вазир, тегишли ҳудудий бошқармалар, бўйсунувчи марказлар ва муассасалар раҳбарлари томонидан тасдиқланади.

Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими тавсияси асосидаги Коррупцион хавф-хатарларининг умумлашган харитаси вазир томонидан тасдиқланади.

4-боб. Вазирлик тизимида амалга ошириладиган функция ва тартиботларда коррупцион хавф-хатарлар даражасини баҳолаш Йўриқномаи

30. Коррупцион хавф-хатарларни баҳолаш ташқи ва ички ахборот манбаларининг маълумотлари асосида таҳлил қилинади, шу жумладан:

коррупцион хавф-хатарларни баҳолаш ўтказиладиган функцияларни амалга оширишни тартибга солувчи Вазирлик тизими ички ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари (масалан, таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низом, ходимларнинг лавозим йўриқномалари ва бошқалар);

ички текширувлар, шу жумладан хизмат текширувлари материаллари;

ички аудит ва коррупцияга қарши мониторинг натижалари;
одоб-ахлоқ қоидалари бўйича Комиссия йиғилишлари натижалари;
манфаатдор томонлар, таълим хизматларини олувчилар, экспертлар ва бошқа манфаатдор шахслар билан ўтказилган сўровнома, шу жумладан социологик тадқиқотлар натижалари бўйича олинган Вазирлик ходимлари томонидан амалга оширилган коррупцион ҳатти-ҳаракатлар фактлари ҳақидаги хабарлар;

Вазирлик тизими фаолияти соҳасида ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги статистик маълумотлар;

коррупцион ҳатти-ҳаракатлар тўғрисида хабарлар учун мўлжалланган алоқа каналларига фуқаро ва юридик шахслар томонидан мурожаатлар, шу жумладан “Ишонч телефонлари”, Президент виртуал қабулхонаси ва Бош вазир қабулхонасига мурожаатлар;

Вазирлик тизими ходимлари томонидан ахлоқ-одоб қоидаларига риоя қилмаслик фактлари ёки уларнинг коррупцион ҳатти-ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилган фуқаролик жамияти мурожаатлари ва ОАВдаги маълумотлар;

ижтимоий тармоқлардаги изоҳлар;

ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан тақдим қилинган материаллар, шу жумладан прокурорнинг жавоб чоралари, жиноий ишлар бўйича материаллар ва бошқалар.

31. Коррупцион хавф-хатарларни баҳолаш жараёнида Вазирлик тизимидаги ҳар бир функция ва тартиботларни коррупцион ҳатти-ҳаракатларни амалга ошириш эҳтимоли нуқтаи-назаридан чуқур таҳлил қилиш зарур.

32. Ҳар бир функция қуйидаги мезонлар бўйича баҳоланади:

коррупцион хавф-хатарларга энг кўп мойил бўлган функция;

коррупцион хавф-хатарларга энг кам мойил бўлган функция.

33. Функция қуйидаги ҳолларда коррупцион хавф-хатарларга энг кўп мойил бўлган ҳисобланади:

Вазирлик, ҳудудий бошқармалар, бўйсунувчи марказлар ва муассасаларнинг таркибий бўлинмаларига юклатилган кузатув ёки назорат функциясини амалга оширилиши;

функция доирасида фуқаролар ва/ёки юридик шахслар билан тўғридан-тўғри шахсий ўзаро алоқа амалга оширилади;

функцияни бажариш натижаси сифатида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ва ички ҳужжатларда белгиланган тадбирларни келишиш ва тасдиқлаш, давлат намунасидаги ҳужжатлар, рухсатномалар, хулосалар (шу жумладан баҳолаш хулосалари) берилиши;

функция доирасида Вазирлик тизимининг бюджет маблағлари ва/ёки мулки бегоналашуви амалга ошади ёхуд Вазирлик тизимининг бюджет маблағлари ва мулкани олувчилар танланади;

функция доирасида товарларни етказиш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш учун буюртмаларни жойлаштириш амалга оширилади;

функция доирасида Вазирлик тизими ихтиёридаги ер участкалари, бошқа кўчмас мулк объектларини ижарага олиш бўйича шартномаларни тузиш ҳуқуқи берилади;

функция доирасида субъектив кўрсаткичларга кўра бир неча номзодлар (жисмоний ёки юридик шахслар) таққосланади;

функция доирасида моддий-техник ресурсларнинг сақланиши ва тақсимланиши амалга оширилади;

Вазирлик тизимидаги таълим муассасаларида Якуний давлат аттестацияси ўтказилади;

Вазирлик тизимидаги таълим муассасаларига абитуриентларни қабул қилиниши;

Вазирлик тизимидаги таълим муассасалари талабаларининг ўзлаштириш натижаларини баҳоланиши;

Вазирлик тизимида талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш, талабалар сафидан чиқариш масалалари бўйича қарорлар қабул қилиш, шунингдек Якуний давлат аттестациясини қайта топширишга рухсат берилиши;

Мазкур функция билан боғлиқ текширишлар натижасига кўра коррупцион ҳаракатлар тўғрисида ахборот бериш учун мўлжалланган алоқа каналлари орқали тасдиқланган хабарлар ёки шикоятларнинг мавжудлиги;

мазкур функцияни амалга ошириш доирасида коррупцияга оид фактлар ёки гумонлар тўғрисидаги ахборотни (шу жумладан ижтимоий тармоқлардаги изоҳларни инобатга олган ҳолда) чоп этилиши;

функцияни амалга оширувчи таркибий бўлинма раҳбари лавозимига вакант ўриннинг мавжудлиги ёхуд таркибий бўлинма раҳбарларининг тез-тез алмашинуви;

функция билан боғлиқ бўлган коррупцион қонунбузарликлар тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, бошқа давлат органлари, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан тақдим этилган материалларнинг мавжудлиги;

хизмат вазифаларини бажариш жараёнида манфаатлар тўқнашуви бўйича тасдиқланган фактларининг мавжудлиги, шу жумладан хизмат вазифаларини бажариш жараёнида фаворитизм, непотизм (қариндош-уруғчилик), маҳаллийчилик, гуруҳбозлик ҳолатларининг мавжудлиги.

34. Мазкур Йўриқноманинг 33-бандида кўзда тутилмаган ҳолатларда функция коррупцион хавф-хатарга энг кам даражада мойил деб ҳисобланади.

35. Ўрганилаётган функция доирасида бажариладиган тартиб-таомилларга хос бўлган хавф-хатарни баҳолаш қуйидаги мезонлар асосида амалга оширилади:

- *юқори хос хавф* функция доирасида амалга ошириладиган коррупцион хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган тартиб-таомиллар учун ўрнатилади;
- *ўртача хос хавф* функция доирасида амалга ошириладиган коррупцион хавф-хатарга энг кам мойил бўлган тартиб-таомиллар учун ўрнатилади;
- *қуйи хос хавф* мазкур Йўриқномага киритилмаган, шундай бўлсада Ўзбекистон Республикаси коррупцион хавф-хатарлар юқори (коррупциянинг тарқалиши ва унинг қабул қилиниши бўйича Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтингларда жорий ҳолати асосида) мамлакат эканлигини инобатга олган ҳолда, Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлимининг асосланган хулосаларига кўра алоҳида ҳолларда қўлланилиши мумкин. Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлимининг асосланган хулосалари бўйича Ўзбекистон Республикасида коррупциянинг тарқалиши ва унинг қабул қилиниши бўйича мамлакатда умумий вазиятни яхшиланиши натижасига кўра, қуйи хос коррупцион хавф мазкур Йўриқномага киритилиши мумкин.

36. Эҳтимолий коррупцион сценарий (хатар)лар қуйидагиларни амалга ошириш имкониятидан келиб чиқиб шаклланади:

Ходимлар ва(ёки) ўзларининг яқин қариндошлари томонидан поралар олиш, шунингдек ходимнинг ўз хизмат вазифаларини виждонан бажармаслик эвазига асосланмаган юқори даражадаги мукофотларга, преференцияларга ва имтиёзларга (шу жумладан товарлар сотиб олишда имтиёзларга) эга бўлиши, турли даражадаги ташкилотлар ёки шахслар хизматларидан фойдаланиши;

таълим хизматларини олишда ва(ёки) кўрсатишда сунъий тўсиқларни яратиш;

белгиланган муддатларда қарор қабул қилмаслик ёхуд навбатдан ташқари тартибда тезкор қарор қабул қилиш, шунингдек алоҳида жисмоний ёки юридик шахсга нисбатан мавжуд талабларни айланиб ўтиш;

ҳужжатларга, маълумотларнинг электрон базасига билиб туриб нотўғри маълумотларни киритиш;

хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилиши, шу жумладан хизмат вазифаларини бажариш жараёнида фаворитизм, непотизм (қариндош-уруғчилик), маҳаллийчилик, гуруҳбозлик ҳолатларининг мавжудлиги.

37. Қолдиқ коррупцион хавф-хатар даражасини баҳолашда хавф ҳодисаси (мазкур Йўриқноманинг 6-иловасида келтирилган 6.1-жадвалдаги мезонлар) ва хавф ҳодисасининг юзага келиш эҳтимолини хатарлар аҳамияти матрицасидан фойдаланган ҳолда (мазкур Йўриқноманинг 6-иловасида келтирилган 6.2-жадвалдаги мезонлар) юзага чиқишига таъсир қилиши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

5-боб. Коррупцион хавф-хатарнинг қолдиқ даражасини камайтириш чоралари

38. Коррупцион хавф-хатарларнинг қолдиқ даражасини камайтиришга хизмат қилувчи тадбирлар, назорат ва ҳаракатлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

Вазирлик тизимидаги функциялар ва тартиботларни тартибга солинганлиги;

таълим хизматларини кўрсатиш тартиботларини оптималлаштириш, асосланмаган чекловларни ва ортиқча маъмурий тартиботларни бартараф этиш, тартибга солишнинг бюрократик механизмларини чиқариб ташлаш, ихтиёрий ваколатлар миқдорини камайтириш, топшириладиган ҳужжатлар сонини ва қарор қабул қилиш муддатларини қисқартириш;

маъмурий тартиботлар ва бошқа ҳаракатлар қўлланиладиган Вазирлик тизими ходимлари ва мурожаатчи ўртасида тўғридан-тўғри мулоқотни максимал камайтириш, маълумот алмашинувининг электрон тизимини жорий этиш;

хизмат фаолиятини амалга ошириш жараёнида ахборот технологияларини қўллаш соҳаларини кенгайтириш, иш жараёнларини автоматлаштириш, видеокузатув воситаларидан фойдаланиш ва аудиоёзувларни қайд қилиш;

амалга оширилаётган давлат харидлари тўғрисидаги маълумотларни расмий веб-сайтда ҳамда бошқа ОАВларида жойлаштириш орқали тарқатиш;

давлат органида коррупция ҳолатлари бўйича жамоатчиликни хабардор қилишни рағбатлантиришга қаратилган биринчи навбатда фуқаролар, нодавлат ноижорат ташкилотлари ва ОАВ билан ўзаро ҳамкорлик шакллари кенгайтириш;

Вазирлик, унинг ҳудудий бошқармалари, бўйсунувчи марказлари ва муассасаларида маънавий-маърифий тадбирлар ва профилактик суҳбатларни ўтказиш, “Ишонч телефони” ва алоқа каналларини тарғиб қилиш;

коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича Вазирлик тизими ходимларини ўқитиш;

номзодлар танловини ўтказиш механизмини такомиллаштириш, уларни аниқ мезонларини ўрнатиш ҳамда шаффофликни таъминлаш, коррупцион хавф-хатарларга кўпроқ мойил лавозим эгалари Вазирлик тизими ходимларини мажбурий ротацияси тартибини тасдиқлаш;

бир киши томонидан қарорлар қабул қилиш ҳолатларини камайтириш, шунингдек қабул қилинган қарорлар натижалари бўйича Вазирлик тизими ходимлари томонидан ҳисобот беришда қўшимча шаклларни жорий этиш;

Вазирлик тизими ходимлари томонидан коррупцияга қарши курашиш ва манфаатлар тўқнашувини бошқариш масалалари бўйича ички ҳужжатларга амал қилиниши бўйича назоратни таъминлаш;

Вазирликда коррупцияга қарши курашиш тизими элементларини самарали амал қилишини таъминлаш.

39. Коррупцион хавф-хатарларни камайтириш бўйича чора-тадбирларни аниқлашда қуйидаги шартлар ўз аксини топиши зарур:

ҳар бир чора-тадбир тушунарли ва аниқ қилиб шакллантирилиши керакки, у Вазирлик тизими ходимларининг тўлиқ англашига хизмат қилиши зарур, унинг мақсади ва якуний натижаси конкрет коррупцион хавф-хатарларни камайтириш билан боғланган бўлиши лозим;

ҳар бир чора-тадбир учун амалга ошириш даврийлиги ва муддати ўрнатилган бўлиши, амалга ошириш учун масъул ижрочилар, шунингдек

унинг самарадорлигини баҳолаш ва амалга ошириш . мониторинги механизмлари белгиланиши керак.

40. Вазирликда, унинг ҳудудий бошқармаларида, бўйсунувчи марказларида ёки муассасаларида аниқланган коррупцион хавф-хатарларни камайтириш бўйича тадбирлар (ўзларининг коррупцион хавф-хатарлар хариталарига киритилган) Вазирлик ва унинг ҳудудий бошқармалари, бўйсунувчи марказлари ва муассасаларининг коррупцияга қарши кураш бўйича Дастурларига киритилади (мазкур Йўриқноманинг 4-илоvasи).

Коррупцион хавф-хатарлар хариталарида ўз аксини топган аниқланган коррупцион хавф-хатарларни камайтириш бўйича тадбирларни Вазирлик тизимининг коррупцияга қарши курашиш бўйича дастурларига киритилади.

41. Коррупцион хавф-хатарларни камайтириш бўйича тадбирлар ижросини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарлик вазир ва тегишли ҳудудий бошқарма, бўйсунувчи марказ ва муассаса раҳбари зиммасига юкланади.

42. Вазирлик тизимида коррупцион хавф-хатарларни камайтириш бўйича тадбирлар ижроси назорати Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими, ҳудудий бошқармалар, бўйсунувчи марказлар ва муассасаларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллари/координаторлари томонидан амалга оширилади.

6-боб. Яқуний қоидалар

43. Зарурият туғилганда, Вазирлик тизимида коррупцион хавф-хатарлар харитаси ҳамда коррупцияга қарши курашиш дастурига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш билан боғлиқ масалалар Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими, ҳудудий бошқармалар, бўйсунувчи марказлар ва муассасаларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллари/координаторлари таклифига асосан вазир ва ҳудудий бошқармалар, бўйсунувчи марказлар, муассасаларнинг раҳбарлари томонидан кўриб чиқилади.

**Хатарларни бирламчи баҳолаш учун бажариладиган функциялар ва тартиботлар
 ТАВСИФИ**

1. Бўлинма
 - 1.1. Орган ёки муассаса номи
 - 1.2. Бўлинма
 - 1.3. Бўлим
 - 1.4. Бошқарма
2. Тўлдириш учун масъул
 - 2.1. Фамилия ва исми
 - 2.2. Лавозими
 - 2.3. Алоқа учун (электрон почта, телефон)

№	Функция номла-ниши	Коррупцио-н хавф-хатарга мойиллик даражаси (юқори даражада мойил / кам даражада мойил)	Функция доирасида бажариладиган тadbир номи	Tadbirни бажариш учун жавобгар шахслар (лавозим, бўлинма)	Эҳтимоллий коррупцио-н схема (хатар)ни қисқача тавсифи	Хос коррупцио-н хатар (юқори / ўртача / паст)	Мавжуд назорат тadbирлари/ коррупцио-н хатарларни камайтири ш бўлинча чоралар	Коррупцио-н хатарларни камайтириш бўлинча чоралар/назор ат тadbирларини тартибга солиувчи норматив-хукукий ва ички ҳужжатлар	Коррупцио-н хатарларни камайтириш бўлинча чоралар/назор ат тadbирларини бажариш учун жавобгар шахслар	Коррупцио-н хатарга эҳтимолли-ги (юқори / ўртача / паст)	Коррупцио-н хатар оқибатла-ри (юқори / ўртача / паст)	Коллик хатар даражаси (юқори / ўртача / паст)	Изоҳлар (зарурат бўлганда)
1													
2													

**Коррупцион хавф-хатарларни кейинчалик баҳолаш юзасидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
тизимининг таркибий бўлинмалари функцияларини тавсифлаш бўйича саволнома
ШАКЛИ**

Илтимос, қуйидаги саволларга жавоб беринг (тўғрисини тагига чизиб қўйинг):

1. Коррупцион хавф-хатарни яқуний баҳолашдан бошлаб қонунчиликда қандайдир ўзгаришлар содир бўлдимми? Агар жавоб ижобий бўлса, қуйидаги жадвалга тегишли маълумотларни киритинг.
А) Ҳа Б) Йўқ
2. Коррупцион хавф-хатарни яқуний баҳолашдан бошлаб Сизнинг таркибий бўлинмангиз бажарадиган функция таркибида ёки функция фаолиятини тартибга солувчи ички ҳужжагларда қандайдир ўзгаришлар содир бўлдимми? Агар жавоб ижобий бўлса, қуйидаги шаклга тегишли маълумотларни киритинг.
А) Ҳа Б) Йўқ
3. Коррупцион хавф-хатарни яқуний баҳолашдан бошлаб Сизнинг таркибий бўлинмангиз фаолиятида/давлат бошқаруви органлари таркибида функцияни амалга оширишга таъсир ўтказиши мумкин/ таъсир ўтказган қандайдир ўзгаришлар содир бўлдимми? Агар жавоб ижобий бўлса, қуйидаги шаклга тегишли маълумотларни киритинг.
А) Ҳа Б) Йўқ
4. Коррупцион хавф-хатарни олдинги баҳолашда назарда тутилган коррупцион хавф-хатарни қайтагириш бўйича тадбирлар амалга оширилдимми? Нима ва қачон амалга оширилганини ифодалаб беринг. Агар амалга оширилмаган бўлса ёки қисман амалга оширилган бўлса, нима учунлигини ёзиб беринг.
А) Ҳа Б) Йўқ В) Қисман амалга оширилган
5. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимининг бўлинмаларида функцияни бажариш тартибига ва тадбирларни амалга оширилишига таъсир қилиши мумкин бўлган бошқа сабаблар мавжудми? Агар жавоб ижобий бўлса, қуйидаги жадвалга тегишли маълумотларни киритинг. А) Ҳа Б) Йўқ

№	Вазирлик / ҳудудий бошқарма, бўйсунувчи марказ ёки муассаса номи	Вазирлик, ҳудудий бошқарма, бўйсунувчи марказ ёки муассаса бўлинимаси	Функцияни ўзгариши сабаблари	Функция ўзгаришлари тавсифи	Функция доирасида бажариладиган янги/ўзгартирилган тартиблар	Тартибларни бажарилишига масъул шахслар (исм-шарифи, лавозими)
1.1.1.						
1.1.2.						
...						

Вазирлик тизими органи/муассасаси _____

Бўлинма _____

Тўлдирувчи шахс лавозими _____

Тўлдирувчи шахс исм-шарифи _____

Имзо _____

Тўлдириш санаси _____

Коррупцион хавф-хатар харитаси (умумлашган/ орган ёки муассаса - кераклисини тагига чизинг)

Вазирлик / Худудий бошқари а, тасарруф идаги марказ ва муассаса лар номл	Функция нинг коррупц нон хатарга мойилли к	Функция доирасида бажарила диган тадбир номи	Тадби рни амалга ошири шга жавобг ар шахсл ар (лавоз ими, бўли ма)	Эҳтимо лий корруп цион схема (хатар) нинг қисқач а тавсиф и	Мас корруп цион хатар (юқори / ўртача / паст)	Мавжуд назорат тадбирл ари / коррупц нон хатарла рни камайти риш бўйича чоралар	Назорат тадбирла рини амалга ошириш га жавобгар шахслар / мер по коррупц нон хатарлар ни камайти риш бўйича чоралар (лавозим и, бўлима)	Коррупц нон хатарни шг эҳтимол и (юқори / ўртача / паст)	Коррупц нон хатарни оқибатл ари (юқори / ўртача / паст)	Қолдик коррупц нон хатар даража си (юқори / ўртача / паст)	Коррупц нон хатарла рни камайти риш бўйича тақлиф этилади ган чоралар	Коррупц нон хатарни камайти риш ини амалга ошириш га масъул (лар)	Коррупц нон хатарни камайти риш ини амалга ошириш муудатл ари	

**Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашнинг бўйича
 ДАСТУР**

№	Вазирлик / худудий бошқарма, бўйсунувчи марказ ёки муассаса номи	Коррупция хавфини камайтиришга хизмат қилувчи чоралар/тадбирлар/тартиботлар	Амалга ошириш механизми	Ижро этиш муддатлари	Масъул ижрочилар (исм-шарифи, лавозим)
1.1.					
1.2.					
...					
2.1.					
2.2.					
...					

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлиги тизимида
коррупцион хавф-хатарларни баҳолаш
Йўриқномасига 5-илова

**Коррупцион хатарга мойиллиги юқори бўлган Вазирлик тизими лавозимлари
РЎЙХАТИ**

№	Вазирлик / худудий бошқарма, бўйсунувчи марказ ёки муассаса номи	Бўлинмалар функцияларини бажаришга масъул шахслар (лавозим)	Бўлинма номи
1.1.			
...			
2.1.			
...			

6.1-жадвал – Коррупцион хатар эҳтимоли даражасини аниқлаш мезонлари

Эҳтимоллик	Таърифлаш
Юқори	<ul style="list-style-type: none"> — Хос хавф даражаси юқори, ва — Назорат тадбирларининг мавжуд эмаслиги / кенг кўламли қайта ишлашни талаб қилувчи назорат тадбирларининг мавжудлиги, ва — Ички ҳужжатлар асосида тадбирларни аниқ регламентининг мавжуд эмаслиги, ва — Тартиботни автоматлаштиришнинг мавжуд эмаслиги/паст даражаллиги
Ўрта	<ul style="list-style-type: none"> — Хос хавф даражаси ўрта, ва — Тадбир тартибга солинган, унча кўп бўлмаган қайта ишлашни талаб этувчи назорат тадбирлари жорий қилинган, ёки — Тадбир тартибга солинган, қисман автоматлаштирилган, лекин етарли даражада шаффоф эмас. ёки — Хос хавф даражаси юқори, ва — Хавфни камайтириш учун етарли бўлган назорат тадбирларининг мавжудлиги, шу жумладан энг камида уч киши томонидан ўзаро функционал назорат(Вазирлик, ҳудудий бошқармалар, бўйсунувчи марказлар ёки муассасаларнинг турли таркибий бўлинмалари назорати)ни кўзда тутувчи Вазирлик тизими ички ҳужжатлари билан тартибга солиш, ва — Тадбир қисман ёки тўлиқ автоматлаштирилган.
Қуйи	<ul style="list-style-type: none"> — Хос хавф даражаси қуйи ёки — Хос хавф даражаси ўрта, ва — Хавфни камайтириш учун етарли бўлган назорат тадбирларининг мавжудлиги, шу жумладан энг камида уч киши томонидан ўзаро функционал назорат(вазирлик, ҳудудий бошқармалар, бўйсунувчи марказлар ёки муассасаларнинг турли таркибий бўлинмалари назорати)ни кўзда тутувчи вазирлик тизими ички ҳужжатлари билан тартибга солиш, ва — Тартибот тўлиқ автоматлаштирилган.

6.2-жадвал – Коррупцион хавф-хатар таъсири даражасини аниқлаш мезонлари

Таъсир	Обрўга путур етказиш	Жавобгарлик
Юқори	— Хавф-хатар Вазирлик тизими обрўсига мамлакатлар /халқаро даражада катта таъсир қилади	— Вазирлик тизими ходимларига нисбатан жиноий иш очилиши
Ўрта	— ОАВда салбий ҳолатнинг ёритилиши; — Аҳоли ва ҳамкорлар томонидан салбий фикрлар ва шикоятлар билдирилиши; — Хавф-хатар Вазирлик тизими обрўсига маҳаллий даражада таъсир қилади.	— Вазирлик тизими ходимларига нисбатан маъмурий иш очилиши
Қуйи	— Аҳоли, маҳаллий ОАВлардан мавжуд ҳолатга изоҳ бериш борасида талаблар бўлиши мумкин	— Вазирлик тизими ходимларига нисбатан маъмурий иш очилиши

6.1-расм. Хавф-хатарнинг зарурийлик матрицасида жойлашуви (коррупция хавф-хатарнинг қолдиқ даражасини аниқлаш)

